

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИҚАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ

АЛИИНЕР НАВОИНГ ПОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ
ИНСТИТУТИ

НАВОЙЙНИНГ ИЖОД ОЛАМИ

(Мақолалар тўплами)

ТОШКЕНТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИҚАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

«ФАН» НАШРИЁТИ

2001

Ушбу тўплам ўзбек халқининг буюк шоири ва мутафаккири Мир Алишер Навоий ижодиётига багишланган тадқиқотлардан таркиб топган. Ундаги мақолаларда Навоий адабий меросининг деярли ўрганилмаган ёки мустақиллик давригача ўрганишга имкон бўлмаган муаммолари ёритилган. Шунинг учун китобдан жой олган Навоий шеъриятилинг бадиияти, услуби, тимсоллари ва тасаввуфий моҳияти, улуғ санъаткор насрига багишланган, шунингдек, бошқа мавзудаги мақолалар қизиқиб ўқилади, деган умиддамиз.

Тўплам илмий ходимлар, адабиёт музаллимлари, аспирантлар, олий ўқув юрти талабалари ва умумал навоийхонларга мўлжалланган.

Масъул мұхаррир:
Филология фанлари доктори ИБРОҲИМ ҲАҚҚУЛ

Нашр га тайёрловчиilar:
НОДИР РАМАЗОНОВ, ЭРТАШ ОЧИЛОВ

И 460300000—з-517 Рез.2001 © Ўзбекистон Республикаси
М355(04)—2001 ФЛ «Фан» пашриёти, 2001 йил.

ISBN 5—648—02766—4

ИНСТИТУТДАН

Ўзбек халқининг улуғ мутафаккир шоири, жаҳон адабиёти тараққиётига улкан ҳисса қўшган даҳо санъаткор Алишер Навоийнинг асарларини нашр этиш ва кенг кўламда тадқиқ қилишда олимларимиз кейинги йилларда яхши натижаларга эришдилар. Шу пайтгача Навоий Мукаммал асарлар тўплами (20 жилдлик) нинг 16 таси ўқувчилар қўлига етказилган бўлса, яқинда 17-том ҳам нашрдан чиқди. Бу китоб Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асарининг биринчи мартаба босилган тўлиқ нашрийдир. Демак, тасаввуф тарихи, истилоҳлари, тариқат ва тасаввуф адабиётидан баҳс юритилган ушбу қимматли манба илм ва ижод аҳли билан бир қаторда кенг китобхонлар жамоасини ҳам қизиқтириши шубҳасизdir.

Қўлингиздаги ушбу мақолалар тўпламида эса, ҳазрат Навоийнинг шеърий ва насрый мероси, поэтик образлар олами, ижодиётининг ислом дини ва тасаввуф билан боғлиқ жиҳатлари тадқиқ этилган.

Тўплам асосан иккнишдан таркиб топган: биринчиси — поэтика масалалари текширилган мақолалар, иккинчиси — Навоий асарларининг маъно-моҳияти, айниқса, тасаввуф таълимоти билан бевосита алоқадор қирралари текширилган тадқиқотлар.

Бундан ташқари, мажмуудаги мақолалар навоийшуносликнинг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилаётганлиги, баъзи тадқиқот тармоқлари кенгаяётганлигини ҳам кўрсатади.

Китобдан малакали ва устоз навоийшуносликнинг мақолалари билан ёйма-ён ёш тадқиқотчилар ишларининг ўрин олиши навоийшуносликнинг истиқболига умид билан қарашга асос беради, деб ўйлаймиз.

Иброҳим ҲАҚҚУЛ

ТАСАВВУФ ВА НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИ ҲАҚИДА

Тарихдан маълумки, тасаввуф бизнинг адабиётимиз, санъатимиз ва мусиқамиз тараққиётига алоҳида таъсир ўтказган таълимотдир. Шунингдек, тасаввуфнинг шахс тарбияси ва камолоти жабҳасидаги хизматлари ҳам кўп жиҳатдан ибратли эрур. Покистоннинг файласуф шоири Муҳаммад Иқбол таъкидлаганидек «Ихлосли ва ҳақиқий моҳиятга эга бир жараён бўлган тасаввуф мусассасининг юзага чиқиши, ҳеч шубҳа йўқки, мусулмонликда диний тажрибанинг такомили ва тўғри тараққий топишида муҳим омил бўлган»¹. Шу боисдан ҳам мутасавифларнинг метафизик қарашлари бизнинг тушиунча ҳаётимизда янгилик ва юксалиш манбай эканлиги эътибори ила бағоят фойдалидирки, «уларни» ўзимизнинг қарашларимиз билан муқояса қилиб, яхши натижаларга эришишимиз мумкин»².

Дарҳақиқат, тасаввуф аҳлининг ташқи дунё билан ички дунёни ажратмаслик, ахлоқ, қалб ва руҳ тарбияси орқали инсонда қудратли бирлик туйғусини яратиш тажрибалари ҳамма замонлар учун ибратлидир.

Тасаввуф ва тариқатлар тарихига чуқурроқ назар ташланса, тасаввуфнинг бошқа дин ва ҳар турли ноқис фалсафий оқимлар таъсиридан холи, соғлом ва илфор фиқрларга тўла таянган даври — илк сўфийлик даври эканлиги равшанлашади. Араб олими Абдуқодир Махдумга кўра бутун тарих мобайнида юзага чиққан тасаввуфий ҳаракатлар учга ажралади: 1. Салафий тасаввуф. 2. Сунний тасаввуф. 3. Фалсафий тасаввуф.

Салафий тасаввуф Муқотил б. Сулаймон (ваф. 150/767) билан бошланиб, Имом Малик (ваф. 179/795) томонидан юқори чўққисига кўтарилган. Сунний тасав-

¹ Иқ бол М. Исломда диний тафаккурнинг яигидан ташаккули. Истанбул, 1999. 15-бет.

² Фидон М. А. Тарихий шаклланиш жараёнида сўфийлик. Истанбул, 1997, 84-бет.

вүф аҳли байт ва Жаъфар Содиқ (ваф. 148/765) воситасида юзага чиққан. Ҳорис Мұхосибий (ваф. 243/857) ва Жұнайд Бағдодий (ваф. 297/909) ила шаклланган. Имом Газзолий (ваф. 505/1111) уни такомилига эриштирган. Ғарб фалсафаси ва шна — ботиний қараашларга үрін берган фалсафий тасаввуфнинг туғилиши ва равнақи Сұхравардий Мақтул (ваф. 587/1191), Ибн Арабий каби мутасаввиғ ҳамда олимларнинг номлари билан боғлиқ. Бу ҳаракатлар, ҳеч шубҳасизки, бир-биридан фарқланадиган, айни пайтда бир-бирини инкор айладиган нұқтаи назар ва тушунчаларга ҳам әрк берған. Натижада тасаввуф ва тариқатлар фикрий ихтилоф, амалий инкор ва нуфуз талашувлар майдонига айланған. Сунний тасаввуфға қарши шиддатли кураш авж олдирилған. Тасаввуф ҳақиқатларини нотұғри талқин қилиш, тасаввуфни бадном этиб, халқни сұфий ва мутасавиғлардан совутиш шүро замонида әмас, балки үнинчи асрлардағे ғаол ҳаракат шаклини олған.

Сунний тасаввуф тарихи вә ҳақиқатлари мукаммал бир тарзда ёритилған «Таъарруф» китобининг муаллифи Абубакр Мұхаммад бин Исҳоқ Бухорий Қалобозий ёзади: «Ниҳоят тасаввуфдан маъно кетди, исм қолди. Ҳақиқат пинҳон бўлди, шакл зоҳирга чиқди... Тасаввуфни қабул қилганликларини тилларида иқор этгандар ҳулқ-атворлари ва амаллари билан бу йўлни инкор этдилар. Тасаввуфни халққа тушунтириш ҳолатидагилар бу йўлнинг ҳақиқий мөҳиятини яшириб, тасаввуфға алоқаси йўқ нарсаларни кирилдилар ва унга нисбат бердилар. Шу тарзда бу йўлдаги ҳақ нарса ботил ўлароқ кўрсатилди...»³.

Бундай шароитда тасаввуф тұғрисида холис сўзлаш, унинг ҳақиқатларини асл ҳолида тушунтириш ёки тарғиб қилиш албатта мумкин әмас. «Тасаввуф ҳақиқатларини билгувчилар, — дейди Қалобозий, — бир гүшага бекиниб, билганларини бошқалардан сир тутдилар, қатъян яширдилар. Оқибатда халойиқ кўнглида тасаввуфға нисбатан нафрат уйғонди, виждонлар сўфийлардан совиди»⁴. Лекин ҳеч қандай душманлик ва ғаразли ҳаракатлар мөҳияти соғ, ҳақиқатлари инсон камолотига қаратилған тасаввуф ҳаракатини тұхтата олмади. Санъат, шеърият, мусиқа тасаввуфға қанот бағишлиди.

Шуни унутмаслик керакки, тасаввуф қанчалик мурakkab бўлса, шунчалик зиддиятли, баъзан оқ билан

³ Қалобозий. Таъарруф. Истанбул, 1992, 48—49-бетлар

⁴ Ұша жойда.

қорани ажратишга унча имкон бермайдиган бир таълимотдир. Шу бонс баъзилар уни кашфу каромат сотиш деб англашса, айримлар аҳвол ва муроқаба билан чекланувчи бир «ilm» деб билишган. Бир қисм одамларнинг тасаввуррида тасаввуф қандайдир хусусий одат ва тақлид қилиш иши бўлса, бошқа бирорвлар унга тараққиёт учун заарарли ва жамият ҳаётидан узоқлашувга чорловчи узлатпаастлик деб қарашган. Тасаввуф деганда сир ва ғайб олами билан алоқани англовчилар ҳам кам бўлмаган. Маълум бир гуруҳ кишилар эса ваҳдати вужуд ва ваҳдати шуҳуд назариялари билан фалсафий рангга бўянган тушунчаларни қабул қилиб, чинакам тасаввуф ана шудир, деган қатъий хулосада туриб олишган. Ҳолбуқи, чинакам тасаввуф, Шарқнинг кўп буюк санъаткорлари қатори Алишер Навоийнинг ҳам диққат-эътиборини ўзига қаратган тасаввуф, мутлақо бошқадир. У ишқ, маърифат, руҳоният тасаввуфи, том маъноси ила комиллик тариқидир.

Айрим тасаввуфшунослар сўфийликни уч жабҳада тадқиқ этишни тавсия қилишган⁵. Шулардан бири — таассурий-руҳий тасаввуф. Бу ишқ ва жазбага таяниш тажрибаси бўлиб, алоҳида нуфузга эга. Чунки шайтон ҳам бир замонлар солик бўлган, бироқ ҳеч вақт муҳаббат ва ишқ ҳиссиятларига соҳиб бўлмаган экан. Демак, жазба ила ёниб ишқ асирига айланганда у йўлдан озиб, абадий лаънатга учрамасди. Зоро, ич туйғулари ва ишқ суруридан маҳрум соликнинг йўли ҳамиша таҳликали. Тасаввуфнинг энг катта хизмати ҳам ишқни инсон ҳаётининг туб асоси ва руҳониятининг нури деб эътироф этганлигиdir. Алишер Навоийга кўра ҳам агар кўнглида ишқ оташи ёнмаса, кофирлик билан мусулмонликда фарқ қолмайди. Ишқ бўлмаса, мусулмонлик ҳам, зуҳду тақво ҳам қуруқ даъводир:

Ишқ кўнглига солиб дард, они қон этмиш,
Ул кисват била кофирни мусулмон этмиш.

Албатта, бунда назарда тутилган «кофир» — нафс. Бу кофирни мусулмон айлаш тажрибаси эса соғ тасаввуфий тажриба. Бу тажрибанинг талаб, эҳтиёж ва шартларини ҳисобга олмай, Навоийнинг руҳ, кўнгил, фақр, фано, бақо, ваҳдат баҳсидаги фикр-холосаларини умуман тўғри талқин қилиб бўлмайди. Навоийнинг

⁵ Қаранг: Ҳаққу 1. Тасаввуф сабоқлари. Бухоро, 2000. 13—14-бетлар.

лирик қаҳрамони Ҳақни ичкин ўлароқ нафсда мушоҳада айлагани учун у ниҳоятда кучли руҳий салоҳият соҳибидир. Унинг тилидан айтилган:

Руҳ ул нурдурким, Ҳақ анга бермиш авж,
Нафс зулматқа қолиб, қилмиш анга поя ҳубут,—

сингари фикрларнинг замирида чуқур ҳақиқат яширинидир. Ҳуллас, ғашқи ва комиллик моҳияти тасаввудан четга сурилди дейлик. Тасаввуд Навоий учун тириклик, гўзаллик, боқийлик руҳини бой берарди. Тасаввур этингки, тасаввуда маърифат ва тафаккур завқи бўлмаган. Навоий бундай тасаввудга яқин ҳам бормаган бўларди. Инсон руҳининг сир-асорорларини қашф қилишда Навоий тасаввуддан кўп нарса ўрганганд. Бу ҳақиқатга тўла иқ-рор бўлиш учун ҳеч бўлмагандан Навоий ўқиган тасаввудга доир илмий, тарихий, адабий мацбаларнинг маълум бир қисми билан танишмоқ лозим.

«Хамсат ул-мутаҳайирин» хотимасида Навоий устози Абдураҳмон Жомий хизматида «Таълим ва истифода» юзидан ўқиган ўндан зиёд китоб рўйхатини келтирадики, уларнинг аксарияти тасаввуд ҳақида. Булар: «суфия машойих истилоҳида битилган» «Лавоен», «Лавомеъ», «Шарҳи рубоиёт», «Нафаҳот ул-унс», Ҳожа Муҳаммад Порсонинг «Қудсия»си, Ҳожа Абдуллоҳ Ансорийнинг «Илоҳийнома»си ва б. Мана ўша хотимадан бир парча: «Яна ҳазрати шайх-ул машойих фахр ул-миллат вад-дин Ироқийнинг «Ламаот»идурким, Ҳазрати Маҳдум ул китобни бу фақириға сабақ айтурда айтур эрдиларким, «Бу китобни нодон ва беандом таврлиғ ва ноҳамвор равишилиқ элнинг кўпроқ машғуллиқ қилғони хавос аҳлида бадном қилғон эрмишким, баъзи ўқимас эрмишлар. Бу жиҳатдин бу китобнинг хўбликлари яшурун қолғон эрмиш». Асру изҳори хушҳоллик ва сурур қилурлар эрди, шарҳ битмагига доғи бу боис бўлди». Шунингдек, Навоий Ҳужвирий, Имом Қушайрий, Сухравардий, Имом Газзолий, Ибн Арабий каби ислом алломаларининг асарларини ҳам пухта билган. Навоийнинг тасаввуд билан алоқасини белгилашда бундай фактларга жиддий қараш керак. Навоийшунослиқда худди шу жиҳат етарли даражада инобатга олинганича йўқ.

Шўро даври адабиётшунослигида Навоий ижодиётини имкони бўлгани қадар тасаввуддан узоқлаштириш ёки ажратиш нуқтаи назари ҳукмронлик қилган бўлса, қайта қуриш ва ошкоралик замонидан сўнг мутлақо

тескари ҳаракат бошланди. Яъни Навоийнинг деярли ҳар бир шеъридан тасаввуфий маъно ахтариш, қандай қилиб бўлса ҳам илоҳий сирни «кашф» этиш умумий бир интилишга айланди. Кечагина тасаввуфга ёт назар билан қараган ёки бу таълимотнинг куч-қуввати ва мавқен билан ҳисоблашишини истамайдиган олимлар ҳам тасаввуф ҳақида ижобий фикр-мулоҳазаларини баён қилишга рағбат этдилар. Мустақилликдан кейин сўфийлик ва тариқатлар тарихи, тасаввуф ва адабиёт музаммоларини эркин ўрганишга киришилди. Бироқ кўп ўтмай, тасаввуфни пухта тадқиқ этмасдан тасаввуфий адабиётни текшириш кўзланган самарани бермаслиги равшанлашди. Бу ҳодиса баъзи тадқиқотчиларга ички бир өнгиллик бахш этди. Чунки улар айнан ўша шўро мафкураси талабларини ифодалайдиган ва тасаввуф маслаги Навоий дунёқараши учун ҳам, шеърияти учун ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этмаган, деган ҳукм ва баҳоларнинг тасдиғини кўргандай бўлишди. Ҳолбуки, айрим саёз ва шошма-шошарлик билан амалга оширилган ишлардан ташқари, кўпчиликнинг диққатини ўзига жалб этган ва Навоий ижодиётига янгича ёндашишни тасдиқлашга қодир тадқиқотлар ҳам яратилди. Тўғри, бу ишларнинг ўзига яраша нуқсон ва камчиликлари бор. Дастлабки уриниш ва изланишлар учун бунинг ажабланадиган жойи йўқ. Биз истаймизми, истамаймизми, навоийшуносликда маълум бир якранглик ва турғунлик кўзга ташланиб турибди. Буни бартараф этиш осон эмас. Бунинг учун биринчи навбатда, Навоий шеъриятининг руҳонияти ва туйғулар оламига қарашни тубдан ўзгартириш лозим; янгича тадқиқ усул ва йўлларини жорий этишга уриниш керак; Навоий шеърларида санъаткорлик билан тасвирланган маъно ва тимсолларнинг зоҳирий «қатлам»лари хусусида баҳс юритиш билан чегараланмасдан, уларнинг ботиний «қатлам»ларини очиш лозим. Буни эса тасаввуфий илмга эга бўлмасдан юзага чиқариш жуда-жуда душвордир. Албатта, юқорида қайд этилганидек, Навоийнинг ҳамма шеъридан тасаввуфий моҳият излаш ва уларни атанин тасаввуфлаштириш тамоман номақбул ишdir. Айни пайтда шуни ҳам эътиборга олиш керакки, Навоийнинг аксарият шеърларида тасаввуфнинг ё зиёси, ё сафоси, ё маъноси ёки истилоҳ ва тимсоли эркин ўрин эгалланган. Буни ҳам инкор этиб бўлмайди. Фақат севги-муҳаббат эмас, ахлоқ-одоб, руҳ, тафаккур, маърифат, шахс тарбияси ва дунёга муносабат масалаларида ҳам тасаввуф Навоий дунёқарашини машъалдай ёритиб тур-

ган. Гап бунда Навоийнинг нақшбандийлик тариқатини расман қабул қилғанлиги ва инсон қисматига дахлдор бир қанча ахлоқий, маънавий ва фалсафий муаммаларни ушбу тариқат талаб ва кўрсатмалари бўйича ёритганлигига эмас, албатта. Навоийнинг тасаввуфга ёндашуви ва бу таълимотдан кўзда тутган мақсади — шахс ва миллат тақдири учун олий даражада масъулият ҳис этган, юрт тараққиётига сув ва ҳаводай зарур ҳақиқатлар истиқболи учун ёниб курашған, ҳақиқатни фақат топиш эмас, ҳақиқатни севиш салоҳиятининг равнақини ҳам кўзлаган мутафаккир санъаткорнинг ёндашув ва мақсади эди.

Навоий ижодиётининг тасаввуф билан боғланишларини исботлашга ташқаридан «далил» ахтаришга эҳтиёж йўқ: улар шоир ижодиётининг ўзида мавжуд. Улардан бири хусусида тўхталсак.

Маълумки, Вақт — бу ортда қолган ўтмиш, елдай илгарилаётган замон ва ҳар турли орзу-умидлар ила олдинга чорлайдиган келажак. Давр, замон ва тарих Вақтнинг энг катта ўлчамларидир. Лаҳзалар соатларга, соатлар кунларга, кунлар ой ва йилларга айланаркан, уларнинг ҳаракат тарзида тўхташмас, эврилиш ҳосил бўлади. Лаҳза мазмуни ва кучини англай олмаган, умр лаҳзалари ҳодиса даражасига юксалишини билмаган инсон ҳеч пайт соат, кун ёки йил зиёси ила кўнглини мунавар эта олмайди. Зеро, Вақт мазмуни ва сири ташқи бирлиқда эмас, Шахснинг руҳи ва дилида яширинган. Вақт туйғуси, Вақт маърифати — барча маърифат ва самовий туйғуларнинг тамали эрур.

Инсон умри Вақтнинг бир қисми ва парчаси. Вақт аслида ибтидо ва интиҳоси номаълум сўнгсизлик демак. Дунёдаги деярли барча мавжудлик шу сўнгсизликка тобе, унинг муросасиз ҳукмига таслим. Чуқурроқ мушоҳада этилса, вақт чегараси, вақт бирлиги, вақт мезони деган тушунчалар ҳеч пайт одамга тўла-тўқис қувонч бермайди. Вақт учқурлиги ва тасарруфи ҳақида ўйларкан, ҳатто энг калтафаҳм кимса қалбида ҳам ёруғ бир маҳзунлик пайдо бўлади. У истасин, истамасин, шахсий ҳаёт маънисини ғалат англағанлигидан, ички ёлгон ва такабурлигидан, зоҳирпастлик ва тафаккур маҳдудлигидан, албатта, хижолат чекади. Ўзликини идрок қилиш ва ўзлик тўғрисидаги нотўғри қарашлардан қутулиш қўпинча ана шундан бошланати. Тақдирдан шафқат ва мурувват тилаш мумкин. Бироқ Вақтдан шафқат ва мурувват тилаб бўлмайди. Шарқ алломалари Вақтни кескир қиличга ўхшатишган. Бу

«қилич»дан ўзингизни қанча күпроқ муҳофаза этсангиз, ақл таҳликага ўшанча ортиқроқ ён беради, риё, қўрқув ва мунофиқлик ботқоғига ботиш хавфи ўшанча кучаяди. Ва булар охир-оқибатда қалб таназзулига сабаб бўлади.

Вақтга фақат маънавий-руҳий ҳаракат ва маърифий фаолият ила юзлашиш лозим. Хуллас, Вақт олдидаги масъуллик у билан алоқа ўрнатишнинг ўзига хос «мақом»ларини эгаллашни талаб қилади. Шу маънода тасаввуф аҳлиниң фикр-қарашлари ва ҳаётий тажрибалири жуда ибратли. Ибратлиси шундаки, улар вақтнинг энг «кичик» бирлиги ҳисобланмиш дам ва лаҳзанинг мазмунига алоҳида аҳамият бергандирлар. Шарқнинг кўп буюк санъаткорлари сингари Алишер Навоийнинг Вақтга доир қарашлари, муносабат тарзи ва ундан кўзда тутган мақсадлари ҳам тасаввуф маслали билан чуқур алоқадордир.

Абул Мұҳсин Мұҳаммад Боқир асарида Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанднинг шундай фикрлари келтирилган: «Нафасни зое кетишига йўл қўйманг ва бундан эҳтиёт бўлинг: «Ман зайиња вақтаҳу фа вақтаҳу мақтун» — «Ким вақтини зое қилса, бас у вақт душманидур». Ва уни идрок қилишга интилиш лозим. Айтдиларки, ҳар ким ўз вақтидаги вазифасини адо қилиш билан машғул бўлса, уни «соҳибул-вақт» — «вақт соҳиби» дейдилар. Бу вақтнинг тасарруфидан қутилган, балки уни ўз тасарруфига олган бўлади, яъни ҳар бир вақтни энг мухим ва авло ҳолга сарф этади. Уни «Абул вақт солик» — «Вақт отаси бўлган солик», дейдилар. «Ибнул вақт» — «Вақт ўғли» шундай соликки, ҳол унга ҳужум ва форат қилувчи тарзда рўй беради ва тасарруфи билан соликни ҳолатдан узоқлаштиради, ўз ҳукми остида бўйсундиради».

Тасаввуф нуқтаи назарида нафас уч маънопи англаадади: 1. Тирикликни таъминловчи нафас, яъни ҳаво; 2. Дам, фурсат, лаҳза; 3. Муршииддан етадиган файз ва ишқ ўтида ёнган қалбнинг фараҳланиши. «Рисолай Қушайрий» муаллифининг таърифлашича, нафас соҳиби ҳол соҳибидан кўра нозиктаъб ва кўп покизадир. Вақт қалб соҳибларига, ҳол руҳ соҳибларига, нафас эса сир соҳибларига хосдир. Демак, қалб соҳиблари вақтга, руҳ соҳиблари ҳолларига, сир соҳиблари нафасга лоқайд бўлишлари мумкин эмас. Навоийнинг Вақт, Ҳол ва Нафас баҳсидаги анча-мунча фикр-туйғулари мана шу уч асосга таянади. Тасаввуфда Вақт — ўтмиш (мозий) билан келажак (мустақбал) ўртасидаги замон

бирлиги ҳисобланади. Бу ҳақида Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб»да ёзди: «Үтган рўзгор адамдур. Келмагандин сўз айтқон аҳли надамдур (пушаймон ва афус этувчилар) ва ҳол муттанамдур (ғаниматдур). Бир турк бу маънида дебдурким: «Дам бу дамдур».

Байт:

Мозию мустақбал аҳволин такаллум айла кам,
Не учунким, дам бу дамдур, дам бу дамдур, дам бу дам».

Навоий «бир турк» деганида кимни назарда тутган — буни аниқ айтиш қийин. Лекин ўша турк Нажмиддин Кубронинг «Фавоих ул-жамол» номли рисоласидаги мана бу фикрлардан хабардор бўлган бўлиши керак: «Вақт кескир бир қиличдир. Агар кескир бўлмасайди, англаб идрок этиб ултургунингча сени кутарди. Ҳолбуки, у кескир бир қилич ҳарақати ила ҳукмни адо айлар. Сўфий «Ибнул вақт» эрур. У киши кечмишга ҳам, келажакка ҳам боқмас. Чунки **унинг мозий ёки мастақбалга кўз тикиши, айни дамдаги вақтни беҳудага сарф қилиши демакдир**⁶. Лекин шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, айни дамдаги вақтини беҳуда сарф қилмаган кишин ўтмишга қул бўлиб қолмаганидек, келажакдан ҳам бир хатар сезмайди. Шу боис Алишер Навоийнинг лирик қаҳрамони Вақт ҳақиқати ва шодликларини мозий ва келажакдан эмас, ҳассос ва нурли ирфоний маънилар — қалбдан бош кўтарган «лаҳза», «нафас», «фурсат» ва «дам»лардан ахтаради. Унда ҳатто «харобот» орзузи ҳам «лаҳза» кайфияти ва ҳукмига тобедур:

Кел бир дам, эй ҳариф, харобот сориким,
Май важҳидир бу хирқа била жилсонимиз.

Навоий вақтнинг энг кичик бирлиги — «дам», «лаҳза», «фурсат»ларга шу даражада катта мазмун бағишлайдики, давр ва замоннинг ранжу қийноқларидан ўзни муҳофаза қилишда «Дам бу дамдур» тушунчаси гўё дахлсиз бир қалқон сифатида кўзга ташланади:

Десанг замона ситеzinи ҳар замон кўрмай,
Замонни хуш туту қилма замона бирла сitez.

Кейинги сатрдаги «замонни хуш тут» — ўтаётган ҳар дамни хуш кечир, ҳар лаҳзанинг шукронаси билан

⁶ Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. Истанбул, 1980. 130-бет.

яша, мазмунини ифодалайди. Зеро, ирфоний ҳаёт — илоҳий файз ва илҳом ҳадя этилажак ҳаётдурки, уни ғанимат тутмоқ керак:

Бу дамни тут ғаниматким, келур дамдин асар йўқтур,
Не дамким ўтти, худ андин киши топмас нишон ҳаргиз.

Албатта умрнинг лаҳзасини ғанимат сезиб, хуш ўғказниш — бу донолик ва донишмандликнинг асосий хусусиятларидан эрур. Умуман олганда, ушбу хусусият ва фазилат ҳалқимиз дунёқараши учун хос бўлган. «Алпомиш» достонидаги қўйидаги сўзлар бунинг бир далили бўлмоғи мумкин:

Дам шу дамдур, ўзга дамни дам дема,
Бошинг эсон, давлатингни кам дема.

Дарҳақиқат, инсоннинг боши омон, кўнгли хотиржам экан — бундан ортиқ давлат, бундан зиёд саодат йўқ. Ҳар нафаси, беҳуда ўтмаган ҳар дами учун у Оллоҳга ҳар қанча шукронга айтса арзиди. Лекин «Дам бу дамдур» ҳақиқати тасаввуда нисбатан бошқача ва терандроқ мазмунга эга. Шунинг учун ҳам Навоий шеърларида бу ҳақиқатга қайта-қайта тўхталади ва уни гоҳ ахлоқий, гоҳ ишқий, гоҳ ирфоний-фалсафий оҳангларда талқин қилиб беради. «Гаройиб ус-сиғар» девонидаги газаллардан биридаги мана бу мисраларда нафас олинаётган ҳар бир дамдан ғофил қолмаслик орифликнинг талаби ўлароқ таъкидланади:

Чу мозий ўттию мустақбал ўртада эрмас,
Сенгаки ҳол эмас муғтанам не ҳол ўлғай.
Бу дамни ориф эсанг яхши тутки, жоҳил иши,
Етишмаганга ўтганга қилу қол қилғай.

Яъни: мозий ўтди. Келажак ҳали илгарида. Айни фурсатдаги ҳолингни ғанимат билмасанг, бу қандай ҳол бўлади? Агар ориф эрсанг ҳар бир лаҳза ва нафасингни яхши қадрла, яхши ўтказ. Етиб келмагану ўтиб кетган ҳақида сўзлаш жоҳилнинг ишидир. Хўш, нега шундай? Бунга сабаб нима?

Маърифат аҳлининг умумий иқрорига кўра руҳни уч нарса доимий равишда кучсизлантириб, ғусса ва мусибатга гирифттор этар экан: 1. Мозийпарастлик ҳасрати. 2. Ҳолда жараён этувчи шубҳалар. 3. Келажакка ишончсиз қараш ёки ундан қўрқиб эҳтиётда яшаш.

Албатта, инсон ўтмишдан ажралиб ёки кечган кунларини унугиб умр ўтказа олмайды. Зеро, мозий билан боғланиш ўтмишдаги воқеа-ҳодисаларни билиш, улардан у ёки бу маңнода сабоқ олиш ақл ва хотира әхтиёжи әзүр. Бироқ ўтган даврга муносабат ва тарихий ҳиссиёт чуқур илм, кенг мушоҳада ва маърифат зиёсидан юзага келиши лозим. Акс тарзда ўтмиш инсоннинг фикрий әркинлиги, шахсий камолотигагина эмас, балки умум тараққиётiga ҳам зарар етказмоғи мумкин. Энди аҳли ҳақиқат қарашларига келсак, улар меъёрдан ошган, кераксиз хаёл, бесамар орзуга айланган мозий ва мустақбал андишасини Оллоҳ билан ориф алоқасига бир ҳижоб деб ҳисоблашганды. Бу парда барҳам топмас экан, на қалб, на руҳ самовий парвози ва саёҳатида олий мақомларга юксала олмаганидек, ишқ ва ҳақиқат завқ ва шавқларини ҳам тұлық әгаллай олмайды. Жалолиддин Румий ҳазратлари «Мозий ва мустақбал Оллоҳдан ҳижобдур, пардадур», — деганларидан масаланинг худди шу томонини эътиборда тутганлар.

Демак, дам ва фурсатнинг сири, маңноси, құдратини кашф қылмоқ учун ҳол хусусида қайғуриш, туб мөхиятини пухта билиш зарурдир.

Алишер Навоий шеъриятининг ботиний оламига кириш ва сүз билан ифодалаш қишин бўлган маңноларини ўзлаштиришда жуда нозик ва муҳим нуқталардан бири ҳам ана шудир.

Навоий фақат лирик шеърларида эмас, достонларидан ҳам инсон тақдирни ва камолотига даҳлдор бир қанча мураккаб муаммоларни ҳал қилишда ҳол, нафас, лаҳза «фалсафа»сига асосланади. Улуғ мутафаккир «Ҳайрат ул-аброр» достонининг ўн саккизинчи мақолотида инсон умрининг фанолиги, у туғиларкан албатта бу дунёни бир кун тарк айлаши, бас шундай экан, ўлимни ўйлаб мотамга берилмасдан, ҳаётини ишқ ила, фойдали иш ила шод ўтказишини таъкидлаб яна ёзади:

Умрки хориждурур ўтган иши,
Ҳар неки ўтти анга етмас киши.
Келмаганидин доғи оқил демас,
Не десун ул ишники, маълум эмас..
Мозию мустақбалинга бўйла ҳол,
Ҳолингга ҳам неча хаёли маҳол.
Ҳолки бўлди санга бир он бас,
Анда не гамгинлик этарсен ҳавас.

Таъбир жонз бўлса, бу ҳикматли мисраларда инсон онгини покловчи, яъни онг ва идрокни кераксиз «юқ» дан фориғ этувчи қувват бордир. Ўтган иш — ўтди, у тақрорланмайди. Бўладиган иш — ҳали олдинда. Буни муаммога айлантириб, олдиндан ташвишга чўмишга ҳожат йўқ. Муҳими, кечайтган фурсатни бой бермаслик. Айни шу вақт, шу дам талабларини бажаришда чалғимаслик. Ҳол маърифати инсонни шунга чорлайди. Шу маърифатни эгаллаган шахс беҳуда азобга берилмайди, бесамар машмашаларга бош қўшмайди.

У ҳолини латифластирганидек, ҳол уни озод айлайди. У табиий равишда ҳар нафасини қадрлайди, ҳар нафаси учун жавобгарликни хотиридаи чиқармайди. Ва Навоийнинг:

Ҳар нафасинг жавҳари эрур нафис,
Ким сенга ул бир нафас эрур аниш, —

деган сўзлари шундай зотларга тегишилдири. Навоий юқоридаги фикр-мулоҳазаларини ифодалаганда, ҳеч шубҳасизки, ўзи мансуб нақшбандийлик тариқатининг асосий шартларидан бири — «Ҳуш дар дам»га таянган. Ҳуш — ақл, дам — нафас. Нақшбандийликда нафас назорати ва мазмунига алоҳида аҳамият берилган. Чунки нафасларни назорат қилиш дунё ишларида адашмаслик учун ҳам, ҳақ тажаллилари учун ҳам ниҳоятда зарурдир. Бу ҳақида «Ҳайрат ул-абброр»да Навоий ёзди:

Ҳар нафасинг ҳолидин огоҳ бўл,
Балки анга ҳуш ила ҳамроҳ бўл...
Faflat агар бўлса бу ишдин даме,
Ким йўқ анингдек кишига мотаме.

Биз огоҳлик ҳақида кўп гапирамиз. Лекин инсонни ёвузлик ва жаҳолатдан муҳофаза этгувчи ҳақиқий огоҳлик «ҳар нафас» ҳолидан огоҳлик эканлигига унча эътибор қўймаймиз. Ҳолбуки, Навоий қаҳр, газаб ва жоҳилликлардан покланган, илоҳий сифат ила сифатланган ҳол ва нафасни:

Бас мунн анфоси муқаддас дегил,
Балки муқаддас дема, ақдас дегил, —

дейди.

Навоийнинг «нафас» хусусидаги фикрлари бир-биридан мазмунли ва рангдор. Шу жиҳатидан мана бу байт алоҳида диққатга молик:

Эй Масиҳим, мен қатили ишқмен, тургуз мени,
Бир нафас, дедим қабул этким, нафаснинг жони бор.

Бу байтда ишқ дардидан ҳалок бўлган ошиқ маъшуқасини Ҳазрати Исо ила тенг кўриб, мени ўз нафаснинг ила турғизигил, дея илтижо этаётир. Аммо у тилаётган умр муддати унча кўп эмас, бор-йўғи «бир нафас». У шу бир нафаснинг мислсиз қуввати ва файзига ишонади.

Хўжвирийнинг ёзишича, «тавҳид аҳлининг вақтлари иккидур. Бири вақт фақру фоқа (муҳтожлик) ҳолида, иккинчиси важд ҳолида. Буларнинг бири васл маҳалидаги вақт, иккинчиси фироқ ва ҳижрон маҳалидаги вақт»⁷. Навоий лирик қаҳрамони орзу айлаётган «бир нафас» эса висолга дахлдор вақтдир. Хўш, «нафаснинг жони бор» деган фикрда қанақа маъно ёки мақсад яширинган? Ёрни ишонтириш учун айтилган бу гап муршидга тегишли. Буни Муҳаммад Фузулий шундай шарҳлайди: «Билки, инсон борлигининг камоли икки вужуддан иборатдур. Инсоннинг нафсини у икки кайфият камол нашъасига тўғри етказур. Аввалгиси зоҳирий вужуд. Унинг мабдаи атодур. Иккинчиси маънавий вужудурки, унинг маншай йўл соҳиби бўлмиш муршидинг ҳидоятидир. Комил бўлмоқ даражаси кейингисига боғлиқ эканлигидан муршид атодан муқаддамдир.

Қитъа:

Илм бир руҳурки, муршид ўз нафасин файзидан
Талаб аҳлининг ўлиқ баданларига етказар.
Талаб аҳлининг ҳаёти муршидинг нафаси файзидандур
Шунга кўрадурки деюрлар: **«Нафасни жони бордур».**

Демак, Навоий байтида талқин этилган тириклик қувватининг бир қаноти маърифатдир.

Тасаввуфий тажрибада ҳол, туйғу ва ҳаяжон муҳим рол бажарган. Завқу сурур, фано «мақоми»да толибматлуб ёки ошиқ-маъшуқ бирлигини акс эттирган бошқа сифатларнинг барчаси тасаввуфий ҳаётдағи ҳол ва ҳаяжин унсурига оиддир. Шу маънода Абул Аъло Афиифийнинг: «Сўфийлик шундай бир санъатурки, унда эҳтирос ва ҳаяжонсиз ҳеч бир борлиқ йўқдир», — деган сўзларин алоҳида диққатга молик.

Хуллас, Алишер Навоийнинг ғоя, туйғу, ҳол ва тимсоллар сламини чуқур тадқиқ этиш ҳамда дунёқараши

⁷ Хўжвирий. Кашфул маъжкуб. Исломобод, 1990. 534-бет.

ва санъаткорлик тажрибаларини мукаммал шаклларда ёритиш учун тасаввуфа ҳам мурожаат этиш лозим. Навоий ва тасаввуф мавзунда амалга оширилган жиддий тадқиқотларга таяниб янада илгарилаш Ҳазрат Навоий ижодиётининг сир-асрорларини янгича миёс ва манзараларда юзага чиқариши шубҳасиздир.

Нажмиддин КОМИЛОВ

ТАФАҚКУР ТУҲФАЛАРИ

«Ситтаи зарурия»нинг учинчи қасидаси — «Туҳфатул афкор» («Фикрлар туҳфаси») да дарвешликнинг олий рутбаси фақр хусусида мушоҳада юритилади. Қасида шу боис ҳам Навоийнинг пири муршиди — буюк шоир ва сўфий Абдураҳмон Жомийга бағишлиланган.

Аммо «Туҳфатул афкор» қасидаси қиёс усулида, айтиш мумкинки, кўпдан-кўп тамсил — мисоллар билан ёзилган асардир. Бошқача қилиб айтсак, Навоий фақрнинг моҳиятини очиш учун унинг зидди бўлган сифатларни ушбу сифат билан солиштириб бораверади. Натижада, фақр ва ғайри фақр бўлган нарсалар нима эканлиги очилиб боради ва фақр Комил инсоннинг олий сифатлари мажмуи, идеал софлик ва поклик, фазлу каромат, юксак илоҳий ва айни вақтда инсоний сифатлар тажассуми деб улуғланади. Аммо шуни айтиш керакки, Навоийнинг ушбу қасидаси чуқур ижтимоий-ахлоқий мазмунга молик асар: унда жамиятнинг энг юқори қатлами — подшоҳ ва аъёнлардан тортиб, то табибу даллелларгача тилга олинган.

Қасида қуйидаги байт билан бошланади:

Оташин лаъле, ки тожи хусравонро зевар аст,
Ахгаре баҳри хаёли хом пухтан дар сар аст.

(Подшолар тожининг безаги бўлмиш оловдай ёниб турган лаъл улар бошидаги хом хаёлларни пиширувчи чўғдир).

Демак, асада бошиданоқ шоҳ ва шоҳликка нисбатан салбий муносабат кўзга ташланади ва бу бир неча байтда давом эттирилади:

Шаҳ, ки ёд аз марг н-орад з-ўст вайронии мулк,
Хусрави беоқибат хусри билоду кишвар аст.
Қайди зийнат масқити фарру шуқӯҳи хусравист,
Шери занжири зи шери беша камсавлаттар аст.

(Үлимни эсламайдиган шоҳ мамлакат вайроналиғига сабаб бўлади, чунки оқибатсиз подшо юрга фалокат келтиради. Ҳусравлар — подшоларнинг дабдабаю ҳашамати зебу зийнатга берилиш (боғлиқлик)дир — ахир занжирбанд шер ўрмондаги шердан кўра камсавлатдир).

Бу байтлар Навоийга бағишланган тадқиқотларда, айниқса, «Девони Фоний» ҳақида ёзилган ишларда келтирилиб, шоирнинг шоҳу сultonларнинг халқа жабру ситами, адолатсизлигини фош этиши тарзида талқин қилинади¹. Дарҳақиқат, Навоий бу байтларда подшони нафрат билан танқид остига олади, сўз ўйини қилиб («хусрави беоқибат» деганда у «хусрав» сўзининг араб ёзувидаги ҳолатига ишора этади: حسرو нинг оқибати — охирги ҳарфи олиб ташланса, у حسرو хуср, яъни фалокат маъносини берадиган сўзга айланади), охиратни ўйламайдиган, Худодан қўрқмайдиган подшо юрт учун, жамият учун фалокатдир, деб рўйрост айтади. Шоҳу амирлар мамлакатнинг энг нуфузли кишилари, подшоҳ Оллоҳнинг ердаги сояси деб ҳисобланган бир даврда бундай фикрни айтиш, албатта катта жасорат эди. Аммо бу шунчаки бир танқидий фикр эмас, балки тасаввуф мавқеидан, Жомий мавқеидан туриб айтилган фикр эди. Бундай дадил гапларни айтишга Навоийга тасаввуф ғсялари илҳом ва куч берган. Чунки сўфийлар ақидаси бўйича, подшо дунё ташвиши билан банд, дунёга, унинг молу мулки, давлатию савлатига bogланган шахс тимсоли. Шоҳ — дунёпаратлик, манманлик, дабдаба ва демак нафс рамзи. Ҳолбуки, дарвешлик бунинг бутунлай акси. Дарвеш фақир дунё ва унинг молига, демак тоҷу таҳтга ҳам эътибор қилмайдиган, қалби Оллоҳ нури билан порлаган одам. Шоҳ гадо (дарвеш), шундай қилиб, бир-бирига тескари олам, бир-бири билан келишолмайдиган дунёқараш ва эътиқод соҳиби. Уларнинг наинки эътиқоди, балки ҳаёт тарзи, ахлоқи, сифатлари ҳам бошқа-бошқа.

Шоир айтмоқчики, шоҳликнинг ўзи шоҳни занжирбанд этади, зеро, шоҳлик дабдабани, зеб-зийнатни, олтин-кумуш тўплашни талаб қиласди. Бусиз шоҳликнинг

1 Ушбу қасида 1965 йилда чоп этилган Навоий асарлари ўн беш томлигигинанг 5-томи 1-китобида эълон қилинган, уч марта ўзбек тилига таржима қилинган. А. Ҳайитметов, Ш. Шукуров, Ҳ. Сулеймон, Н. Маллаев, А. Мирзаевлар ўз мақолаларида муносабат билдирганлар. Аммо қасиданинг тасаввуфий моҳияти ҳақида фикр юритилган эмас.

қиймати йўқ. Иккйинчи томондан, ана шу дабдаба ва бойлик ҳам саробдай гап, хомхаёл, чунки у ўткинчи — фоний. Дарвеш эса фоний дунёнинг эмас, балки боқий оламнинг ошиғи.

Буни Навоий қасиданинг яна бир байтида аниқроқ қилиб тасвирлаган:

Лозими шоҳий набенад холи аз дарди саре,
Қўси шаҳ холиу бонги ғулғулаш дарди сараст.

(Шоҳликнинг зарурияти бош оғриқдан холи эмас, шоҳ иғорасининг ичи бўш, аммо ғулғулали овози бошни оғритади).

Бу ерда диққат қилсангиз, шоҳликнинг ўзи керакми, деган савол қўйилган. Модомики, шоҳлик дабдаба ва ҳашаматдан бошқа нарса эмас экан, модомики, у нафс қўриқчиси экан, демак, у ортиқча, балки зарарли ҳам. Аммо Навоий батамом бу хуносага келган эмас. У бу масалада, Жомийдан фарқли ўлароқ бошқа бир қарашга эгаки, бу ҳақда қўйироқда тўхталамиз.

Хозир эса «Тұхфатул афкор» қасидаси хусусидаги фикрни давом эттириб, қайид этамизки, Навоий подшолардан кейин келадиган мансабдорлар — вазир, садр, фақих, қозиларнинг «хусусият»ларини ҳам санаб ўтади. Яъни: вазир вазминлик билан ўз ўрнида бошини эгиб ўтиrsa-да, аммо хаёли пора олишда, садр бўлса, қачон бирор бир нарса кўтариб келади, деб эшикка тикилади, фақих шариат қонунчилиги (фиқҳ)ни ҳийланайранг домига айлантирган, ҳийлагар қози эса, ришва ундириш учун юз ёлғон «далиллар»ни гувоҳликка келтиради.

Булардан ташқари, воизнинг гаҳдан фарқи йўқ, унинг минбардаги сўзи бошқаю, қиладиган ишлари бошқа. Риёни шайхнинг сўзлари эса кўнгилни музлатиб, зими斯顿 қиласиди, унинг тасбеҳи расволик уруғидир:

Тухми расвойи диҳад бар донаи тасбеҳи зарқ,
Оре-опе, дона жинси хешро баровар аст.

(Икки юзламачилик мақр тасбеҳи доналари расвоник уруғи мевасини беради. Ҳа-да, ҳар қандай дона ўз жинсини кўпайтиради).

Бу ташбеҳни «Ҳайрат ул-абброр»нинг «риён шайхлар» бобида ҳам қўллайди шоир. Зотан, Навоийнинг

бундай шайху сүфийларга нафрати бисёр. Чунки булар энг пок эътиқод — тариқат эътиқодини бадном қилганлар, обрўсизлантирганлар. Риёйн шайхлар тариқатдан дунёвий манфаатни кўзлаб, дарвешликнинг ўзига ишончини сусайтирадилар.

Шундай қилиб, кишидаги фақрга зид ахлоқий белгилар қўйидагилардир: тожу тахт ҳирси, зебу зийнатга берилиш, ўлимни — охиратни унудиши, манманлик, дабдабага ружуъ қўйиш, тамаъ (қаноатсизлик), ҳаромхўрлик, риёкор бўлиш, макр-ҳийла, гадойлик, жаҳолат, ёлғон сўзлаб кишиларни алдаш, ноҳақ ҳукм чиқариш, лоф уриш, фалсафа сотиш, очкўзлик, фаҳшга берилиш, булғаниш ва ҳоказо.

Булар бир-бирини чорловчи салбий хислатлар. Албатта, Навоий замонида ҳам ҳамма мансабдорлар шундай бўлмагандир, ҳалол ва инсофли қозиу муллалар ҳам бор эди. Аммо бу ўринда гап бошқа нарсада. Навоий, биринчидан, фақрни улуғлаш учун салбий хислатларга ургу берадигани маълум. Иккинчидан, Навоий демоқчики, дунё билан, мансаб билан боғланган одам мутлақ тамаъсиз, мутлақ одил бўлолмайди. Мансабнинг барчасида бу нуқсон бор. Чархнинг ўзи золим, қонхўр бўлгач, яхши одамларни ситамга қўйгач, одамлардан нима гина. Чархнинг ўзи маккор ва золим:

Гумбази ахзарки хунрезист кораш, дур нест:
Барги ҳино ахзар омад, лек рангаш аҳмар аст.

(Бу кўк гумбаз — осмоннинг иши қон тўкишдир, бу ажаб эмас, чунки ҳинонинг барги кўк бўлса-да, аммо сувининг ранги қизилдир).

Шундай қилиб, шоир тафаккури чуқурлашиб, қамров сатҳи кенгайиб боради. Зулму ситам қилиш, бир-бирини талаш, ҳирсу ҳавас кетидан қувиш инсонга табиатдан ўтган меросмикин бу? Бўлмаса, нега инсонга бир бурда нон тошиш шунча қийин, шунча азоб? Нега луқма пайида одам боласи сарсону саргардон:

Душман аст аз доғи озор он ки ҳастат луқмакхўр,
Ханжар аст аз нуқтаи, онро ки гўйи ҳанжар аст.

(Луқмакхўр аъзонг озор етказувчи душманингдир, ҳанжар — томоғ деганинг аслида ҳанжар ҳир).

Бу ўринда Навоий яна сўз ўйини ишлатиб, ажойиб ғояни ўқувчига етказади. «Ҳанжар» араб ёзувида (**حنجر**)

күринишига эга. Агар бунда (ج) Ҳ ҳарфи устига ҳам нуқта қўйилса, (خ) «ханжар» бўлади. Яъни бир нуқта томоқни ханжарга айлантиргани каби луқмахўрлик ҳам озор додлари (нуқталар) билан куйдириб қийнайди. Шоири аъзам бунда дунё ишлари луқмахўрлик — томоқни банд қилишдир, деган фикрни олға сурис, умумлашма фалсафий хуносага келади. Чунки фалак, осмону ер, табиат шундай қурилган ва шунга асосланади.

Бироқ, Навоий Жалолиддин Румий каби ушбу тоғани чуқурлаштиришга берилмасдан, ўзининг асосий мақсади Фақр сифатлари таърифига ўтиб кетади. Яъни Навоийда бевосита ижтимоий-ахлоқий жиҳатга кўпроқ урғу берилади. Навоий учун Инсон ахлоқининг ноқисликлари сабабини очиб, бундан холос этиш йўлини кўрсатиш мухим.

Шунга мувофиқ Фақр билан ғайри фақр қиёси қасидада изчил давом этади.

Хўш, Фақрнинг фазилатлари нималарда кўринади? Навоий таърифича, Фақрнинг қўйидаги белгилари бор: қаноат ҳайкали бўлиш, яъни тамаъ, очкўзлик, молпарастлик фикрини тарқ этиш; Оллоҳ берган оз неъматга шукур қилиш, сабрли бўлиш, ички, ботиний оламни бойитиш, билим ва фаросатда, камтарлик, хокисорликда намуна кўрсатиш; хунтавозеъ, хушсухан, хушхулқ бўлиш; тилни озордан, қўлни ситамдан сақлаш; кўнгилни ноклаб, Оллоҳ нури билан тўлдиришга интилиш, мансабу мартабаларга учмасдан, шоху гадога баробар муомала қилиш; ички саранжомлик, осойишта-ораста ҳаёт кечириш. Яъни Оллоҳ билан ҳам, Оллоҳ яратган борлиқ билан ҳам, жамият билан ҳам сулҳу келишувда, рози-ризоликда яшаш.

Алишер Навоий буни бир неча байтда ҳаётий тамсил-ташбехлар билан тушунтириб берган. Чунончи:

Раҳравонро фоқаву неъмат кунад манъи сулук:
Аспи раҳ он аст, к-ў не фарбеху не логар аст.

(Қашшоқлик ҳам, кўп неъмат ҳам Ҳақ йўлига кирган йўловчини сулукдан манъ этади: йўл юрадиган от семиз ҳам, ориқ ҳам бўлмаслиги керак).

Бу фикр Баҳоуддин Нақшбанд таълимотидан, яъни қаноат талабидан келиб чиқади. Чунки бир қанча сулукларда мутлақ камбағаллик тарғиб қилинган, дарвеш гадо каби дарбадар юриши лозим, деб уқтирилган. Навоий эса, Хожа Аҳрор каби, Жомий ҳазратлари

каби бунга рози әмас. Дарвеш, солик — гадо әмас, у агар оч бўлса ҳам, ҳаддан зиёд нафсга берилса ҳам Ҳақини унугтади. Ҳақ иўлидаги солик қорин ғамидан ҳам, лунё ғамидан ҳам форир бўлсанн. Шунда у ҳиммат билан руҳий-маънавий манзилларни босиб ўтади.

Қаноат — Оллоҳ тақдирига, берган ризқига рози бўлиб яшаш, ҳам кўникиш, исён қилмаслик, «ҳўлу курўққа» бирдай чидаш демак. Шундай қилган одам **маънавият мулкининг шоҳи бўлади**.

Яна бир мисол:

Чин ба абрў-афканад шиддат, ки шахсашрост ҳилм,
Мавж аз обе н-оварад сарсар, ки номаш мармар аст.

(Шахсида ҳилм — мулоиймлик бўлган одам қошида чимирилиш циддати кўринмайди, зоро, мармар устидан оқалнган сувда тўлқин ва тўфон бўлмайди).

Мармар бошқа тошларга нисбатан мулоийм ва тарашланган мармар тахталари устидан оқадиган сув деярли билинмайди — шунчалик майин оқади. Навоий пир тарбиясини кўрган сўфиини ана шу тарашланган мармарга ўхшатиб, сўфиининг ҳалим, мулоийм ва кўнгли нозик бўлишига ишора этмоқда.

Соликнинг ҳар туки фаҳшга берилган одамга отилган ўқ, ҳар бир сўзи дилларга малҳам, ҳар бир қадами эзгуликка ҳидоятдир. Қалби маънолар кони бўлган ҳақиқий сўфиий кўринишда ҳақир, кичкина бўлса ҳам, аммо у ақлу заковатда пешво бўлиши, бир неча одамнинг ўринини босиши мумкин. Бундай мардлар қалби гайбдан хабар беради:

Марди раҳбинро дили маҳфинамо, вон жоми Ҷам
Хизрро оби ҳаёт оинаи Искандар аст.

(Йўлни кўрувчи эраннинг қалби маҳфий илмларни акс эттиради ва бу худди Ҷамшиднинг жоми **бўлиб**, Хизрга оби ҳаёт ҳам, Искандарнинг оинаси ҳам шудир).

Бу уч тушунча, яъни «Жоми Ҷам», «Оби Ҳаёт», «Оинаи Искандар» ўзаро маънодошдир. Чунончи, ривоятга кўра, шоҳ Ҷамшид шундай бир қадаҳ ихтиро қилган эканки, ундаги шароб оламни кўрсатиб турар ва ичгани сайин камаймас экан. Искандар Зулқайнар ҳам шундай бир оина — кўзгу ясаттирган экан, у олами акс эттириб тураркан. Хизр эса ер остига тушшиб тириклик суви — оби ҳаётни топиб ичганлиги боис, абадий тириклик экан. Навоий дейдики (бу бошқа шоирларда

ҳам бор) Хизр топган оби ҳаёт ҳам, Искандар оинаси ва Жамшид жоми ҳам шу дарвеш қалбидир. Чунки бу қалбда нафақат мавжуд олам, балки Оллоҳнинг файб илму ҳикмати акс этгандир. Оллоҳ илми эса — ҳаёт чашмаси, ундан баҳраманд одам абадиятга дохил бўлади.

Оллоҳ илмини топган дарвеш **Комил инсон** бўлади ва у яхлит Кўзга — чашмага айланади: «Комилнинг кўзи — Хизр чашмасидир... бу икковидан бирини топсанг, абадий умр топасан», — дейди Навоий.

Фақр мартабасини әгаллаган дарвешнинг муҳим сифати ошиқлик. Ишқ кишини бетоқат этади, сафарга чорлайди, аммо ана шу оташ уни камолга етказади. «Ишқизликтан дил қоронғидир, ишқ билан у оловланиб туради», — дейди шоир.

Шу тариқа Навоий ўз идеали фақир Дарвеш сифатларини баён этади, анъанавий тушунчаларни янги ташбек ва ғоялар билан теранлаштиради. Фақр аҳли учун фано (дунё) мулкидан бақо (абадият) оламигача бир қадам йўл, шоҳлар ҳам бундай одамларга хизмат қилиши, босган қадамини ўпиши лозим. Валиюллоҳ дарражасига кўтарилган фақир инсон ўз қадр-қиммати, салоҳият — нуфузи билан шоҳдан устундир. Шундай бўлгач, агар шоҳ дарвеш бўламан, бу мартабани әгаллайман деса, Худога яқинлашаман, Ҳудонинг дўстлари ҳузурини қозонаман деса, заррин тождан воз кечиш керак:

Тожи зар бигзор, эй мавзиу наздики гузий,
Қурб мемонанд чу шуд айне, ки ақрабро сар аст.

(Олтин тожни ташла эй саройни макон қилган ва Худога яқинлашишни танла. Зеро, (عَرْبٌ) (чаён) боши бўлган (ع) (ъайн) олиб қўйилса, (قَرْبٌ) (қурб) — яқинлик қолади).

Навоий заковати шундаки, у зимдан тожни чаёнга ўхшатади. Дарҳақиқат, Ақраб буржига диққат билан қарасангиз, у тожга ўхшайди ва чаённинг ранги билан олтиннинг ранги ҳам ўхшаш. Шоир бу байтда гарчи номи тилга олинмаган бўлса-да, Иброҳим Адҳам воқеасига ишора қиласи: Иброҳим Адҳам Балхда тахт-тожини ташлаб, дарвеш жандасини кийгани маълум. Яъни тахтда ўтириб, подшолик тожини кийиб, фақру фано мартабасига яқинлашиш мумкин эмас.

Дарвешнинг ахлоқи намуна ва ибрат. Бошқаларга

у сабоқ бўлиши лозим. Шунинг учунми, ёки ўзининг танқидий фикрларини чуқурлаштиришни кўзлабми, Навоий қасиданинг иккинчи қисмida яна жамиятдаги иллатларга диққатимизни қаратади. Бироқ, фарқ шундаки, энди умумий танқидий муносабат ўринини бир-бирига зид хислатлар (одил ва золим, ростлик ва ёлғончилик, ёмон-яхши каби) қиёси эгаллади.

Масалан, мана бу байтда золим ва одил шоҳлар қиёсланган:

Золиму одил на яксонанд дар таъмири мулк,
Хук дигар дар шиору мулку деҳқон дигар аст.

(Мамлакатни бошқаришда одил ва золим одам бир хил эмас — Ерни шудгор қилишда қобоннинг иши бошқа, деҳқоннинг иши бошқа).

Одил киши, одил шоҳ Навоий назаридаги маънавияти дарвеш маънавиятидан сув ичган одамдир. Золим эса бундан мутлақ бебаҳра одам. Шунинг учун дарвештабнат одил подшо иши деҳқон каби юртини обод қилиш бўлса, золимнинг фаолияти қобон каби экинзорни яксон қилиб, вайрон этишдир. Золим — ҳайвон, қобон, у одам эмас. Одам хислати бўлса, золим бўлмайди, одил бўлади.

Мана бу тасвир ҳам диққатни тортади:

Мулкро аз мавкиби ду шаҳ вазад боди футур,
Чу зи «қайсар» «қай» сар омад, нукта ҳосил сарсар аст.

(Икки шоҳнинг олишувидан мамлакатга путур етади, зеро (قيصر) (қайсар)нинг (قى) (қай) қисми тушса, (صرصر) (сарсар) ҳосил бўлади).

Қайсар — Рум подшоҳларининг лақаби, умуман подшо дегани, сарсар — совуқ шамол, бўрон. Навоий фикрининг мағзи шуки, бир мамлакатда битта подшо бўлиши шарт. Бўлмаса, подшолар орасида низо кўтарилиб (Навоий буни темурий шаҳзодалар орасидаги олишувларда кўриб турған), мамлакат осойиштаги хавф остида қолади. Шоҳнинг боши кетса, мамлакат ҳам бошсиз қолади. Энди мана шундай ҳолатда кўнгил хотиржам бўлиши мумкинми? Йўқ, дейди шоир. Кўнгил тинч ва осойишта бўлиши учун мулку давлат ташвишидан ҳоли бўлмоқ лозим:

Дил, ки набвад жамъ дар мадди ҳаёташ кўтаҳист,
Аз парешонй қасираш хони он, к-ў қайсар аст.

(Уз ҳаёти давомида жамъ бўлмаган дил нуқсонлидир. Паришонликда (قیصر) (қайсар) сўзини (قصیر) (қасир-нуқсонли) ўқиш ҳеч гап эмас).

«Дилнинг жамъ бўлиши» ибораси фақат ҳаётдаги хотиржамликини эмас, тасаввуфда бу соликнинг юқори мартабалардан бирини эгаллашини ҳам англатади. Яъни одам то ўзи Оллоҳ билан яқинлашиб, бутун вужуди билан Унга боғланмаса, фикрлари, қиёслари, нияти бир нуқтага бирлашмайди, жамъ бўлмайди. Буни бошқача қилиб айтсак, туйғулар, фикр ва ирода бир ваҳдатга келганидагина Оллоҳ ваҳдатини англаш мумкин ва шунда қалб осойишталик топа олади.

Аммо Навоий бу ғоядан кўра кўпроқ ҳаётий қиёсларга эътибор қиласди: подшолар мулк, тож талашиб овора, улар қалби ҳеч тинчмайди, ҳолбуки, оддий дехқон ёки косиб ўз ҳунари билан ризқ топиб, қўллари қабарса-да, қалби тинчдир:

Марди косибро зи ранжи касб бар каф обила —
Шуд далели гавҳари мақсад, к-аш даст андар аст.

(Косиб кишининг кафтлари-да меҳнат зўридан қабариб, пухакчалар ҳосил бўлган. Бу мақсад гавҳарини қўлга киритишининг далилидир).

Шоир қабарган пухакчаларни гавҳар доналарига ўхшатади. Бу билан ҳам меҳнат аҳлини ва ҳам «гавҳари мақсад» — Ҳақни излаб риёзату ранж чеккан дарвешларни улуғлаган.

Навоий тасвирига кўра, ёлғончи ҳокимлар, эл молига кўз тиккан фирибгар амалдорлар ҳам паришон, но-тинч, асабий ва носоғлом одамлардир. Унинг наздида жабр қилувчи амирдан кўра, ётар ери қора тупроқ бўлган дарвеш афзал, чунки дарвешнинг юки енгил, қалби озод. Зеро, шер минорага чиқолмайди, аммо ожиз чумоли физиллаб чиқиб кетади.

Демак, қудрат ташқи кўринишда, тожу таҳтда эмас. Дарвешлар, оддий ҳоккор инсонлар, уларнинг кўриниши ожиз бўлгани билан, аслида маънавий бақувват ва қудратидирлар. Зеро, уларнинг қудрати — бу уларнинг эътиқоди, пок ахлоқи, азим ҳиммат билан Маънавият оламидан куч олишларидир:

Шуд сироти мустақими саждасозон рости,
Шоҳроҳи раҳрави хома хутути мистар аст.

(Эътиқодли бандаларнинг рост, устувор йўли тўғрилик бўлди — қаламнинг шоҳ йўли чизгич — мистар хатидир).

Ростлик Ҳақ йўли, Ҳақнинг ўзи ҳам Ростликдир. Рост йўлдан юрган одам охир-оқибат Ҳақнинг ҳақиқатига айланади, яъни руҳи пок бўлиб, Пок Парвардигор борлигидан нишона бериб туради.

Қасидага Навоийнинг ақл ва ишқ, зоҳир ва ботинни қиёсловчи байтлари ҳам кирган, шу каби яна бир қанча тамсиллар орқали ахлоқий ноқисликларни мазаммат этган.

Унинг тасвирига кўра, дарвешни нафақат жамиятдаги ўзгаришлар, зиддиятлар безовта қиласди, балки коинотдаги ўзгаришлар ҳам унинг парвосига келмайди, у фалак зарбалари, замонлар ўзгаришини хотиржам кутиб олади.

«Ҳақ сари олиб борадиган йўллар кўп,—дейди Навоий, аммо энг яқин йўл — бу фақр йўлидир, чунки бу Пайғамбар (САВ) йўллари». Пайғамбар (САВ) эса «ал фақру фахри» (фақирлик менинг либосим) деганлар.

Фақирлик йўлига кирган киши Расули Акрам (САВ) суннатларига тўла риоя қиласди:

Андарин раҳ он ки дорад гом бар гоми Расул,
Аршпарвозест, к-ӯ раҳбар, ҳам раҳбар аст.

(Бу йўлда кимки Расул қадамига қадамини тўғирлаб юрса, Аршга парвоз этади, чунки Расул бунда ҳам йўлдош ва ҳам йўлбошчидир).

Шоир Расулуллоҳ (САВ)нинг Меъроҗига ишора этган: Расул ўзи Аршга парвоз қилди. Унга эргашганларга ҳам у раҳбар бўлади. Ушбу ғоя Баҳоуддин Нақшбанд тариқатининг ўзагини ташкил этади. Зеро, нақшбандия тариқатни шариат билан мувофиқлаштирган, шариат арконлари ижроси орқали, Пайғамбар ишларига, сўзларига қатъий риоя қилиш орқали Ҳаққа етишишни талаб қилган. «Бизнинг тариқимиз Мұхаммад Мустафо (САВ) этакларидан маҳкам ушлаш («урватул вусқо») ва у кишининг изларидан изма-из боришdir»,—деган эди Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари.

Навоий бу йўлнинг изчил давомчиси деб Абдураҳмон Жомийни кўрсатади:

Ҳомни шаръи наби Жомий, ки жоми шаръро
Дошта бар каф лаболаб аз шароби кавсараст.

(Наби шариатининг ҳимоячиси Жомийким, шаръ жомини қўлида ушлабдир, бу жом кавсар шаробидан тўладир).

Шундан кейин у ўн тўрт байтда пири ва дўсти Жомий салоҳиятига юксак баҳо беради, Жомийнинг илму адаб, фазлу камолда ягоналиги, илоҳий маънолар дуррини сочиб асарлар битганлиги айтилади. Шу билан бирга, Жомий хоксор, унинг эшиги маърифат ва маънавиятга ташна одамлар учун ҳар доим очиқ. Жомий Навоий назарида маънавият салтанатининг подшоҳи, зеро шоҳлар унинг остонаси тупрогини ўпишга тайёр. Навоий қасида охирида шу мантиқдан келиб чиқиб, яна шоҳу гадо мавзуига қайтади, яъни:

Подшоҳе, к-аш гадои фақр гаштан орзуст,
Чун гадое бошад он, к-аш подшоҳи дар сар аст.

(Фақр гадоси бўлишни орзу қилган подшоҳ худди подшоҳликни орзу қилган гадо кабидир).

Аммо «шоҳнинг муддаоси фақр йўлида ғов», яъни шоҳлик — дунёга эгалик қилиш фикри, фақр эса, дунёдан қочиш фикридир. Булар бир-бирига зид. Шу боис, дейди Навоий, шоҳ «бошидаги муддаони улоқтириб ташласа, фақрга муносиб бўлади». Улуғ мутафаккир адаб қасида бошида баён этган фикрини охирида яна аниқроқ, ёрқинроқ ифодалаган.

Шундан кейин Навоий пири муршиди Жомийдан имдод ва дуо тилаб, қасидани тугатади.

Ушбу қасида юзасидан фикрларимизни хулоса қила-диган бўлсан, қуйидаги жиҳатларни таъкидлаш лозим бўлади:

1. «Туҳфатул афкор»да мансаб ва мансабдор шахслар ахлоқи билан дарвеш ва тариқат аҳли ахлоқи қиёсланган ва фақр маънавий етукликнинг олий намунаси деб таърифланган.

2. Шунга кўра, шоҳлик ва фақирлик орасида катта жарлик борлиги айтилиб, фақир дарвеш шоҳ ҳашаматидан устун қўйилган.

3. Яъни Маънавият Салтанатдан баланд, бу иккиси орасида доимий кураш боради, аммо салтанат аҳли ҳар қанча интилгани билан фақр аҳли даражасига етолмайди.

4. Агар шоҳ фақр мартабасини орзу этса, унда салтанат орзусидан воз кечсин.

5. Фақр аҳли билан меҳнат аҳли (косиб, деҳқон) ранжу заҳмати ва ахлоқи орасида яқинлик борлиги қайд этилган. Бу Навоийнинг муҳим фикрларидан бири.

6. Қасида бадий жиҳатдан ғоят юксак савияда ёзилган, унда икки жиҳат яққол ажралиб кўзга ташланади: бири — ҳар бир байтни тамсил санъати билан қуроллантириб (иккинчи мисрада) фикрни ойдинлаштириш бўлса, иккинчиси — кўплаб сўз ўйинлари, муаммо санъатидан фойдаланишдир. Бунда айниқса, араб ёзуви хусусиятларидан унумли фойдаланган, қайсиким таҳлил давомида бир нечтасини кўриб ўтдик.

«Тұхфат ул-афкор» қасидаси Алишер Навоийнинг шоҳ асарларидан бири бўлиб, унда абадул абад аҳамиятини йўқотмайдиган, ҳамиша долзарб ғоялар ифода этилган.

Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ

«ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР»ДА УСЛУБ РАНГ-БАРАНГЛИГИ

Адабий асарнинг қиймати, ўқишли ёки ўқишли эмаслиги биринчи навбатда унинг қандай услуг билан ёзишигага боғлиқ. Алишер Навоий асарлари беш асрдан буён ҳалқимиз томонидан севиб ўқилиб келинаётган экан, демак, бу асарлар яхши услуг билан инсонга фараҳ бағишлийдиган шакл ва оҳангларда яратилган. Хоҳ унинг шеър ва достонлари бўлсин, хоҳ насрий асарлари, хоҳ илмий асарлари, хоҳ тарихий асарлари бўлсин, уларни ўқиган ҳар қандай китобхон улардан маънавий озука олади, роҳатланади.

Лекин Навоий асарларининг услуби масалалари адабиётшуносликда ҳам, тилшуносликда ҳам нисбатан кам ўрганилган бўлиб, бу соҳада амалга оширилган тадқиқотлар бармоқ билан санаарли дейиш мумкин¹.

Маълумки, услуг тилшунослик ва адабиётшунослик билан туташ муаммо бўлиб, биз бу ўринда Навоий

¹ Рустамов А. Навоийнинг бадий маҳорати, Тошкент, 1979; Исаходов Е. Навоий ва ўзбек шеъриятидаги услублар масаласи//«Ўзбек тили ва адабиёти». 1990, 5-сон; Абдураҳмонов Ф. «Муҳокамат ул-лугатайн»нинг услугига оид баъзи мулоҳазалар//Алишер Навоийнинг 550 йиллигига бағишлиланган илмий конференция тезислари. Тошкент, 1991, 53—55-бетлар; Орасли X. Навоий поэтикасининг баъзи чизгилари ҳақида, «Хамса» асосида)//(«Алишер Навоий...», Тошкент, 1991. 12—13-саҳ.); Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг бадий-поэтик услуги юзасидан мулоҳазалар// Ўзбек адабиёти тарихи масалалари. Тошкент, 1976. 9—16-саҳ.; Ҳайитметов А. Алишер Навоий услуги муаммолари («Хамса» мисолида)// «Ўзбек тили ва адабиёти» 1999, 1-сон, 26—29-бетлар.

«Ҳамса»сиининг биринчи достони — «Ҳайрат ул-аброр» услуги бўйича ўз мuloҳазаларимиз билан ўртоқлашмоқчимиз.

«Ҳайрат ул-аброр» Навоийнинг панднома мазмунидаги асари бўлиб, унинг асосий қисмини ўз даврининг диний, фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий масалалари талқин этилган 20 та мақолат ташкил этади. Буюк адабий анъанага кўра, Навоий асосий боблар — мақолатларга киришишдан олдин, асарнинг юзага келиши билан боғлиқ масалаларга, уни яратишдан кўзланган мақсадларга, уларни ёритиш билан алоқадор адабий анъаналарга, бунда унга устозлик қилган ва қилаётган ижодкорларга тўхталиб ўтишини ўзининг бурчи деб билган.

«Ҳайрат ул-аброр»нинг лирик қисмларидағи ўзига хосликлардан бири шундаки, бу бобларда Навоий фақат шоир сифатида эмас, мутафаккир олим, адабиётшunos сифатида ҳам фикр юритиб, ўзидағи бир неча юксак инсоний фазилатларини намоён этади. Масалан, у Оллоҳнинг буюклигини, унинг аввалда ҳам бор бўлганини, кейин пайдо бўлмаганини, абадийлигини, унинг охири ҳам йўқлигини, «бошланғич», «ўрталик» ва «охир» деган тушунчалар унгагина тегишли эканини ҳамма нарсаларнинг яратувчиси ҳам, бош манбаси ҳам шу Оллоҳнинг ўзи эканини қўйидагича изоҳлайди:

Не бўлиб аввалда бидоят санга,
Не келиб охирда ниҳоят санга.
Аввал ўзунг, охиру мобайн ўзунг;
Барчаға холиқ, бориға айн ўзунг...

Илоҳият фанини, аввало «Қуръон» ва ҳадисларни юксак даражада тушунган кишигина бу хил масалалар юзасидан шундай тиниқ фикр юритиши, юқори шеърий иқтидорга эга бўлган одамгина бу фикрларни шундай гўзал ва равон шеърий сатрларга жойлаштириши мумкин!

Шу билан бирга бу ёзма манбаларни ўқиши ва ўрганиш шоир ижодининг, хусусан унинг достончиликдаги шеърий услугбининг шаклланишига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмаган. Биз ўзимизнинг «Ҳамса»да Ислом нури» деб аталган тадқиқотимизда бунга бир қанча далиллар келтирганмиз².

² Қаранг: Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. Тошкент, 1996. 33—73-саҳифалар.

Навоий учун Ӯллоҳнинг висолига эришишдан ортиқ баҳт йўқ. Бунинг учун эса инсон ҳақиқий Инсон бўлиши керак. Ҳақиқий одам бўлиш ҳам Ӯллоҳнинг назарисиз юз бериши мумкин эмас. Шунинг учун Ӯллоҳга илтижо қилиб, у дейди:

Айла Навоийни бурун, одами,—
Ким бўла олғай бу ҳарам маҳрами.

«Ҳайрат ул-аброр»нинг «Кириш» қисмида Пайғамбаримиз Муҳаммад с. а. в. шажарасида бешта наът бўлиб, уларнинг ҳар бирида бу улуф зотнинг ҳаёти ва фалояти, унга яқин улуғларнинг сифатлари ҳаққоний ва ёрқин таъкидлаб берилган. Достонда нақшбандия сулукининг асосчиси Баҳовуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти давомчиси Хўжа Аҳрор мадҳлари ҳам такрор ва талмеҳ сўз санъатлари воситаси билан гўзал услубда нақшланган.

Достоннинг бошланишидаги бир неча боб буюк ҳамсанавислардан Низомий Ганжавий, Амир Ҳусрав Дехлавий ҳамда Абдураҳмон Жомий мадҳларига багишланган. Улар қуруқ ёки оддий мадҳлар бўлмай, юқори ҳисснётлар билан сугорилган, баланд услубда битилган саимимий мақтоллардир. Чунки уларнинг ҳаммаларини Навоий ўзининг шеъриятдаги устозлари деб билар эди. Устоз эса, халқимиз мақолида айтилганидек, отангдан улуғ! Низомий мадҳини Навоий:

Хайли фасоҳат бошининг афсари;
Ганжи яқин афсарининг гавҳари.
Кони фазилат гуҳариға амин;
Бахри балогат аро дурри самин —

деган сатрлар билан бошлар экан, бунда «У (Низомий) сўз санъаткорларининг бошидаги тож, ҳатто баҳоси хазинага тенг ўша тожнинг гавҳаридир. Ўни фазилат конидаги гавҳарларнинг қўриқчиси, камолот дарёсининг қимматбаҳо инжуси деса ҳам бўлади!»—демоқчи бўлди.

Устозларини шундай юксак қадрлаган Навоий ўз ижодида ҳам уларга аҳамият билан эргашди, уларнинг адабий анъаналарини тўла эгаллашга ва янада ривожлантиришга ҳаракат қилди. «Муҳокамат ул-лувфатайн» асарида Навоий «Ҳайрат ул-аброр» достонининг ёзилиши тарихига тўхталиб: «Аввалким, «Ҳайрат ул-аброр» боғида табъим гуллар очибдур, Шайх Низомий руҳи

«Махзан ул-асрор»идан бошимға дурлар сочибдур», — деб ёзган эди³. Бу эса шуни кўрсатадики, Навоий достонининг юзага келиши, унинг ёзилиш услубининг шаклланишида хусусан Низомий асари алоҳида ўрин тутади. Худди шу бобда Навоий ўзининг достончилиги ривожига Амир Хусрав Деҳлавий ҳам яқиндан мадад кўрсатганини, Низомий қайси услубда қалам тебратган бўлса, Деҳлавий ҳам шу йўлдан бориб, унга «пайраву монанд» бўлганини қўйидагича ифодалаган⁴.

Ул безабон «Махзани асрор»идин
Бу ёрутуб «Матлаи анвори»идин.
Маснави услуби мусаллам анга,
Пайраву монанд бу бир ҳам анга.

Навоий «Ҳайрат ул-аброр» достонининг пайдо бўлишида Абдураҳмон Жомий ва унинг «Туҳфат ул-аҳрор» достони ҳам катта ижобий аҳамиятга эга бўлганлигини маҳсус таъкидлаб ўтган. Бинобарин, «Ҳайрат ул-аброр» достонининг бадиияти, услуби ҳақида гап борар экан, биз уни кенг ўналишда Шарқ шеърияти контекстида ўрганишга, ундаги анъанавийликнинг хусусиятларига тўғри баҳо беришга эришмоғимиз керак.

Хуллас, «Ҳайрат ул-аброр» достонининг дебоча қисмлари шуни кўрсатадики, бунда Навоий шеърий тафаккур билан илмий тафаккурни маҳорат билан бир-бирига қўша олган ва бу билан шеърий услубнинг ноёб кўринишларини намоён этган. Бу анъана унинг кейинги достонларида янада бойиб ва ривожланиб борган.

Маълумки, Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» достони 1483 йили ёзила бошлаган ва шу йилнинг ўзидаёқ ёзиг тутатилган эди. Бу вақтга келиб Навоий ўзининг шеърлари билан бутун мамлакатга танилган, унинг «Бадоеъ ул-бидоя» девони эса қўлма-қўл юрар эди.

Бу пайтда Навоий фақат шоир сифатида эмас, бош вазир, яъни катта давлат арбоби сифатида ҳам машҳур бўлиб, қирқ икки ёшга кирган, катта ҳаёт тажрибаси билан бойиган, ўз тадбиркорлиги билан шоҳ Ҳусайн Бойқаро олдида ҳам, халқ олдида ҳам яхши маълум, обрўли бир шахс эди.

Замондошлари эса уни «амири кабир», «вазири равшанзамир» («улуг амир», «ақли тиниқ вазир») номлари

³ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 16-том. Тошкент, 2000. 26-саҳифа.

⁴ йаша асар. 16-саҳифа.

билин ҳурматлар ва улуғлар эдилар. Яъни бу даврга келиб Навоий насиҳатнома жанрида қалам тебратишга маънавий жиҳатдан тўла ҳуқуқли эди.

«Ҳайрат ул-аброр» Навоий «Хамса»сининг биринчи достени. Унинг асосий қисми олдин айтиб ўтилганидек, 20 мақолат ва уларга илова қилинган 20 ҳикоятлардан ташкил топган. Навоий бу мақолатларининг ҳар бирида ўз даври маънавияти, ижтимоий-сиёсий турмуши учун зарур бўлган мавзулар бўйича ўз мулоҳазаларини баён қиласар экан, унинг диққат-эътибори, фикрлари жамият ҳаётини, ундаги зиддиятларни жиддий кўздан кечиришга, мавжуд тузумни такомиллаштиришга, инсон тарбиясини юқори босқичга кўтаришга, Исломни мустаҳкамлашга, одамлар ўртасида дўстлик, биродарлик муносабатларини ўрнатишга қаратилган. Унинг нияти пок, мақсади инсонни комиллик қиёфасида кўриш. Бунинг биринчи шарти, Навоийнинг фикрича, кишиларда имон-эътиқод туйғусини мустаҳкамлашдир:

Қимки жаҳон аҳлида инсон эрур
Билки нишони анга имон эрур⁵.

Қуръон асосида Навоий имоннинг олтига белгиси бор дейди ва унинг биринчи бош белгиси Ҳақни, яъни Оллоҳни танишдан иборат:

Олтидин аввалғики мақсуд эрур,
Билмак эрур Ҳақники, мавжуд эрур⁶.

Дунёдаги ҳамма нарсаларни бор қилувчи ҳам Худо, йўқ қилувчи ҳам. Ундан юқори, ундан улуғ ҳеч ким ва ҳеч нарса йўқ. Бизга маълум икки дунёнинг ҳақиқий подшоси у бўлиб, бошқа дунёлар мавжуд бўлса, уларнинг ҳам эгаси У (Худо)дир:

Икки жаҳон мулки мусаллам Анга,
Ўзга жаҳон бор эса, ул ҳам Анга⁷.

Шунинг учун аввало Худонинг борлиги, якка-ягоналиги, унинг ҳеч қачон йўқ бўлмаслигига имон келтириш керак.

⁵ Алишер Навоий. Хамса. 50-саҳифа.

⁶ Ўша китоб. 53-саҳифа.

⁷ Ўша жойда

Имоннинг иккинчи белгиси — малойик (фариштапар)га, учинчи белгиси — илоҳий китоблар («кутуби осмон»)га, тўртинчиси — пайғамбарларга, бешинчиси — қиёматга, олтинчи — қадар (Оллоҳнинг тақдир қилгани)га имон келтириш ва чин кўнгилдан ишониш керак. Буларнинг ҳаммаси инсонни яхшиликка, ҳар қандай гуноҳининг кечирилишига олиб борувчи омиллардир:

Кимгаки бу олтиға бор эътиқод,
Ҳам бу сифат бирлаки қилдим савод,
Ҳар нечаким нома сияҳ бўлса ул,
Фарқаи дарёйи гуноҳ бўлса ул,
Тонг йўқ, — агар афв ўлуб уммид анга
Тутса илик раҳмати жовид анга⁸.

Иккинчи мақолатда Навоий шу тарзда Ислом руқнларини изоҳлайди ва тушунтиради. Бу каби мақолатларда Навоий ортиқча ҳаяжонларга берилмайди. Китобхон билан суҳбаг олиб бораётганда воизлар ўз нутқлашрини фасоҳатли бўлишига интилганлари каби Навоий ҳам ўз фикрларини чиройли сўз ва иборалар билан ифодалашга ҳаракат қиласди. Чунки бундай ўринларда гап улуғ тушунчалар ҳақида, умуминсоний қадриятлар ва ҳақиқатлар устида бормоқда. Навоий бу ҳақиқатларни янгидан кашф этиши йўлидан эмас, балки одамларга хотирлатиш, уларнинг адашишининг, чалғишининг олдини олиш йўлидан бормоқда. Вазнининг силлиқлиги, қоғия ва радифларнинг мукаммаллиги ўқувчи руҳини аллалаётгандай.

Навоий одоб-ахлоқ масалаларига доир бешинчи, олтинчи ва ундан кейинги мақолатларда ҳам кўпроқ ўз фикр-мулоҳазаларини шу йўсида давом эттирас экан, унинг тасвирий услубидаги юмшоқлик ва майнинлик янада чуқурлашади. Чунки инсон тарбиясида, унинг руҳий дунёси такомили тўғрисида гап борганда, халқ ибораси билан айтганда, «Яхши сўз билан илон инидан чиқади, ёмон сўз билан мусулмон динидан чиқади» қабилида иш кўриш маъқулроқ.

Масалан, бешинчи мақолатда Навоий хайру эҳсои (карам) масаласига тўхталади. Бу бобда ҳам шоир ўз фикрларини чиройли, силлиқ баён этишга, оддий гаплардан қочишига ҳаракат қиласди. Унинг мулоҳазасига кўра, хайру саховат шундай улуғ нарсаки, уни давлатманд одамнинг бошидаги тож (афсар)га ўхшатиш мум-

⁸ Үша асар. 50-саҳифа.

кин. Шу тожга қадалган қимматбаҳо гавҳарни эса қа-
рам деб тасаввур этса арзийди. У саховагли кишига
мурожаат этиб дейди:

Бошинг уза жуду сахо афсари;
Афсаринг устида карам гавҳари⁹.

Навоий фикрича, хайру саховат кўрсатишга қодир
одам ҳеч маҳал бахиллик (бухл) йўлини тутмаслиги,
бойлик даражасига эришганидан хурсанд бўлиб, Оллоҳ
таолога шукрлар қилиб яшаши зарур. Шоир таъбирича,
бахиллик ва хасислик инсон табиатидаги энг ярамас
иллат. Сахийлик (сахо) эса инсон боласини безайдиган
энг тоза гавҳардир:

Бухл эрур борча сифатдин хасис:
Лек сахо жавҳари асрү нафис¹⁰.

Кўриниб турибдики, бу умуминсоний гўзал ғояларни
шоир мумкин қадар юқори санъаткорлик билан ифода-
лашга, кўз қамаштирадиган ташбех ва истиораларни
қўллашга интилади. У ўз юксак таъриф-тавсифларида
давом этиб, сахий одамнинг эҳсон улашуви йўлларини
турмушдаги оддий нарсаларга эмас, қуёшга, кафтини
нур таратувчи яшинга қиёслайди:

Панжанг ўлуб сиймфишонлиққа фош,
Машриқу мағрибда нечукким қуёш...
Чун кафнинг олтун сочиб андоқки барқ,
Барқ ҳаёдин бўлубон терга ғарқ.¹¹

Олтинчи мақолатда Навоийнинг энг ноёб сатрлари
одобни мадҳ этишга, одобсизликни эса фош қилишга
қаратилган. Одобнинг биринчи шарти, Навоийча, элга
хизмат қилиш, бу йўлда ўзини гард (чанг, губор) деб
билиш, кибру ҳавога берилмаслиkdir:

Эл йўлида гард ўлубон дард ила:
Кибр кўзин кўр этиб ул гард ила¹².

Эл, улус учун терлаб-пишиб, чанг-тўзонга қоришиб

⁹ Ўша асар. 67-саҳифа.

¹⁰ Ўша жойда.

¹¹ Ўша жойда.

¹² Ўша асар. 71-саҳифа.

хизматда бўлиш, шу тўзон билан кибр кўзини кўрмайдиган қилиш ҳақиқий одобли кишиларнигина қўлидан келиши мумкин. Одобнинг яна бир белгиси тавозуъли бўлиш. Янги чиққан ой (ҳилол) тавозуъ қиёфасида бўлгани, яъни эгилгани учун, у кун-кундан тўлишиб, чироий камол топади. Ёй ҳам фўдаймасдан, эгилган бўлгани учун ҳурмат қозониб, ҳатто Қуръон («Мусҳаф») устидан жой оладиган бўлган:

Чунки тавозуъға ҳам ўлди ҳилол,
Бўлди фузуроқ анга ҳар кун камол.
«Ё»ға тавозуъ сифати берди даст,
Қадр ила Мусҳаф уза топти нишаст¹³.

Бунда ифода оҳанглари бир маромда босиқ бўлса ҳам лирик тасвир услуби муболағаларга бой ва баъзан кўзни қамаштирадиган даражада ёрқин. Достон учун кўп ўринда шу хил тасвирлар характерли. Шунинг учун ҳам биз бу достон услубини қути ва оддий услубга эмас, кўпроқ юқори услубга мансуб деб ҳисоблаймиз.

Навоий ўнинчи мақолатда тўғриликни, ростгўйликни улууглаб, кўпгина ўлмас сатрларни битган. Бунда ҳозирги «тўғри» деган сўзнинг қадим туркий шакллари «туз», «тузлик» деган шаклларда бўлиб, шоир тўғрилик ҳақида мулоҳаза ва мушоҳадаларини шумдай баён қиласди:

Эгрию туз васфи муҳаққақдуурур,
Ботил эрур эгрию туз ҳақ эрур.
Барқки эгрилик ўлубтур хўйи,
Гарчи ёрур, лек борур ер қуи.
То режа чекмас ерига боғбон,
Боғ ҳамон зебда жангаль ҳамон.
Моласиз ул тухмки, деҳқон сочар,
Сувни тенг ичмас,—неча яксон сочар.
Неча мусаттаҳ эса кўзгу юзи,
Туз кўрунур шоҳиди маҳру юзи.

Бу сатрлар ҳозирги тилимиз билан ифодаланганда, шоир талқинлари қуидаги гавдаланади: «Эгриликнинг ҳам, тўғриликнинг ҳам ҳақиқий таърифи бор: ёлғон эгриликдан, тўғрилик ҳақиқатдан иборатдир. Шамъ ўз тўғрилиги билан хурсанд: бошдан-оёқ куйса ҳам, у нурга айланади. Яшин эгриликни одат қилган бўлиб, ҳамма ёқни ёритса-да, ернинг остига киради. Боғбон ўз

¹³ Ўша жойда.

ерига режа тортмас экан, боғнинг кўриниши чакалак-зорнинг кўринишига ўхшаб қолади. Деҳқон агар мола босмасдан уруг сочса, қанча бир хил сочмасин, экини барибир сувни текис ичмайди. Ойнанинг юзи қанча текис бўлса, ой юзли маҳбубанинг юзи ҳам шунча тўғри кўринади»¹⁴.

Бу мисолда шоирнинг ростгўйликни улуғловчи фикрлари уйни ёритувчи, режа билан ишловчи ишбилармон боғбон, юзи силлиқ ойна образлари орқали, эгриликни қораловчи ғоялари умри қисқа чақмоқ, мола босмай экин экилган шудгор образлари орқали нафис ва гўзал очиб берилган. Халқ, раият ва мамлакат тақдирининг посбони — шоҳ образи ҳам Навоий томонидан учинчи мақолатда қўй галасини бошқарган чўпон, боғни яшнатган боғбон, туну кун экинни парвариш қилиш билан овора бўлган деҳқонга ташбех қилиш орқали тўғри ва ҳаётий қилиб гавдалантирган:

Бўлди раият галаву сен шубон;
Ул шажари мусмиру сен боғбон.
Қўйни шубон асрамаса ою йил,
Оч бўрилар туъмасидур бори, бил.
Боқмаса деҳқон чаманин туну кун,
Наҳли тарин англа қуруғон ўтун¹⁵.

Бу тасвирларда маълум даражада анъанавий тасвир унсурлари бўлишига қарамай, китобхон бу хил шеърий мисоллардан шоҳларнинг мастьулияти, вазифалари ҳақида юқори ва тўғри тушунчага эга бўлади. Айни вақтда шоир шоҳларни огоҳликка чақиради. Шу оҳангдаги, шу йўсундаги маъноли ва ҳаётий тимсолларга бой сатрлар услубан достоннинг асосий йўналишини белгилайди,— дейиш мумкин.

Лекин масаланинг бошқа томони ҳам йўқ эмас. Навоий бу асадра ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий масалаларнинг замонавий талқинида ўз даври воқеа ва ҳодисалари ҳақида гап боргандга ёки талқин этилаётган масалалар шоир шахсияти билан боғланиб кетган ҳолларда унинг тасвирий услуги ўткирлашиб, янги жилолар касб этади. Бундай ўринларда Навоий кучли эҳтиросларга берилган ҳоллар мавжуд. Бу эса шоир шеърий услугибнинг янги қирраларини юзага келтирган. Масалан, у ўз

¹⁴ Алишер Навоий. Ҳайрат ул-абброр. Насрий баён. Тошкент, 1974. 79—80-саҳифалар.

¹⁵ Алишер Навоий. Ҳамса. 59-саҳифа.

давридаги Ҳирот шаҳрининг ободлиги тасвирланган мақолатда хурсанд бўлиб, завқ-шавқ билан қалам тебратади. Чунки бу ободончиликда Навоийнинг ҳам катта ҳиссаси бор-ку:

Сабзасидин гулшани мимоға рашк.
Туфрогидин анбари сороға рашк.
Етти фалак нақдиға ганжина ул;
Етти ақолим тану сийна ул.
Анга жаҳон кўқси келибтур сифот,
Анда кўнгул хиттаи поки Ҳирот...
Айтма кишвар, деки боғи Ирам;
Дема Ирам, айтки Байтулҳарам¹⁶.

Бу ўринда Навоий ўзи ҳам, услуби ҳам кўтаринки руҳда. Лекин шоир ростгўйлик мавзуидаги мақолатда бу масаланинг замонавий талқинига келганда унинг қалами танқидга юз ўгиради. Бу даврда, у яшаётган жамиятда одамларнинг хулқ-ахлоқи бузилган, маънавият издан чиққан ҳоллар бўлиб, Навоий бундан ўзининг қаттиқ норози эканини яшира олмайди. Бу замонда, шоир ёзишича, кимки тўғри бўлса, таёқ ўшанинг бошида сингани-синган, тақдир ҳам унга душманлик қилгани қилган; қалам (хома) эса тўғри (туз) гапни ёзгани учун боши кесилгани кесилган:

Ул кишиким тузлук эрур — шон анга.
Душман эрур гардиши даврон анга.
Хомаки, тузлукка эрур раҳнамун,
Кесилибон боши бўлур сарнигун¹⁷.

Меҳрибон бўлиш, ғамхўрлик қилиш, оч, юпун кишиларга қўли билан бўлмаса ҳам сўзи билан ёрдам кўрсатиш зарурлиги тўғрисида сўзлар экан, бу ўринда ҳам кўтаринки руҳда қалам тебратади. Унинг гаплари минбардан айтиладиган панд-насиҳат гапларига ўхшаб кетади. Бу шеърий парчаларда юқори шеърий санъатлардан тарсеъ санъатини кўриш, ҳозирги замон минбар шеърларининг элементларини кузатиш ҳам қийин эмас:

Маъданни инсон гуҳари сўздурур.
Гулшани одам самари сўздурур.
Сўз била нафъ ўлмаса эл пешаси,

¹⁶ Алишер Навоий. Хамса. 130—131-саҳифалар.

¹⁷ Ўша асар. 91-саҳифа.

Яхши керак күнглида андешаси.
Күнгли киши хушлиғдин хуш керак.
Ноҳуш агар бўлса, мушавваш керак.
Одамий эрсанг, демагил одами --
Оники, йўқ ҳалқ ғамидин ғами.
Улки киши ўлмагидин шод эрур,
Гўркану ғосилу жаллод эрур¹⁸.

Бундан шундай хулоса чиқадики, Навоийнинг услуби қотиб қолган доктитик ҳодиса эмас. У шароитга, масалаларнинг турли хил ғоявий-бадиий талқинига қараб ўзгариб туради ва тобора янги хусусиятлар касб этади. Гап шонирнинг шахсияти билан туташган жойларда, руҳий кечинмаларга берилганда эса сўз аланг олиб, шоир ўз юрагини бутунлай очиб ташлашга, ўз дардини ошкор этишгача боради.

Масалан, Навоий вафо ҳақидаги бобда ўз замонида одамлар орасида меҳру оқибатнинг, одамгарчиликнинг, вафодорликнинг йўқлигидан шикоят қилас экан, бу ахволни у космик баландликдан туриб, романтик кўтаринкилик билан тасвирлаган,—дейиш мумкин.

Кимки қуёш бўлиб кишиларга хизмат қиласман деса, замон уни ҳар куни ер остига қамаб қўймоқда; қалам (хома) вафодан дафтар битгани учун осмон муфтиси унинг юзини қаро қилгани қилган:

Чунки қуёш бошдин-оёқ бўлди меҳр,
Ерга киурди ани ҳар тун сипеҳр.
Хома вафодин битиди можаро,
Муфтий гардун юзин этти қаро¹⁹.

Шу жумлалардан маълум бўладики, Навоийнинг ўзи ҳам вафосизликнинг жабрини чеккан, севгилисидан вафо кутиб, бир умр унинг висолига муштоқ бўлиб, муродига етмаган. Бу ҳақда сўз кетганда у ўз кечинмаларини ганж деб дарду ранжга, сабза деб ништарга, лаъл деб ахгар (чўғ)га, лола деб юрак доғи (туган)га дучор бўлган ҳолати орқали ифодалаган:

Сени тилаб ҳар неча кўрдум шиканж,
Ганж тилаб етмади жуз дарду ранж.
Сабза дедим, сончти ништар мени,
Лаъл дедим, ўртади ахгар мени.

¹⁸ Ўша асар. 104-саҳифа.

¹⁹ Ўша асар. 82—83-саҳифалар.

Лола дебон кўксума кўрдум туган.
Гул тилабон кўнглума топтим тикан.
Кими анга айламадим жон дариф,
Қилмади жавр улчаки имкон дариф.
Ҳар кишиким қўйдум оёғига бош,
Жола киби бошима ёғдорди тош.
Войки, юз тош аро ёлғиз бошим!
Чарх соғинмишки, эрур юз бошим²⁰.

Бундай шарҳи ҳол тарзидағи лирик чекинишлар туфайли Навоийнинг услубида индивидуаллик хусусиятлари кучайиб, абстракт панд-насиҳатлар конкрет мазмун касб этган.

Заҳириддин Мұхаммад Бобур «Бобурнома»да Навоийнинг ҳаёт тарзи ҳақида ёзар экан, у уйланмаган, болачақ қилмаган, кўп вақт ёлғизлиқда яшаган бўлса ҳам «Ўғул ва қиз ва аҳлу аёл йўқ, оламни тавре фард ва жарийда (мардонавор) ўткарди»,—дейди²¹.

Лекин бу фикрни унчалик тўғри деб бўлмайди. Навоийнинг шахсий ҳаёт тарзи оиласиз, хусусан ёши ўтган сари катта қийинчиликда ўтганки, бунга юқоридаги шеърий парча ёрқин бир мисолдир. Шу билан бирга «Бадоеъ ул-вақоэеъ»нинг муаллифи Зайниддин Восифий ҳам Навоий ҳақида ҳикоя қилганда унинг оиласиз, гоҳо танҳо ўзи қолганда руҳан азоб чекканига конкрет мисоллар келтиради.

Ҳаётда Навоийнинг хурсанд бўлган вақтлари ҳам бўлган, турли ташвишлар билан яшаган вақтлари ҳам, ҳатто қаттиқ изтироб чеккан вақтлари ҳам. Заҳириддин Мұхаммад Бобур «Бобурнома»да: «Алишербекнинг мизожи нозук била машҳурдур. Эл назокатини давлатнинг ғуруридин тасаввур қилур эдилар. Андоқ эмас экандур. Бу сифат анга жибиллий (табиатида бор) экандур. Самирқандда эканда ҳам ушмундоқ нозук мизож экандур»,²²—деб ёзади.

Шунинг учун айrim мақолатларда китобхон Навоий характеридаги гоҳ осудалик, совуққонлик билан, гоҳ қизишиб фикрлаш ҳолларини ҳам кузатиш мумкин.

Достондаги ҳамма гаплар Навоий тилидан бўлгандан кейин, бунда билдирилган мулоҳазалар ифодасидаги

²⁰ Уша асар. 83-саҳифа.

²¹ «Бобурнома». 233-саҳ. Бу жумлапи асарнинг рус тилига таржимасида Салье М. «Без сына, без дочери, без жены и без семьи прошел он (Навои) прекрасно (свой путь) в мире одинока и налегке»,—деб берган. «Бобурнома», Тошкент, 1958 ~ 199-саҳ.

²² «Бобурнома». Тошкент, 1960. 233-бет.

шөөрий услубни Навоийнинг шахсий нутқига яқин деб қарашга ҳақлимиз, яңни бу асарда биз Навоийнинг бошқа асарлари дагига қараганда унинг инсоний, путкий, руҳий хусусиятларини, яңни шахсини күпроқ ҳис этамиз. Достон услубининг муҳим хусусиятларидан яна бири, бизнингча, шунда. Чунки услуб адабиётда биринчи навбатда муаллифнинг шахсияти дегани.

Масалан, «Хайрат ул-аброр»нинг учинчи мақолатида Навоий шоҳ ва унинг амалдорларини инсоғ ва адолатга, имонга тарғиб этиб, насиҳатлар қилас экан, ҳукумат одамларининг майшатга берилиб, кўп ичишларини, оқибатда ўзларини билмай, қуёш баландга кўтарилигунга қадар, тонги намозни ўқишини ҳам унугиб, ухлаб қолишларини қаттиқ танқид қиласди, уларнинг ҳажвий қиёфаларини чизади ва дейди:

Базмдағи қорио гар худ йигит
Майдин ўлуб ҳар бири бир телба ит²³.

Шоир бу аҳволдан қаттиқ норозилигини ўзини Худонинг ердаги сояси деб билган шоҳнинг ўзига айтиб, унга қаттиқ дашном беришга журъат этади ва уни тавба ила, ҳақ йўлга қайтишга чақиради:

Эй хулафо ўрнида маснаднишин,
Қўр ўз ишингнию аларнинг ишин.
Қоида шундоғму бўлур, де ахи,
Бир ўз ишингнинг ғами ҳам е ахи,
Ҳақ сени адл этгали султон этиб,
Зулм ила сен халқни вайрон этиб...
Зулмни тарк айлаву дод айлагил,
Марг кунидин доғи ёд айлагил...
Саҳвунга де узр, таваҳҳум била.
Зулидин этиб тавба тазаллум ила...²⁴

Бу сатрларда Навоий руҳи, унинг қарашлари, қатъий сўзлиги, журъаткорлиги яққол намоён бўлиб турибди,—десак хато қилмаган бўламиз. Имон, эътиқод, Ислом қоидалари ҳақидаги олдинги бобларда бу масалалар юзасидан осойишта фикр юритган шоир халқ, мамлакат тақдирни, адолат ҳақида гап кетганда ундан чекинган амалдорларни танқид қилиш, фош этиш учун сўзни аямайди, иккиюзламачилик қилмайди, унинг гап-

²³ Алишер Навоий. Хамса, 60-саҳифа.

²⁴ Уша асар. 61-саҳифа.

лари олий талаб даражасига күтарилади. Навоий реал ҳаётда ҳам шундай бўлган. Бунга Хондамир «Макорим ул-ахлоқ» асарида (Мавлоно Соний ҳақидаги латифани эсланг!) бир қанча мисоллар ҳам келтиради.

Бу аҳвол достонда Навоий услубида кескин сифат ўзгаришларга ҳам олиб келган. Навоий бора-бора умумий насиҳатлар, таъриф, тавсифлар билан чекланмай, ўнинчи мақолатдан кейин ўз фикр-мулоҳазаларини ҳаётдан олинган конкрет воқеа ва ҳодисалар, образлар орқали ёритишга киришади. Яъни унинг тасвирида воқеанавислик хусусияти, эпиклик алломатлари жиддий ўрин эгаллай бошлайди.

Воқеанавислик Навоий ижодида биринчи маротаба унинг йигитлик давридаги устози Сайийд Ҳасан Ардашерга ёзган шеърий мактубида намоён бўлган, шоир ўнга ўша даврдаги ўз турмушининг қийинчиликларини, ўша вақтларда Хуросонда юз берган ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги таназзулни юксак шеърий маҳорат билан тасвирлаб берган эди. Шу билан бирга ўша мактубида у шоир сифатида «Хамса» ёки «Шоҳнома» типида асар яратиш ғояларига ҳам эга эканини билдирган эди. Демак, Навоийнинг эпик шеърлари кейин пайдо бўлган, таёсодифий ҳодиса бўлмай, бу қобилият аслида унинг табиатида бор эди²⁵.

Навоий ўн биринчи мақолатда ўша даврда илм кишиларининг моддий ва маънавий аҳволи ҳақида сўзлар экан, у ўз юртидан узоқларга — бегона юртларга кетиб, очлик, муҳтоҷжлик ва мусофиричлик азобларини тортган талаба ҳаёти мисолида намоён этган. Навоий бошқа шаҳарда тентираб юрган, уй-жойи йўқ, хўрлик ва зорликларга гирифтор йигитнинг аҳволини реал ҳаётда қандай бўлса, худди ўшандай ҳаққоний тасвирлай олган:

Халқ кўпу йўқ бири ёри анинг,
Қўздин учуб шаҳру диёри анинг.
Кўча кўпу эл кўпу бозор ҳам,
Билмайин улким қаён урғай қадам,
Фурбат ўти кўнглига кор айлабон,
Жонимни ёлғизлиги зор айлабон.
Сайр этиб ақшомғача бетўшае,
Чун бўлуб ақшом тутубон гўшае
Заъф ила ҳуши ўзига келмайн.
Тонггача уйқу кўзига келмайн...

²⁵ Бу ҳақда қаранг: Ҳайитметов А. Навоий лирикаси, Тошкент, 1961. 270—292-саҳифалар.

Навоий тасвирилашича, бу талаба ўртоғи билан узоқ йиллар ўқиб, атрофлича чүқур билим олиб, ўз юртига қайтар экан, ўз юртида ҳам тегишли ҳурматтаға сазовор бўлмаган, тириклийк ўтказиш тамаида жоҳил амалдорга лаганбардорлик қилган ва «хору забун» бўлган.

Ўн иккинчи мақолатда Навоий солиқ йиғадиган амалдорларнинг ўз мавқеларини сунистъемол қилиб, қишлоқ-қа боргандарини, дәҳқонлар ва косибларнинг арпаларини отларига егизиб, улар ҳисобига майшат қилганларини, оиласларига тажовуз этгандарини ғазаб ва нафрят билан, ҳозирги тил билан айтганда, реалистик усулда тасвирилаб кўрсатган. Кент арбоблари ҳам дәҳқонларни ҳимоя қилиш ўрнига «мағзу пўст» бўлиб, золимларга ёрдам берган. Навоий бу аҳволга якун ясад дейди:

Хосил ўшул уйга бало дорибон,
Қайси бало, балки вабо дорибон.
Йиғламоғу оҳ ила афғон солиб,
Ул ёғину ел била тӯғон солиб,
Кентнинг арбоби бир-икки авон,
Зулмда бу хожа, алар паҳлавон.
Бир-бiri била бўлушуб ўйла дўст,
Ким кишиким кўрса дегай: «Мағзу пўст!»

Ўн бешинчи мақолатда ичкилиқка берилиб, киши асабини бузадиган, одамгарчиликдан чиққан, кўчаларда салласини, пулинини, пичофини йўқотиб, тўнини ўрилар ечиб олган, ҳамма ёғи лой, ифлос, соқолини итлар ялаган бадмостнинг бир қараганда кулгили, жиддийроқ қараганда ачинарли аҳволини шоир ўзига хос конкрет чизгилар орқали ниҳоятда аниқ гавдалантирган:

Қай соқолин ҳар неча нопок этиб,
Ит яламоқ ила яна пок этиб,
Мастлик уйқуси чу зойил бўлуб,
Қўз очибон бодаға мойил бўлуб.
Не топибон бошида досторини,
Не кўрибон белида динорини.
Тўнини элтиб яна бир роҳзан,
Ўйлаки сўйғайлар ўлуктин кафанд...

XV асрда Хуросонда ичкилиқбозлик кенг тарқалган бўлиб, бунинг салбий оқибатлари тасвирига Навоийнинг маҳсус бир мақолатни бағишилаши бежиз эмас эди. Бундай ўринларда Навоийнинг услуби ўтқир ҳажвий хусусият касб этган дейиш мумкин.

Навоийнинг кичик замондошларидан Заҳириддин Мұхаммад Бобур «Бобурнома»да, Зайниддин Восифий «Бадоеъ ул-вақоєъ»да улуғ шоирнинг табиати ҳазил-мутойибага мойил бұлганини хабар қиласылар. Навоий «Ҳайрат ул-аброр»да ҳажв ва ҳазил-мутойиба услубидан фойдаланишга анча ўрин берган.

Навоий шеърий услубининг воқеъликка муносабатлари ва унда ҳажв, мутойибанинг муҳим ўрни ҳақидаги фикрлар унинг ҳикоячилигига ҳам тегишилдири. Масалан, биринчи мақолат охиридаги ҳикояда тасвирланишича, «орифларнинг султони» лақабини олган Боязид Бистомий қунларнинг бирида бозорга яқын бурчакда жуда хафа бўлиб ўтирган бўлади. Ундан: «Нега ҳафасиз?»—деб сўраганларида, у:—«Мана, кўриб турибисизлар. Дунёда одам кўп. Лекин уларнинг ҳаммаси ўз иши, тирикчилиги билан овора. Уларнинг орасида Худони деб яшаётган, уни ўйлаётган бирон инсон кўринмайди. Мен шунга ҳафаман!—қабилида жавоб беради. Шунда улардан бири:—Сизчи? Уларнинг орасида ўзингиз ҳам борсиз-ку?—деб ҳазиломиз у кишига тегажоқлик қиласыд. Боязид эса бунга тантилик, камтарлик билан:—Мен ҳам ўшаларнинг биттасиман. Биз ҳаммамиз шундай касалликка мубтало бўлганмиз. Эртани ҳеч ўйламаяпмиз!»—деб жавоб беради. Бу мақолатда Навоийнинг имон-эътиқод ҳақидаги сұхбатни шундай ҳазил-мутойиба билан олиб бориши қизиқарли, услубан ҳаёттайдир. Яъни Боязид Бистомий муҳим масала ҳақида гап борганда ўзини ҳам аямасдан танқид қилган. Ўзининг шу пайтгача қилган тоат-ибодатлари ҳақиқий сўфий деб («иш сирридин огоҳ») аталиш учун жуда кам эканини айтишга журъят этган.

Мақолатда илова тарзида келтирилган бошқа баъзи ҳикоятларда Навоий диалог формасидан фойдаланишга алоҳида эътибор беради. Бу эса унинг ҳикояларига жонлилик бағишлийди. Мақолатларнинг монолог формасидан ҳикоятларда диалог формасига, баёнчиликдан воқеанависликка ўтиш достоннинг ёзилиши услубига рангбаранглик бағишилаган.

Бу ўринда Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр», «Садди Искандарий» достонлари ҳақида яна шуни айтиш керакки, уларда Шарқ адабиётидаги Шайх Саъдий, Фаридиддин Аттор, Низомий Ганжавий, Жалолиддин Румий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий ҳикоячилигининг яхши хусусиятлари — тил ва тасвирнинг соддалиги, ўзида инсонпарварлик, юксак одоб-ахлоқ ғояла-

рини ёрқин мужассам этганлиги билан таъсирчан ва яхши эсда қолади.

Навоий пандномасининг услугуб хусусиятлари тўғрисида гап борар экан, шуни ҳам айтиш керакки, у йигитлик давридаёқ, агар мен «Хамса» каби асарлар ёзишга киришсам, уларни бошдан-ёёқ илми бадеънинг энг қиёйин шакллари — эҳом ва хосса маъни санъатлари асосида ёзган тақдиримда ҳам жуда қисқа бир муддатда охирига етказган бўлур эдим!—дегани бежиз эмас эди²⁶.

Навоий «Хамса»ни яратишга киришар экан, ўзининг шу гапига бу асарида ҳам қатъий ва изчил амал қилди. Масалан, Навоий еттинчи мақолатда ҳам инсонийлик, ҳам мутасаввифлик нуқтаи назаридан қаноатни маъқуллаб, улуғлаб, таъмагирлик ва пасткашликни қоралаб, «тоҷ» ва «муҳтоҷ» сўзларини бир-бирига қофия қиласа экан, бу сўзлар маъно эътибори билан бир-бирига зид, лекин «муҳтоҷ» сўзининг иккинчи бўлаги «тоҷ» «муҳтоҷ» сўзига бир оз ўхаш, шу туфайли шоир бу сўзлардан тажнис санъатини яратиш учун фойдаланган ва шу туфайли бу мисралар ўқувчи ёдида тезроқ, осонроқ қолиши мумкин:

Шоҳ бошининг шарафи тоҷ эмас,
Англа они шоҳки, муҳтоҷ эмас²⁷.

Одамларга яхшилик қилиш, нафъ етказишни ўзига одат ва қоида қилиб олган кишилар ҳақида Навоий уларни халққа кулиб боққан субҳ(тонг)га ва уларни доим хизматига тайёр турган осмон(чарх)га ташбеҳ қилган:

Субҳ киби халқ юзига кулуб,
Чарх киби эл бошига эврулуб²⁸.

Бу хил маҳорат билан қўлланган шеърий санъатларга шоир достонидан юзлаб мисоллар олиб келиш мумкин. Бу масалага биз «Алишер Навоий пандномаларида бадиият» деган мақоламиизда маълум даражада тўхталганимиз учун шу мисоллар билан чекланамиз²⁹.

Айни вақтда бу ҳол Навоийнинг «Хамса»си таркиби-

²⁶ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. З-том. Тошкент, 1988. 530-саҳ.

²⁷ Алишер Навоий. Хамса. 76-саҳифа.

²⁸ Ўша асар, 102-саҳифа.

²⁹ «Тил ва адабиёт таълимни» журнали. 1996 йил, 1-сон. 38-48-саҳифалар.

даги, хусусан «Садди Искандарий» достонидаги панднасиҳат қисмларига ҳам хосдир. Шундай йўллар билан Навоий бу ва бошқа достонларида шеъриятнинг панднасиҳат турини, унинг услубини, мазмун жиҳатидан ҳам ғоят баланд ва нурли бир юксакликка кўтарди.

«Ҳайрат ул-аброр» тугалланар экан, Навоий достон охирида шаҳзода Бадиuzzамонга маҳсус бобда бир неча насиҳатлар қиласди.

Бу насиҳатлар орасида шоир гуноҳкор қанча катта айб ишлар қилмасин, унга оғир жазо беришга шошмаслик, тавба қилдириш йўли билан чекланиш, одамларга яхшилик (лутфу карам) қилиш билан бир қаторда айрим вақтларда қаттиқўл (қаҳру сиёсат) бўлиш зарурлиги ва бошқа сиёсатлар тўғрисида ҳам гапиради.

Неча улуғ эрса гунаҳ хирмани,
Елга берур оҳу надомат ани.
Журм ўтиким, шуъласи пайваст эрур,
Узр сиришки суйидин паст эрур.
Лутфу карам гарчи эрур дилпазир,
Қаҳру сиёсат ҳам эмас ногузир³⁰...

Бу уч байтда «гунаҳ хирмани» (гунаҳ хирмони), надомат (пушаймон), журм (гуноҳ), пайваст (туташ), сиришк (кўз ёши), дилпазир (ёқимли), ногузир (иложсиз, муқаррар) каби бир неча форсча, арабча сўз ва иборалар учрайдики, улар Навоий услубини мураккаблаштираётгандек. Бу хусусият шоирнинг бошқа асарларига ҳам хос бўлиб, ушбу ҳол маълум даражада шоирнинг форсий тил таъсири кучли бўлган географик шароитда яшаб ижод қилгани оқибати деб ўйлаймиз. Навоий учун услубнинг бундайлиги у даврда табиий бир ҳодиса ҳисобланган³¹.

Навоий тасаввуфда нақшбандия сулукига амал қилган бўлиб, Аҳмад Яссавий замонида ижобий ҳисобланган зоҳидликни қоралади. Масалан, «Садди Искандарий» достонида инсонларни умрининг ҳар дақиқасини яхшилик, ширинлик билан ўтказиб, бир-бирини қадрлашга, ҳеч вақт умидсизликка тушмасликка чақириб, қўйидаги каби услубан порлоқ ва ҳузурбахш байтларни шеър ипига тизар экан, бу сатрларни биз Навоий ўгит-

³⁰ Алишер Навоий. Хамса. 137-саҳ.

³¹ Бу ҳақда қаранг: Абдуқодир Ҳайитметов. Ўзбек адабиётида халқчиллик ва халқчил услугуб ҳақида//«Ўзбек тили ва адабиёти». 1993 йил, 1-сон, 9—15-бетлар; Туркистон ва Хурросон услублари//«Халқ сўзи». 1996 йил, 9 феврал.

ларининг, унинг шеърий услубининг олий нуқталари дейишга ҳақлимиз:

Эрурлар ғанимат бори бу замон,
Ки бир-бирга сиз барчангиз меҳмон...
Олинг айшдин умрнинг комини;
Тутинг хуш йигитликнинг айёмини...
Ўзунгизни меҳнат куни овутинг,
Не ғам келса даврондин, осон тутинг.
Агар ғам етиб, кимса топса алам,
Қилур бир гамин куч била икки ғам...
Жудолиққа шод ўлма асҳобдин,
Жафо етса айрилма аҳбобдин³²...

Бу байтлар Навоий услубининг асардан асарга сайқал топиб, нақадар гўззаллашганидан, етуклик касб этганидан, инсонларга ҳамма вақт янги руҳ бағишлишга қодир эканидан далолат қиласди.

Ўзбек адабиётида бу услуг Навоийга қадар Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Ҳайдар Хоразмий кабилар ижодида шакллана бошлаган бўлса, XV асрдан кейин Хожанинг «Мақсад ул-атвор», Сўфи Оллоҳёрнинг «Сабот ул-ожизин» каби достонларида ўз ривожини топди.

³² Алишер Навоий. Хамса. 806--807-саҳифалар.

Еқубжон ИСХОҚОВ

НАВОИЙ ЛИРИКАСИ ВА ЯНГИ ДАВР ПОЭТИКАСИ

Алишер Навоий ижодиёти Шарқ, хусусан, арабий ва форсий адабиётда поэтик қонун-қоида (канон) ҳукмрон бўлган даврга тўғри келади. Бу ўринда поэтика фани, асосан, учта масалани қамраб олган бўлиб, уларнинг ҳар бири мустақил илм ҳисобланар эди: илми аруз, илми қоғия, илми бадеъ. Жанрлар поэтикаси ҳақида эса учинчи қисмга илова тарзида сўз юритилар эди.

Янги давр адабиётшунослигида бадиийликнинг белгилари сифатида маҳсус ўрганиладиган бир қатор категориялар (гарчи уларнинг аксарияти Шарқ адабиётида ҳам мавжуд ва ҳатто, юксак даражада бўлган бўлсада) анъанавий поэтиканинг мазкур учлиги доирасида учрамайди. Психологизм, сабабият-детерминизм, табиат тасвири (пейзаж), драматизм, композиция, макон ва замон сингари бир қатор проблемалар ана шулар жумласидан.

Навоийнинг лирик мероси ана шундай масалалар борасида ҳам маҳсус мулоҳаза юритиш учун бой материал беради. Зотан, аслида бундай поэтик истилоҳ-тушунчалар, гарчи янги давр Европа адабиётшунослиги билан алоқадор истилоҳлар бўлса ҳам, умуман бадиий ижод учун хос категориялар бўлиб, Шарқ шеърияти ва хусусан, унинг Навоийдек буюк намояндадали ижодиёти учун ҳам бевосита тааллуқли. Бинобарин, мазкур проблемаларни Навоий лирикаси билан боғлиқ ҳолда ўрганиш, бир томондан, шоир бадиий маҳорати ва новаторлигининг янги жиҳатларини кашф этиш, иккинчи томондан, ўрта асрлар шеъриятининг юксак чўққиси ҳисобланмиш Навоий ижодий тажрибаларини аниқлаш

ва пиравард-натижада инсониятнинг бадий тафаккури (миллий ва жуғрофий тафовутдан қатыи назар) учун хос бўлган умумий қонуниятларни тадқиқ этишга ёрдам беради.

1. Навоий лирикасида пейзажнинг ижтимоий-эстетик функцияси

Адабий асарда табиат тасвири ўзининг фалсафий, ижтимоий, ахлоқий-эстетик қирраларига эга. Унинг асосий эстетик функцияси ҳам ана шу жиҳатлар билан боғлиқ ҳолда кўринади. Зотан, бадий асарда муайян вазифасиз бирорта деталь бўлмаганидек, табиат билан боғлиқ тасвир ҳам бирор ғоявий-эстетик вазифани адо этмаслиги мумкин эмас. Табиатга мурожаат, хусусан, романтизм адабиёти учун ниҳоятда катта аҳамият касб этган. Улар носоз тузумнинг изтиробларидан паноҳни табиатдан излаганлар. Лекин табиат тасвирига алоқадор баъзи муҳим жиҳатларни мутлақо назардан соқит қилиш мумкин эмас. Булар, биринчидан, ҳар бир адабиётда пейзаж тасвири билан алоқадор тажрибалар, яъни традиционлик. Жуда кўп халқларнинг фольклори ва ёзма адабиётида табиат тасвири билан боғлиқ ўзига хос традициялар мавжуд бўлиб, у ёки бу санъаткор ижодининг моҳияти, оригиналлиги ҳақида ана шу традициялар фонидагина хulosа чиқариш мумкин. Жумладан, асрлар давомида Шарқ адабиётида шаклланиб етган қатор поэтик образ ва рамз (символ)лар ичида табиат билан боғлиқ элементлар ҳам кўпчиликни ташкил этади (гул, булбул, сарв, шамшод, наргис, лола, булут, қуёш, тонг ва ҳ.к.). Уларнинг ҳар бири шаклланган барқарор моҳиятга эга бўлиб, тасвир жараённида, муайян поэтик функцияни адо этади. Лекин ана шундай традицион поэтик образлар ҳам турли фалсафий оқимлар билан боғлиқ адабиётлар доирасида турлича моҳият касб этган. Жумладан, Шарқнинг машҳур пантеист шоирлари ижодида улар фалсафий-символик характерга эга. Бинобарин, ана шундай поэтик образ ва символларнинг ғоявий, поэтик функцияси ҳақида мулоҳаза юритганда конкрет ижодкорнинг ғоявий-эстетик позициясини диққат марказида тутмоқ лозим. Навоий ижодида ана шундай традицион образ ва символларни ниҳоятда кенг: ҳам фалсафий, ҳам ижтимоий, ҳам эстетик планди намоён бўлади. Навоий пантеизми учун характерли ҳол (реаллик билан абстрактлиликнинг давомийлиги, бир-бирини тақозо этиши) унинг поэтик система-

си учун ҳам тааллуқли. Бироқ традицион руҳдаги (девоннинг, ҳар бир ҳарфнинг бошидаги ғазаллар, ҳамд ва наътлар) шеърларда фалсафий асос сезилиб турса, конкрет ҳәётий воқеий шеърларда уларнинг реал ижтимоий, эстетик функцияси яққол кўзга ташланиб туради. Лекин табиат билан боғлиқ поэтик воситаларнинг ўзи ҳали пейзаж лирикаси дегани эмас. «Пейзаж лирикаси у ёки бу мамлакатдаги жамият онгидга табиат кўринишларининг умумий хусусиятларига нисбатан эмоционал идеологик қизиқиший уйғонган даврдагина пайдо бўлиб, ривожлана бошлаган»¹. Урта асрлардаги форсий ва туркӣ адабиётда пейзаж тасвири маълум бир жанрлар билан боғлиқ ҳолда ривож топган. Эпик асарларда эса воқеа-ҳодисалар кечадиган макон тушунчаси билан алоқадор, шунингдек, қаҳрамонлар ички кечинмаларининг эмоционал тасвири учун фон, восита сифатида кўринади. Лирик жанрлар ичида энг каттаси (лиро-эпик дostonларга яқинлари ҳам мавжуд) қасидада эса бошқача функцияни адо этади: аввало, бу жанр поэтикасининг анъанавий (бешта) специфик белгиларидан бири — унинг бошланиш қисми (ташбиб, насиб)даги табиатнинг кўтаринки эмоционал тасвири сифатида. Бу тасвир ҳақиқий мадҳга ўтиш учун замин ҳозирлайди. Қасидаларнинг бу қисми асосан баҳор тасвирига бағишлиган. Лекин Навоий «Фусули арбаа» (тўрт фасл) номли тўртта форсий қасидасини йилнинг тўрт фасли билан боғлаган (баҳор, ёз, куз, қиш).

Тўрттала қасиданинг ҳар бири мустақил асар, айни замонда моҳияттан ва услубан бир хил бўлиб, тўрт қисмдан ташкил топган ягона асарни эслатади (гўё битта йил тўртта фаслдан ташкил топганидек). Лекин уларнинг барчаси учун хос традицион муқаддима-табиат тасвири ҳар бир қасидада йилнинг муайян фасли билан боғланади. Шоир ҳар бир фаслнинг ўзига хос манзараси, жозибаси ва ҳатто, рутубатини ҳам юксак поэтик талант, самимий шавқ билан чизади. Нозик кузатувчаник, чуқур мулоҳазакорлик, кучли поэтик ассоциация қудратига эга бўлган шоирнинг қуюқ эмоционал тасвири натижасида ҳар бир фаслнинг ёрқин реалистик картинаси ўқувчи кўз олдида жонли манзара сифатида бутун нозик деталлари билан намоён бўлади.

Шоир табиатга ҳаракатдаги мавжудот сифатида ёндашади. Табиат билан жамиятни яхлит бир борлиқ сифатида кўради. Шунинг учун ҳам табиатга нисбатан

¹ Поспелов Г. Н. Лирика. М., 1976. С. 120.

инсон учун хос сифат ва хусусиятларни бағишлийди. Уларни жонлантиради. Ҳаракатга келтиради, инсоннинг турли вазиятлардаги ўй-кечинмалари, ҳолати тарзида тасвирлайди (ташхис-персонификация приёми). Мазкур тасвирларда реалистик деталлар, ранглар юксак эмоционаллик ва кучли муболага билан қўшилиб кетади. Навоий қасидаларининг муқаддимаси характер эътибори билан тавсифий-тасвирий (ташхис воситасида шартли) лирикага монанд; оҳанг — тантанавор.

Қасида насибидаги табиат тасвири жанр поэтикасига хос традиция билан алоқадор бўлса-да, Навоийнинг ўзига хос ғоявий-эстетик концепцияси яққол сезилиб туради: муқаддима пейзажда ҳаётпарварлик руҳи, мадҳда муболагали пардада бўлса-да, объективлик меъёри сақланган.

Лириканинг асосий жанри ғазалда пейзажнинг маҳсус тасвир обьекти — мушоҳада ва мулоҳаза воситаси сифатида етакчи мавқелардан бирини эгаллаши бевосита Навоийнинг новаторлик ташаббуси билан алоқадор. Албатта, Навоий салафлари ғазалларида (асосан, форсийнавис шоирларда) пейзаж элементларига бой бир ёки бир неча байтли ғазаллар мавжуд. Лекин Навоийда изчил ва тугал мавзу (тема) сифатида яхлит ғазал формасига эга бўлди. Бошқача қилиб айтганда, бир ғазалга табиатнинг турли ҳолатлари ва кўринишлари эмас, балки муайян фасл (баҳор, куз) ёхуд пайт, момент (масалан, ёмғирли тонг пайти) асос қилиб олинниб, унинг барча муҳим деталлари билан изчил таҳлил қилинади.

Навоийнинг шу темага доир ғазаллари учун характерли иккинчи муҳим жиҳат — пейзажнинг муҳим ижтимоий-ахлоқий функция адо этишидир. Навоийда табиатнинг бой ва хилма-хил кўринишлари шунчаки бир завқ олиш манбаи эмас. Уларнинг ҳар бири ўзининг қандайдир характерли белгилари билан инсон учун ибрат сифатида хизмат қиласи. Шоир йил фаслларига хос хусусиятларини инсон умрининг «fasllari» билан қиёслаган ҳолда чуқур поэтик умумлашма қиласи, фалсафий хулосалар чиқаради. Бу ерда ҳам яна машҳур усул — приём — ташхис (персонификация) ва ниқто (мавжудотга нутқ ато этиш) санъатлари қўл келади.

Она-табиат бой ҳаётий мушоҳада ва мулоҳазага эга зукко мутафаккир қиёфасида инсонларни рафлатдан огоҳлантиради, уларни актив фаолиятга, ҳаётни мазмунли ўтказишга даъват этади. Бошқача қилиб айтганда, мутафаккир Навоий ўзининг ҳаёт, инсон ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ чуқур фалсафий мулоҳазалари,

ўткир ижтимоий-ахлоқиј қарашларини она-табиат ти-лидан изҳор этади. Зотан, кўхна ва абадий табиат узоқ ва аччиқ тажрибаларга эга, у фаслларнинг бетакрор гўзаллиги ва ўткинчилиги, ногаҳоний оғатларни доимо ўз тажрибасида кўради. Инсон ҳам табиатнинг органик (узвий) бир бўлаги. Бинобарин, унинг умри ҳам баҳор билан бошланиб, қишига қараб боради. Навоийнинг «Ҳазойин ул-маоний» дебочасидаги сўзларини эслайлик: «Туфулият овониким, етти-саккиз ёштин йигирма ёшқача ченаса бўлғайким, умр фусулининг навбаҳори ва ҳаёт гулшанининг шукуфа ва гулзоридур... Шабоб замониким, йигирмадин ўттуз бешгача деса бўлғайким, ҳам бу фусулнинг ёзибурдиким, йигитлик чашмосорининг ҳаёт-баҳшлигининг оғозидур... Ва қуҳулат айёниким, ўттуз бешдин қирқ бешгача дегинча қиёс қилса бўлғайким, бу фусулнинг хазонидурким, тириклик боғининг баргрезининг нишонидур... Ва қирқ бешдин олтмиш яқиничараким, таъйин қилса бўлғайким, бу фусулнинг қишибурдиким...». Лекин кутимаган оғатлар натижасида ундаги фаслларнинг чегараси ҳам бузилиб кетиши ҳеч гап эмас. Шундай экан, бетакрор умр баҳорини фафлатда ўтказиш — бу ғоғиллик ва кечириш мумкин бўлмаган гуноҳ. Дарвоҷе, Навоийнинг пейзаж типидаги ғазалларининг деярли барчаси баҳор ва баҳордаги ёмғирли тонг пайти билан боғланганлиги бежиз эмас.

Албатта, ҳар бир ижодкорнинг руҳий оламига муайян бир фасл яқинроқ бўлиши, шунингдек, маълум бир пайтдаги кайфият билан табиий мухит ўртасидаги мутаносиблик юзага келиши ҳам мумкин (масалан, Пушкиннинг куз фаслига муносабати). Навоийнинг тонг пейзажи билан боғлиқ ташвиқот руҳидаги ғазаллари ҳам конкрет пайтнинг шоир руҳий дунёси билан муносабати ҳосиласи бўлиши шубҳасиз. Шунингдек, баҳор билан боғлиқ шеърлар ҳам худди ана шундай конкрет ҳаётий вазиятнинг таъсирида яратилган бўлиши шубҳадан узоқ. Лекин ҳамма гап уларнинг фалсафий-ижтимоий моҳиятига молик юксак поэтик умумлашмалар даражасига кўтарилганлигида. Чунки худди ана шундай ғазалларнинг асосий қисми шоир ижодиётининг иккинчи ярмига — ўрта ёш ва қариллик даврига мансуб. Демак, унинг ёши улгайиб, ҳаётий тажрибаси ортган даврда баҳор темасига қайта-қайта мурожаат этиши бежиз эмас: баҳорнинг қадри у ўтиб кетганидан кейин билинади.

Навоийга қадар ҳам поэзияда баҳор қайта жонланиш, кучга кириш, ёшаринш ва бетакрор гўзаллик рам-

зи сифатида күйланган. Масалан, Рабғузий (XIII—XIV) ҳам махсус ғазалини «Кун кела минг күрки ортиб, тирилур эрмиш жаңон; Тонг пазирлаб нақши бирла бе занур бу ер юзи» деб бошлайды. Навоийда эса баҳор билан бөглиқ тасвир күп аспектли: ғаслнинг рангларга бой манзараларини тавсиф этиш билан чекланиб қолмайды, балки улардан ибратли фалсафий хулоса чиқариш учун фон сифатида фойдаланади. Баҳор билан боғлиқ табиий деталлар инсон ва инсон манфаатларига доир чуқур мулоҳаза юритиш учун воситачи ролини ўтайди. Баҳор ёшариш, кучга тўлиш, навқиронлик фасли, лекин у мұваққат, ўткинчи. Үндан баҳраманд бўлиш, унумли фойдаланиш учун эса ғафлатда қолмаслик керак. Табиат баҳори такрор келгуси, албатта. Лекин сенинг бўлишингга ким кафолат беради, «яна баҳоргача»? Инсон умрининг баҳори ҳеч такрорланмайди — ҳамма гап ана шунда. Навоий ғазалларида гўзал баҳор фаслининг (ҳар икки маънода) мұваққат ва ғанимат эканлиги гоҳо жўшқин, гоҳо мунгли бир пардада кўйланиши боиси ҳам ана шунда. Бинобарин, унинг баҳор ғаслида айшу ишратга тарғиб ва ташвиқ қилишини (хаёмана) ҳам шартли-фалсафий маънода қабул қилмоқ зарур. Бу проблемага умуман Навоийнинг ёшлиқ даври ва ёшлар масъулияти ҳақидаги рационал қарашлари, этик позицияси контекстида ёндашсак, унинг туб моҳияти равshan бўлади. Фарҳод умр баҳорида айшу ишратни билмади, балки илм-хунар пайидан бўлди ва натижада «жаҳонда қолмади ул етмаган илм; Билиб таҳқиқини касб этмаган илм». Ёки: «Йигитликда йиг илмнинг махзанин; Қариган чоқда сарф қилғил они» деган афоризмнамо байт ҳам Навоий қаламига мансуб («Маҳбуб ул-қуслуб»).

Навоий ғазалиётида пейзаж тасвири характер эътибори билан, асосан, икки типа:

1. Ғазалнинг бош томонидаги бир нечта байтда табиат манзарасининг (характерли белгилари сақланган ҳолда) лўнда ва ёрқин тавсифи берилади. Сўнгра шоир асосий муддаога — фалсафий жиҳатдан асосланган ижтимоий, ахлоқий ғоялари ташвиқига ўтади. Бундай ғазаллар, агар ҳажмини ҳисобга олмасак (уларнинг аксарияти 9 байтли), кичкина қасидага ўхшайди. Лекин иккинчи қисми, қасидада бўлганидек, бирор конкрет субъектнинг мадҳи эмас, балки фалсафий асосдаги ижтимоий-ахлоқий ғояларнинг ташвиқидан иборат. Шу жиҳатдан уларни фалсафий қасиданинг кичик модели деб аташ мумкин (ёки қасида — ғазал). Масалан, ана шу типдаги 9 байтли ғазал шоир ижодининг учинчи дав-

рига тааллуқли. Дастрлабки түрт байтда булутли баҳор кунларининг образли реалистик тавсифи берилади. Тўп-тўп бўлиб сузиб юрган булутлар гавҳар ташиётган (булутнинг устки қисми қуёш нурида қизариб кўринади, ўзи эса фил рангидаги — кулранг) фил карвонига, қатмакат булутларни эса савдогарларнинг қатма-қат қилиб терилган молига ташбиҳ қиласди. Шоир табиатнинг оригинал тасвири воситасида ўқувчини мафтун қилиб, ўзига жалб этади ва бир неча байтда давом этган ана шундай сеҳрли манзарадан сўнг асосий мақсадга кўчади. Натижада шеърнинг асосини ташкил этган муҳим хулоса қуруқ ваъз-насиҳат тарзида эмас, балки шоир ва у билан бирга реал гўзаллик мафтуни бўлиб қолган ўқувчи қалбининг табиий интилиши, умумий хуносаси сифатида юзага чиқади:

Пили гавҳаркашдуур ҳар ён саҳоби пилранг,
Бошида чангак ҳилолу ёнида хуршид занг.
Асрุ изҳори тажаммул қилди султони баҳор,
Ким бу янглиғ пил юз минг жилва айлар бедаранг.
Айлади найсон зулоли ер юзин ойинагун,
Анжуму кўк аксидур анда раёхину ўланг.
Дафъа-дафъа бир-бири узра булут оғоқ уза
Гўйиёким тожире терди рухутин танг-танг.
Чанг уни бирла май ич, кўргузди чун қавси қузах;
Давр ила андоми чангу лавн аро автори чанг.
Буйла мавсумда керактур айш базмин тузгали,
Ҳам зумуррад ранг ер, ҳам бодаи ёқутранг.
Бу бори бир ёну ул бир ёнки, ичмак боиси;
Соқиё, бўлғай бу давр ичра бағоят шўху шанг.
Ҳам йигитлик, ҳам баҳор айёмини тут муфтаним,
Бода-ю соқий учун қилмоққа тарки ному нанг.
Эй Навоий, дам бу дамдур — тут ғанимат, бода ич;
Ўзга бир дамга етар-етмаска чун воқиф эманг.

Бу ғазалда шоирнинг асосий мақсади — табиатнинг уйғониш даври, гўзал фасли баҳор айёмининг ўзига хос латофатига эътиборни жалб этиш орқали инсон умрининг баҳори бўлмиш йигитлик даври такрор келмаслигини таъкидлаб кўрсатиш ва шу йўл билан инсонларни табиатнинг ана шундай бекиёс инъомидан оқилона баҳраманд бўлишга даъват этишдан иборат. Умуман, шеърда табиат баҳори жозибасининг экспрессив тавсифини беришдан мақсад, тор маънода олганда, умр баҳорининг муваққат ва ғанимат эканлигини таъкидлаш, кенг маънода эса умуман ҳаётнинг ўткинчилиги — так-

рорланмас буюк неъмат эканлигига урғу бериш орқали, унинг ҳар бир дақиқасини эъзозлашга даъват этишдан иборат. Ғазалнинг хуносаси ҳам фалсафий, ҳам ижтимоий жиҳатдан ниҳоятда характерли; шоир реал борлиқни муқаддас деб билади, чунки ҳеч ким «Ўзга бир дамга етар-етмас»ликдан воқиф эмас, дейди. Буни ҳам тор ва кенг маънода талқин қилиш имконияти бор: яна қачонгача ёки қанча яшашлигингни билмайсан (субъектнинг иродасига bogлиқ бўлмаган объектив ҳақиқат). Шунингдек, мавжуд реал воқеликдан бошқача дунё (у дунё)нинг ҳам бўлиши зимдан шубҳа остига олингандек туюлади. Бу ерда Хайём фалсафасининг айнан акс-садосини сезиш қийин эмас. Навоийнинг шу типдаги газалларининг ҳар бири, услубдаги умумийликдан қатъи назар, хос тасвир тарзи (қиёсий-ташибиҳий ёки контраст усули), поэтик образлари ва энг муҳими, алоҳида пафоси — янги бир ижтимоий-тарбиявий моҳияти билан ажралиб туради. Мазкур ғазалнинг асосий пафоси — ҳаётни, умрни улуғлаш ва уни эъзозлашга даъват бўлса (композиция жиҳатидан икки қисм), худди шу услубда бошланган (қариллик даврига мансуб) қуйидаги ғазал унга нисбатан яна бир пофона юқорироқ; ғазалнинг семантик структураси уч қисмдан иборат. Биринчи қисмда (1—5 байтлар) табиат бўстонининг ташбиҳий тавсифи берилади. Ҳар бир байт гулзор деталларидан бири нинг ташхис санъати воситасида яратилган оригинал ўҳшатишидан иборат.

Гулбун узра субҳидам ҳар сори гул барги тари,
Бир шажар узра магар қўнгондуур хайли пари.
Сув аро тушмиш қуёш акси, йўқ эрса гайдин
Кирди гулшанинг тамошосига меҳри ховарий.
Мактаб атфоли каби булбуллар ўлмиш наъразан,
То насими субҳ элидин очилур гул дафтари.
Гул аруси ҳусн мулкида эрур соҳибқирон,
То юзи даврига зийнат берди шабнам гавҳари.
Жола бирла нилуфар бир навъ тутмиш зебким,
Собиту сайёра бирла гунбади нилуфарий.

Кейинги икки байт ҳаёт баҳори қўйнида умр баҳорини муносиб ўтказишга тўғридан-тўғри тарғиб қилишдан иборат:

Ул киши умри баҳоридин терар гулбарги айш,
Ким кафида лолагун май бирла бўлғай соғари.
Дўстлар бирла тутуб ишрат баҳорин мұғтанам,
Бир нафас осуда бўлғай жони меҳнатпарвари.

Ғазал шу хулоса билан яқунланиши ҳам мүмкін эди (етти байтли стандарт шеър сифатида). Лекин тасвир яна бир поғона күтарилади: шоир энди ҳәстий-фалсафий хулосадан ижтимоий-ахлоқий проблема босқичига ўтади. Жиддий ижтимоий-тарбиявий ғоя ўқувчига күтилмаган пайтда тақдым қилинади. Лекин саккизинчи байт олдинги ва кейинги байглардаги фикр оқимини мантиқан боғлади. Бироқ авторнинг чуқур ижтимоий-ахлоқий концепциясини ифода этган охирғи икки байтнинг ўзи ҳам икки босқичдан иборат: дастлаб шоир юқорида ташвиқ қилинган идеал ҳәётни дунё мамлакатларига юз аср ҳукмдорлик қилишдан кўра афзалроқ деб таърифлайди. Охирғи байтда эса у янада кучлироқ хулосага келади ва бу хулосасини ўз-ўзига (аслида кенг оммага) қаратилган хитоб тарзида ифодалайди:

Эй Навоий, фақр мулкин тут ғанимат зинҳор,
Ким ғиною салтанатнинг кўптурур дарди сари.

Она табиат бағридаги оддий, осойишта ҳәёт («фақр» фалсафий-ахлоқий тушунча сифатида, ўз меҳнати билан оддий кун кечириш, маъносида) бойлик ва мансабга ҳирс қўйган шахсларнинг дабдабали, ҳашаматли ҳәёт тарзига қарама-қарши қўйилади. «Фақр» сўзи бу ерда маънавий-ахлоқий категория сифатида ўз меҳнати натижасига қаноат қилиш, қалбни, руҳни бойлик ва мансабга бўлган ҳирсдан ва умуман тамаъдан ҳалос қилиб, маънавий эркинлик ва мусаффоликка эришишни ифода этади. Агар ушбу шеър Навоий ўзи қоралаётган ғинобойлик ва салтанатга эришиб, ундан воз кечганидан сўнг (муҳрдорлик мансабидан ихтиёрий кетиши) ёзилганлигини назарда тутсак, романтик руҳдаги бу ғазал замирида ҳәётий мазмун ётганлигига заррача шубҳаланмаймиз. Мол ва насабнинг барча «бош оғриқлари»ни ўз кўзи билан кўрган мутафаккир адаб носоз жамиятдан безган қалбига ўз мусаффолигини сақлаб қолган она-табиат қўйнида таскин топмоқчи бўлади, унга интилади. Зотан, у йигитлик давридаёқ «Парим бўлса, учиб қочсам улустин то қанотим бор; Қанотим куйса учмоқдин, югурсам то ҳәётим бор», деб баралла жарсолган эди. Лекин беором, озурда қалб жамият қўйнида ором топмайди ва ниҳоят табиатдан нажот излайди, унга талпинади.

Шоир реал ҳәётий тажриба асосида юзага келган ниҳоятда катта ижтимоий руҳдаги хулосасини тасвир фонида беради.

Мазкур ғазалларни биз агар саҳна деб фараз қиласақ, пейзаж тасвири дастлаб бамисоли декорацияни эслатади. Сўнгра саҳнада фикр ва мулоҳазалар гуруҳи пайдо бўлади. Ниҳоят асосий образ — лирик қаҳрамоннинг хulosавий монологи билан саҳна ёпилади. Лекин декорация саҳнадаги каби қотиб қолган эмас, у кинофильмлардаги сингари жонли, ҳаракатда кўринади. Лирик қаҳрамон томошабин эътиборини навбатма-навбат унинг характерли нуқталарига жалб этиб, уни ўзича шарҳлайди. Манзаранинг мафтуни бўлиб қолган томошабин оддий кузатувчи эмас, балки унинг сухбатдошига айланганини ҳам сезмай қолади. Бу шеърлар мутафаккир — шоир ва омманинг табиат қўйнидаги анжуманига ўхшаб кетади.

Ғазалдаги тасвири оҳанги дастлаб тантанали, экспрессив характерда бўлса, кейинчалик у публицистик руҳ касб этади.

Пейзаж тасвири билан мулоҳазанинг босқичма-босқич ўрин алмашиши характерли. Лекин биринчиси иккинчиси учун мантиқий замин ҳисобланади.

Ҳар икки ғазал, юзаки қараганда тантанавор бўлсада, уларнинг замирида чуқур трагизм — олам ва одам умрининг ўткинчилиги, инсон тақдирининг фожеий интиҳосидан қаттиқ изтироб ҳисси ётади. Лекин муҳим томони шундаки, гўзал ҳаётнинг ўткинчилиги шоир руҳиятига қанчалик таъсир этмасин, уни тушкунлик сари торта олмайди. У оғир кайфиятлар гирдобидан халос бўлиб, оптимистик хulosага келади: Ҳаёт, умр ўткинчи вағанимат, бинобарин ғафлатда қолмай, уни мазмунли ўтказиш керак («Тут мұftанам»). Бу эса буюк шоиримизнинг ҳаётга реал ва очиқ кўз билан қарашидан далолат қилади. Бошқа бир гуруҳ ғазаллари ўз пафоси, семантик структураси ва оҳанг услуби билан қасида ти-пидаги мазкур шеърлардан тубдан фарқ қиласи. Бундай ғазалларда табиат тасвири, мулоҳаза бирин-кетин эмас, балки баравар параллел боради. Үмумий хulosаси ва асосий ғоянинг тарғиби эса кейинги бир неча байтда ундов оҳангида келади. Масалан, кексалик даврига мансуб қуийидаги 9 байтли ғазални олиб кўрайлик. Шеърнинг асосида эрта тонг пайтидаги бир неча дақиқали табиий вазият реал ҳаётий манзара ва шу заминда шоир тасаввурида пайдо бўлган поэтик — фалсафий ассоциациялар тасвири ётади. У манзарани батафсил чизиб ўтиrmайди. Бунинг учун имконият (ғазал ҳажми) ниҳоятда чегараланган. Чунки мазкур ҳолатнинг умри жуда қисқа, бинобарин, у кўздан ғойиб бўлмай туриб, инсон-

ни ғафлат уйқусидан уйфотиб, унга күрсатиш ва шу ба-
ҳонада ўз кўнглида туғиб юрган муҳим ўйтларни ай-
тиб олиш зарур. Шунинг учун ҳам, мақсадни биринчи
байтданоқ амалга оширишга шошилади. Газал услуби
тасвири объекти ва пафосининг характеристига ниҳоятда
мутаносиб тушган, манзара вазиятга хос ҳар бир деталь
(булут, ёмғир, ел, қуёш) зарур фалсафий-ижтимоий мо-
ҳият бағишилаган ҳолда изоҳлаб борилади (1—4 байт-
лар). Лекин бу ўринда шоир улар тилидан сўзлайди,
ўзини холис шарҳчи таржимондек тутади.

Байтларнинг иккинчи мисралари фалсафий-тарбия-
вий фикрнинг ифодасидан иборат:

Уйфотур субҳи баҳор элни фифон бирла саҳоб,
Ким сабуҳий чоғидур-маст бўлунг, эй асҳоб!
Барқ ҳар дам чоқилиб ишнагач-ӯқ тийра бўлур,
Яъни-уш мундин олинг умр чароғига ҳисоб.
Еғин аҳволинга йиғларки, кўз оч уйқудин,
Ким эрур сайли мамаррий бу кўҳан дайри хароб.
Ел эсиб, тийр чекар оҳки, бўлма ғофил,
Ким бу янглиғдурур айёми ҳаётингға шитоб.

Олдингилардан келиб чиқадиган хулоса вазифасида-
ги бешинчи байт муаллифнинг талқини шаклида кўри-
нади:

Барча таңбиҳ ангадурким, қўпу чек жому сабуҳ;
Ҳайфдор буки, ўтар уйқу билан субҳи шабоб.

Кейинги байтлар энди тўғридан-тўғри тарғиб, чақи-
риқ формасида бўлиб, шеърнинг асосий ғояси публицист-
ик руҳда юзага чиқади. Лекин лирик чекиниш характеристидаги
бир байт келтирилиб, тасвирий ситуация замон нуқтаи назаридан мантиқан асосланади: қисқа
суҳбат давомида манзара-ҳолат ҳам ўтиб кетди:

Кўз юмуб очқуча тонг отмишу чиқмиш хуршид,
Тун эрур пардаи мушкин била ҳолингға ҳижоб.

Шунинг учун ҳам (кульминация ва хотимавий хуло-
са):

Бир дам аҳбоб ила базми сабуҳий тузубон,
Чекингиз, дамни ғанимат билибон, бодаи ноб!

«Хою-хүй» айлабон ўзни нафасе хуш тутким;
«Хай» дегунча не сен ўлғунг ароды, не ҳубоб.

Фазалда тасвир ташхис ва ниқто санъати асосидаги метафорик-символик характерда бўлиб, босқичма-босқич (динамик) мантиқан ривожлана боради (булут, чақмоқ, ёғин, шамол).

Услуб реалистик деталларга асосланган экспрессив-публицистик дейиш мумкин. Умуман, фазал руҳини чукур фожеий оҳанг ташкил этади. Лекин бу трагизм тушкунлик, фаолиятсизликка эмас, балки актив фаолиятга, ҳаётпарварликка ундовчи оптимистик руҳдаги трагизмдир. Зотан, бундай шеърлар буюк мутафаккир ва шахс руҳий олами ва қалбида кечётган мураккаб жараёнларнинг поэтик ифодасидир. Бу трагизм ўз давридан анча олислаб кетган гуманист санъаткор ва сиёсатдоннинг олам ва одам ҳақидаги юксак идеаллари билан конкрет воқелик ўртасидаги зиддиятларнинг бадиий шаклдаги акс-садосидир.

Ҳақиқий пейзаж намуналарининг асосий типлари ўрта ёш ва хусусан, кексалик даврида яратилганлиги ҳам, албатта, бежиз эмас.

Навоийнинг йигитлик даври лирикасида ҳам пейзаж билан боғлиқ фазаллар учрайди. Лекин уларнинг характеристи, услуби бутунлай ўзига хос. Фазалда пейзажнинг батафсил тавсифи берилмайди. Табиатнинг муайян пайтига хос ҳолат шеърга асос қилиб олинади, ана шу ҳолат-манзара билан боғлиқ барча муҳим деталлар лирик қаҳрамон кечинмалари, ҳолати-руҳияси билан қиёсан тавсиф этиб берилади.

Изчил бир неча байтдан сўнг шоир ўй-кечинма ва хулосаларининг бевосита изҳорига ўтади.

Табиат манзараси, у билан bogлиқ деталлар бу ўринда ҳам асосий мақсад-ғояни рӯёбга чиқарувчи восита ролини ўйнайди. Лекин бу ерда контраст усули (вазиятга нисбатан) ва ташбиҳий-қиёсий (вазият деталлари) планда кўринади.

- I. Навбаҳор айёми бўлмиш — мен диёру ёрсиз,
Булбул ўлғондек ҳазон фасли гулу гулзорсиз,
Гоҳ сарв узра, гаҳе гул узра булбул нағмасоз,
Ваҳки, менмен гунгу лол ул сарви гулруҳсорсиз...

- II. Ҳар ҳазон барги эрур зорики даҳр озоридин,
Сорғориб мендек тушар айру сиҳиқад ёридин...

Боғ аро деманг хазонким, ошиқ ўлмиш мен киби,
Билгуур совуғ нафас бирла сориғ рухсоридин...

Демак, Навоий ижодида табиат кўринишларидан муҳим ижтимоий-тарбиявий ғоялар тарғиби учун восита сифатида истифода этиш маҳорати анча эрта шаклланган бўлиб, ижодий эволюция жараёнида ҳар томонлама ривож топган.

Урта ёш даврига мансуб «Хамса»да Навоийнинг пейзажчи сифатидаги маҳорати, пейзаж тавсифининг моҳияти, унинг етакчи поэтик функциялари барча қиралари билан намоён бўлган. Бу бир жиҳатдан жанрнинг имкониятлари билан ҳам изоҳланади, албатта. Чунки, ғазалнинг ҳажми тафсилий тавсиф учун имконият бермайди. Достонда бундай пейзажнинг оригинал намуналари кўплаб учрайди. Шунингдек, битта табиат детали ёки образ (масалан, ғунча) билан боғлиқ ҳар томонлама тафсилий ёхуд унинг бир хусусиятини кўп жиҳатдан поэтиклиштирувчи мусалсал тавсифи ниҳоятда юксак маҳорат билан яратилган. Масалан, Навбахор билан боғлиқ табиат тасвирида гулларнинг бутун бир галереяси келтирилади. Жумладан, ўнлаб байтлар ғунча билан боғлиқ. Ана шундан беш байт фақат ғунчанинг (рамзий) «кулгуси»га бағишлиланган. Умуман, «Хамса»да пейзаж воқеалар оқими, мантиқи, қаҳрамонлар фаолиятига даҳлдор макон ва замон тушунчаси билан боғлиқ. Лекин пейзаж яратишнинг принциплари лирика билан достонларда умумий. Булар: кучли истиравий (метафорик) — рамзийлик (символик) антроморфизация, эмоционал-экспрессивлик, тавсиф билан мулоҳазанинг изчиллиги ёки ёндошлиги ва ниҳоят, концептуаллик (муҳим фалсафий, ижтимоий-тарбиявий функцияни адo этиши).

Навоий лирикасидаги пейзаж тасвирини Европа адабиётларида табиатга муносабатнинг энг ривожланган даври ҳисобланган XVIII аср романтизмидаги кўринишлари билан қиёслаганда, улар ўртасида (ўзига хос фалсафий, ижтимоий жиҳатларидан қатъи назар) кўнгина принципиал масалаларда умумийлик мавжудлигини мушоҳада этиш мумкин.

Навоий поэзиясида табиат тасвири оғзаки ва ёзма адабиёт анъаналари заминида мутлақо янгича сифат (сон ўз-ўзидан аён) босқичига кўтариленган. Пейзаж шоирнинг муҳим фалсафий, ижтимоий ва ахлоқий қарашлари, унинг гуманистик идеали инкишофи учун хизмат қилувчи актив поэтик воситалардан бирига айланган.

2. «Тахайюл аро барча бир навъ эмас...»

Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарапшларида унинг шеърият тарихидаги услубий ҳодисалар борасидаги қайдлари муҳим ўрин тутади. Зукко тадқиқотчанинг теран кузатишлари натижасида юзага келган ана шундай муҳим қайд ва изоҳлар, бир жиҳатдан, форсий ва туркий шеърият тарихидаги етакчи услубларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш йўллари ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилишга имконият яратса, иккинчи томондан, Алишер Навоий шеъриятининг услубий хусусиятларини тўғри белгилаш ва баҳолашга ёрдам беради. Аниқроқ қилиб айтганда, ҳам сон, ҳам жаңр жиҳатидан бой ва ранг-баранг Навоий шеъриятининг кўп асрлик туркий поэзия тарихидаги ўрнини белгилашга йўл очади.

Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» достонида шундай бир байт бор:

Тахайюл аро барча бир навъ эмас,
Хадисин ики киши бирдек демас.

Яъни: «Барчанинг фикрлаши, хаёл қилиш тарзи бир хил эмас; иккита одамнинг нутқи ҳеч қачон бир-бирига ўхшамайди», — деган ҳақиқат баён қилинган мазкур байтнинг замирида чуқур ҳикмат ётади. Йўл-йўлакай баён қилинган бундай фалсафий хуносага инсон шахси ва характеристини чуқур мушоҳада ва мuloҳаза қилиш натижасидагина келиш мумкин. Бундай кузатиш услубшунос учун, айниқса, ниҳоятда зарур. Зотан, Навоийнинг ўз салафлари ва замондошлари услубига доир кўплаб қимматли мулҳоза ва қайдларининг юзага келиши ҳам бежиз эмас.

Навоий оғзаки ва ёзма нутқда фикрни ёрқин ифодалашни талаб этади. Чунки:

Киши нуктани қилса мужмал баён,
Яқинким, анинг шарҳи топмас аён.

Навоийнинг услубшунос сифатидаги қарапшлари «Мажолис ун-нафоис»да ҳар тарафлама ёрқин намоён бўлган. Чунки бу асарда у ҳар бир шоир ижоди учун энг характерли бўлган жиҳатларни холис баҳолашга ҳаракат қиласди.

Навоий Ҳусайнин девонидаги разалиёт поэтикасини микроанализ қиласди. Ундаги ҳар бир детални анъана

фонида баҳолаб, новаторлик жиҳатларини конкрет кўрсатади. Навоийнинг такидлашича, Ҳусайнний девонида олдинги туркий шоирлар девонларида учрамайдиган еттига ҳарфга («се — «ث» , «ҳе» — «ح» , «эол» — «ذ» , «хе» — «خ» , «сад» — «ص» , «то» — «ط» «зо» — «ظ») ҳам ғазаллар берилган. Шунингдек, Навоий Ҳусайнний ғазалиётидаги оригинал қофия, радиф ва ўхшатишларни ҳам бирма-бир кўрсатиб ўтган («Қофия ва радифи ул ҳазратнинг бу фанда мужтаҳид табъининг ихтироидур»).

Бирор шеърдаги у ёки бу деталнинг ихтиро эканлиги ҳақида қатъий фикр айтиш учун фақат услубшунос — тадқиқотчигина эмас, балки кўп асрлик адабиёт тарихининг чуқур билимдони ҳам бўлмоқ керак.

Навоийнинг услуг ҳақидаги мулоҳазаларини ўрганиш форсий ва туркий тилдаги поэзия тарихидаги услубий йўналишларни аниқлаш ва тасниф қилишга имкон яратади.

Навоий ўрта аср форсий ва туркий адабиётининг дастлабки жiddий тадқиқотчиси сифатида, улардаги асосий услублар ҳақида ҳам биринчи бўлиб ўз мулоҳазаларини турли шаклда билдирган.

Форсий шеъриятдаги асосий услублар (хуросоний (туркистоний), ироқий ва ҳиндий) Шарқ ва Ғарб тадқиқотчилари асарларида кенг таҳлил қилинган. Лекин туркий шеърият, аниқроғи, классик ўзбек поэзиясининг услубий хусусиятлари (агар Навоий қайдларини мустасно этсан) қадимда ҳам, янги даврда ҳам мутлақо муҳокама обьекти бўлган эмас. Ваҳоланки, бу масаланинг тўғри ёритилиши классик шеъриятимиз тараққиётининг асосий тенденциялари ва босқичларини тўғри белгилаш, ҳар бир адабий жараённинг ўзига хос жиҳатларини, шу жараён намояндадарининг новаторлигини обьектив баҳолашга имкон туғдиради. Шуни эслатиб ўтиш лозимки, Навоий асарларида «услуб» сўзи кўпинча жанр маъносида (ғазал услуги, қасида услуги) ишлатилади. Лекин шундай ўринларда ҳам бир жанрнинг ўзига хос каноник услугга эга эканлиги назарда тутилган. Шеъриятдаги конкрет услубий йўналиш ҳақида гап боргандা Навоий «туркона» атамасини қўллади. Навоийнинг услугга доир нозик қайдлари, гарчи йўл-йўлакай баён қилинган бўлса ҳам, туркий шеърият услугига доир биринчи жiddий тажриба ҳисобланади.

Ана шу асосда ўрта асрлар ўзбек шеъриятидаги асосий услубларни шундай тасниф қилиш мумкин:

1. Туркона услугуб. Навоий «Мажолис»нинг бир қанча ўрнида «туркона» терминини ишлатади. Масалан, Мавлоно Латифий ҳақида сўз боргандা:

«Гоҳ оқар, гоҳ томар лабинг шакари,
Бизга тегмасму ҳеч оқар-томари.

Агарчи турконароқдур, аммо қойилнинг хуштаъблиги маълум бўлур».

Абобакр Мирзонинг «ёлина» тажнис қофия бўлиб келган туюғи ҳақида шундай ёзади: «Агарчи баъзи алфози турконароқдур, аммо тажнисни яхши топибдур».

Султон Искандар Шерозийнинг тажнис қофияли туюғини ҳам «бурунғи туюқдин бу турконароқдур», —деб изоҳлади.

Мавлоно Атоийнинг қўйидаги байти ҳақида сўз боргандада «туркона» атамасининг бир томони конкретлаштирилдики, бу мазкур терминини моҳиятини тушуниб етишда муҳим роль ўйнайди.

«Ул санамким, сув қироғинда паридек ўлтурур,
Фояти нозуклугидин сув била ютса бўлур.

Қофиясида айбинаси бор. Аммо Мавлоно кўп туркона айтур эрди. Қофия эҳтиётиға муқайяд эмас эди».

Мазкур байтнинг қофияси оҳанг жиҳатидан мувофиқ бўлса-да, классик араб-форс қофия назарияси нуқтаи назаридан талабга жавоб бермайди. Яъни «бўлур» (равий- л) ва «ўлтурур» («р») сўзларида қофиянинг асоси бўлмиш равий мос келмайди. Маълумки, оғзаки адабиётда қофиянинг оҳангдорлиги (аллитерацион система) муҳим ўрин тутади. Атоийнинг классик қофия назариясига boglaniб қолмаслиги унинг туркона ёзишидан далолат қиласр экан, демак, қофияга хос бундай ҳолатни «туркона услугуб» нинг асосий хусусиятларидан бири деб ҳисоблаш мумкин.

Навоий келтирган шеърий намуналар поэтикасини кузатиш асосида туркона услугубни шундай характерлаш мумкин: фикр ва кечинмаларни мураккаб ташбиҳу истиораларсиз, содда ва оддий баён қилиш туркона услугубнинг асосий моҳиятини ташкил этади. Шунингдек, поэтик синтаксиснинг оддийлиги, енгил вазнларнинг (кўпроқ миллий заминга эга рамал ва ҳазаж баҳри) қўлланиши, қофия масаласида фольклорга яқинлик (яъни интонацион принципнинг сақланганлиги), жанрлар мав-

қеи (күпроқ туюқ), поэтикаси (ғазалнинг ҳажми, композицияси, тематикаси) борасида ҳам туркона услугуб ўзига хосликка эга. Лекин бундай характердаги шеърлар учун хилма-хил мураккаб поэтик санъатлар характерли бўлмаса-да, тажнис санъати муҳим мавқега эга. Бинобарин, Навоий шу услугга мансуб шеърлар ҳақида сўз юритганда улардаги тажнисни алоҳида таъкидлаб («тажнисни яхши топибдур») ўтганлиги бежиз эмас. Бу ҳодиса ҳам аслида миллий замин билан алоқадор. Чунки туркий тилда тажнис ва ийҳом форсийга нисбатан күпроқ эканлигини Навоий «Муҳокамат ул-луфатайн» асарида маҳсус эслатиб ўтган.

Навоий маълумотларига қараганда, унинг замонида ҳам туркона услубнинг намояндалари ижод қилган. Бу услуб Навоийдан кейинги асрларда ҳам давом этган.

2. Классик услуб. Бу услубнинг асосий хусусиятлари: ғазал ва қасиданинг етакчи мавқе эгаллаши; ғазал тематикасининг бойиши, поэтикасининг такомиллашуви (баён ва тасвир типларининг кенгайиши, шеърий санъатларнинг мўллиги, поэтик образлар доирасининг кенгайиши, поэтик синтаксисининг сайқал топиши ва ҳ.к.).

Тематикага фалсафий-тасаввуфий руҳнинг, ижтимоий, ахлоқий фикрларнинг кириб келиши ғазалнинг услубида ҳам ўзгаришлар ясади: методологик баён услуби (мажоз билан сўзлаш) етакчи ўрин тута бошлади.

Бу услубнинг шаклланиш жараёни ва етакчи намояндалари масаласида ҳам Навоийнинг қайдлари муҳим роль ўйнайди.

Навоий «Муҳокамат ул-луфатайн»да туркий тилдаги поэзиянинг ривожини ҳокимият турк ҳукмдорлари қўлига (Хулогухон, ваф. 1283) давридан Шоҳруҳ ҳукмдорлигининг охиригача (1447) ўтганлиги билан изоҳлайди. Бу даврда «турк тили билан шуаро пайдо бўлдилар... Шуаро: Саккокий ва Ҳайдар Хоразмий ва Атоий ва Муқимий ва Яқиний ва Амирий ва Гадойдеклар. Ва форсий мазкур (Хоқоний, Анварий, Камол, Исмоил, Заҳир, Салмон, Фирдавсий, Низомий, Мир Хусрав, Саъдий, Ҳофиз) бўлғон шуаро муқобаласида киши пайдо бўлмади бир Мавлоно Лутфийдин ўзгаким, бир неча матлаълари борким, табъ аҳли қошида ўқуса бўлур».

Мазкур шоирлар қаторига Навоийга номаълум бўлган Ҳофиз Хоразмийни ҳам илова қилиш керак.

Ана шу ижодкорларни ўзбек поэзиясидаги классик услубнинг намояндалари дейиш мумкин. Лекин Атоий поэтикасида туркона услубнинг излари аниқ сақланган.

Лутфий шеърияти ўз моҳияти ва поэтикаси билан уларнинг барчасидан юқори бўлиб, форс адабиёти намуналари билан юзма-юз турга олади.

Хуллас, классик услубнинг шаклланиши анча олдин — Рабғузий ва Хоразмий даврларидан бошланган бўлиб, Лутфий ижодиётида ўз такомилининг олий нуқтасига етди. Бобур шеъриятини эса классик услубнинг янги босқичи сифатида баҳолаш мумкин.

Шуни эслатиш лозимки, классик услуб намояндаларининг аксарияти зуллисонайн шоирлар бўлиб, форсийда ҳам эркин ижод қила олган. Улар ижодида (образлар системаси, санъатлар) форсий анъаналарнинг изи қай даражада бўлмасин, барибир, тафаккур тарзи ўзгармаган. Шунинг учун ҳам бу услубни соддача улуғворлик деб таърифлаш ўринли бўлади.

3. Олий ёки навоиёна услуг

Навоий поэзияси маданиятимиз тарихида фавқулодда ва айни замонда қонуний ҳодиса. Чунки бу шеърият қарийб беш асрлик тажрибага эга бўлган форсий, туркӣ адабиётнинг қонуний давоми сифатида юзага келди. Бинобарин, бу шеърият услубининг моҳиятини аниқ баҳолаш учун унинг шаклланишида замин бўлган объектив ва субъектив омилларни тўғри изоҳлаш лозим. Муҳтасар айтадиган бўлсак, Навоий услуби беш аср давомида тўпланган бой адабий тажрибалар заминида тарбияланган гениал ижодкор кашфиётларининг бевосита ифодасидир. Навоий услуби — барча услублар учун хос бўлган энг характерли жиҳатларининг синтезидан иборат мутлақо янги ҳодиса. Шу жиҳатдан бу услубда традиция ва новаторликнинг ўзаро муносабати ниҳоятда ёрқин намоён бўлган.

Бу масалада ҳам Навоийнинг ўз қайдлари, эътирофлари тадқиқотчи учун тенгсиз йўлланма ҳисобланади. Навоий бир қитъасида ўзининг ғазалнависликдаги устозларини эслаб, улар анъаналарининг қайси жиҳатлари ўзи учун ибрат бўлганлигига ҳам ишора қиласди. Maxsus ёзилган бу қитъанинг моҳиятини кенгроқ изоҳлаш Навоий услубининг илдизларини тўғри белгилашда муҳим роль ўйнайди. Чунки, ижодкорнинг ўз эътирофлари ҳақиқатни тўлиқ акс эттирмаса-да, лекин унинг муайян қирралари ва асосларини англаб етишга ёрдам беради. Мана ўша қитъа:

Ғазалда уч киши тавридурул ул навъ,
Ким ондин яхши йўқ назм эҳтимоли:
Бири — мўъжаз баёнлиқ соҳири ҳинд,
Ки ишқ аҳлини ўртар сўзу ҳоли.
Бири оташнафаслик ринди шероз,
Фано дайрида маству лоуболи.
Бири — қудсий асарлик орифи жом,
Ки жоми жамдуур сингон сафоли.
Навоий назмига боқсанг, эмастур
Бу учнинг ҳолидин ҳар байти холи.
Ҳамоно кўзгудурким, акс солмиш
Анга уч шўхи маҳвашнинг жамоли.

Демак, Навоий назми (бу ерда ғазалиёт назарда тутилмоқда) шундай бир кўзгуки, унда учта гўзалнинг латофати жамулжам бўлган ҳолда намоён бўлади. Навоийнинг ҳар бир байтида мазкур учта устознинг ҳолати, нафаси уфуриб туради. Аниқроқ қилиб айтганда, Навоий шеъриятида уч буюк шеърият даҳосининг асосий фазилатлари синтезлашган.

Алишер Навоийнинг мазкур уч устодга нисбатан юксак эътиқоди «Маҳбуб ул-қулуб»да янада конкретроқ ифодаланган Умуман, Навоийнинг услугуб ҳақидаги тушунчаси кенг бўлиб, ижодкорнинг фалсафий позицияси ҳамда эстетик принципларини қамраб олади.

Адабий ворислик ҳодисаси мураккаб бўлиб, унинг амалга ошиши турлича характерда — онги муносабат сифатида ёки беихтиёр равишда бўлиши мумкин. Масалан, Навоийнинг форсий девонидаги «татаббуъ», «тавр» деб аталган ғазалларда шоирнинг поэтик анъ-аналарга муносабати конкрет ифодаланган. Унинг ўзбекча шеърларида эса ана шундай муносабат билво-сита намоён бўлади.

Навоий учун илғор поэтик анъаналар пассив тақлид эмас, балки актив муносабат обьекти ҳисобланган. Анъ-анавий материал (тема, вазн, қоғия ва радиф) шоирга янги бадиий кашфиёт учун туртки беради, ўзининг потенциал имкониятларини намойиш қилишга имконият яратади.

Навоийнинг поэтик услуги (традициянинг роли қайдаражада бўлмасин) биринчи навбатда, янги тарихий-маданий муҳитнинг, ўзига хос даҳо санъаткор ижодий фаолиятининг маҳсали. Бу услугубнинг асосий белгилари муаллиф дунёқараши, унинг ғоявий-эстетик позицияси ва умуман, унинг шахси билан чамбарчас боғлиқ. Зо-

тан, шоир ижодий фаолиятининг манбаи унинг шахсйда ифодаланган руҳидадир.

Навоий услугбининг моҳиятини ҳам унинг шахси билан боғлиқ ҳолдагина изоҳлаш мумкин.

Маълумки, академик Павлов тафаккур тарзини иккни гуруҳга ажратади: бадиий тафаккур ҳамда фикрий, ақлий тафаккур тарзи.

Шоир, ёзувчи ва санъаткорлар тафаккури биринчи йўналишга мансуб. Лекин шундай шахслар ҳам бўладики, улар нафақат ижодкор, балки айни замонда, забардаст олим ҳам бўлиши мумкин. Бундай шахсларда тафаккурнинг ҳар икки кўриниши омухта бўлиб кетади. Алишер Навоий ҳам ана шундай фавқулодда шахслар тоифасига мансуб (файласуф, тарихшунос, адабиёт тарихчиси ва назариётчиси ва ҳ. к.).

Навоий услугбининг улуғворлиги ва маълум маънода мураккаблиги боиси ҳам ана шунда.

Олий ёки навоиёна услугбининг асосий хусусияти — ундаги ички қатламнинг ниҳоятда бой ва ранг-баранглигидир. Унда турли услугбий манералар мужассам бўлган: жимжимадорлик, улуғворлик эмоционаллик ва ҳ.к.

Шунга боғлиқ ҳолда, шоир услубида бутун бошли оҳанглар (риторик, тантанаворлик, реалистик) ва ранглар гаммаси ҳаракатда бўлади. Олий услугбининг юзага келиши қўйидаги омиллар билан бевосита алоқадор: Навоий лирикасининг фалсафий-ижтимоий моҳияти, унинг пафоси билан; жанрларнинг ички эволюцияси, динамикаси энг юксак даражага етди; ғазал тематик-проблематик жиҳатдан ҳам, поэтика томонидан ҳам энг олий нуқтага кўтарилади; ғазал моҳиятидаги ўзгаришлар унинг поэтикасида ҳам бир қатор сифатларни юзага келтирди: баён-тасвир типлари кенгайди, сюжетликий юзага келди; шеърий вазн доираси кенгайди (12 баҳр); классик қоғия назарияси доирасида янгича стилистик комбинациялар амалга оширилди; поэтик санъатларнинг кўлами ва қўлланиш даражаси, аспекти ниҳоятда кенгайди; лирикада истиоравийлик олий чўққига етди; ташbihҳ энг асосий поэтик тасвир воситаси сифатида ниҳоятда активлашди, унинг мавқеи кенгайиб, реалистик лавҳа типидаги ўхшатишларнинг юзлаб оригинал намуналари юзага келди; сабабият ва далиллаш асосий поэтик талаб даражасига кўтарилди; поэтик далиллашнинг ҳинд услуби учун характерли бўлган тамсил (психологик параллелизм) шакли биринчи даражали санъатлар қаторидан жой олди; поэтик синтаксис, шеърий инверсия мураккаблашиб, янада кучайди;

сўзга муносабатда биз олдинги барча услугларга хос (масалан, соддалик, арабча-форсча ибораларнинг мўллиги) хусусиятлар ва айни замонда янгича муносабатнинг гувоҳи бўламиз.

Поэтик образларнинг доираси янада кенгайиб, уларнинг мазмунан функционал табақаланиши ёрқин намоён бўлди. Умуман, Навоий лирикасининг поэтикасига хос хусусиятлар мураккаб ва салмоқли бадиий услугубнинг шаклланганлигидан далолат қиласди. Бу услугуб поэзия тарихида мутлақо янги ҳодисадир. Олим, мутафаккир, гениал адига улкан шахс ижодий тафаккури маҳсули бўлмиш бу услубни олий услугуб деб аташ учун ҳуқуқ беради.

Суйима ФАНИЕВА

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ИЖОДКОР ТЕМУРИЙ ШАҲЗОДАЛАР

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис»нинг еттинчи мажлисини Темур Қўрагон ва шеърият билан машғул бўлган темурий ҳукмдорлар ҳамда шаҳзодаларга бағишлади. Булар: Шоҳруҳ Мирзо, Абу Бакр Мирзо, Халил Султон, Бойсунғур Мирзо, Шоҳ Фариб Мирзо ва бошқалар — жамъи 22 нафар.

Шарқ тазкирачилари тарихида ҳукмдор сultonлар, юксак лавозимлардаги нуфузли шахсларга (агар улар бадиий ижод билан машғул бўлган эсалар) алоҳида боблар ажратиш, маҳсус тазкиралар яратиш анъанаси мавжуд. Лекин Навоий учун бунинг яна бир мустасно аҳамияти бўлган. Навоийни она тилининг ривожи, уни давлат тили даражасига қўтариш ва шу тилда ижод қила олганларни рагбатлантириш масаласи доимо банд қилиб келган. Навоий «Муҳокамат ул-лугатайн»да форсий ва туркий тиллар ҳолатини таҳлил қилиб, туркийнинг сўз бойлиги, имкониятларини кўрсатиб бериш барабарида форсий ва туркийдаги шеъриятнинг ўзаро таъсири ва ҳар иккала тилдаги назмнинг ривожи ҳақида фикр юритади. У катта таассуф билан туркийдаги шеърият форсийга нисбатан анчайин суст ривож топаётганига эътиборни тортади ва бунинг сабабларини очиб беради:

1. Туркийгўй ижодкорларнинг она тили нозикликларини, мураккаблигини билдирувчи бир неча маъно ташувчи сўзлар ва ифодаларнинг жуда кўплигидан, уларни тушуниш ва шеъриятда маҳорат билан ишлаб

тиш мөхнатидан чўчиб, осонлик сари майл қилишлари.

2. Идрокли, етук сўз санъаткорлари бу йўлдаги беҳуда уринишларини кўргач, замондаги ҳукмрон анъана доирасида қолишни маъқул деб билганликлари.

3. Ёш ижодкорларнинг ўз асарларини тажрибали шоир, адиллар назаридан ўтказиб, уларнинг эътирофларига, мақтовларига сазовор бўлишини исташликлари Бундай фикр билдириш мумкин бўлган аксар сўз санъаткорлари эса туркйдан бебаҳра эканликлари боис энди адабиётга кириб келаётган ёшлар форсийда ёзишга рағбат кўрсатадилар.

Навоий фикрича, шуларга кўра туркий шеърият форсийдагига нисбатан ортда қолиб кетган эди. У күйиниб ёзади: «... бу халқ орасидан пайдо бўлган табъ аҳли салоҳият ва табъларини ўзга тил билан зоҳир қилмасалар эрди ва агар иккала тил била айтур қобилияtlари бўлса, ўз тиллари била кўпрак айтсалар эрди»¹.

Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида 459 шоир ҳақида маълумотлар бор. Шулардан 41 нафари ҳар икки тилда ёзганлар, уларнинг ўн иккитаси темурий ҳукмдор ва шаҳзодалардир. Ҳусайн Бойқаро (Ҳусайн)га Навоий алоҳида мажлис ажратган ва туркий девонини таҳлил қилиб ҳам берган.

Маълумки, Алишер Навоий миллий давлат барқарорлиги учун олиб борган кураши жараённида миллий руҳ, миллий завқни саройларга киритишни ҳамиша тахти назарида тутган. Миллий руҳ, туркий тафаккурнинг кенг тарқалишига сабаб бўлган Аҳмад Яссавийнинг тарихий ва маърифий хизматини беҳад ҳурмат қилган, тақдирлаган. Амир Темурнинг давлатчилик сиёсатида бу соҳа алоҳида ўрин тутгани аён.

Миллий тил, миллий адабиётга эътибор темурийлар даврида янада юксалди. Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаронинг тўла қувватлаши билан миллий тил ҳимоячиси, адабий тилнинг асосчиси, миллий адабиётнинг ҳомийси ва фаол яратувчиси, адабиётнинг ҳамда миллий санъат аҳлиниң жонкуяр ҳомийси бўлди. Унинг Шарқ шеъриятидаги 16 жанр ва турларда яратган ғиноий назмлари, 6 достони ва 13 номдаги насрый асарлари фикримиз далилидир.

Темурдан кейин ҳукмронлик қилган **Халил Султон** 1384 йилда туғилган. Отаси Темурнинг учинчи ўғли

¹ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 16-том. Тошкент, 2000. 23 бет.

Мироншоҳ, онаси Ўзбекхон набираси Хонзода бегимдир. Ҳалил Султон Сарой Мулк хоним тарбиясида ўсган. Манбаъларнинг хабар беришича, Ҳалил Султон ҳарбий салоҳиятли, ғоят истеъодди ва ўта зийрак йигит бўлган. Қатор жангларда жасорат кўрсатган шахзодани Темур Туркистон сарҳадларида Олий қўмондон қилиб тайинлаган эди.

Ҳалил Султонни Ибни Арабшоҳ шундай таърифлайди: «Ҳалил Султон Юсуфдек чиройли, Муҳаммадек хушхулқли, Ҳалилдек (Иброҳим пайғамбарнинг лақаби — *C.F.*) мулойим, Исмоил (Иброҳим пайғамбар ва Ҳожарнинг ўғли — *C.F.*)дек садоқатли бўлиб, турлидуман латофатларга эга киши эди... Ҳар бир кўрувчига ундаги фазилатлар — зийнатлар чиройли кўрунди... Унга эргашувчи ҳар бир киши унинг неъматига муясар бўлди»².

Ҳалил Султон ҳақида унга шеъриятда устодлик қилган Ҳожа Исмат Бухорий (Ҳалил Султон унга «Насирий» таҳаллусини тавсия қилган) Девонига муқаддима ёзган Аҳмад Қарамий шундай маълумотларни келтиради: «Ҳалил Султон баъзан шеърлар ёзар эди... Амирзода унинг наздида (яъни, Исмат Бухорий) адаб илмларини ўрганди. Аммо унинг Самарқандда ҳукмронлик даври қисқа бўлди. Үз амирлари дастидан «Шоҳрухия» зиндонига ташланди. Шоҳрух Самарқанд таҳтига ўтиргач, Ҳалил Султонни мамлакатнинг Рай вилоятига ҳоким қилиб тайинлади... Ҳалил Султон ражаб ойининг 16-сида (1411 йил 4 ноябр) 28 ёшида вафот этди (айрим манбаъларда ёзилишича, уни заҳарлаб ўлдирадилар — *C. F.*). Ҳалил Султон ўлими олдидан қўйидаги икки байтни битган экан:

Гуфтам зи жоҳили накашад камони мо,
Марг омаду кашид ва хато шуд гумони мо.
Дар ранжу ғусса ҳаёти кўтоҳи мо гузашт,
То чист нақши зиндагийи жовидони мо.³

(яъни, нодонлик камонимиз тортилмади, леган эдим. Ўлим келдиу уни тортиб юборди ва гумонимиз хато чиқди. Қисқа умримиз ранжу ғуссалар билан кечди. Энди абадий ҳаётимиз нақши қанақа бўлур экан).

² Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Тошкент, 1992. 7—8-бетлар (Таржима У. Уватовники).

³ Девони Исмат Бухорий, Аҳмад Қарамий. Шоири тавоно ва орифи порсо (сарсухан). Техрон, 1366. 6-бет.

Темур Бағдодга Султон Аҳмадга қарши урушга от-
ланиб турганда ундан Соҳибқиронга бир қитъа етиб
келади:

Гардан чаро ниҳем жафойи замонаро,
Заҳмат чаро кашем баҳри кори мухтасар,
Дарёву кўҳро бигузориму бигзарем,
Симурғвор зери пар орем хушку тарро,
Ё раб, мурод бар сари гардун ниҳем пой,
Ё мардовар дар сари ҳиммат кунем сар.

(яъни, Замона жафоларига нега бўйин эгар экан-
миз. Арзимас иш учун нега заҳмат чекар эканмиз. Дарё
ва тоғдан кечиб ошиб ўтамиз. Симурғ каби қанотла-
римиз остига ҳўлу қуруқни оламиз, ё мақсад йўлида
гардун бошига оёқ қўямиз, ё мардларча ҳимматга бош
қўямиз.)

Қитъани ўқиб, унинг мағзини чаққан Темур: «Кошки
мен шеър ёза олсан эди, шу қитъага жавоб битардим.
Шояд фарзандларим, набираларимдан бирортаси Сул-
тон Аҳмад Бағдодийга жавоб ёсалар...», — дейди.
Шунда Халил Султон қўйидаги жавобия қитъани бит-
ган экан:

Гардан бинеҳ жафойи замонаву сар манеҳ,
Кори бузургро натавон дошт мухтасар,
Симурғвор аз чи куни қасди кўҳи Қоф.
Чун саъва курд бошу фуру рез болу пар.
Берун кун аз димог хаёли маҳолро,
То сари сарат наравад сад ҳазор сар.

(яъни, замона жафоларига бўйин эг. Катта ишни
арзимас деб бўлмайди. Симурғ каби нега Кўҳи Қоф
қасдини қиласан. Сен саъвадек қанотларингни йиғиб
ол. Беҳуда хаёлни бошингдан чиқар, токи сенинг хоти-
ринг учун юз минг бош кетмасин.)

Қитъани олган Султон Аҳмад талвасага тушади ва
Бағдодни тарқ этиб, Румга қочади.⁴

Алишер Навоий Халил Султон ҳақида ёзади: «Ҳаз-
рат султон ус-салотиннинг воқеасидин сўнгра Самар-
қанд шаҳрида салтанат қилди. Зурафо ва шуаро маж-
лисида жамъ бўлурлар эрди. Машҳурдирким, ўзи шеър
айтур эрди. Андоқким, девони таърифида Хожа Исма-

⁴ Таэқирад уш-шуаро таснифи. Давлатшоҳ Самарқандий. Но-
шир Ҳожи Муҳаммад Рамазоний. Техрон, 1366. 230-бет.

туллоқ қасида айтибдур, аммо тилаб топилмади. Ушбу матлаъдин ўзгаким:

Эй турки пари пайкаримиз, тарки жафо қил,
Коми дилимиз лаъли равонбахш раво қил».

Халил Султоннинг яна бир ғазалини Фахрий Ҳиротий келтиради, Ғазал Шоҳрухия қальаси зиндонидан Шоҳрухга юборилган, дейилади:

Ё воҳиб ул-атоё! Ё мұътои ул-мурод!
Мо тоқати фироқ надорем азин зиёд,
Идбор шуд мужовиру хуш гуфт марҳабо.
Иқбол шуд мусофири хуш гуфт хайр бод.
Боде, ки аз диёри муҳибон расид ба ман,
Жонам фидойи некхати он бодо бод.
Фамгину шодмон чу азин дигар бигўзарад,
Фамгин машав зи меҳнати аз баҳт низ шод.
Доғи жаҳон зи сайраш Қовус кай бирафт,
Шодон, зи баҳти тийра, кужо буд Қайқубод.
Дар шашдари фироқ Халил ар муқайяди,
Рӯзе туро сипеҳри мулойиб беҳад кушод.
Ҳукми худой дод ба дасти ҳасан маро,
Куфр аст пеши ҳақ, зи ҳукми худой дод!

(яъни, Ё мурувват баҳш этувчи, ё мурод тарқатувчи! Бундан ортиқ айрилиққа тоқатимиз йўқ. Баҳтсизлик қўшни бўлди ва марҳабо деб яхши айтди. Иқбол мусофири бўлди ва алвидоъ деб яхши айтди. Дўстлар диёридан менга шамол етишти, жоним ул шамол келтирган хушбўй ҳидга фидо бўлсин. Фамгинлик ҳам, шодонлик ҳам ўтар-кетар. Машаққатдан ғамгин, баҳтдан шод бўлмагил. Жаҳоннинг дардлари Қовус юришларидан шод бўлиб қайга бордию, баҳти қаролигидан Қайқубод қаерда қолди. Фироқ шашдарида (нард ўйинида мот бўлиш хонаси — C. F.) Халил боғланиб қолди эса, бир кун фалак ўйингоҳида ҳадсиз күшодлик юз берар. Худой ҳукми бу, мени бечоралик дастига берди. Ҳақ наздида куфр бу, Худой ҳукмидин дод!)

Алишер Навоий Ҳожа Исматуллоҳ Халил Султон девони таърифида қасида айтибдур, деб ёзади. Исмат Бухорий «Девон»ида ана шу қасида мавжуд. Унинг матлаъи:

Ин баҳри бегаронки, жаҳонист дар бараш,
Ғаввоси ақли кулл набарад пай ба гавҳараш.

(яъни, бу ниҳоясиз денгизки, ичида бутун бир жаҳон бор. Илоҳий ақлнинг ғаввоси унинг гавҳарига қадам босмайди)

Мақтаби:

Тобанда бод зоти ту бар авжи салтанат,
Давлату муайяну Носиру иқбол ёвараш.

(Салтанат авжиди зотинг порлаб тургай, давлатингга аниқлик ва ёрдам ва иқбол мададкор бўлгай!)

64 байтли бу қасидада шоир Халил Султоннинг қуёшдан нур, ойдан меҳр тушган дафтари варақларидағи қора ва оқ (хатлар) тун ва саҳар каби, шероза (уларни жамъловчи ипак иплари — *C. F.*) хукмдорининг яратувчанлиги билан тортилган, жадвал ва безаклар орасидаги ҳар сўз маънолар гавҳаридир. Ундаги ҳар гавҳар, ҳар маъно бадиият зеварлари билан ораста. Қасидаларида Салмондан нур, ғазалларида Саъдий руҳи, бадииятда Хоқоний файзи, маъноларида Анварий нурлари, маснавийларида Низомий нафаси, фарду қитъаларида Ибн Ямин мадҳлари бор деб таъриф қилади. Халил Султоннинг мажлислари худди жаннатдек, унинг тахти Сулаймон тахтидек, ёнида даврон Билқиси (яъни, завжаси Шодмулк — *C. F.*) Зухра қўлига барбат (чолгу асбоби — *C. F.*) олиб, муғанийлар ҳаволарини бошлиб беради. Аторуд (ёзувчилар ҳомийси деб юритила-диган сайёра — *C.F.*) қўлига қалам олиб, унинг хайрли ишларини ўз қўли билан ёзишга тайёр. Қасидада Халил Султоннинг баҳодирлиги ҳам мадҳ этилади. Унинг душманлари забун, шоҳу гадога баробар муоммаласига сазоворлар омон бўлишига дуо билан қасида якунланади.

Исмат Бухорий Халил Султонга 40 та қасида бағишлаган.

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис»да **Бойсунғур Мирзога** алоҳида фикра бағишлаган.

Навоий ёзади: «Хуштабъ ва сахий ва айёш ва ҳунар-парвар подшоҳ эрди. Хаттот ва наққош ва созандва гўяндадин мунча беназир кишиким, анинг тарбиятидин ароға кирди, маълум эмаским, ҳеч подшоҳ замонида пайдо бўлмиш бўлгай. Улча имкони бор, оламни хушлуқ била ўткарди».

Бойсунғур Мирзо Шоҳрух Мирзо билан Гавҳаршод-

бегимнинг ўғли, Улуғбек Мирзонинг иниси бўлиб, у 1397 йил 16 сентябрда дунёга келган. 1414 йилнинг 23 марта Шоҳрух Хурсонни идора этишини Бойсунғур Мирзога топширади.

Абдураззоқ Самарқандий «Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асарида ёзади: «Фалакнииг тадбиркор жаҳонгашта пири унинг қулогига

ш е ъ р:

Имкон ва қудратинг бор экан, яхшилик қилишга
тиришгин.

Чунки яхшилик қилишга ҳамма вақт имкон
бўлавермайди —

нидосини етказганлиги учун Бойсунғур Мирзо ўз давлати чаманида яхшилик ниҳолидан бўлак нарса ўтқазмае эди... ўзига илтижо қилишлари саҳифасини иноят ва ижобат кўзи билангина ўқир эди... илм, фазилат аҳли, камолатли кишилар суҳбатида бўлишни ўзига фарзи айн ва айни фарз деб билар эди»⁵.

Бойсунғур Мирzonинг давлат ишларидаги фаолиятини Абдураззоқ Самарқандий жой-жойида муфассал баён этади. Унга Шоҳрух Мирзо иноят қилган вилоятлар ҳақида фармонлар, унинг фарзандларининг туғилишига оид маълумотлар ва бошқа тафсилотлар асарда келтирилади. Масалан, 1414 йил 25 ноябрда Улуғбек Мирзо Хурсонга келади ва отаси Шоҳрух Мирзога мулозамат қилишга мушарраф бўлади.

Ш е ъ р:

Ўғил агар шундай бўлса, бу — ота чеҳрасининг
қувончиидир

Агар ота шундай бўлса, бу — ўғил дилининг
шодлигидир.

Улуғбек Мирзо «салтанат гулзорининг гули, халифалик дийдасининг нури, яъни баҳту қудрат эгаси бўлмиш биродари Бойсунғур баҳодир билан биргаликда тахт мулозаматини бажо келтиради.

Ш е ъ р:

Жаҳоннинг мақсади бунисининг давлатию
Фалакнииг мақсади унисининг савлатидир.

⁵ Бу асардан келтирилган иқтибослар шарқшунос олим А. Ўринбоев таржимасида берилади. Асарнинг ҳали нашр этилмаган қисмини олим иҳтиёrimизга берганликлари учун миннатдормиз.

Мулк бағишловчи икки кишваркушо ва офтоб юзли икки муштарирай (шаҳзодалар) ота таҳтининг олдида тургач, Онҳазрат (яъни, Шоҳрух) забони ҳол билан қудрат эгаси бўлмиш ягона малик шукрини бажо келтиради.

Шеър:

Оллоҳнинг бандаларига берган неъмати кўпdir,
лекин
У неъматдан энг улуғи — фарзанднинг асллигидир»

Бойсунғур Мирзо Ҳиротга китобат санъати устодлари — нақошлар, мусавирлар, қофоз тайёрловчи ва сиёҳ ҳамда бўёқлар ихтиро қилувчи ҳунармандлар, хаттоту муқовасозларни йиғиб, уларнинг ишларини йўналтириб, бошқариб турган. Унинг ўзи хаттотлик санъатини тўла эгаллаган, «хутути ҳафтгона» деб аталган хат усулларини пухта билган, айниқса, «сулс»да яхши битган, шеър, мусиқа ва нақошлик билан ҳам шуғулланган.

Ҳиротдаги Гавҳаршодбегим масжиди безакларини Бойсунғур Мирзо бажаргани ҳақида маълумотлар бор. Бойсунғур Мирзо хатти Машҳаддаги Гавҳаршодбегим масжиди айвонлари китобаларида ҳозирга қадар яхши сақланиб қолган. Бу лардан ташқари, тарихи берилмаган ва имзо чекилмаган эса-да, Бойсунғур Мирзога мансублиги шубҳа уйғотмайдиган бошқа китобалар ҳам мавжудлиги афғон олими Фикри Салжуқийнинг «Хиёбон» асарида айтиб ўтилади.

«Боғи сафед»да мунтазам ўтказилиб турган шеърият ва санъатнинг турли соҳалари намояндалари иштирокидаги анжуманларнинг довруғи узоқ-узоқларга таралгани манбаъларда қайд этилган. Худди шу ерда Бойсунғур Мирзо жуда бой, ноёб қўллэзмалар жамъланган китобхона ташкил қилган. Бу китобхона учун 40 дан ортиқ хаттот мўғуллар истилосида маҳв этилган ёки яроқсиз ҳолга келиб қолган қўллэзмаларни қайта тиклаш, қайта кўчириш билан машғул бўлганлар.

Бойсунғур Мирзони ўзбек матншунослигининг асосчиларидан дейиш мумкин. Унинг раҳбарлиги ва бевосита иштирокида Ҳиротдаги ва бошқа хазиналардан жамъланган 40 қўллэзма асосида Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» эпосининг қиёсий матни тузиб чиқилган. Унга Бойсунғур Мирzonинг ўзи сўзбоши ёзган. Бу китобат санъатнинг бетакрор намунаси бўлган қўллэзмани Жаъфар исмли хаттот 833/1429—30 йили кўчир-

ган. Асли табризлик бу хаттотнинг «настаълик» хатининг моҳир устоди бўлиб етишувида Бойсунғур Мирзонинг алоҳида хизмати эътироф этилади. Уни таърифлаб, «Мир Алий соний» деганлар ва Бойсунғурга бўлган эҳтироми ва дилбасталиги жиҳатидан Жаъфари Бойсунғурий лақаби билан эъзозлаганлар.

«Шоҳнома»нинг бу нусхаси «Шоҳномаи Бойсунғурий» номи билан шуҳрат тутган. Қўллэзма бадиий бе-закларга бой. Унда 22 фоят гўзал ва нафис миниатюра мавжуд.⁶ Қўллэзманинг муқоваси, миниатюралари шамс, лавҳа, жадваллардаги нақшин зийнату безаклар ўта нозик санъат билан яратилган.

Абдураззоқ Самарқандий ўз асарида Бойсунғур Мирзо даврида қалам юритиш, рақам тортиш санъати соҳалари, тасвир чизиш, зарҳал бериш, суратгарлик, шамс, лавҳалар тушириш, муқова ишлаш, нақшлар боғлаш санъати ҳам назокат ва зеболикда юксак даражага етказилганлигини алоҳида таъкидлайди. Бу ҳақда Давлатшоҳ Самарқандий ҳам «Тазкират уш-шуаро» асарида таҳсинли маълумотлар келтирган.

Бойсунғур Мирзо адаб аҳлига ҳам ҳомийлик қилган. Унинг «Боғи сафед»да мунтазам ўтказиб турган адабий мажлисларида кўплаб шоирлар ва адиллар, санъаткорлар иштирок этган.

Юсуф Амирий, Амир Шоҳий Сабзаворий, Котибий, Яминуддин Назлободий, Бобо Савдоий шулар жумласидандир. Подшоҳдан кўп яхшиликлар кўрган шоир Юсуф Амирий Бойсунғур Мирзога бағишлиб «Даҳнома» асарини ёзди ва ўз валинеъматининг инсоний фазилатларини:

Етиб эл дардина ортуқ билиги,
Ёпиб фақр эгнини очиқ илиги —

деб улуғлайди ва таъбир жойиз бўлса, Хурсонда Илмлар Академиясини яратганини нафис мисраъларда эътироф этади.

Бойсунғур Мирзонинг замондош алломалар, шоирлар ижодини, уларнинг табиатини яхши билганлиги, унинг муомала одобига риоя қилишидаги латифлик, ҳазил-мутойибага рағбати хусусида мароқли лавҳалар манбаъларда келтирилган.

⁶ Ушбу сатрлар муаллифи 1991 йилнинг 1 январ куни Техрондаги «Коҳи Гулистон» музейи хазинасида Навоий дастхати билан танишганида «Шоҳномаи Бойсунғурий»ни ҳам кўришга муваффақ бўлган эди.

«Мажолис ун-нафоис»ни Навоий машҳур тасаввуф билимдени, маҳоратли шоир Қосим Анвор номи билан бошлайди. Асли Озарбайжоннинг Сароб деган еридан бўлган Мир Қосим Шайх Садруддин Ардабилийнинг муриди бўлиб, «суфия одоб ва тариқи соҳасида ундан сабоқ олган» ва ана шу шайх тавсияси билан у Хурсонга келган. Навоий ёзади: «Оз вақтда ҳалойиқ Мир хизматиға фирифта (яъни, мафтун — C.F.) бўлиб fav-го қила бошладилар. Подшоҳи замон (яъни, Шоҳруҳ — C. F.) Мирға ихрож (яъни салтанатдан чиқиб кетиши — C.F.) ҳукмин қилди». Давлатшоҳ Самарқандийда бу фикр бир мунча равшанроқ баён этилганини кўрамиз: «... ғаразчи кимсалар Мирнинг бу ерда бўлиши маслаҳат эмас. Модомики, ёшлар унга кўплаб мурид бўлмоқда эканлар, бундан мабодо бирор фасод яралмагай, деб шоҳга етказадилар. Подшоҳ унга ихрож ҳукм қиласиди». Аммо Мир бунга эътибор бермайди. Уни зўрлик билан мамлакатдан чиқариб юбормоқчи бўладилар, лекин бу ҳақда ҳеч ким Мирга хабар етказишга журъат эта олмайди. Шунда Бойсунғур Мирзо: «Мен бораман, латойиф ва заройиф билан уни йўлга равона қиласман, зўрликка мутлақо эҳтиёж қолмайди», дея Мирнинг зиёратига боради, у билан самимий ва мароқли суҳбат қуради. Суҳбат асносида сўз ихрож масаласига кўчади. Мир дейди: «Мусулмонлар подшоҳи қандай далилларга кўра менга ихрож ҳукми қилди экан?» Бунга жавобан Бойсунғур Мирзо: «Эй муҳтарам зот, Сиз ўз сўзингизга амал қилмаяпсиз?» дейди. Мир «Қандай сўз экан» деб сўрайди. Бойсунғур Мирзо унинг қуидаги байтини ўқиб беради:

Қосим, сухан кўтаҳ кун, бархезу азми роҳ кун,
Шаккар бар тўти фикан, мурдор пеши каргасон.

(яъни, Қосим сўзни қисқа қилгил, турғилу йўлга тушгил; шакарни тўтига бергулиkdir, ўлимтиқни каргас — йиртқич қушга ташлагулиkdir).

Амир Қосим Бойсунғурга таҳсинлар айтади ва дуолар қиласиди. Тезда у мамлакатни тарк этиб, Балх ва Самарқанд томон жўшайди.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, «етти иқлимда ўҳшами бўлмаган Юсуф Андигоний» Бойсунғур Мирзонинг хос мутриби эди. Уни бир неча марта Бойсунғур Мирзонинг укаси Султон Иброҳим — менга юборинг, деб илтимос қиласиди. Ҳар гал рад жавобини олган шаҳ-

зода бир сафар, ҳазиллашибми, минг динор ҳам юборади. Бойсунғур укасининг бу қилиғига:

Мо Юсуфи худ намефурушим,
Ту сийми сиёҳи худ нигаҳ дор!

(яъни, Биз Юсуфимизни сотмаймиз; Сен қора кумушларингни эҳтиёт қил) — деб жавоб қайтаради.

«Мажолис ун-нафоис»да номи келтирилган Бобо Савдоий деган шоир яхши қасидалар ёзган. «Мажолис»ни форс тилига таржима қилган Ҳакимшоҳ Мұхаммад Қазваний бу шоир ҳақида Навоий ёзғанларини таржима қилғач, ўзидан қўйидагиларни илова қиласди:

Дейдиларки, Бобо Савдоий Бойсунғур Мирзони ғоях яхши кўрар экан. Кунларнинг бирида томда суҳбат қуришиб ўтиришганида Мирзо Бобо Савдоийга: — Агар бизни яхши кўрсангиз, шу томдан ўзингизни пастга ташлаб, дўстлик учун жон фидо қилсангиз, — дебди. Шоир дарҳол оёққа қалқиб югра кетибди. Томнинг чеккасига етганда у таққа тўхтабди ва дебди: — Биз Сизни то шу ергача яхши кўрамиз ва бас! Бойсунғур Мирзо бу жавобдан ғоят завқланиб дебди: — Энди агар менда айб бўлса, танбеҳ беринг, то мен уни туза-тайин. Шоир дебди: — Сизда иича коҳиллик — сусткашлиқдан бўлак айб йўқ. Мирзо дебди: — Қандай сустлигим бор экан? Шоир дебди: — Сиз бир сўз билан мени бойитиб юборишингиз мумкин, лекин коҳилликдан буни айтмайсиз. Сиз «Шунга минг танга олтин берилсин», десангиз мен бойиб кетардим. Бойсунғур Мирзо ҳузур қилиб кулибди ва шоирга минг танга олтин инъом этибди...

Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, Бойсунғур Мирzonинг «умри 37 йилу тўрт ойга боргандада» вафот этган. Фикрий Салжуқийнинг маълумотларига қараганда, Бойсунғур Мирзо ўлимига Ҳирот мунахжимлари сабабчи бўлганлар. Гап шундаки, Бойсунғур Мирзо уларга ўз зойичасини (гороскопини) аниқлаб бериппалирини буюрган, «ноинсофлар ҳаётингизнинг муддати қарийб 40 йиллардир», деб айтадилар. Бойсунғур Мирзо бундан ниҳоятда таъсиrlаниб, аксар вақтини айнишрат, шикор ва майпарастлик билан ўtkаза бошлайди. «Умримдан икки йиллар чамаси қолибди», дея изтироблар чекади, умидсизлик ҳолатларига берилади, ҳар соат ўзига ўлимни яқин ҳис қила бошлайди». Ниҳоят касалга чалинади ва бу касалликни «охирги беморлик-

ка» йұяди. Ноумидлик касаллікка қувват бағишилаб, иштаҳаси кесилади, тобора заифлашиб боради⁷.

Бойсунғур Мирзо 827/1433 йилнинг 20 декабрида дунёдан күз юмади. Исфизорийнинг «Равзат ул-жаннат» китобида үқиймиз: «Саодатли (фарзанди) фироқида Шоҳрух ниҳоятда тангдил ва ғоят ғамгин бўлди. У «Боги сафед»да йиғи бергандада довул кўчгандек оҳ чекканида раъд — момақалдироқ янграғандек бўларди:

Аз ғамат хосияти абри баҳорон шуд маро,
Оҳ — барқу нола —раъд, гиря—борон шуд маро.

(яъни, Сенинг мотамингдан баҳор булутига ўхшаб қолдим; Оҳим — барқ, нолам — раъд, момақалдироқ, йиғиларим — ёмғир бўлиб қолди).

У: «Биз Оллоҳга тегишлишимиз ва унинг ўзига қайтамиз», — деган оятдан тасалли излади...»

Бойсунғур Мирзо Гавҳаршодбегим мадрасасига дағн этилади. Бутун Ҳирот аҳли, айниқса шоибу адиблар, фозилу олимлар, санъаткорлар, мотам тутадилар. Бу ҳузунли, алами воқеага атаб таърихлар туширилади, марсиялар битилади. Воҳидий тахаллуси билан шеърлар ижод қилган Мавлоно Сайфуддин Наққош Исфаҳоний таржесъбанд — марсия, Амир Шоҳий марсия — рубоий ёзганлар. Сўзаро айтиб ўтиш жойиз кўринадики, Бойсунғур Мирзо бир неча вақт «Шоҳий» тахаллусида ёзган экан, лекин у Амир Оқмаликнинг бу тахаллус билан шуҳрати ортиб бораётганини кўргач, уни «Бойсунғур»га ўзgartирган экан.

Манбаълардан бирида қуйидаги таърихни Бойсунғур Мирзонинг ўзи туширган дейилади:

Султони саъид Бойсунғур саҳарам,
Гуфтотки, бирасон ба аҳли олам хабарам,
Ман рафтаму таърихи вафотам инаст:
«Бодо ба жаҳон дароз умри падарам!»

(яъни Саодатли Султон Бойсунғур менга саҳарда дедики, олам аҳлига хабар қилинг: Мен кетдим ва вафотим таърихи будир: «Жаҳонда отамнинг умри узун бўлғай»).

Охирги мисрадан (абжад ҳисоби билан) 837/1433 йил чиқади.

⁷ Фикрий Салжукий. Хиёбон. Кобул, 1343 (1964). 32—33-бетлар.

Бойсунғур Мирзо вафоти ҳақидаги хабар Улугбек Мирзо Бухорода эканида етишади. Қаҳратон қиши бир мунча бұшашгач, у Ҳиротта йўл олади ва 1434 йил 29 апрелда (Рамазоннинг 19-куни) Хожа Шамсуддин, Хожа Фазлуддин Коший ва Хожа Абдуллаис каби («Ҳар бири шундай ягона эдики, ҳеч уларга ұхшаши йўқ») арбобу уламолар ҳамроҳлигига Шоҳрух Мирзо ҳузурига кириб келади. Бойсунғур Мирзодан айрилиқ жароҳати Шоҳрух қалбіда қайтадан янгиланади...

Бойсунғур Мирзодан уч ўғил қолади. Булар — Рукниддин Мирзо Алоуддавла, Қутбиддин Мирзо Султон Мұхаммад ва Муъизиддин Мирзо Абулқосим Бобурдирлар. Ҳусайн Бойқаро билан Алишер Навоий 1456 йил Шоҳ Абулқосим Бобур саройи хизматига кирган ва у ўз қароргоҳини Машҳадга күчирганда бирга кетган эдилар.

«Мажолис ун-нафоис»да Навоий Бойсунғур Мирзонинг ғазалидан матлаъ ва мақтаъ — аввалги ва охиригиги байтларини келтиради:

Надидам он рух акнун ду моҳ аст,
Вале меҳраш басе дар жони мо ҳаст.
Гуломи рӯйи ў шуд Бойсунғур,
Гуломи хубруён подшоҳ аст.

(яъни, у икки гўзал юзни кўрмаганимга икки ой бўлди; бироқ унинг меҳри жуда жонимиздадир... Бойсунғур унинг юзига қул бўлди, гўзал юзларнинг қули подшоҳдир.)

Бир манбаъда Бойсунғур Мирзонинг бу ғазали машҳур бўлгани қайд этилади ва ундан қўйидаги байтлар ҳам келтирилади:

Бар оташ сар ниҳам рӯзики, мирам,
Тавон гуфтанки, ошиқ сар бар роҳ аст.
Ба зулфаш мушк худро нисбати кард,
Дуруғе гуфтаро равеш сиёҳ аст.
Дили ман рӯйи у хоҳад ҳамеша,
Набинад ба даҳр онки, некхоҳ аст.⁸

(яъни, ўлаётган куним унинг оҳи билан бош қўйман. Айтиш мумкинки, ошиқнинг боши йўлдадир. Мушк ўзини унинг зулфларига қиёс қилди. Ёлғон сўзларнинг

⁸ Матндан кўринадики, бу юқоридаги «Мажолис»да келтирилган матлаъдан кейин, мақтаъдан аввалги мисралари дидир.

равеши қора бўлади. Дилем ҳамеша унинг юзини кўришни истайди. Дунёда яхшилик истовчини у кўрмайди).

Шоҳ Фариб Мирзо Султон Ҳусайн Мирзонинг ўғли, онаси Ҳадича бегимдир.

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида Шоҳ Фариб Мирзо ҳақида «Шўх таъблик ва мутассариф зеҳнлик ва нозик тахайюллуқ ва дақиқ тааққуллуқ йигитдур. Назм ва насрда назири маъдум ва мутахаййила ва ҳофизада адили номаълум (яъни, назм ва насрда тенги йўқ, фикрлаш ва ҳофизада ўхшаши йўқ). Ов ва қуш хотирига марғуб ва қурро (Қуръонни қироат билан ўқиш) ва ўқиш кўнглига маҳбуб», — деб ёзади ва шоирнинг учта ўзбек тилидаги ва иккита форсийдаги ғазалларидан матлаъларни келтиради:

Қайси бир гулчехра ул гулбарги хандонимча бор,
Қайси бир шамшод қад сарви хиромонимча бор.

Яна бири:

Тарки меҳр айлаб агарчи бўлди жонон ўзгача,
То тирикман қилмагумдир аҳду паймон ўзгача.

Кейингиси:

Порсо ёримға май ичмак шиор ўлмиш яна,
Баски тортарман сабу, эгним фигор ўлмиш яна.

Шоҳ Фариб Мирзонинг форсий шеърлардан қўйидағи матлаъни Навоий жуда ошиқона ёзилган, деб келтиради.

Бозам балойи жон ғами он моҳпора шуд,
Эйвой, он маризки, дардаш ду бора шуд.

(яъни, яна ўша ой каби (гўзал)нинг ғами жонимга бало бўлди. Эйвой, ўша касалликнинг дарди икки баробар ошди.) Шоир кейинги матлаъни «бағоят ошиқона ва муҳлисона ва мутаассирона воқеъ бўлубтурким», — деб таърифлайди:

Дўстон, ҳаргоҳ гузар сўи мазори ман кунед,
Жойи такбирам дуои жони ёри ман кунед.

(яъни, дўстлар, гоҳо мазорим томон келиб туринг. Менга фотиҳа ўқиш ўрнига ёримнинг дуои жонини қилинг.)

Фахрий Хиротий ўзидан илова қилган 9-мажлисда Шоҳ Фариб Мирзонинг қуидаги матлаъли ғазали Абдураҳмон Жомийнинг газалига жавобия тарзида ёзилган, дейди:

Гар кушоди кори мо буди зи зулфи ёри мо,
Инчунин ошуфтаву дарҳам набуди кори мо.⁹

(яъни, агар ишимиз ечими ёримиз зулфига боғлиқ бўлса эди, у бу қадар тӯзиқ ва чигал бўлмас эди.)

Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома»да «Шоҳ Фариб Мирзо» букри эди. Агарчи ҳайъати (кўриниши) ёмон эди, табъи (табиати) хуб эди. Агарчи бадани нотавон эди, каломи марғуб эди. «Фарибий» тахаллус қи́лур эди, — деб ёзади ва унинг девон ҳам тузганини таъкидлаб, бир форсча матлаъни келтиради:

Дар гузар дидам парирӯе, шудам девонааш,
Чист номи ў, кужо бошад, надонам хонааш.¹⁰

Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонининг охирида Шоҳ Фариб Мирзога алоҳида боб ажратади. Уни яхши фазилатларга эга, илм-маърифатга ташна бўлган шаҳзода сифатида таърифлайди ва унга баъзи насиҳатларни қиласди.

Навоий мамлакат ва халқ тақдирига алоқадор шахсларнинг айниқса илм-фан ўрганишларини ғоят муҳим деб билган. Шу боис Шоҳ Фариб Мирзонинг ҳам илм ўрганишга жаҳд қилиши, касб-ҳунарни эгаллашда камолатга интилиши лозимлигини таъкидлайди:

Қаю фанким, шурӯй этмаклик анда,
Кишидин яхши от қолғай жаҳонда.

Бу фикр тасдиғи учун шоир Искандар ва Улуғбек Мирзоларни ёдга олади. Улуғбек Мирзо тимсолида илмнинг қудратини кўрсатиб беради:

Билик гарчи кўринур кўзга зийнат,
Вале шаҳларга бордур ўзга зийнат.

Диний илмлар (тафсир, ҳадис ва фиқҳ)ни, илми

⁹ Фахрий Ҳиротий. «Равзат ус-салотин» ... 228 бет. Шу ерда ғазал тўлалигича келтирилади.

¹⁰ Бобирнома, Тошкент, 1960. 224-бет.

ҳикматни ўрганиши, айниқса, тарихни ўрганишни уқтіради. Диққатга сазовор томони шундаки, тарихни билишининг аҳамиятини очиб берар экан, бунда қайси ҳукмрон зулмкорлик қилди, қай бири адолат билан иш тутди, қайси тадбирлардан мамлакат обод бўлди, қанақа ишлардан улус хонавайрон бўлди, буларға фикр беришни таъкиндлайди. Бу насиҳатлар сирасида ичкиликниң офати ҳақида ҳам сўз кетади. Кўринадики, давр иллатига айланиб бораётган саройдаги ҳаёт шундай пандни тақозо қилган. Бадиий ижодда шаҳзода-ниң нозик сўзни, маънолар жилосини, ноёб тимсолларни идрок этиши ва улардан моҳирлик билан фойдаланишини мақтайди.

Шоҳ Фариб Мирзо вафотига Навоий марсия ҳам ёзган. Марсия матнини 1871 йилда Ҳ. Сулаймонов нашр этган эдилар. Марсия матни 904/1499—1500 йилда кўчирилганлиги назарга олинса ва «Мажолис»нинг иккинчи таҳрири 1498 йилда амалга оширилганда Шоҳ Фариб Мирзо ҳаёт, шаҳзода ижодкор сифатида зикр қилинганлиги у 1498 йил охири ёки 1499 йил аввалларида вафот этган бўлади.

Ҳар банди б байтдан иборат 5 бандли (60 мисраъли таркиббанд) марсияда шаҳзода, ширинсухан инсон, соҳиби девон шоир Шоҳ Фариб Мирзонинг ўлими бутун Ҳирот аҳли учун, хусусац, Навоий учун катта мусибат бўлганлиги қаламга олинади:

Барча ғамгин, баридин менда фузун ғамзадалик,
Рўзгоримни қилиб тийра бу мотамзадалик.

«Мажолис»ни форсийга таржима қилган Фахрий Ҳиротийнинг ўзидан илова қилган IX мажлисида келтиришича, ҳиротлик бир шоир «Фарибий» тахаллусини олганда Ҳусайн Бойқаро ўғлининг хотири учун унинг тахаллусини «Мажлисий»га ўзгартирган экан.

Фахрий Ҳиротий «Равзат ус-салотин»да Фарибийнинг қуйидаги туркийдаги ғазалини келтиради:

Бир қаро кўз бағри тошнинг хокисоримен яна,
Кирса майдон ичра рахшининг губоримен яна.
Ингладим чандонки, сайли ҳар сари бўлди равон,
Гулрухум ҳажрида абри навбаҳоримен яна.
Ошиқ ўлдум, зуҳд аҳли мендин уздилар кўнгул,
Менку ул хайл ким ишқ аҳли соримен яна.
Долдек қад бирла сенсиз нола қилмоқдур ишим,
Ноладин базми ғамингда чанг торимен яна.

Эй Фарибий, оқса бағрим қони күздин не ажаб,
Бир қора күз бағри тошнинг хоксоримен яна.

Бу ғазалдаги ғиноий адолар жуда самимий ва чиндан ошиқона ёзилган. Тўртингчай байтдаги «долдек қад» ташбиҳи шоирнинг буқрилигига ишора эканлиги, матлаъдаги бағир қонининг күздан оқиши ажабланарли эмас, «бир қаро күз бағри тошнинг хоксоримен яна», деб матлаъ аввалидаги мисраъ билан ғазалнинг якунланиши ниҳоятда таъсирчан чиқишига хизмат қилган.

Фахрий Ҳиротийнинг мазкур тазкирасида Шоҳ Фарид Мирзонинг иккى форсий ғазали шарҳ ва изоҳлар қисмида (муаллифи Аҳмад Қарамий) келтирилди, шулардан қўйидагиси Забиҳулло Сафонинг «Эрон адабиёти тарихи»нинг 5-жилдида ҳам берилған:

Дўстон, ҳар гоҳ гузар сўйи мазори ман кунед,
Жойи такбирам дуойи жони ёни ман кунед.
Тан чу хоҳад хок гаштан кошки пеш аз ажал,
Поймоли тавсани чобуксувори ман кунед.
Гар надонед он чи бо Фарҳоду Мажнун ишқ кард,
Холи эшонро қиёс аз рӯзгори ман кунед.
Чун ба жоми бода лаъли руҳбахши ў расад,
Лойи ўро марҳами жони фигори ман кунед.
Ман аз-ў расвойи халқу ў ба ман беилтифот,
Рафт кор аз даст берун фикри кори ман кунед.
Қотили ман то зи хайли маҳвашон донанд кист,
Сувраташро нақщ бар лавҳи мазори ман кунед.
Чун Фарибий гавҳар афшондам ба васфи лаъли ў,
Гўш сўйи дурри назми обдори ман кунед.

(яъни, Дўстлар, гоҳо мазорим томонга келиб туринг. Менга фотиҳа ўқиши ўрнига ёримнинг дуои жонини қилинг. Таң туфроққа айланишини истар экан, ажалдан олдин от мингана чавандозим поймоли қилинг. Агар Фарҳод ва Мажнунларни ишқ нима қилиб қўйганини билмасангиз, уларнинг ҳоли билан менинг ҳаётимни қиёс қилинг. Май қадаҳига унинг руҳ бағишловчи лаби тегса, унинг лойини менинг мажруҳ жонимга малҳам қилинг. Мен у туфайли халқ шармандаси бўлдим, лекин у менга илтифот қилмайди. Иш қўлдан кетди, менинг ишларим фикрини қилинг. Менинг қотилим маҳвашлардан қай бири эканлигини билишлари учун унинг сувратини мазорим тошига нақшлаб қўйинг. Унинг лаблари таърифида Фарибий гавҳарлар сочди, унинг ширадор шеърлари дурларига қулоқ тутинг).

Ғарибийнинг туркӣ ва форсийдаги шеърларӣ девоҳни Гамбургда маҳфузлиги ҳақида Фахрий Ҳиротий тазкираларининг ношири, сўзбоши ва шарҳ, изоҳлари муаллифи Аҳмад Қарамий маълумот берган ва:

Гар кушоди кори мо буди зи зулфи ёри мо,
Инчунин ошуфтаву дарҳам набуди кори мо —

матлаъли ғазалининг тӯла матнини келтирган, бу ғазал Жомийнинг ғазалига жавобия эканлигини баён этган, уни Гамбургдан д-р Анна Мари Шиммел маълумотларидан олганини кўрсатиб ўтади¹¹. Шоҳ Ғариб Мирзо нинг девони ҳақида X. Исламутлаев ва Ш. Ёрқинлар нинг мақолалари эълон қилинди¹².

Х. Исламутлаев девон нусхасини олишга кимлар кўмак бергани ҳақида муфассал тўхталиб ўтади, лекин унинг мундарижаси, унда нечта шеър мавжуд, қайси жанрларда ёзилган, девоннинг кўчирилган вақти тўғрисида ҳеч қандай маълумотлар бермайди¹³.

Ш. Ёрқин Ғарибий девонида туркӣда 76 ғазал, 4 мухаммас (3 таси Навоийга ва 1 таси Ҳусайн Бойқаро ғазалига), жаъми 1210 мисръ шеър, форсийда эса 37 ғазал ва Жомийга 1 мухаммаси, жамъи 557 мисраъ шеър мавжудлиги ҳақида маълумот беради. Олим, шунингдек, Ғарибий ғазалларидан форсийдаги 4 ва Жомийга боғланган мухаммасини эълон қилади.

Темурий ҳукмдорлардан Абулқосим Бобурнинг форсча бир ғазали ва бир рубоийси, Ҳусайн Бойқаро ўғилларидан Бадиuzzамон Мирзонинг бир форсча байти (Мўмин Мирзо вафоти муносабати билан битилган), Фаридун Ҳусайн Мирzonинг учта форсча байти, тўрт рубоийси, бир ғазали, Муҳсин Мирзо (Кепак Мирзо номи билан танилган) бир форсча ғазали, Мўмин Мирzonинг Жомий ғазалига мухаммаси¹⁴ ва учта бадиҳона битилган байтлари, Бойсунғур Мирзо вафотига Мир Шоҳийнинг рубоий — марсиясини юқорида келтирилган тазкираларидан (бундан «Мажолис» ун-нафоис»

¹¹ Фахрий Ҳиротий. Мазкур тазкира. Аҳмад Қарамий иловалари. 228-бет.

¹² Исламутлаев X. Шоҳ Ғариб Мирзо// «Миллий тикланиш» рӯзномаси. 2000 йил, 29 август. Ёрқин Ш. Девони Ғарибий дар Узбекистон// «Овози тоҷик» рӯзномаси. 2000 йил, 21 октябр.

¹³ Ушбу сатрлар муаллифининг 1966 йил 5 июлда «Узбекистон адабиёти ва санъати»да Шоҳ Ғариб Мирзо ҳақидаги мақоласи эълон қилинган.

¹⁴ Қаранг: Ганиева С. Мухаммаси Мўмин Мирзо ба ғазали Мавлоно Жоми //«Овози тоҷик». 2000 йил, 2 февраль.

мустасно), XV аср Ҳирот адабий муҳити, адабиёт на-
моёндалари ҳақидаги тадиқотлар, тарихий асарлар,
мактублардан, гулчин ва турли мажмуалардан тўплаб
олдик. Уларнинг орасида туркйда ёзилганлари оз эса-
да, адабий жараёнда мавжуд анъана доирасида тему-
рий ҳукмдорлар, шаҳзодалар шеърий ижод билан анча
йил фаол қатнашганликларини кўрамиз. Бу ижодкор-
ларнинг адаб ва санъат аҳлига ҳомийлик қилганлик-
лари, асосан саройларда адабий анжуманлар, давралар
уюштириб турганликлари, етакчи шоирларга эргашиш,
уларнинг ғазалларига мухаммаслар бағишлиш, татаб-
буълар қилиш, жавобиялар ёзишга рағбатлантирган-
ликлари диққатга сазовордир. Бу хусусда Ҳусайн Бой-
қаронинг ўзи ва унинг қўллаб-қувватлаши билан Али-
шер Навоийнинг миллий тил, миллий адабиёт ва санъ-
атни кенг равнақ йўлига қўйиш учун астойдил фаолият-
да бўлганликлари маълум.

Маданиятимиз, адабиётимиз тарихида бу ижодкор-
ларнинг ёрқин излари бор. Уларнинг фаолиятлари,
ижодларини ўрганилиши қадр топаётгани Истиқоли-
миз баҳраларидандир.

Азиз ҚАЮМОВ

«САДДИ ИСҚАНДАРИЙ» ДОСТОНИНИНГ САРЛАВҲАЛАРИ

Достоннинг асосий воқеалари XV бобдан бошланган. Шунинг учун биз ҳам гапни XV боб сарлавҳасидан бош-
лаймиз. Олдинги бобларнинг сарлавҳалари тўғрисидаги
фикрлар мавзуга алоқадор ўриниларда айтилади.

XV боб сарлавҳасида Навоий достоннинг шу ердан
бошланнажагини билдириб ёзади: «Искандар достони-
нинг оғозиким (бошланиши), Ҳақ анжомига еткургай»¹.
Шоир достоини ёзмоққа бошлар экан, унинг тугалла-
нишига умид боғлаб, «Ҳақ анжомига еткургай» деб
яхши ният қилган. Ана шундай киришдан сўнг шоир
сарлавҳада Искандар мавзунинг ечилиши, Искандар
тўғрисида бор гапни келтиражагини хабар беради. Искандарнинг келиб чиқиши (насаби) тўғрисида қарама-
қарши сўзлар борлигини айтади. Бу қарама-қаршилик-
ларни тарихчилар ўзаро баҳсларда келтириб чиқарган

¹ Алишер Навоий. Хамса. Тошкент, 1960. 651-бет. Бун-
дан кейин мазкур нашрга мурожаат қилинганда саҳифаси қавс
ичида кўрсатилади.

бўлсаларда, Навоий бу ихтилофни йўққа чиқаргани ва ҳақиқат очилганини таъкидлаб ўтади: «... ва тарихининг ифтитоҳиким, тенгри ихтиоми бўлғай ва анинг наса-бида ихтилофким, тарих аҳли қилмишлар ва ул ихтилофни рафъ этиб, аҳли таҳқик ишининг ҳақиқатин билмишлар» (651). Маъноси: Искандар тарихининг очи-лиши, уни Тангри белгилагандай бўлиб тугалланиши Искандарнинг насаби тўғрисида келишмовчиликлар бор. Буни тарихчилар ўзаро амалга оширадилар. Бу келиши-м вчиликларни бартараф этиб, энди улар ҳақиқатни билганлар.

Аммо сарлавҳада бу келишмовчиликларнинг нима-дан иборат эканлиги айтилмайди. Шундан кейин бево-сита воқеалар тизими бошланади: «... ва малик Фай-лақуснинг дори бақоға кетгани ва Искандарнинг мулки фоний таҳти мақом этгани» (651). Малик Файлақус дунёдан ўтди. Искандар бу ўткинчи мулк таҳтига ўти-ди. Шу билан Искандар билан боғлиқ воқеалар тизи-мининг достони бошланади.

Бу сарлавҳа қирқ уч сўздан иборат ва «Сабъай сайёр»даги сарлавҳаларга қараганда каттароқ. Ҳажм жиҳатидан «Фарҳод ва Ширин» достони бобларининг сарлавҳаларига яқин. Ушбу боб сарлавҳаси «Садди Искандарий» достонидаги бобларнинг сарлавҳаларига ме-зон бўла олади. Бу сарлавҳада баён бош ўрин тутади. Унинг бадиий либосидаги асосий безак сажъдир (ички қофия). Аммо унинг жумлаларида кучли бадиий тас-вир воситалари ишлатилмаган. Демак, шоир ҳамма вақт ҳам сарлавҳалар матосини безаклаш йўлидан борма-ган. Лекин ўрнатилган бадиий шаклга (сажъ) ҳамиша риоя қилган.

«Садди Искандарий» достони турли бадиий қатлам-лардан ташкил топган. Агар достонда дастлаб Искандарга боғлиқ воқеаларни ҳикоя қилувчи боб келса, ун-дан кейинги боб фалсафий-дидактик чекинишлардан иборат. Уларда ўша воқеаларнинг моҳиятига оид умум-лашма изҳор этилади. Ундан сўнг шу фикрлар исботи-га хизмат қилувчи ҳикоя келади. Сўнг айтилганлардан чиқарилган хулоса баён этилади. Сарлавҳалар ҳам ана шу тузилишга мослаб яратилган. Ҳикматлар Искандарнинг устоз Арастуга берган саволи, Арастунинг бу саволларга берган жавобларидан тузилган. Ҳикмат-ларнинг сарлавҳасида бу ҳол тўласифча айтиб ўтилган.

XVI боб «Садди Искандарий» достонидаги фалсафий-дидактик чекинишларга оид боблардан бири. Унда Навоий баланд ҳимматлиликтин улуғлайди. Кишиларни

ҳимматли бўлмоққа чақиради. Ана шу чақириқ XVI боб сарлавҳасида ҳам баралла эшитилади: «Ҳиммат ҳумоининг баланд парвозлиги таърифидаким...» (654). Бу сарлавҳа ичидаги сарлавҳадир. Навоий ҳиммат қушини Ҳумой деб атамоқда. Ҳумойнинг сояси тушган киши, ривоятга кўра подшоҳликка эришади. Демак, ҳиммат ҳумоий шунчалар баланд парвоз бўлади. Сарлавҳа ана шу фикрни давом эттиради. Ҳиммат баландлигига ундовчи фикрлар баланд бадиият билан ифодалана боради «...жаноҳайнинг сояси қуёшнинг анқои заррин жаноҳифа зулмат қофида нишеман берур» (654). Икки қанотининг сояси зулмат тогининг орасига кирган қуёшнинг анқоси таратган олтин нурлар остида бўлади. Демак, Ҳиммат Ҳумойнинг қанот сояси фақат қуёш Анқо қушининг олтин нурлари бор жойда пайдо бўлади. Унинг жуссаси катта. У гавҳарнинг кумуш тухумини икки қаноти остида яширади. Қайси бир гадога бу соя тушгудек бўлса, сultonлар ундаи одамга гадо бўладилар. Қайси бир шоҳдан бу соя кетгудек бўлса, гадо ўша шоҳ қаршисида шоҳ бўлиб кўринади. Бу образларга бой жумлалардаги асосий ғоя ҳимматни улуғлаш. Агар киши баланд ҳимматли бўлса, унинг даражаси шоҳликдан устундир. Агар шоҳ ҳимматсиз бўлса, ундаи шоҳ гадодан ҳам тубандир: «...азим жуссалифи васфидаким, байzonинг симин байзасин жаноҳайнин остига яшурур ва ҳар гадоға ул соя тушса, салотин анинг гадойидурур ва ҳар шоҳдин соясин олса, гадо анинг қошида шоҳ кўринур» (654). Бу бобнинг сарлавҳаси бадиий тасвир воситаларига жуда бой. Уларнинг шарҳи фақат бир фикрни қувватлайди: Ҳиммат, ҳимматнинг баландлиги.

XVII боб Искандар билан бир гадонинг учрашувига оид. Баланд ҳимматли гадо Искандарни ўзига мафтун этади. Бу ҳол ушбу боб сарлавҳасида очиқ айтилган. Навоий ўша баланд ҳиммат гадонинг ҳозирги аҳволининг ўзи (яъни, гадолиг ҳолати) баланд ҳиммат туфайли подшоҳлик даражасига етканлигини таъкидлайди. Гадонинг баланд ҳиммати шунда кўринадики, Искандар уни подшоҳлик тахтига таклиф қилганида, гадо тожни рад қиласи. У ана шу фикрида қойим қолади: «Искандар била ул гадолиг ихтиёр этган подшоҳ, балки филҳақиқат подшоҳликка етган гадо ҳикоятиким, Искандар ани мазаллат ҷоҳидин чиқариб, салтанат коҳига ўлтуртмоқ истади ва ул тож таркин қилиб, бошидин тарки тожи хаёлин чиқармади» (656). Маъноси: Искандар билан гадолигини танлаган подшоҳ, балки ҳақи-

қиіп подшохлика эришган гадо ҳикояти. Искандар уни хору зорлик чуқуридан чиқарып олиб, подшохлик саройнга үткіздірмоқчи бұлды. Аммо у гадо тожни рад қилди. Бошидан тожни тарк этмоқ хаёлин кетказмади. Ұшбу сарлавханың бириңчи жумласи ҳам сарлавҳа ичидеги сарлавҳа сифатида қаралмоги мүмкін.

Ана шундан кейин келадиган XVIII боб ҳикмат деб атала迪. Бу үша бобнинг бош сарлавҳасидир. «Ҳикмат»дан кейин шу ҳикматнинг қисқача маъноси сифатида бобнинг иккинчи сарлавҳаси келади. Ҳар бир Ҳикмат Искандарнинг устоз Арастуга берган саволи ва Арастунинг бу саволға қайтарған жавобидан иборат. «Ҳикмат» деган сұзған кейин яна бир кінчик сарлавҳа ичидеги сарлавҳа келади: «Искандарнинг Арастудын саволи ул бобдаким...» (658). Ана шундан кейин саволнинг мазмунин бағын этилади. Искандар сұрайди: «... мақсұдаға қайси мақом яқынроқ ва ул мақом сари не нағын хиrom муносибироқ...» (658). Маъноси: Мақсад сари әлтүвчи мақомнинг қайси бири яқынроқ, бу мақомга қандай қылғын етиб бориш мүмкін. «... ва Арасту йүқ-лук мақомыға йўл кўргузмак ва сабукборлик хироми оҳангиз тузмак» (656). Маъноси: Арасту йўқлик мақомига йўл кўрсатади, бу йўлдан илдам бормоқ оҳангини тузади.

Шундай қилиб, «Салди Искандарий» достонининг учқатламидағы бўлакларнинг сарлавҳалари мазмун жиҳатидан бир-бирини тўлдирувчи ва шарҳловчи бу боблар мундарижасини баён этади. Бириңчи бўлак Искандар фаолиятига оид воқеаларни кўрсатса, иккинчи бўлак шу воқеалар руҳига яқын фалсафий-дидактик чекинишлардан иборат. Сўнгра шу мулоҳазаларни намоиниши этувчи ҳикоя келади. Ундан сўнгги ҳикмат — Искандар ва Арасту диалогида барча айтганларга якун ясайди. Шоир бу бўлакларга муфассал сарлавҳалар берган. Бу сарлавҳалар ана шу фикрларнинг қисқача баёнидан иборат. Улар ҳажм жиҳатидан ҳам анча катта.

XIX бобдан янги бўлаклар бошланади. Бириңчи бўлак яна Искандарнинг сиёсий фаолиятига боғлиқ: «Искандарнинг салтанат тожидин саркашлик қилиб, халофат таҳтидин аёқ тортқони ва Рум аҳли бошларин оёқиға қўйиб, аниң мақдамидин таҳт поясин баланд қилиб, тож қадрин аржуманд қилғонлари...» (658). Маъноси: Искандар салтанат тожидан бош тортади. У халифалик таҳтидан оёқ тортди. Рум аҳли унинг оёғига бош қўйиб, шоҳликни қабул қилмоқни сўрайдилар. Шу билан унинг қадами етган таҳт пояси баланд кўтарилди.

Тожнинг қадр-қиммати күтарилди. Бу сарлавҳада Искандар фаолияти тасвирида бош ва оёқ образлари асосий ўринни эгаллади. Искандар ҳокимият тахтига оёқ қўймоқчи бўлмади. Рум аҳли унинг оғигига бош қўйдилар. Олдин Искандар тож киймоқдан бош тортган эди. Демак, тахтдан оёқ, тождан бош тортган одамнинг оғигига одамлар бош қўядилар. Ушбу боб сарлавҳасидаги бу образли фикрлар тахту тож талашиб, бир-бирлари билан урушаётган шаҳзодалар ва бошқа тахт даъвогарлари учун ибратли бир ўгитdir. Элу юртнинг хоҳиши ва илтимоси билан ҳокимиятга чиққан киши эса бу қадами билан тахт поясини баланд кўтаради, тожнинг қадри ва иззатини оширади. Ҳар бир ҳокимият халқнинг хоҳиши, унинг иродаси асосида қурилмоғи керак. Энди ушбу сарлавҳада Искандар ҳокимиятни қандай бошқарганини хам кўрсатган. Искандар адолатининг кўзи қуёши билан зулм туни кўршапалагини кўр қилди. Жаҳонга ёруғлик бағишлиди, зулмкорларни худди қоронгуликни олам юзидан четлатгани сингари четлатди: «... ва анинг адли айнининг қуёши била зулм шомининг хуффишин кўр этиб, жаҳонни ёрутқони ва зулм аҳлининг зулматдек олам юзидин қироқ тутқони» (658).

Шундан кейинги фалсафий-дидактик чекиниш (XX боб) қўйидаги сарлавҳага эга: «Адолат айни таърифи-даким, салотиннинг зулумоти зулми орасида «айнул ҳаёт»и жовидонийдуур ва ичганга зулоли зинҷоний еткуур» (663). Маъни оси: адолат булоғининг таърифи. Бу булоқ сultonларнинг зулм қоронгулиги ичида «ҳаёт булоғи»dir. У абадий. Бу булоқдан ичган кишига ҳаётнинг зилол суви етган бўлади. Маълумки, «Ҳаёт булоғи» қоронгулик ичида бўлади. Ундан сув ичган киши абадий ҳаёт касб этади. Шоир зулмни ана шу қоронгуликка ўхшатади. Адолат булоғи эса ана шу ҳаёт булоғи сингаридир. Кимки адолат билан иш тутса, у абадийликка эришади.

Маҳмуд Газнавий ва унинг ўғли Масъуд тўғрисидағи ҳикоя шу фикрни изоҳлашга ёрдам беради. Бу ҳикоянинг сарлавҳасида шоир кичик бир ички сарлавҳа берган: «Маҳмуд ҳикоятиким...» (664). Шундан сўнг бу ҳикоянинг мазмуни берилган: «... Ажал оғир уйқусиға борғендан сўнгра Масъуднинг тушига кирди ва адолат айнин пайдо қилур учун анга пандлар берди» (664). Демак, Маҳмуд ўғли Масъуднинг тушига кирди. У ўғлига адолат булоғини яратмоқ тўғрисида панду ўгитлар

қилди. Маҳмуднинг бу ўгитларини шонр кучли бадиий тасвиirlар орқали берган. Ухлаб ётган кишини уйғотмоқ учун унинг юзига сув пуркайдилар. Маҳмуд ҳам ана шундай қилди. Фақат у ўғли юзига насиҳатнинг зилол сувларини сепди. Шундан кейин шонр ёзадики, Масъуд ғафлат уйқусидан сесканиб уйғонди: «... ва насиҳат зулолидин анинг юзига бир сув урдиким, ани ғафлат уйқусидин сескандурди» (664). Бу ерда туш, уйқу түғрисида сўз боради. Шоир Масъудни туш кўриб уйғонмогини унинг ғафлат уйқусидан уйғонганлиги деб талқин қилган. Бу сарлавҳада барча образлар бир-бири билан фоят боғлиқ равишда кўрсатилган.

XXIII бобда Искандар амалга ошираётган ишларнинг тафсили баён этилган. Бу сарлавҳа ҳам ички сарлавҳа билан бошланади: «Искандар ишларининг тафсилини ижмол (қисқача) била дейилмак... ва ижмолнинг мужмалотни тафсил қилмоқ...» (667). Энди ана шу ишлар билан танишамиз: Доронинг элчиси Искандардан солиқни талаб қилиб келдию, пўлат найзадек сўзлардан жавоб олиб қайтди. У найзадан сачраган шуълалар чақмоғидан Доронинг сабр хирмони куйиб кетди: «... Доронинг расули анга олтин байза (тухум) тилай келиб, пўлод найзадек итиқ сўзлар жавоб тониб бормақ ва ул синон ламъасининг барқи анинг хирмони сабрига ўт солмоқ» (607). Шундан кейин Доро Искандарга гўй ва чавгон (хоккейга ўхшаш ўйин, от устида ўйналади — А. К.) ва бир халта кунжут юборди. Искандар чавгон билан гўйни урди, кунжутни эса қушларга едириди: «... ва кунжут била гўй ва чавгон йибормаги ва Искандар ул чавгон билан гўй уруб, кунжутни қушлар термаги» (667).

XXII боб сарлавҳасида шоир адл билан жаҳонга ҳукмрон бўлмоқ мумкинлигини айтган бўлсада, буни не йўллар ва не сабаб туфайли амалга ошажагини келтирмаган эди. Ушбу XXIII боб сарлавҳасида ҳам Искандарнинг гўй ва чавгонни қандай талқин этганини, нега кунжутни қушларга егизганини шарҳ этмайди. Демак, сарлавҳанинг вазифаси ушбу бобдаги баён этилган воқеаларни атамоқ, аммо уларнинг шарҳини бермоқ эмас. Бу ҳол бадииятга мансуб. Чунки ўшанда ўқувчининг ушбу боб мазмуни тўғрисида тасаввuri туғилади. Айни замонда воқеалар моҳияти билан танишмакка интилиш унинг асарга бўлган қизиқишини ортиради.

XXIV боб фалсафий-дидактик чекинишга мансуб. Унда шонр икки шоҳ ўртасидаги қарама-қаршиликни

қоралайди. Бу масала ўша бобнинг сарлавҳасида очиқ-ойдин айтилган. Бу сарлавҳадаги ички сарлавҳада «Мухолифат мазамматида...» дейилади. Яъни «қарама-қаршиликни ёмонлаш». Унда шоир **مخالفت** мухолифат — қарама-қаршилик сўзининг таркиби тўғрисида сўзлайди: «... «мух» ҳасад била улфатдуур ва «мухл» андиша била «офат» кўрунурки, аксин тутса, **مصادقت** **سعادت** «мусодақат» юз берур ва таркин тутса, саодат сарманзилига еткуурур» (676). Маъноси: «Мухолифат» сўзининг биринчи бўлаги «мух» — мия ҳасад билан улфат (мухолифат сўзининг иккинчи бўлаги) бўлган. Яна «мухл» (халал етказув) «офат» билан қўшилган. Демак, қарама-қаршилик (мухолифат) ҳасад ва офат билан боғлиқ. Ўнинг тескариси эса «мусодақат» (самимийлик, содиқлик) бўлади. Шунга риоя қилган киши саодат жойлашган етади.

Демак, қарама-қаршилик, ҳасад офат келтиради, самимият, содиқлик баҳту саодатга еткуради. Сарлавҳанинг давоми бундай: «.. ва сойир эл мухолафати бобидаким, мужиби хонумон хароблигидур ва салотиға воқиъ бўлса, жаҳон хароблигидир» (676). Маъноси: ва бошқа эл ичидаги қарама-қаршилик тўғрисидаки, у турмушни хароб қиласди. Агар бу қарама-қаршилик султонлар ўртасида юз берса, жаҳонни хароб қиласди.

Навоий мухолифатни ана шундай қаттиқ қоралаган. Унинг инсонлар ва султонлар ўртасида пайдо бўлиши фақат хароблик келтиришини зўр қуч билан таъкидлайди. Ана шу гапдан кейин келадиган ҳикоя шу фикрнинг исботи учун хизмат қиласди. Ҳикоянинг мазмуни унинг сарлавҳасидан билиниб турибди: «Икки жаҳонгир мухолифатидин жаҳон аҳли хирманиға бало барқи етгани ва икки ёр мувофақатидин ул туташқан ўтқа раҳмат ёмғури ёғиб, шуъласин паст эткони» (678). Маъноси: икки подшоҳ ўртасидаги қарама-қаршилик туфайли жаҳон аҳлиниң хирмонига бало чақмоғи тушиб, бу хирмон ёниб кетди. Икки дўстнинг бир-бiri билан тил топишгани туфайли бу туташган ўт устига раҳмат ёмғири ёғилди ва алансасини пасайтирди. Демак, жаҳон хароблигига икки шоҳ ўртасидаги душманлик сабаб бўлди. Бу харобликни тўхтатмоққа эса икки дўст ўртасидаги садоқат ва фидойилик асос бўлди. Табиийки, Навоий шоҳлар ўртасидаги зиддиятни рад қилмоқда. Унга икки дўст садоқатини қарши қўйиб, ана шундай садоқат ва дўстликни улуғламоқда.

Бундан кейин келадиган ҳикматда (XXXI боб) Ис-

кандал Арастудан мухолифат ҳақида савол сүраб олимдан оқилюна жавоб олади. Бу ҳикматнинг маъноси мухолифатнинг қачон мумкин, қачон номумкин эканлиги тўғрисидадир. Сарлавҳа ана шу маънони ифодалайди. Ички сарлавҳа бундай: «Искандарнинг Арастудин саволи...» (679). Шундан сўнг бу саволнинг моҳияти билдирилади. Искандар сўрайдики, қарама-қаршилик барча миллатлар ўртасида таъқиқ этилган. Душманлик ҳамиша тўғри эмас. Бас, шундай экан, қарама-қаршилик лозим топилган пайт ҳам бўлиши мумкинми? Ёки шундай қилмаслик керак бўлган пайт ҳам бўладими? «...ул бобдаким, мухолифатки, барча милалда мамнуъ дурур ва низоъки, барча маҳалда номасмуъ, андоқ модда топилғаймуқим, анда диллазир бўлғай ва қилмоғи ногузир...» (679). Арасту Искандарга жавоб бериб дейдики, ўша қоронгулиқда ёруғлик кўргузмак ва қарама-қаршиликни тўғрилилка айлантиրмак йўлини кўрсатсан: «...Арасту ул тийраликда ёруғлуқ кўргузмак ва ул мухолиф оҳангни ростда тузмак» (679).

Бу сарлавҳа ушбу ҳикматнинг моҳиятини очиқ кўрсатиб туради. XXVII бобнинг сарлавҳаси анча катта. Чунки бу боб билан достоннинг янги бўлаги бошланади. Унда Искандар фаолиятига оид воқеалар ҳикоя қилинади. Ушбу сарлавҳада ўша воқеаларнинг мазмуни баён этилган. Доро Искандарнинг сўзларини эшитгац, қўшин йиғиб, Искандар устига юриш қилмоққа ҳозирлик қиласди: «Доронинг Искандар сўзидин ошуфта бўлиб, сипоҳ йиғмоқтин оламга ошуб солуб, олам-олам черик йиғиб, Искандар размиға азм қилғони..» (680).

Сарлавҳанинг бу бўлагида Доронинг кайфияти «ошуфта» сўзи орқали берилган. Бу паришон, хавотирли маъносидадир. Демак, Доро Искандардан хавотирланиб қелди. Унинг қўшин йиғмоқ учун қилган ҳаракати «олам» сўзи орқали берилган. Қўшин йиғмоқ мақсадида Доро оламга тўс-тўполон солди («ошуб»). Унинг йиққан қўшини ҳам «олам-олам» эди. Яъни дунёни босиб кетди. Шундан сўнг Доро Искандар билан урушмоққа йўл олди. Бу фикр «размга азм» қоғиядош ифодаси орқали берилган. Сарлавҳанинг кейинги жумласида Доронинг бу ҳаракатига Искандарнинг қандай жавобий тадбир кўргани тўғрисида сўз боради: «... ва Искандар ҳам ул дарёйи офат муқобаласида сели бало ва қўхи маҳофат муқоталасига барки разм ва вағо, ясаб юзлашгани...» (680). Маъноси: Искандар ҳам у офат дарёсига қарши, у бало сели ва хавфу хатар тоғини йўқ қилмоқ учун жанг чақинлари ва уруш қуролларини соз-

лаб қарши чиққани. Демак, Искандар ҳам Доро сингари курашга отланди. Икки шоҳ оламни остин-устун құлмоққа шай турибидилар. Навоий бу шоҳларнинг қи-лаётган ишларини истеңзоли ифодалар орқали баён қи-лади. Агар Доро «размға азм» қилган бўлса, Искандар ҳам «барқи азм» ва ваго (уруш) ясади. Навоий Доро-нинг кўрган тайёргарлигини «дарёйи офат», «сели бало», «кўҳи маҳофат» деб атайди. Искандар ана шу хавфу хатарли ишларга қарши бош кўтарди. Кейинги воқеа-лар эса тамомила бошқа йўлдан кетди. Навоий, одат-дагидек, бу воқеалар тафсилотини сарлавҳада бермаган. Аммо уларнинг оқибатини бадиий образларга бой жум-лаларда ифода этган. Доронинг давлат байроғи пастга тушади. Искандар байроғидаги ой эса қуёшдан юқори-га кўтарилади. Бу воқеа ҳар икки шоҳнинг оламни ос-тин-устун құлмоқ нияти туфайли юз беради: «... ва оғ-оқни ул икки шоҳ зеру забар қилурда Доронинг ливоий давлати ўзга сарсар оғатидин сарнигун бўлуб, Искан-дарнинг маҳчак алами қуёш ливосидин ўткони» (680). М а ъ н о с и : Уфқларни ул икки шоҳ остин-устун құл-моқчи бўлиб турганида Доронинг давлат байроғи бош-қа тўполон оғатидан боши эгилди. Искандар байроғи-даги кичик ой эса қуёш байроғидан юқорироққа кўта-рилди.

«Садди Искандарий» достонининг XXVIII боби дос-тоннинг иккинчи қатлами фалсафий-дидактик чекиниш-ларга онд. Бу ерда шоир шоҳлик расм-руссумлари тўғ-рисида сўзлайди. Бу бобнинг ички сарлавҳаси ҳам шун-дай: «Зобитаи русуми шоҳийдаким...» (694), яъни шоҳ-лик идорасининг тартиб-қоидалари тўғрисида. Шундан сўнг Навоий ушбу боб сарлавҳасида шу идорада иш тутиш қоидалари тўғрисида сўзлайди: «..корхонаи ило-ҳийдин намудордир, амингдекки, ул боргоҳда хоҳ ма-лойик хайли, хоҳ русул маъшари, хоҳ авлиё гуруҳи, хоҳ сойири нос жамоати алоқадри маротибиҳим ҳар бирп ўз ерида мураттабдур ...» (694). М а ъ н о с и : Илоҳий корхонадан кўриниб турибидики, у жойда хоҳ малаклар жамоаси бўлсин, хоҳ пайғамбарлар ғифини, хоҳ авлиё-лар гуруҳи, хоҳ бошқалар жамоати, ҳаммаси ўз қадри даражасида, ҳар бири ўз срида тартиб билан жойлаш-ган. Навоий таъкидлайдики, агарда ана шу йўсинда иш тутилса, ҳамма нарса ўз ўрнида бўлади: «... бу коргоҳда ҳамул дастур била бўлса яхшироқ сурат, балки зару-ратдир» (694).

XL бобнинг ички сарлавҳаси бундай: «Сибо субҳи-

нинг сабоҳати таърифидаким...»² (730). Ана шу тасвири нинг шарҳи ушбу боб сарлавҳасининг мазмунини ташкил этади: «... нафас-нафас андин, ёруғлик юзланур ва шабоб гулзорининг назоҳати васфидаким...» (730). Бу тонг елининг ҳар эсувида оламга ёруғлик юзланади. Яна шоир ёшлиқ гулзорининг чиройини мақтайди: «..лаҳза-лаҳза андин очуғлуқ даст берур» (730). Ҳар лаҳзадан бу гўзаллик кўпроқ очила боради. Ана шундай ёшликнинг гўзал кунларида шоир сажда билан қўёш сингари юзни ёрутмоққа, бинафша сингари тоатга қад эгмакка чақиради: «... ва ул айёмда қўёшдек саждадин юзни ёрутмоқ тарғиби ва бу фаслда бинафшадек тоатқа қад нигун қўлмоқ таҳриси (интилтироқ)».

XLI боб шу фикрни исботловчи ҳикоядан ибораг. Унинг сарлавҳаси бундай: «Ул ғофил йигит ҳикоятиком, воқиф пир насиҳати қадрин билмади, иш вақтидин ўтгандан сўнгра пушаймонлиги суд (фойда) қилмади» (732).

Эндиғи XLII бобда шу айтилганларидан қилинган хулоса-ҳикмат баён этилган. Қичик сарлавҳа «Искандарнинг Арастудин саволи...». Шундан кейин бу ҳикматнинг мазмуни келади. Нега йигитлик йилларида табъ ибодатдан тортинади. Қарилик вақтида эса димоғ тушиумоқдин қусурлидир. Шоир Искандар саволига жавобни суҳбатдошларининг образли тасвири орқали берган. Ҳаким Арасту пирларга хос чуқур фикрлилик билан ёш ва баҳтиёр шоҳга жавоб беради: «.. ул бобдаким, йигитликда табъ невчун ибодатдин мутанаффир (четланувчи) дурур ва қариликда димоғ тааққул (ақл юргузмак) дин қосир (қусурли) ва ҳакимнинг пирона ройи била шоҳи жувонбаҳтқа йўл кўргузгони» (733).

Эндиғи бўлак яна Искандар воқеаларнинг ҳикоясидан иборат: «Искандарнинг кўнгул зулфи жодудин холи ҳиндуға майл этгандек, Кашмирдин Ҳиндистонға азиматқилғони ва ройи ҳинд жамоати аҳли яқин ва гуруҳи

² Навоий «Ҳамса»сининг 1960 йил Тошкент УзРФА наприётида босилгаш пусхасида сарлавҳанинг биринчи сўзи «Сабо» деб ёзилган. «Сабо» эртанги шаббода маъносида. Унда кейинги «субҳ» сўзи ўз маъносини йўқотади. Чунки «эртанги шаббода тонгининг гўзаллиги» маъноси мантиқий мазмунга эга эмас.

1944 йили М. Ҳамидова «Садди Искандарий»нинг илмий танқидий матнини тузгандা шу сўзни «сибо» деб ўқиди («сибо» — ёшлиқ). Ушанда бу жумланинг мазмуни «ёшлиқ» тонгининг гўзаллиги» бўлади. Мантиқан жумла мазмуни тўғри бўлади. Ушбу бобда умумай «Туфулият» айёмидан то шабоб» («Болаликдан йигитликкача бўлган давр») тўгрисида сўз боради. Шунинг учун ҳам иккинчи таҳрир тўғри бўлади — А.Қ.

Хикматойинни шафө қилиб, алар подшоҳдин қули ёзғи тилагандек дархост қилиб, қабул тушгани» (735) Мәнноси: Искандарнинг кўнгил зулфи жоду туфайли ҳиндуда ҳолиға тушди. У Қашмирдан Ҳиндистон томон жўнади. Ҳинд ройи (ҳукмрони) ишончли одамлари ва ҳикмат аҳлига восита боғлади (маслаҳат солди). Улар худди подшоҳдан унинг қули ва ўз гуноҳини сўраган сингари илтимос қилдилар. Бу шоҳга маъқул келди. Яъни шоҳнинг айтган фикрини маслаҳат аҳли ҳам маъқуллади. Шундан кейин бу қарорнинг (маслаҳатнинг) моҳияти сарлавҳада очилади: «...ва рой Искандари соҳибройни Ҳинд сори бошлаб бешав Нигорда қишлоқ кўргузгани...» (735). Мәнноси: Рой эгаси Искандарни Ҳинд сари бошлади, унга Нигор ўрмонида қишлоқ учун жой кўрсатди. Бу ерда рой ва Искандарнинг Соҳиброй Искандар ифодаларида ажойиб сўз ўйини бор. Рой Искандар билан уруш қилмасликка қарор қилгач эди. У Искандарни Ҳиндистонга ўзи бошлаб кирди. У билан иттифоқ тузди. Соҳиброй Искандар бир томондан фикр эгаси, ақлли Искандар маъносини англатади. Яна соҳиб рой ройнинг эгаси, хўжайини маъносида ҳам ишлатилмоқда.

Шундан сўнг шоир ушбу XLII бобда Нигор ўрмонининг таърифи берилажагини сарлавҳада хабар қилади: «.. ва ул бешанинг тўрт ҳадди васфидаким, баён ўзига ҳадди таъриф билмас, балки рубъи маскунда андоқ ер топилмас» (735). Мәнноси: У ўрмоннинг тўрт тарафини мақтов ўраган. Агар у мақтов давом этса, охири бўлмайди. Одамлар яшайдиган ер тўртдан бирда бундай жой топилмайди.

Искандар билан Ҳинд рой ўртасидаги келишув икки ўртада бўлиши мумкин бўлган қонли урушларнинг олдини олиб қолди. Демак, гуноҳларни кечирмоқ, ўзаро тил топишиб, келишиб иш тутмоқ, катта фазилатдир. Эндиғи XLIV бобнинг мазмуни ана шу фикрни билдиради. Шоир ёзадики, кечирим буюк фазилатдир. Мард кишиларнинг кўнгли дарёга ўхшаш. Улар гуноҳкорларнинг гуноҳ ҳасу хашакларини баҳт шамоли орқали кўнгил денгизидан йўқлик қирғоқларига суриб ташлайди. Бундай саховатпеша одамларнинг юзида дарё тўлқиннинг ўхшаган чимирилишлар пайдо бўлмайди. Демак, гуноҳни кечирмоқ дарёдил кишиларга хос. Юз берган гуноҳни кечирмоқ кишининг чеҳрасини тоза ва силлиқ қилади, уни ажин ва чимирилиш (чин)лардан сақлайди: «Афв фазилатидаким, дарёдил жувонмардлар мужримлар гуноҳи ҳасу хошокин баҳшиш насими била кўн-

гүл баҳридин адам савоҳилига сурарлар ва юзлариға дарё мавжидек чин тушмас..» (743). Афв фазилатига эришган зотлар ҳайрат қоронгулиғида тентирағ юрган овораи зорларни карам, лутф-марҳамат шамъининг ёруғи ёрдамида ўша ҳалокатга тұла водийдан олиб чиқиб кетадилар. Уларга ўша қоралиқлардан бир зарра ҳам юқмайди: «... ва ҳайрат зулумотидаги овораларни карам шамъи раҳнамойлиғи била ул водийи ҳалокдин чиқарурлар ва ул тиyrалиқдан аларға ҳеч гард ёпушмас» (743). Ана шундай ҳикматли фикрлар изҳоридан кейин савд.гар ва унинг ўғли ўртасида юз берган сабоқли бир ҳикоя келтирилган. Бу ҳикоянинг сарлавҳасида шоир ўша савдогарнинг ахволи ҳақида айтади. У савдо ишида катта зарап күрди. Яна ўғлидан ажралди. Бу айрилиқ унинг жигарини қон қилди. Сарлавҳа ичида кичик сарлавҳа бор: «У тожир (савдогар) ҳикоятиким...» (745). Шундан кейин сарлавҳада ҳикоя мазмуни қисқача баён этилган: «...суду савдосидин улуқ зиён бошиға келди ва жигаргүшаси фироқидин (ўғлидан айрилганидан) жигар парчалари юзин мунаққаш (нақшланган) қилди...». Ана шу тасвиридан кейин шоир ўша савдогарнинг озгина қолган пулини бериб, ўлимга ҳукм қилинган йигитни (ўлумлук) қутқарганини ёзади. Маълум бўладики, бу йигит ўзининг ўғли экан: «...ва белидаги нақдин ўлумлукни халос қилур учун берди ва қутулгон ўлумлук аниңг жигаргүшаси, балки нақди эрди» (745).

Энтиги ҳикоят (XLVI) Искандарнинг ҳар ишга бир жазо бўлади, у ишнинг оқибати қандай бўлади, деган саволига Арустунинг жавобидан иборат. Бу жавоб ўша ҳикмат ичида очиқ айтилган.

Ки ҳар ким аён этса яхши қилиғ,
Етар яхшилиқдин анга яхшилиғ.
Ва гар кимсадин зоҳир ўлса ёмон,
Қўрар ҳар неки, зоҳир этти ҳамон (747).

XLVIII бобда Хоқоннинг Искандар билан учрашгани тўғрисида сўз боради. Навоий бу ерда астрономияга оид мисолни ишлатган. Маълумки, Ой нури аслида Қуёш нурининг аксиидир. Шунинг учун шоир Қамари сайёҳ сариус сайри (тез юрувчи ой)нинг Қуёшга яқинлашуви тўғрисида сўзлайди. Худди шунинг сингари Хоқон Искандар билан яқинлашди. Бу яқинлашув учрашув даражасига етганида ой сингари нур ва сафога тўлди (яъни, Искандар Қуёш бўлса, Хоқон Ой сингари у билан юзма-юз учрашди ва Ой Қуёш тўлгани янглиғ тўлди):

«Қамар сайёхи сайри қуёш била қирон қылғанидек Ҳоқон Искандарға рисолат учун муқорин бўлгани ва ул муқоринадин муқобалаға боргоч, қамардек нур ва сафодин тўлғони» (759). Бу бўлақда Искандар билан боғлиқ воқеалар тасвири икки бобда берилган (XLVII XLVIII). Бунинг сабаби воқеаларнинг катта қўламидир. Шунинг учун шоир Искандарнинг Чинга юриши ва Чин Хоқоннинг унга қарши қўшин йиғишини бир бобда (XLVII), Хоқон ва Искандарнинг учрашувини эса бошиқа бобда баён қилған. Яна Хоқон мамлакатнинг буюклиги, Хоқоннинг оқилона йўл топиб, уруш ва мағлубиятдан қутулиб қолғанини ҳам алоҳида ҳикоя қилмоқ учун арзидиган ҳол эди. Ана шу боблар мазмуни сарлавҳаларда акс этган. Яна бутун асарда биринчи бор Навоий Ой ва Қуёш учрашувини мисол қилиб келтириб, икки самовий жисмнинг иттифоқи қанчалар нурли бўлмоғига диққатни фалб қиласди. Нифоқ эмас, иттифоқ йўлидан борган Хоқоннинг «қамардек нур ва сафога тўлгани» бунинг ёрқин мисолидир. Ана шундан кейин фалсафий-дидактик чекиниш «Тузлук таърифида...»дир (761).

Қирқ етти сўздан иборат бу сарлавҳа анча мураккаб бадиий тасвир воситаларига эга. Кичик сарлавҳадаги «тузлук» («тўғрилик») сўзи кейинги жумлаларда эга сифатида ишлайди. Тўғрилик барча озода табъ, сарвдек гўзал зотлар учун энг мақбул сифатидир. «Тузлук таърифидаким, даҳр бўстонининг сарвсиғат озодавашларирининг писандидароқ шевасидур...» (761). Шундан кейин шоир «сидқ қавл» (чин, сидқ билан айтилувчи сўз) ни таърифлайди. Бундай сўз осмон қоронғу кечасида тоза нафаси билан тонгни келтирувчи зотларнинг энг юксак, энг танловчи феъл-авторидир. У савоблар келтирувчи феъл-хўй кўринишидир. У Қуёш каби оз ҳаракат билан бутун ер юзасини ёритади. Бу ерда «сидқ, қавл» фақат сўз эмас, балки ростлик, тўғрилик; чин сўз маъносидадир. Шундай таърифлардан шоир «каломи салоҳафзой» («тўғри сўзнинг фойдалари») тўғрисида сўзлайди. Бундай сўз оз нуқта билан олам аҳлига кўп натижа етказади: «... ва сидқ қавл васфидаким, сипеҳр шабистонининг субҳосо тоза дамларининг баргузидароқ шимаси ва ройи савобнамой асариким, меҳри оламородек жузвий ҳаракат била куллий ерни ёритур ва каломи салоҳафзой фавоидиким, оз нуқта била олам аҳлига кўп натижа еткуур» (761).

LVI боб Искандар фаолиятига оид. Унда Искандарнинг олимлар билан бирга фалак ва олам сиридан хабар берувчи оина яратгани, яна Равшанак ва Мехрноз

билин муомаласи тұғрисида сүз боради: «Йекандарнинг ҳукамо иттифоқи била фалак рози пинҳонийси ва олам сирри ниҳснийисини зохир ва пайдо ва равшан ва ҳувайдо қилурға сутурлоби хуршидтоб ва ми्रъоти меҳрсифот тасниф қилғони ва бу икки тұхфаи меҳр мисолдин хотир жамъ этиб...» (775). Мәннөсі: Искандар (хукамо) олимлар билан иттифоқ тузган ҳолда, осмоннинг ёпиқ сирлари ва оламнинг яширин белгиларини очиқ ва кўзга ташланувчи этадиган, равшан ва аниқ қилувчи қуёш янглиғ сутурлоб (асбоб) ва офтоб сифатли оина яратди. Бу икки қуёш каби тұхфалардан унинг кўнгли хотиржам бўлди. Бу тасвиirlардан кўриниб турибдики, бу ҳар иккала кашфиёт сутурлоб ва оина бир хил сифатларга эга. Ҳар иккаласи ҳам қуёш янглиғ, ҳар иккаласи ҳам яширин сирларни шкор этувчи, бири осмонга, бири оламга боғлиқ. Сарлавҳада шу маъно давом этади. Унда Искандар никоҳидаги икки жуфти ҳалоли Доронинг қизи Равшанак ва Қашмир маликаси Меҳрноз тұғрисида сүз боради. Бу иккала гўзал ўзининг ҳусну жамоли ва фазлу камоли жиҳатидан ўша сенмон ва олам сирларини кўрсатувчи «хуршидтоб ва меҳр сифот» оиналарга монанд эдилар: «...ва яна икки маҳвashi меҳржамол мисолиға рағбат қилғони ва ул бобда сур яроқин ва суур тумтароқин мұхайё қилиб...» (775). Мәннөсі: Искандар қуёш жамолли икки гўзалга етишув учун рағбат қилди. Бу соҳада базм яроғини келтириб, хурсандлик тантанасига ҳозирлик кўрди. У баланд осмон каби ўз айвонини Равшанак нуридан чароғон қилди ва Меҳрнознинг шуъласидан ёрутти: «...спеҳри бариндек айвонини Равшанак нуридан мунир тутқони ва Меҳрноз партавиди ёрутқони» (775).

LXI боб фалсафий-дидактика چекинишга мансуб. Унинг мазмуни ҳам чуқур фалсафий руҳда. Шунинг учун унинг сарлавҳаси анча мураккаб маъноларни ўзида яширган: «Басират кўзларин айнул-яқин куҳли ёрутқонлар бобидаким...» (788). Мәннөсі: Равшан кўзларини ҳақиқатни билиш сурмаси ёрутқонлар тұғрисидаким, бу зотлар қаерга қарасалар яратувчининг куч-құдрати, гўзллигини кўриб, унга шоҳидлик этадилар: «Қаён боқсалар сфериниш гароғбин мушоҳада қилурлар» (788). Бу зотлар Яратувчининг ижод этиш соҳасидаги мукаммал ишбилармөнлиги, бандаларига марҳамат қилмоқча қаратилған ихтиро санъатига оғарин айтадилар: «...ва мубдиғи корсоз ва мұхтарии банданавоз сунъиға оғарин айтурлар...» (788).

Одамнинг тупроқдан яратилгани «Яратдим одамни

ұз құлым билан тұрт әртонғи тонгда» құл иши күзға ташланди, «ва лақад каррамно бани одама» — «Албатта одам боласига күпроқ қарам этдим» сүзи билан халофат тахтини әгаллади: «... ва одами хокий хилқати сүзиким, «Хамарту тината одама бияди арбаина сабо-хан» дастбурды билан суратпазир бўлди, «Ва лақад каррамно бани одама» парвариши била тахти хилофатигир» (788).

Ушбу сарлавҳада «Хамса»нинг ушбу LXI бобида, яъни «Басират кўзларин айнул яқин куҳли (сурмаси) ёрутқонлар»га бағишлиган бобда Навоий нақшбандийлик таълимотининг моҳияти—инсонни улуғлаш, инсондаги мукаммаллик Яратувчининг мукаммаллиги дара-жасида эканлигини кўрсатиш йўлидан борган:

Фараз нақшидин бўлмаса нақшбанд
Киши нақшдин бўлмағай баҳраманд (788).

Ҳамма нарса кишининг ўзида бор. Киши ўзидағи ғароиботни кўра, била ва идрок эта олса, ўшанда Яратувчи «ки бир қатрада қилди дарё ниҳон» деб, унинг қудратига тан берган бўлади. Киши жаҳонгирликка интилмаслиги керак. Унинг ҳамма истаган нарсаси унинг ўзида бор. Яратувчи инсонни шундай қилиб яратган:

Ғароибқа ҳар кимки хоқон эрур
Ҳама ўзда мақсади пинҳон эрур.
Не маъники истар ўзинда топар,
Жаҳонда кезарнинг не маъноси бор (789).

LXVII бобдаги ҳикматнинг маъноси шундайки, киши нинг ақлу ҳуши жамиятдан узилмоқни тилайди, табъ эса етишувга интилади, шундай экан нега айрилиқни одам рад қиласиди, вaelни севади: «Искандарнинг Арас-тудин саволи ул бобдаким, ёлғузлуқ мужиби жамъият-дурур ва жамоат мужиби тафриқа, бас недин ҳажр мар-дуддурур васл маҳбуб» (798). Сарлавҳадаги ана шу савол яхши баён этилган. Жавоб эса достоннинг ўзиладир.

Искандар Мағриб диёрини фатҳ этиб бўлгач, Рум сари отланди. Лекин Қирвон ўлкасининг халқи ундан яъжужлар зулмидан қутқармоқни сўрадилар. Шундан Искандар катта сад (девор) қурди ва халқни яъжужлар балосидан қутқазди. Бу LXVIII бобда Навоий ўша сад (девор)нинг қурилиши тафсилотини берган. Бу тафсилот сарлавҳада ҳам ўз ўрнини топган.

Навоий ўз достонини «Садди Искандарий» деб ата-

ган. Шу билан ушбу девор өламни ёвузлар ҳуружидаң сақламоғини күзда тутган. Шунинг учун ушбу LXVII бобда ҳам, унинг сарлавҳасида ҳам «Садди Искандарий» га катта диққат қилингани ва тафсилот берилгани табиидир.

LXIX боб «Елдек сайр аро сабукборлиғ нағыйн қилмоқ...» (805) жумласи билан бошланади («Шамол сингари сайр пайтида бепарволикнинг фойдасини сўзла-моқ»). «...ва тогдек сукун аро бовиқорлиқ амрин буюрмоқ» («Тоғ каби улуғсифатлиқ кераклигини таъкидла-моқ») жумлалари билан бошланади. Одамлар ўз яқинлари, ёру дўстлари билан учрашувга интиладилар, шу суҳбатни ғанимат билмоқ зарур. Севикли ёрлар билан учрашиб, гаплашиб бирга бўлмоқ бир қимматбаҳо гавҳар каби азиздирки, буни ҳам ғанимат тутмоқ лозим: «...ва асҳоб суҳбатинким, бир-бир ишлари борурға шитобдур, ғанимат билмак ва аҳбоб мулоқотинким, ҳар бир гавҳари ноёбдурур, муфтанам тутмоқ...» (805).

Навсий бу бобда қишиларга умрни хуш ўткармақ зарурлиги тўғрисида маслаҳатлар беради. Худди шундай маслаҳатлар «Ҳайрат ул-аббор»да ҳам бор. Демак шоир кўнглига яқин бўлган, инсон ҳайтини сермазмун ва гўзал этувчи ўғитларини такорор айтадики, унга амал қилганлар фақат фойда топажақлар. Шоир ҳаёт абадий эмаслигини эслатади, у йўқлик гарибистонини ёдга солиб, борлиқ сарманзилида хуш ва ёқимли ҳаёт кечирмоққа чақиради. Шоир бу чақириғини «васият» деб атаган: «...ва адам гарибистонидин шаммаи ёд этмак ва вужуд сарманзилин хушлуғ била ўткаурни васият қилмоқ» (805).

Шундан кейинги LXX боб булбул тўғрисида. У олдинги бобдаги ватанин қадрлаш («Ватан таркини бир нафас айлама») фикрини тасдиқлайди. Подшоҳ қасридаги олтин қафасдан қутулган капитар ўз бузуқ ошёнида фароғат топади. Бу хулоса шу бобнинг сарлавҳасида лўнда ва тушунарли тарзда баён этилган: «Ўл кабутар ҳикоятиким, подшоҳнинг қасри зарнигори ҳибсидин қутулди ва ўз бузуқ ошёнини нишиман қилди ва бумдек анга ул вайронадин фароғат ганжи топилди» (807) («Эрур қушқа хушроқ чу боқсанг аён// Мурассаъ қафасдин тикан ошён»). Ватан мавзуи бундан кейин келадиган ҳикматда ҳам давом этади (LXXI). Унда Искандар Арастуга бундай савол беради: Табиат учун Ватандан мақсад нима, ўрганиб қолган жойда роҳат топмоқнинг сабаби нимада. «Искандарнинг Арастудин саволи ул бобдаким, табиатқа ватанда ком ва маълӯф

Масканда ором жиҳати не бўлғай ва аниңг жавоби» (808). Бу сарлавҳада жавоб тўғрисидаги жумла ғоят содда ва бетакаллуф. Чунки масала жуда муҳим бўлишига қарамай, у осон ва аниқдир. Ҳеч нарса, ҳеч қачон ватаннинг ўрнини босолмайди («Табиатқа ҳар неки одаг бўлур,// Чу эскирди одат—табиат бўлур»).

LXXVI боб Искандар юришлари тўғрисида ҳикоя қиласи. Демак, бу янги бир бўлакнинг бошланишидир. Бу бобнинг сарлавҳасида Искандарнинг етти денгиз ва улардаги ўн икки минг оролни эгаллагани хабар қилинган. Шундан сўнг Искандар океан даврасини паргор (циркул) сингари айланниб чиқди. У океаннинг марказига йўл олди. «Искандарнинг етти дарё била ўн икки минг жазоир билодин фатҳ этгандин сўнграким, бир қатла муҳит даврасин паргорсифат эврулиб эрди, муҳит нуктагоҳига азимат қилғони» (816). Ана шундан кейин бу сайдарда ёғоч кемалар шамолдан ҳаракатга келиши ва сув даштининг сенмоний кўринини таҳқиқ этилади: «...ва ул сайдарда йиғоч марокибининг елдин ҳаракати ва сув даштининг самовий ҳайъати» (816). Қулоқдан у дашт аро кўп пистирма бордек туюлди, кўприклардан бу йўл узра кўп тошлар ёини излари бордек кўринади: «...ва қулоқдин ул дашт аро кўп агадол намудори ва ҳубобдин ул йўл аро кўп сангреза осори...» (816). Искандар океан марказига етди. Сўнгра чарх айлануви уни айлантириб-айлантириб, Искандария сари йўналтириди: «... ва Искандарнинг муҳит марказига етгани ва чарх дўлоби ани айландуруб, Искандария азми эткони» (816).

Шундай қилиб, LXXVI бобда Искандарнинг сафарлари ўз интиҳосига етгани боб сарлавҳасида кўрсатиб ўтилган, аммо сарлавҳада Искандарнинг ўлими айтилмаган. Ваҳоланки, бу бобда Искандарнинг касали ва ўлими содир бўлади («Искандар кўзидин тўқуб ашқайғу била,// Илик ювди жонидин ул сув била»). Шундан кейин LXXVII бобда шоир ўлим элчилари яхши ёмоннинг фарқига бормасликларида нолийди: «Жаҳон базми соқийлари ҳаёсизлиғидаким, умр соғарнига ажал заҳри қуярда ғофил била огоҳ аро тафовут кўрмаслар ва умр бори соъилари вафосизлиғидаким, ҳаёт шохини ажал тифи била қатъ этарда гадо била шоҳ аро фарқ бермаслар ва олами хокдин этак силтарға ишъор ва бу вартаи ҳалоқдин илик тортарға иршод» (825). Матъноси: Жаҳон базмида соқийлик қилувчилар шунчалик ҳаёсиздирларки, улар умр қадаҳига ажал заҳрини қуяр эканлар, ғофил билан огоҳ ўртасидаги фарқни кўрмайдилар. Умр борининг ходимлари ҳам вафосиздирлар,

улар ҳаёт шохини ажал тифи билан қирқар эканлар, гадо билан шохни фарқ қилмайдилар. Шуннинг учун шоир кишиларни дунё ишларига ҳирс қўймасликка; бу тупроқ оламидан этак силкимоққа чақиради. Бу ҳалок қилувчи тагсиз чуқурликтан қўл тортмоққа ундаиди.

LXXX боб Искандар ҳаёт йўлининг тугалланиши ва шу билан боғлиқ тафсилот изҳоридан иборат. Бу бобнинг сарлавҳаси Искандарнинг ўлими олдидан онасига ёзган мактуби тўғрисидаги хабар билан бошланади. Бу мактубда Искандар онасига азо тутмоқни таъкилайди: «Искандарнинг нолдек марг печно-печида онасиға азо манъи учун нома ёзмоғи ва андин сўнгра ҳаёти номасин қазо навардида қилмоғи...» (827). Ана шундан сўнг Искандарнинг одамлари унинг тобутини Искандарияга элтдилар: «... ва хайли анинг наъшин Искандарияга нақл қилмоғлари...» (827). Искандарнинг онаси ўғлиниң мактубини олгач, ўғлиниң наъши (марҳумнинг жасати солинган тобут)ни кутгали чиқди. Она ўғлини болалик чоғи ухлатмоқ учун бешикда ардоқлагандай, тобут бешигида унинг уйғонмас уйқусида ардоқлади: «...ва онасиға бу нома етиб, наъшиға ўтру чиққони ва ўғлин туғулиятида маҳд ичра уйқу учун навозиш қилғондек наъши маҳди ичра доғи уйғонмас уйқусида навозиш қилмоғи» (827). Ана шундан сўнг шоир онанинг ўз ўғлини ерга топширганини, унинг ерни чок этмоғини она кўксини чоклиғига нисбат берган: «...ва кўкси чокидек ер кўксин доғи чок этиб, ани туфроққа топшурғони» (827). Искандар вафотидан кейин етти улуғ ҳаким Искандарнинг снасиға азо еткургали келадилар. LXXXI боб сарлавҳасида шу тўғрида хабар берилади. Искандарнинг онасиға айтилган юпанч сўзлари шу қадар ибератли ва ишонарлики, улар ҳар бир ўқувчи кўнглидан жой олади: «Етти ҳакимнинг Искандар онасиға азо еткургали келмаклари ва ҳар бирининг дуо ва сано гулруҳлариға ўзга иборат деболари либоси кийтуруб, жилва бергони...» (832) Шоир бу дуо ва азаларнинг мазмундор ва гўзал экани туфайли уларни гулруҳ деб атайди, уларнинг либосини дебо — юқори сифатли ипак матога ўхшатади.

Ана шундай гўзал кийимдаги дуо ва аза гулруҳлари шу юпанч ва таскин сўзларини англатади. Искандарнинг снаси бу таскин сўзларни миннатдорлик билан қабул қилади. Бу боб (LXXXI) сарлавҳасида ўша образлар давом этади. Онанинг олимларга жавоби: «... таҳсин ва оғарин маҳвашларига ўзга алфоз (сўзлар) гавҳарлари зеварин тоққони ва ул доғи етти фалак қошида даҳр

золидек ўзин паст тутуб, аларға маъзират ошкор қилғони» (832).

«Садди Искандарий» достонининг кейинги боблари (LXXXIV—LXXXIX) асосан Навоий яшаган, фаолият кўрсатган давр, муҳит, доирата оид фикр ва истаклар изҳоридан иборат. Шундан келиб чиқиб, бу бобларга ҳам шу мазмунга bogliq сарлавҳалар берилган.

Уч боб — LXXXV, LXXXVI, LXXXVII боблар асосан панд-ўгитлардан иборат. Уларнинг сарлавҳалари ҳам ана шу мазмунни ифодалайди. LXXXV бобда ҳакимларнинг хирадномалари келтирилган. Унинг сарлавҳасида шу мазмун акс этади: «Юқори мастур бўлғон ва илгари мазкур бўлғон дастур била мадҳдин дуоға ружуъ қилмоқ ва ҳукамо хирадномалариға шуруъ қилмоқ» (838). Маъноси: Юқорида айтилган йўл-йўриқлар билан энди мақтovлардан дуога киришмоқ ва ҳакимларнинг панду ўгитларини бошламоқ. Демак, шоир бу бобни тўласича маслаҳат ва насиҳатлардан тузган. Ундан кейинги LXXXVI ва LXXXVII бобларда шоир насиҳат айтув шароити ва одоби тўғрисида сўзлайди. Бир бесармоя гадобаланд мартабали шохга насиҳат қилди ва шоҳ ишининг ривожини тилади: «Гадойи камсармояи баландпоя ҳикоятиким, шоҳи баландпояи камсармояға насиҳатда сўз юзин ирик (ирик) қилди ва бу сухан ишига андом бермоқ тилади» (842). Бу сарлавҳадаги икки сбраз Навоий ва Султон Ҳусайн Бойқародир. «Гадойи камсармояи баландпоя» — бу шоирнинг ўзи, «Шоҳи баландпояи камсармоя» эса Султон Ҳусайн Бойқародир. Бу ердаги ҳар иккала образ ҳам баланд пояли, ҳам кам сармоялидир. «Сабъаи сайёр» достонининг хотима қисмида Баҳром шоир билан суҳбатида Ҳусайн Бойқаронинг хазинаси тўғрисида бундай деган эди:

Манга бўлса хизона гар нобуд,
Анга йўқтур хизона худ мавжуд (610).

Маъноси: Агар менинг хазинам нест-нобуд бўлган бўлса, унда (Султон Ҳусайн Бойқарода) хазинанинг ўзи йўқдир.

Шундан келиб чиқиб, «Садди Искандарий»нинг LXXXVI бобида Навоий «шоҳи баландпояи камсармоя» га панд-ўгитлар қилмоқда. Бу боб ҳикоя ўрнига ўтади.

Шундан кейинги ҳикматда эса насиҳат одоби тўғрисида сўз боради. Унда ҳам савол-жавоб йўқ. Шоир бу ерда ўз мулоҳазаларини баён қилади: «Ул бобдаким, машваратда дегувчига мулоҳаза қилмай дейилганни кўн-

гүлга жилва бермак керак ва сочилгон жавоҳирдин муносибин термак керак» (342). Маъноси: Маслаҳат чогида маслаҳат берувчининг кимлигини ҳисобга олмоқ шарт эмас. Айтилган фикрдан кўнгулни баҳраманд этмоқ лозим. Сочилган маслаҳат гавҳарларидан муносибни териб олмоқ лозим. Демак, берилган маслаҳатли фикрлардан номақбулини рад қилиш ҳам мумкин. Бу ҳикмат бевосита Навоийнинг ўз сўзларидан иборат.

«Хамса»нинг охирги, якунловчи боби (LXXXIX) катта сарлавҳага эга. У эллик олти сўздан иборат. Бу сарлавҳада шоир ушбу «Хамса» асарининг яратилиши тӯғрисида сўзлайди. Унда «Хамса»ни ёзиб тугаллангани тилсимлар хазиналарини маҳкам ўрнатганликка иисбат берилади: «Бу маодин жавоҳирин эҳтимом била назм силкига тортмоқнинг тақрири ва бу маҳозин тилсимотини истеҳком била итмомга еткурмакнинг таҳрири» (844). Маъноси: Бу маъданлардаги жавҳару дурдоналарни ғайрат билан тегратиб, шеър ишига териб чиқмоқнинг баёни ва бу хазиналардаги тилсимларини (хазиналарни асровчи турли шакллар) қаттиқ ўрнатиб, охирига етказмакни ёзмоқ. Шундан сўнг Навоий ушбу бобда тасвирлаган улуғ шоирлар билан хаёлий учрашуви ва улардан Султон Ҳусайн Бойқаро ҳақига duo илтимос қилганини айтиб, «Хамса» нинг якунловчи бобини тугаллади: «...ва ҳам жавоҳир пири дарёзамир равshan кўнглига ер тутқонининг баёни...» (844). Маъноси: Жавҳару дурдоналарнинг пири, дарёдек кенг сероб, кўнгли равшан зот (устоз Абдураҳмон Жомий — А.Қ.) ҳузурига бориб, шоир ер ўпид устозига ўз китобини беради. Бу китоб ушбу сарлавҳада айтилишича, «...ва ҳам маҳозин шуаройи шеърий сарир муқаддаса арвоҳиға қабул тушганини тибёни...» (844). Маъноси: Бу хазиналар (Навоийнинг «Хамса» асари) шеър тахтида ўлтирган шоирларнинг руҳларига мақбул бўлганини бир-бир айтмоқ. Шундан кейин шоир ўша улуғ зотлардан ислом подшоҳи Султон Ҳусайн Бойқарони duo қилмөқни сўрайди. Шу боис улар султонни duo қиладилар. Шу билан Навоий ўз «Хамса» асарини якунлайди: «ва алардин бу заифнинг подшоҳи олам дуоси илтимоси ва бу ниёзманд илтимоси мужиби била аларнинг дуоси» (844).

Абдурашид АБДУФУРОВ
«ХАЗОЙИН УЛ-МАОНИЙ» ДАН ЧЕТДА
ҚОЛГАН ФАЗАЛЛАР

Алишер Навоий шеъриятнинг ўн олти кичик турла-рида она тилида яратган асарларининг асос кўпчилиги «Хазойин ул-маоний» номи остида тўрт йирик девонга жамланган. Унда улуғ шоирнинг 2.600 ғазали, 210 қитъа, 133 рубоий, 10 мухаммас ва бошқа шеърий турларда ёзилган жаъми 3132 шеъри (45 минг мисрага яқин) ўрин олган.

Проф. Ҳамид Сулаймоннинг кўп йиллик текширишлари бўйича айтиш мумкинки, Навоий «Хазойин ул-маоний» мажмуаси девонларини тузиш устида бир неча йил давомида тинимсиз ижодий меҳнат қилган ва 1498 йилда ҳозирда бизга етиб келган тугал тарзда якунлаган¹. Мажмуа девонларини улуғ шоир шу даражада пишиқ, ўзаро ички мустаҳкам боғлиқ ва қатъий мутаносибликда тузадики, уларга кейинчалик бирорта ғазал киритиш, девонларини дам-бадам, пешма-пеш тўлдириб бориш ёки бирор ғазални девонлар таркибидан тушириб қолдиришгина эмас, балки, ҳатто ички ўрин алмаштириш имкони ҳам қатъий тўсилган, чунки ҳар қандай дахл этиш мисқолгача ҳисобга олинган мутаносибликнинг бузилишига олиб келиши, муқаддас бутунлик ва яхлитликка путур етказиши табиий бўлган.

«Хазойин ул-маоний» мажмуасининг ички тузилиши жиҳатидан ниҳоятда пухта ишланганлигини шундан тасаввур этиш мумкинки, Алишер Навоий унҳаги тўрттала девоннинг ҳар бирига баббаробар 650 тадан ғазал жойлаштиргангина эмас, айни замонда, шу ғазалларнинг қофияланишига кўра ҳам ҳар бир девонда ўзаро тенг ва қатъий мутаносиб бўлишига жиддий аҳамият берган. Яъни, айтайлик, «алиф» ҳарфи билан тугалланувчи қофия-радифли ғазаллар тўрттала девонда ҳам ўттиз тўққизтадан, «бе» ҳарфи билан якунланувчи қофия-радифли ғазаллар йигирма еттидан ва ҳоказо тенг сонда учрайди. Еки яна бир далил. «Хазойин ул-маоний» мажмуасида ҳаммаси бўлиб «Анго» радифли 12 ғазал мавжуд. Бу ғазаллар тўрттала девонга учтадан баббаробар тақсим-

¹ «Хазойин ул-маоний» мажмуасининг уч бор тартиб берилishi ва айрим муаммолари ҳақида бизнинг «Хазойин ул-маоний» жумбоқлари!» номли туркум мақолаларимизга қаранг: «Ўзбек тили ва адабиёти» 4—5-сонлар, 1994; 1-сон, 1995; 6-сон, 1998; 5-сон, 2000.

ланган. Бугина эмас, улар ҳар бир девонда бир ўринда, яъни 8—9—10 ўринларда жойлаштирилган. Бундай тартиб қатъий сақланган, бирор девоннинг бирор ўрнида бўлсин бузилмаган. Қисқаси, Алишер Навоий бу девонларга кейинчалик бирор ўзгартериш киритмаган, янги шеърлар билан тўлдирмаган, умуман уларга қўшимча қилиш аввалданоқ назарда тутилмаган².

Бундан қандай хulosага келиш мумкин?

Биринчи ва қатъий хulosага шуки, Алишер Навоий «Хазойин ул-маоний» таркибидағи девонларнига, ўз иборалари билан айтганда, «етти-саккиз ёштин» то «олтмиш яқинигача» бўлган умри давомида она тилида яратган кичик шеърий асарларини жамлар экан, бу жараёнда жиддий ижодий-ташкилий иш олиб борган. Айтайлик, тўрттала девонга тенг тарқатиш учун «етишмаган» ғазалларни ёзиб тўлдирган ва эҳтимол, баъзи «ҳисобдан ортган» ғазалларни девонлардан четда қолдирган. Ҳад ҳолда, илк бор қўлига қалам олганидан то «Хазойин ул-маоний» мажмуасига сўнгги нуқта қўйгунча ўтган эллик йиллик ижодий фаолияти давомида Навоий тўрт девонга ҳар жиҳатдан баббаробар сонда жойлаштириши мўлжаллаб ғазаллар ёзган, деб ўйлаш кулгили ва мантиққа батамом зид бўлар эди.

Ана шу ҳолатдан яна шундай хulosага келиш мумкинки, «Хазойин ул-маоний» мажмуаси лириканинг кичик турларида она тилида улуғ шоир ёзган асарларнинг ҳаммасини ўзида жамлаган эмас: унинг девонлари таркибига қатор намуналар, турли сабабларга кўра, киритилмай қолган. Бу масаланинг бир томони.

Масаланинг иккинчи томони шундаки, Алишер Навоий «Хазойин ул-маоний» мажмуасининг сўнгги, бизнингча, учинчи редакциясини, айтилгани тек, 1498 йилда узил-кесил тутатган. Ҳўш, бу санадан кейинги йилларда ёзилган ғазал, мухаммас, қитъа, рубоий ва бошқа турлардаги асарлар қаерда? Ахир, «Хазойин ул-маоний» девонларига тартиб берилгач, улуғ шоир она тилида лирик асарлар, жумладан, ихчам ва жуда обрўли тур бўлган ғазаллар ёзмаган, дейишга ҳеч қандай асос йўқу!

Чиндан ҳам, Навоий ҳар доим, беистисно, катта илҳом ва жиҳдий суръат билан баракали қалам тебратган. Йигит йилларидаёқ «кунда юз байт айтиш мен учун ҳалло во ейишдек осон ва ёқимли» мазмунидаги фахрия байтларини битган шоир шундай юксак ижодий суръатни

² Батафсил маълумот учун қаранг: С у л а й м а н Ҳ. Текстологическое исследование лирики Алишера Навои // АДД. Ташкент, 1961.

то умрининг сўнгги кунларигача сақлаб қола билган. Биз сўз юритган «Хазойин ул-маоний» мажмуасида ёзган дебочада ўзи гувоҳлик беришича, девонларга тартиб билан жойлаштириш олдидан кунда бир-икки, баъзи кунлар эса, ҳатто уч-тўрт ғазал устида ижодий-таҳририй ишлар олиб бориб, уларга сайқал берган. Бу ижодий меҳнатни шоир гўзалларни янада зеболаштириш билан қиёслайди:

Кун бор эрдики бир ғазалу икки ғазал,
Бал уч ғазалу тўрт ғазал баъзи маҳал,
Маҳвашлардек бори латофатда масал
Боғлаб, кийибон юзга ҳила, тўнга—хулал³.

Навоий умрининг охирларида ҳам ижодий фаолияти-нинг самарали ва баракали бўлганлигини қисқа муҳидат ичида «Лисон ут-тайр», «Мезон ул-авзон», «Муҳокамат ул-луғатайн» ва «Маҳбуб ул-қуулуб» каби йирик ва кўп жиҳатдан жиддий фалсафий-назарий ва ижтимоий-ахлоқий йўналишга эга бўлган асарларни яратишга улгурганилиги равшан кўрсатиб турибди. Айтиш керакки, улуг шоир бу йилларда ҳам мамлакат ва давлат ишлари, меҳнаткаш халқ ташвишлари билан ниҳоятда банд бўлганлигидан фақаёт кечаларгина ижоға вақт ажрата олган. Бу ҳақда Навоий «Лисон ут-тайр» достонида аниқ сўз юритади. Муҳими шундаки, ҳижрий ҳисоб билан олтмиш — милодий эллик саккиз ёшида бу достонни ёзишга киришган шоир ҳар кеча қирқ-эллик байтни қофозга туширмасдан қаламини тўхтатмаган:

Олтмишқа умр қўйғон да қадам,
«Қуаш тилин» шарҳ этгали йўндум қалам,
Эрди ёрим кеча ашғолим чоғи,
Табъ бу маъниға машғул ўлмоги.
Хома рафторин неча сурсам неча,
Қирқ-эллик байт ҳар ярим кеча
Сафҳаға ёзмай қарорим йўқ эди,
Бу рақамда ихтиёrim йўқ эди⁴.

Хуллас, шу тарихий ҳақиқатки, Навоий «Хазойин ул-маоний» мажмуаси девонларини тузиш юзасидан кўп йиллик мashaққатли меҳнатни якунлаганидан кейин ҳам, ижодий ишни асло сусайтиргмаган, аксинча, янада жадал

³ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. З-жилд. 16—17-бетлар.

⁴ Алишер Навоий. МАТ. 12-жилд. 295—296-бетлар.

ва фаол давом эттирган ва биз қўрганимиздек, катта са-марадорликка эришган, қатор йирик асарларни яратган. Навоий ҳаётининг сўнгги йиллари ижодий фаолияти ҳа-қида сўз борганида шуни ҳам унутмаслик керакки, гарчи шоир юзланган хасталик азоблари ва қариллик уқубатларидан неча йиллар давомида шикоят қилиб келган бўлса-да, аслида, ҳеч қачон ётиқлик бўлмаган, энг охирги кунларга қадар қизғин ижтимоий-ижодий фаолиятда бўлган ва демак, қўлидан қалам тушмаган.

Худъи шу боисдан ҳам Алишер Навоий «Хазойин ул-маоний» мажмуасини узил-кесил вабилкул якунлаганидан кейинги икки йилдан ортиқ вақт мобайнода кўплаб газал, қитъа, рубоий, мухаммас ва бошقا лирик турларда асарлар ҳам яратган, деган холосага келинса, асло хато бўлмайди.

Демак, а) «Хазойин ул-маоний» мажмуаси тузилишидан аввал ёзилган ва қандайдир сабаб-мулоҳазалар билан ундаги девонларнинг бирортасига ҳам кирмай қолган шеърлар мавжудлиги ва б) «Хазойин ул-маоний» мажмуасини тузиш ишларига сўнгги нуқта қўйилганидан кейин ҳам лирик турларда шеърлар битилганлигининг шубҳасиз эканлиги, бу янги ёзилганларни эса девонларга киритиш имкони бўлмаганлиги тадқиқотчilarни жиддий илмий изланишларга даъват этиши керак.

Аслида, бу соҳада ҳам навоийшунослик ҳа айрим ишлар амалга оширилган. Масалан, проф. Ҳамид Сулаймон «Хазойин ул-маоний» девонларига кирмай қолган 24 газал, 8 қитъа, 2 рубоий ва фардларни топиб, «Фавойид ул-кибар» девониининг 1960 йил нашрига илова тарзида эълон қилган. Ушбу сатрлар муаллифи эса яқингача Ҳусайн Бойқаро — Ҳусайнийга хато равища нисбат берилиб, унинг асарлари жумласида бир неча бор нашр этилган етти бандли тахмисни асли ҳа Навоий қаламига мансуб эканлигини аниқлаб, матбуотда эълон қилди (Қаранг: «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 9 фев. 1990 й.) Бизнинг фикримизча, бу тахмис 1498 йилдан кейин яратилган кўп сонли шеърлардан биридир. Проф. Ф. Сулаймонова «Айёми висол ўлди яна» номи остида Навоийнинг «Хазойин ул-маоний» мажмуаси девонлари таркибига кирмай қолган ўнлаб ғазалларини алоҳида китобча шаклида эълон қилди⁵. «Бу ғазалларнинг бир қанчасида шоир қариликдан шикоят қиласи, шунга биноан бу газаллар «Хазойин ул-маоний» тартиб этилиб бўлганидан

⁵ Алишер Навоий. Айёми висол ўлди яна. Янги топилган газаллар. Нашрга тайёрловчи Фозила Сулаймонова. Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995.

кейин ёзилган бўлса керак», деган хуросага келади олима⁶. «Навоийнинг бизга номаълум ғазаллари» ва «Навоийнинг номаълум ғазаллари» номли мақолаларимиз ҳам шу мавзуга башишланган⁷.

Хуллас, ишонч билан айтиш мумкинки, «Хазойин ул-маоний» мажмуаси таркибидаги девонларга бир қатоғ ғазаллар кирмай қолган ва мажмуя тузилганидан кейин ҳам улуғ шоир фақат йирик ҳажмли асарларгина эмас, балки лирик турларда ҳам анча-мунча шеърлар яратган.

Бу шунчаки, қуруқ тахминий даъво эмас, балки, ишончли манбалардан олинган далиллар асосида шаклланган илмий хуроса. Биз қўйида ана шу далилларнинг айримларини келтирамиз:

1. Маълумки, Алишер Навоий «Мұхқокамат ул-луғатайн» асарида ўзбек адабиёти ва жонли сўзлашув тилининг ниҳоятда бойлиги ва ранг-баранг товланишини кўплаб далилларда намойиш этади. Шу мақсадда шоир қатор сўз-ибораларнинг ёзма адабиётда ишлатилишига мисол тариқасида шеъриятдан байтлар келтиради.

Алишер Навоий бу байтларнинг айримларини ўтмиш ўзбек ижодкорлари меросларидан топса, қўпчилик қисмини ўз ижодий тажрибасидан олади, қатор ҳолатларда эса, ўлаш мумкинки, шу асар учун ўзи баҳс юритилаётган сўзлар иштирокида маҳсус байтлар битади.

Жумладан, у «ҳой-ҳой» иборасининг қўлланиши ҳақида сўз очиб: «Аммо йиғламоқта «ҳой-ҳой» лафзин адода ўзларин туркигўйларга шарик қилубдурлар ва бу лафз ҳам аслан туркий услубдур ва фақирнинг бу мақтаси машҳурдур» деб таъкидлайди ва далил учун ўз ижодига мурожаат қиласди:

Навоий, ул гул учун ҳой-ҳой йиғлама қўп
Ки, «ҳай» дегунча не гулбун, не гунча, не гул бор!»⁸

Бу ўринда улуғ шоирнинг бизга ҳанузгача номаълум бўлган ғазали ҳақида сўз бораёттир. Келтирилган байтнинг тахаллус билан якунланувчи мақтаъ эканлигидан ғазал тугалланган, мукаммал бўлган деган қатъий хуросага келиш мумкин. Бугина эмас, у ўша давр шеърият мухлислари орасида кенг довруғ қозониб, йиғинларда

⁶ Уша асар. 4-бет.

⁷ Қаранг: Абдугафуров А. Навоийнинг номаълум ғазаллари // «Шарқ юлдози» журнали. 1—2-сонлар, 1994; Абдугафуров А. «Навоийнинг бизга номаълум ғазаллари» // Адабиёт кўзгуси. 2-сон, 1996.

⁸ Алишер Навоий. МАТ. 16-жилд. 15-бет.

севиб ўқилганки, бу ҳақиқатни Навоийнинг ўзи «маш-хурдурким» ибораси билан махсус қайд этиб ўтади. Айтилгани деқ, «Мұҳокамат үл-луғатайн» асари 1499 йилда, яъни «Хазойин үл-маоний» мажмуаси узил-кесил тузилганидан кейин ёзилган ва унда девонлардаги ғазаллардан ҳам мисоллар олинган. Юқорида яқунловчи байт келтирилган ғазални эса, эҳтимол худди шу йилларда яратган ва шу боис ҳам, равшанки, тартиботи яқунланган девонлардан четда қолган. Минг афсуски, афтидан шоирнинг ўзига ҳам жуда маъқул тушган ва халқ орасида шуҳрат қозонган бу ғазалнинг тұлиқ матни топылған эмас.

Шеърият ва аruz фанининг назарий масалаларига бағишиланған «Мезон үл-авzon» асари ҳам девонлар узил-кесил тартибга келтирилгандан кейин яратилған. Бу асарда ҳам, худди «Мұҳокамат үл-луғатайн» асарида бўлганидек, назарий фикрларни далиллаш мақсадида шоир асосан ўз шеъриятидан мисоллар келтиради ёки баҳс юритилаётган вазнни намойиш этадиган янгиларини махсус битади. Мисолларнинг асос кўпчилиги девонлардан ўрин олган тугал ғазалларнинг матлаъ, яъни бошланма байтларидир. Аммо асарда девонларда учрамайдиган ғазаллар матлаълари ҳам мавжудки, уларнинг ёзилиш тарихи ва тақдирни бизга ҳануз қоронғу. Масалаң, қўйидаги уч матлаъ билан бошланувчи ғазалларини биз «Хазойин үл-маоний» таркибидаги девонларидан топа олмадик:

- 1). Десам: «Оразу зулфунг үл-ўтдур, тутундур—бу!»
Дер: «Ондин — сенга куймак, бу бирдин—қаро қайғу!»
2. Чехрадин бурқаъ очиб, ўтқа куйдурдунг мени,
Чун кул ўлди пайкарим — кўкка совурдунг мени
- 3). Ишқинг мени туну кун мажнуну зор айламиш,
Кўнглумни зору ҳазин жисмим низор айламиш³.

Бу ғазаллар ҳам, худди «Мұҳокамат үл-луғатайн» асарида мақтаъ байти келтирилған ғазал каби, Навоий ижодий фаолиятининг сўнгги йилларида яратилған, деб ўйлаш мумкин.

II. Улуғ шоирнинг ҳали бизга номаълум анча-мунча ғазаллари мавжудлигини исботловчи яна бир мисолни Ҳасан Нисорийнинг «Музаккири аҳбоб» тазкирасида ҳам учратамиз. Нисорий ўзининг ёшлиқ чоғида Алишер На-

⁹ Алишер Навоий. МАТ. 16-жилд. 52-бет.

воий билан бўлиб ўтган алабий суҳбатини хотирлаб, қўйидагиларни ёзади:

«Мир ҳазратлари суҳбат чоғида мандин сўрадиларки:

— Бизнинг шеърларимиздан бирор нарса ёдингда борми?

Фақир аларнинг бу муборак мақтаъларини ўқидим:

«Эй Навоий, сен киму меҳробу масжид истамак?
Қайдаким, хўблар аёғин қўйса—сен бошингни қўй!»

Шеъриятдан хабардор ҳар бир ўқувчига равшанки, бу ҳам тугал ғазалнинг якунловчи байти. Аммо ғазал яхлитлигича ҳануз топилган эмас. Келтирилган байт муносабати билан марҳум адабиётшунос олим Акрам Иброҳимов шундай ёзган эди:

«Нисорий Навоийга айтиб берган мақтаъ Навоий девонларининг ҳеч бирида учрамайди. Эҳтимол, шу мақтали ғазал девонлар тузилиб бўлганидан кейин ёзилган: Нисорий қўли да Навоийнинг машҳур девонларидан ташқари, кейин ёзилган шеърлар тўплами ҳам мавжуд бўлган бўлиши мумкин»¹⁰.

Олимнинг бу хulosаси жиддий диққатга сазовор. Чиндан ҳам, 1498 йилдан кейин ёзилган она тилидаги шеърларини шоирнинг ўзи ёки кейинчалик адабиёт мухлисларидан бири девон ёки тўплам ҳолига келтирган бўлиши жуда мумкин.

III. Маълумки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Алишер Навоийга алоҳида ихлос—муҳаббат билан қараган, унинг меросини, айниқса она тилида яратган асарларини қунт билан мутолаа қилган, мукаммал билган ва ниҳоятда юксак баҳолаган.

Биз учун бу ўринда алоҳида диққатга сазовор нарса шундаки, Бобур аруз вазнининг назарий масалаларига бағишлиланган илмий асарида Навоий меросига жуда кўп мурожаат этади. Ўзининг назарий хulosаларига ишончли далил сифатида улуғ шоир асарларидан мисоллар келтиради. Жумладан, арузнинг рамал баҳри вазнларига бағишлиланган қисмида Алишер Навоий ижодидан кетмакет қирқ олти ғазалнинг матлаъ байтларини келтиради. Шулардан қирқ бештаси «Хазойин ул-маоний» девонларида мавжуд, аммо қўйидаги байт билан бошланувчи ғазални биз бу манбаъда учрата олмадик:

¹⁰ Қаранг: Иброҳимов А. XVI аср ўзбек адабиётининг асосий хусусиятлари. Тошкент, 1976. 48-бет.

Қимники, ёр айладинг — бўлди гирифторинг сенинг,
Рашқдин, ваҳ, дея олмасман: «Худо ёринг сенинг!»¹¹

Проф. Ф. Сулаймонова бу ғазалнинг тўққиз байтдан иборат тўла матнини аниқлаб, юқорида зикр этилган «Айёми висол ўлди яна» китобида эълон қилган. Ғазалнинг тахаллусли якунловчи байтини келтириш билан чскланамиз:

Эй Навоий, ўзни кўп эмгатмаким, ёр оллида,
Сабрингу завқинг киби тенгдур йўқу боринг сенинг¹².

Қисқаси, Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» ва «Мезон ул-авzon» каби ўз асарларида, шунингдек, кичик замондошлари Заҳириддин Муҳаммад Бобур («Рисолай аруз») ва Ҳожа Ҳасан Нисорий («Музаккири аҳбоб») лар меросларида айрим байтларгина келтирилган, аммо, тўлалигича «Ҳазойин ул-маоний» девонлари таркибида учрамайдиган қатор ғазаллар мавжут. Бу ғазалларнинг мазмунини қатъий белгилаш мушкул бўлса-да, бизгача етиб келган ана шу айрим байтлар бўйича уларнинг деярлик ҳаммаси Навоий лирик мероси учун етакчи бўлган ишқ-муҳаббат, маъшуқа ҳусни мадҳи ва ошиқнин севги-садоқати мавзууда яратилган, деб тахмин этиш мумкин. Аммо, баъзи маълумотлар улуғ шонирнинг ҳажвий ёки ҳазлий руҳдаги айрим асарлари ҳам ҳанузгача бизга номаълум қолаётганлигини кўрсатади. Ана шундай ишончли маълумотлардан бирини Алишер Навоийнинг ўзи «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида келтиради. У Машҳаднинг таниқли фозилларидан Сайидид Ғиёсиддин ҳақида сўзлар экан, қуйидаги гувоҳликни беради:

«...Аҳл ва мулойим кишидур. Мазоҳ ва мутойиба мижозига ғолибдур... Чун Сайиддинг хумоюн башараларида суфрат (сариғлиқ — A. A.) ғолибдур — «Сайид ширға» ҳам дерлар. Баъзи маймунға ҳам ташбиҳ қилурлар. Фақир худ бу навъ густоҳликлар (ибосизлик, беҳаёлик — A. A.) қила олмасмен, аммо Мирнинг марқабин (уловин — A. A.) ул итга ўхшатибменким, анга бир маймунни миндирурлар. Агарчи мирға нохуш келур, аммо ҳазл билан ўткарур...»¹³.

Бу парчада гап Навоийнинг ҳазил руҳида ёзилган ғазал ёки қитъаси ҳақида бораётганлиги шубҳасиз. Аммо ана шу асарнинг матни ҳозиргача топилган эмас.

IV. Алишер Навоий лирик меросининг муҳим ва

¹¹ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Муҳтасар. Нашрга тайёрловчи Сандек Ҳасан. Тошкент, 1991. «Фан», 1961, 148-бет.

¹² Қаранг: Алишер Навоий. Айёми висол ўлди яна. 31-бет.

¹³ Алишер Навоий. МАТ. 13-жилд. 126—127-бетлар.

эътиборли манбаларидан бири XV—XVIII асарларда улугъ шоир асарлари учун тузилган изоҳли луғатлардир. Маълумки, Навоий асарларига бўлган катта қизиқиши қондириш ниятида вафотидан кейиноқ шарҳ-изоҳ йўналишида бир неча луғатлар тузила бошлаган. XV асрнинг ўрталарида Толеъ Имонийнинг ўзбекча-форсий «Бадоеъ ул-луғат» асари, шунингдек, XVI асрда яратилган ва биринчи изоҳли сўзи бўйича «Абушқа» номида аталган луғат ҳамда 1760 йилда йирик олим, туркий ва форсий тилларнинг зукко билимдони Мирзо Муҳаммад Маҳдиҳон қаламига мансуб «Санглоҳ» изоҳли луғати, айниқса, жиҳдий илмий қимматга эгадир. Зикр этилган бу луғатларда Навоийнинг назм ва насрда битилган деярли барча асарлари жалб этилган ҳолда, неча юзлаб соф туркий сўзларнинг луғавий мазмуни ва маъно жиҳатдан турли бирикмаларда жилоланиш—тovланиш ҳоллари изоҳланади, далил сифатида ишонарли мисол—парчалар келтирилади (Луғатлар, асосан, Навоий мероси бўйича тузилган бўлса-да, ўрни-ўрни билан, Лутфий, Ҳусайнӣ, Бобур, Фузулий кабилар асарларидан ҳам мисоллар келтирилиб, тегишли сўзлар шарҳланади).

Тилшунослик—луғатшунослик нуқтаи назаридан айрим тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, адабиётшунослик ҳамда манбашунослик бўйича бу луғатлар деярлик ўрганилмаган. Ваҳоланки, айтайлик, Алишер Навоий меросининг ҳажми ва кўламини белгилашда, асарларининг матнларини аниқлашда улар жуда эътиборли манбалар бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Биз бевосита сўз юритаётган мавзуу бўйича ҳам луғатлар кўпдан-кўп қизиқарли маълумотлар беради. Бу ўринда фақат Мирзо Муҳаммад Маҳдиҳон яратган «Санглоҳ» изоҳли луғатнда у ёки бу туркий сўзни шарҳлаш ва қўлланилиши ҳолларини намойиш этиш мақсадида Навоий шеъриятидан келтирилган айрим мисол байгларининг матнлари хусусида баъзи қайдлар билан чекланамиз¹⁴. «Санглоҳ»да, худди «Абушқа»да бўлганидек, Навоийнинг йигирма саккиз асаридан, жумладан, «Ғаройиб ус-сиғар», «Наводир уш-шабоб», «Бадоеъ ул-васат» ва «Фавойид ул-кибар» девонларидан мисоллар жалб этилган. Маҳдиҳон сўзларнинг форсий маъно-шарҳларини баён этар экан, шу сўз иштирокида битилган байтлар матнининг қайси

¹⁴ Мирзо Муҳаммад Маҳдиҳон луғатининг қўлёзма нусхалари кўп эмас. Инглиз шарқшунос олими Герард Клаусон 1960 йилда луғат қўлёзмасининг 1760 йилда кўчирилган ишончли нусхасини Лондонда фақат юз нусхада факсимиле нашрни амалга оширган. Биз шу нашрдан фойдаландик. Бунинг учун китоб соҳиби филология фанлари доктори Э. Умаровга чуқур миннатдорчилик билдирамиз.

девондан олинганини ҳар бир ҳолатда кўрсатиб ўтади. Муаллиф ўз асарида мисол сифатида келтирилган юзлаб байтлар Навоийнинг зикр этилган девонларида мавжуд. Аммо, айни замонда, «Сангилоҳ» билан юзаки танишишнинг ўзидаёқ Навоийга нисбат бериб келтирилган байтларнинг айримлари «Хазойин ул-маоний» мажмуаси нашрларида ҳамда маълум қўллэзмаларида учрамаслиги аниқланди.

Жумладан, нашрнинг 11-саҳифасида Навоий ғазалидан олинган деб келтирилган қўйидаги байт шоир лирик меросининг барча нашрларидан топилмади:

Саждагоҳ этмишди ишқ аҳли қошинг меҳробини
Қилмади хайли малойик ичра бир одам ҳануз.

«Сангилоҳ»нинг худди шу саҳифасида Навоий қаламига нисбағ берилиб шарҳланган мана бу байт ҳам «Хазойин ул-маоний» мажмуаси девонлари нашрларида йўқ:

Ўйнай-ўйнай ўлтуур бир-бир улусни кўзларинг,
Шўх қотилларни жонлар қасдиға ўйнатмагил!

Навоийнинг ғазалиёти таркибида «ҳар тараф» радифи бир неча ғазаллар мавжуд. Аммо, «Сангилоҳ»нинг 42-саҳифасида Мирзо Муҳаммад Маҳдихон шарҳ билан келтирилган мана бу байт бу ғазалларнинг бирортаси таркибида учрамайди:

Баҳри ашк ичра ики кўз бўлдилар заврақу сол,
Икки саф киприклар эшкаклар бўлубтур ҳар тараф.

Сўз юритилаётган изоҳли луғатнинг 127, 227 ва 304-саҳифаларида Навоий ғазалларидан мисоллар сифатида келтирилган мана бу байтларни ҳам «Хазойин ул-маоний» мажмуаси таркибидаги тўрттала девон мундарижасидан топа олмадик:

Дер эмишсенки, Навоий ҳолини бир кун сўрай,
Мен ўшал сўзни қачон бовар қилурмен..
Неча шайхи хонақоҳ авродида фарёд этай,
Дермен эмди бош олай — пири фано сори кетай.

Ва:

..Навоий гўё даҳр кўргали
Холин анинг орази гулфом аро кўргач.

Таъкидлаш лозимки, юқорида келтирилган намуналар асло якка байт — фардлар эмас, улар Мирзо Мұхаммад Маҳдиҳон томонидан тугал ғазаллар жисмидан олинган. Бу ҳақиқатни, уларнинг айримлари матлаъ, айримлари эса тахаллусли мақтаъ байт эканликлари ҳам тасдиқлаб турибди. Бундан, «Санглоҳ» изоҳли луғати муаллифи ихтиёрида Навоий шеъриятини мукаммал жамлаган қўллэзмалар бўлган, деган холосага келиш мумкин. Шуни ҳам айтайликки, бу намуна байтларда ҳам улуф шоир ғазалиётига умуман хос бўлган юксак санъаткорлик ва бадиий маҳорат намоён бўлган.

«Санглоҳ», худди «Абушқа» ва бошқа изоҳли луғатлар каби, Навоий лирик меросининг илмий-танқидий матнини тиклашда ҳам тадқиқотчига жуда фойдали маълумотлар беради. Гап шундаки, «Санглоҳ»га жалб этилган намуналарда бизда амалга оширилган нашрлардан баъзан жиддий фарқлар кўзга ташланади. Айрим тафовутлар бевосита байт мазмун—гоясига алоқадор бўлиб, уни ёрқин ва мантиқан асосли ифодаланишини таъминлайди.

V. Алишер Навоийга бўлган чексиз ҳурмат-эътироф, уни ўзига устод деб билиш, тажрибаларидан ўрганиб, Навоийвор мисралар битишга уриниш кейинги асрлар ижодкорлари томонидан улуф шоир ғазалларига сонсаноқсиз тахмислар яратилишига олиб келди. Натижада «Хазойин ул-маоний» мажмуаси девонларидан ўрин олган жуда кўп ғазалларга неча юзлаб тахмислар юзага келди. Умуман, бу тахмисларнинг аҳамияти, шеъриятимиз тараққиётидаги ўрни каби масалаларга тўхташ имконияти йўқлигидан, уларга баҳс юритаётган мавзуъ юзасидангина ёндашамиз. Гап шундаки, бу тахмисларнинг айримлари таркибида «Хазойин ул-маоний» мажмуасидаги девонларда учрамайдиган қатор ғазалларга ҳам дуч келамиз.

Тўғри, бундай намуналарнинг ҳар бирига, беистисно, танқидий ёндашиб, жиддий изланишлар олиб бориш, фоя ва етакчи рух, услугуб ва ишлатилган сўзлар ва ҳатто бадиий санъат ва воситалар бўйича жиддий қиёсий таҳлилдан ўтказибгина қатъий бир холосага келиш мумкин, акс ҳолда, бошқа ижодкорлар асарларини улуф шоир қаламига хато равища нисбат бериб юбориш ҳеч гап эмас. Бу иш жуда катта ижодий меҳнат ва чуқур билимни талаб қиласи.

Алишер Навоий ғазалларига кейинги асрларда боғланган тахмисларнинг навоийшунослик учун, айниқса, улуф шоир ғазалларининг тўғри, яъни аслий матнларини

тікlaş каби муҳим ишда ҳам жиддий илмий эътиборға лойиқ манба эканлиги шубҳасизdir. Негаки, деярлик ҳар бир тахмисда ғазал матнiga тегишли камида иккүч фарқлар учрайди. Бу фарқларнинг айримлари оддий сўз алмашинуви ёки ҳарфий бўлса, баъзилари гоя ва мазмунга, изчилик ва услубга бевосита таъсир кўрсатиш даражасида жиддийdir. Бу масалага муносабат билдиришда кейинги даврлар қалам аҳли Алишер Навоий мероси ва анъаналарини ўзлари учун муқаддас ва тамомила дахлсиз деб тушунгандикларини ҳамда ўз ҳолларича, айтайлик, улуғ шоир ғазалларига таҳририй ўзгартириш, қўшиш ёки олишга журъат этмагандикларини эътиборга олсак, масала анча равшанлашади. Ҳа, тахмис боғловчи шоирлар Навоий ғазалларини «тузатганлар» деб айтиш қишин ва худди шу боисдан ҳам улар ихтиёrlарида шоир асарларининг бизга номаълум қўллэзманусхалари бўлган, деб тахмин этиш мумкин.

Қуйидаги мисол худди шундай хулоса учун жиддий асос бўла олади. «Хазойин ул-маоний»нинг иккинчи девони «Наводир уш-шабоб»дан ўрин олган:

Саҳар ховар шаҳи чарх узраким хайли хашам чекти,
Шуой хат била кўҳсор уза олтун алам чекти, —

байти билан бошланувчи 606-рақами ғазал то 1989 йилда амалга оширилган сўнгги нашргача ҳар доим ўн байт шаклида эълон қилиниб келинган. Ваҳоланки, Навоийнинг қалами остидан чиққан асл матнга ғазал ўн уч байтдан иборат бўлган. Унга тахмис боғлаган Киромий (XVIII аср), Огаҳий (XIX аср) ва Баёний (XIX аср охири ва XX аср бошлари) лар ҳам ана шу асл матнга асосланиб, ҳар бири ўн уч бандли мустақил мухаммаслар яратганлар.

Асл матнда ва унга тўла мувофиқ ҳолда зикр этилган шоирлар боғлаган тахмисларнинг ҳар бирида мавжуд бўлган, аммо бизнинг аввалги барча нашрларимизда тушиб қолган, мана бу уч байт эндилика амалга оширилган «Мукаммал асарлар тўплами» нашрида тикланиб, ғазал жисмидан ўзининг қонуний ўрнини эгаллади:

Хушо улким, мунингдек чоф вафосиз умрни англаб,
Сабуҳи жомни аҳбоб бирла дам-бадам чекти.
Маоний аҳли гоҳи нукта узра қилу қол этти,
Муғанний хайли нағма ичра гоҳи зеру бам чекти.

Не давлатдурки, бу ҳолатда андоқ борди ўздинким,
Бақо иқлимидин раҳтини то мулки адам чекти¹⁵.

Бу каби мисоллар Навоий ғазалларига кейинчалик боғланган тахмисларнинг ҳам улуғ шоир асарларини зиңгизлаш ва асл матнларини тиклашга жиддий ва ишончли манбалардан бири бўлиши мумкинлигини кўрсатади.

Далиллар фақат айрим байтларнига эмас, балки бутун-бутун ғазалларни ҳам ана шундай тахмислар бўйича топиш имкони мавжудлигини кўрсатади.

Аввало, бир нозик нуқтани таъкидлаб ўтайлик. Шеъриятимизда қабул қилинган қадимий анъанага кўра, мухаммаслар тахмис боғлаган ижодкорнинг «ўз асари» ҳисобланади ва шунинг учун ҳам улар девонларига киритилиши табиий. Биз шу тахмисларга асос бўлган ғазаллар хусусидагина баҳс юритишимиз мумкин.

Машҳур шоира Увайсий девонида Навоий ғазалига боғланган бир неча тахмислар бор. Улар жумласидан етти бандлик бир мухаммас бизнинг эътиборимизни тортти. Гап шундаки, Увайсий қўнглига маъқул тушиб, уни тахмислар боғлашига илҳомлантирган бошқа барча ғазаллар «Хазойин ул-маоний» мажмуасидаги девонлар таркибида бўлгани ҳолда, бу тахмисга асос бўлган ғазал матнини уларда топа олмадик. Мана шу тахмиснинг биринчи банди:

Ишқ иршоди эрур авроқи дилбар топса хат,
Мақсадинг ҳосил ўлур хизри паямбар топса хат,
Бок йўқ қўнглум шарорин бирла кавсар топса хат,
Тонг эмаским, тоби ишқингдин қўнгул гар топса
хат,
Не ажаб ўт шуъласи бирла самандар топса хат¹⁶.

Увайсийнинг мана шу тахмиси орқалиги (бошқа янги манбалар топилгунча) улуғ шоирнинг бизга то ҳануз номаълум қолган ғазали билан танишиш имкониятига эгамиз. Тахмиснинг барча бандларини бу ўринда тўла келтиришга зарурат йўқ — гап унга асос бўлган ғазал устида бормоқда. Шу боис, Увайсий гувоҳлигига кўра, Навоий қаламига мансуб бўлган ғазални, мухаммас таркибидан ажратиб, ўқувчилар эътиборига ҳавола қиласиз:

¹⁵ Алишер Навоий. МАТ. 4-жилд. 448-бет. 606-рақамли ғазал.

¹⁶ Увайсий. Девон. Тошкент: «Фан», 1959. 156-бет.

Тонг эмаским, тоби ишқингдин күнгүл гар топса
хат,
Не ажаб, ўт шуъласи бирла самандар топса хат.
Хаста күнглум гар лабинг қандидин, ар обиҳаёт
Топти, хат шарбат ичиб, нетти мукаррар топса хат.
Жоми лаълингдин күнгүл маҳзуз бўлди, ваҳ нетонг,
Тушса махмур илкига бу навъи соғар, топса хат.
Туну кун ул шўх май ичганда гар ғамгин эсам,
Бок йўқ мендин керакким, ул ситамгар топса хат.
Мен ютуб қон йиғларам, лаълинг ичиб соғар
кулар.

Тенг қадаҳ ичган керак эрди баробар, топса хат.
Ишқи комил, кўрки, юзунг зуҳд бирла бодадин,
Гўйиё мен хат топармен, ул суманбар топса хат.
Не ажаб, аҳли хирад хушдил Навоий назмидин,
Жавҳарс топқонда тонг йўқ, яхши гавҳар топса
хат¹⁷.

Демак, бу ғазал Алишер Навоий қаламига мансуб. Алишер Навоий ижодини қунт билан мутолаа қилган Увайсий гувоҳлигига ишонмасликка ҳеч қандай асосимиз йўқ. Бу масалага аниқлик киритишда улуғ шоир меросида «хат» радифли яна неча ғазаллар мавжудлигини ҳам, мақтаъ байтида ифода этилганидек, фахрия услугида битилган байтлар ҳам кўпгина учрашини инобатга олиш лозим кўринади.

Бугина эмас, ҳижрий 1306-милодий 1888 йилда Раҳимхўжа эшон иби Алихўжа эшон саъии-ҳаракатлари билан Тошкентдаги Лахтин босмахонасида чоп этилган Навоий девонида бу ғазал улуғ шоир асарлари қаторидан ўрин олган (173-бет). Кўринадики, Увайсий ҳам, зикр этилган девон ношири Раҳимхўжа эшон ҳам Навоий ғазалини белгилашда бизга ҳозирча номаълум бир манбага асосланганлар.

«Ҳазойин ул-маоний» мажмуаси девонларининг бирортасида ҳам учрамайдиган, аммо Навоийга нисбат берилган, ғазаллардан яна бирини иқтидорли шоир Роким меросида кўрамиз. У:

Баҳор вақтида қил сайри лолаи худрӯй, —

мисраи билан бошланувчи мухаммасни Навоий ғазалига тахмис деб очиқ-ойдин ёзади. Ана шу тахмис бўйича ғазални тўлалигича бу ўринда келтирас эканмиз, На-

¹⁷ ўша жойда.

вой меросида бошдан-оёқ ҳаётсеварлик ғоялари билан сүфорилган худди шу рух-мазмунда, шундай услуга ва бадий воситаларда қатор ғазаллар мавжудлигини таъкидлаб үтишни лозим топамиз. Бизнинг қатъий ишончи-мизча, бу ғазал ҳам улуғ шоирнинг 1498 йилдан кейин яратилган етук шеърларидан биридир:

Не яхши вақт эрур ёр бирла бир бўлғу!
Қўнгулда ҳар неча пинҳон сўз ўлса — айтилғу!
Қадду юзу лаби лаъли хаёлин айларда,
Кўзумга неча тонг отғунча келмади уйқу.
Баҳор вақтида май ичгилу нашот эткил,
На шоҳ қолғуси оламда, не гадо қолғу!
Замири соф, юзи соф, тийнатидур соф,
Нажоди одам эмастур — фаришта бўлғай бу!
Висоли дўст ғанимат, ўзунг ғанимат сен
Ки, ҳар нечук қилибон бўлма ёрдин айру!
Ҳаёту айши жаҳонни бу қадарким, билдим
Биайниниҳ экан ул сояи рами оҳу.
Навоий ёри жафокордин вафо кўрса,
Анга бу рутба бори ошиқ ичра ойруқсу.

Чиндан ҳам, ҳар жиҳатдан баркамол, тўла ҳалқчил ва ҳаётий ғазал. XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошлиарида яшаб ижод этган йирик шоирлардан Юсуф Сарёмий ҳам «Хазойин ул-маоний» мажмуаси таркибидаги девонларда учрамайдиган икки ғазални Навоийнинг асарлари сифатида бизга тавсия этади. Гап 1914 йилда шоирнинг шогирдларидан Тавалло томонидан чоп этилган «Девони мавлавий Юсуф Сарёмий» таркибидаги икки тахмис устида бормоқда.

Аввало, Юсуф Сарёмийни ҳам Алишер Навоий меросини чуқур ўрганганини, унинг кўплаб ғазалларига татаббуъ ва тахмислар яратганини, жумладан, «шайх» радифли ҳажвиясига мухаммас боғлаган ягона ижодкор бўлганлигини айтиб ўтайлик. Бу ҳолат Юсуф Сарёмий гувоҳлигининг эътиборли эканлигидан, унинг сўзлари жиддий асосга эгалигидан дарак беради.

Биринчи мухаммас ҳалқимизнинг ялла қўшиқлари жумласидан мустаҳкам ўрин олган, унинг ниҳоятда шўх, ўйноқи, жарангдор мисралари эса ҳар бир ўқувчига ёшлигидан таниш. Тахмис мана бу банд билан бошланади:

Бир неча гул барги қабо, яли-яли,
Айлағоли бизни адo, яли-яли.
Тузмоқ учун савту наво, яли-яли,

Жам бўлунг моҳлиқо, яли-яли,
Бўлди қизиқ базми саро, яли-яли¹⁸.

Мухаммас яхлитлигича, табиийки, Юсуф Сарёмий асари ҳисобланади ва унинг девонидан ўрин олганлиги тўла қонунийдир. Мухаммасга асос бўлган ва Навоийга нисбат берилған ғазал эса «Хазойин ул-маоний» таркибидаги барча девонларда йўқ. Юсуф Сарёмий таъкидига кўра, юқорида келтирилган банднинг сўнгги икки мисраси ва қўйидаги байтлар Навоий томонидан ёзилган:

Нағма била мутриб этуб тарона,
Соқий тутуб жоми сафо, яли-яли.
Руҳи Набий арш тагига бориб,
Бир-бирига қилди имо, яли-яли.
Риштан жонимға етар бир гириҳ,
Қилди вужудимни фано, яли-яли.
Гул очилиб, гулшан ўлуб лолагун,
Бўлди анга нағмасаро, яли-яли.
Бир назаре солса дебон кўз тутуб,
Қоматимиз бўлди дуто, яли-яли.
Хаста Навоийни тўкуб қонини,
Қўллариға қўйди хино яли-яли¹⁹.

Асримиз бошларида тошбосма усули билан чоп этилган баъзи баёзларда бу ғазал байтларига жуда ўхшаш байтлар Қосимий тахаллуси қўйилган шеърда ҳам учрайдики, бу ҳол унинг муаллифи масаласини жиддий текшириш лозимлигини кўрсатади.

Юсуф Сарёмийнинг Тавалло нашрга тайёрлаган девонидаги яна бир мухаммас Навоий разали асосида яратилганлиги қайд этилган. Худди юқоридаги ғазал каби, бу ғазал ҳам «Хазойин ул-маоний» таркибидаги девонларнинг бирортасидан топилмади. Навоийга нисбат берилган тўққиз байтли бу ғазалнинг ҳам байтларини Сарёмий мухаммаси таркибидан ажратиб, қўйида тўла келтирамиз:

На янглиғ айлади тасвир оразинг наққош
Ки, наъting айтғали айлар кўнгул тил ила талош.
Кўюнгда бўлса супурги мижам, тонг эрмаским,
Йўлунгда шоҳпари Жабрил Амин эрди фаррош.
Паямбар аҳлиға Ақсадаким имом ўлдунг,

¹⁸ Баёзи мавлавий Юсуф Сарёмий. Тошкент, 1914. 132-бет.

¹⁹ Ўша жойда.

Алар кавокиб эдилар, сен эрдинг анда қүёш.
Ҳамиша йиғлар эди авжи Қибриә боқиб
Ки, анда уммат учун кўзларидин оқиб ёш.
Белиға боғлади маҳкам қаноат асбобин,
Муҳаммад очлиғидин воқиф ўлмасун деб, тош.
Фалаклар узра чиқиб, «Умматим!»—деб йиғлаб,
Отини босган изига тасаддуқ ўлсун бош.
Бу жоҳи султонийким, худо сенга берди,
Ҳижозу ғайри Ҳижоз ичра йўқ санга ўхшош.
Қамар юзи ёруғ ўлди юзунг шуоъидин,
Ул оқшомеки, малойик санга эди йўлдош.
Эрур кўюнгда Навоий асиру ҳам мажнун,
Ул ойни суҳбатини топқай эрсам эрди кош²⁰!

Адабиётимиз тарихидан бўзга маълумки, «Навоий» тахаллуси остида турли асрларда бир неча ижодкорлар қалам тебратганлар. Эҳтимол, биз сўз юритган тахмислардаги ғазаллар ҳам ана шу «бошқа Навоий»ларнинг бирига тегишилдир, деб ўйлаш мумкин. Албатта, бундай тасодифни ҳам назардан қолдирмаслик керак. Аммо, биринчидан, неча юзлаб тахмисларга асос бўлган асарларнинг деярли 99 фоизининг «Хазойин ул-маоний» девонларида мавжудлиги (ижодкорлар қайд этган бошқа тахмисларга асос бўлган ғазалларнинг мавжудлиги), қолган бир фоизининг ҳам Навоий қаламига мансуб эканлигига очиқ ишора этгандек кўринади. Иккинчидан, айтайлик, Юсуф Сарёмий девонидаги ҳар иккала муҳаммаснинг тепасига «Амир Навоий ғазалига муҳаммас» деб аниқ ва маҳсус қайд этилганки, бу жуда муҳимdir. Гап шундаки, чиндан ҳам, «Навоий» тахаллусли йигирмага яқин ижодкор бўлган, аммо, уларнинг бирортаси ҳам «Амир Навоий» бўлмаган, бу шарафли ном билан шуҳрат тутмаган.

Сўз юритилган ғазалларнинг Алишер Навоий қаламига мансуб эканлигини тасдиқловчи далиллардан яна бири ўша ғазалларга бир эмас, бир неча ижодкорларнинг тахмис боғлаб, «Амир Навоий ғазалига муҳаммас» дея маҳсус қайд этишларида ҳам юзага чиқади.

Масалан, XIX аср иккинчи ярми адабиётимизнинг намояндаларидан бири Мирмаҳмуд Миршамсиддин ўғли Қорий (1832—1902 йиллар)нинг 1912 йилда Тошкентда чоп этилган девонида Навоийнинг олти ғазалига, жумладан:

²⁰ Зикр этилган асар. 143-бет.

Қаро құзум келу мардумлиғ әмди фан қылғил,
Құзум қаросиға мардум киби ватан қилғил —

матлаи билан бошланадиган машхур ғазалига тахмиси мавжуд. Юсуф Сарёмийга замондош бұлған бу ижодкор ҳам юқорида сүз юритилған, аммо «Хазойин ул-маоний» мажмусаси девонларида бұлмаган ғазалға, унинг Амир Навой қаламига мансублигини алоҳида таъкидлаб, **тахмис боғлаган.**

Мана гахмиснинг биринчи банди:

Мұхаббатингни қиласай дилда жон қушига маош,
Дуруду мадхинг ила эътиқодим айлай фош,
Нечук тил очса бұлур ҳазратингға бу қаллош,
На янглиғ айлади тасвир оразинг наққош
Ки, наътинг айтғали айлар күнгүл тил ила талош.²¹

Юсуф Сарёмий ҳам, Мирмаҳмуд Қорий ҳам ўз тахмисларига асос бұлған ғазал мұаллифини хато күрсатғанлар, деб гумон этишга ҳеч қандай асос йўқ.

Алишер Навоийнинг Мирмаҳмуд Қорий бешликка айлантирган олти ғазалидан яна бири «Хазойин ул-маоний» девонлари нашрларида, шунингдек, құләзмалар сақланаётган расмий хазиналардаги манбаларда учрамайди.

Бу Қорий девонидаги:

Бұлубман, дұстлар, девонаваш оламни расvosи,
Құруб айб айламанглар, шул эрур наҳву
қасамноси,
Қизил юзлик, қаро күз, лаъли хандоннинг
таманноси,
Мани маҳв айлаган ул дилбаримни чашми шаҳлоси,
Құнгүл мулкини торож айлаган ишқини яғмоси²²,

банди билан бошланадиган етти бешликдан иборат тахмисдир. Унга ҳам худди бошқаларга каби «Мухаммаси Қорий бар ғазали Амир Навоий» деб сарлавҳа қўйилған. Қуйида Қорий гувоҳлигига кўра Амир Навоий қаламига мансуб бұлған ана шу ғазал матнини мухаммас жисмидан шартли ажратиб, ўқувчилар диққатига ҳавола қиламиз:

²¹ Девоний Қорий. Тошкент, 1912 йил.

²² Ўша жойда.

Мани маҳв айлаган ул дилбаримни чашми шаҳлоси,
Күнгул мулкини торож айлаган ишқини яғмоси.

Үлумдин зарра ваҳмим йўқ, vale, қўрқинчим андин
куб,
Қачон ўлғайману кетгай бошимдин ёрни савдоси.

Заифу нотавон, бечораю бехонумондурман,
Неча ҳажрида йигларман — ани йўқ зарра
парвоси.

Неча жавру жафосиға чидарға тоқатим йўқтурсу,
Қазоға розилар бўлдум, туганмас ишқни ғавфоси.

Фалак дорулқазоға элтибон қатл айлади — ўлдум,
Жазоси шул эрур — ҳар кимки, қилса ишқни
даъвоси.

Манга дарди фироқ, андуҳи мотам чархи
каждрафтор
Ки, қичқиртуб мани бозори ишқнинг аюҳанноси.

Навоий дилфиғор ўлгач, маломат новаки етгач,
Тилинган этга ўхшайдур аниким, барча аъзоси.

Ғазал мазмуни, вазн ва қофия бекусурлиги, бадиий
баркамоллиги, услугуб ва қўлланилган сўзлар бўйича
Навоийники эмас, дейишга бизда ҳеч қандай асос йўқ.

Қисқаси, кейинги даврларда яшаб ижод этган кўп
сонли шоирлар меросларидағи тахмисларни синчиклаб
ўрганиш орқали ҳам улуғ шоирнинг расмий девонлари-
га кирмай қолган ғазалларини кашф этиш мумкин, де-
йилса хато бўлмайди. Худди шу манбалар асосида қа-
тор ўринларда матнидаги ноаниқликларни ҳам белгилаш,
тушиб қолган сўзларни тиклаш мумкин²³.

Шундай умумий холосага келиш мумкинки, Алишер
Навоийнинг кичик шеърий турларида она тилида ярат-
ган асарларининг асос кўпчилиги «Ҳазойин ул-маоний»
мажмуасидаги девонлар таркибида етиб келган бўлса-
да, турли сабабларга кўра уларга кирмай қолган на-
муналар ҳам кам эмас.

²³ «Фавойид ул-кибар» девонидаги «Жонға чун дермен...» сўз-
лари билан бошланадиган ғазал матнидаги чалкашлиқни Ҳозиқ
тахмиси бўйича аниқлаш ҳақида қаранг: А б д у ғ а ф у р о в А.
Навоий ижодида сатира Тошкент: «Фан». 1972. 171—172-бетлар.

Айниқса, 1498 йилдан, яъни «Хазойин ул-маоний»-нинг сўнгги, учинчи редакциясини тузиш ишлари узил-кесил якунланганидан кейинги йилларда улуғ шоир яратган бу тур асарларининг тақдиди биз учун ҳамон қоронғу бўлиб келмоқда. Умрининг охирларида Навоий йирик ҳажмли асарлар қаторида, кўплаб ғазаллар ҳам ёзганлиги эса шубҳасиздир. Уларни излаб топиш, асл матнларини тиклаш навоийшуносликнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Эргаш ОЧИЛОВ

КОМИЛЛИҚНИНГ ИҚКИ ЙУЛИ

Муazzам «Хамса»да Навоий орзу-идеалидаги комил инсонларнинг бутун бир туркумига дуч келамиз. Улар орасида тарихий шахслар ҳам, тарихий-афсонавий шахслар ҳам, шоир томонидан юксак маҳорат билан яратилган бадиий образлар ҳам бор. Муаллиф мақсади ва достонлардаги вазифасига кўра бу қаҳрамонлар турли даражада тасвирланганки, уларни ҳар томонлама кенг ва теран тадқиқ этиш учун яхлит бир тадқиқот яратиш лозим бўлади¹. Шунинг учун мазкур мақолада шоир ижодида муҳим ўрин тутган Фарҳод ва Мажнун образлари устидагина тўхтalamиз. Чунки Навоий ўзининг комил инсон хусусидаги ўй-фикрлари, орзуларини кўпроқ шу икки образ орқали ифодалаган.

«Асарнинг бош қаҳрамони бўлған Фарҳодни Навоий комил бир инсон типида оладир,—деб ёзди Абдурауф Фитрат.—Илмда, истеъдодда, ботирликда, кучда жуда камолга етишканини унинг ҳар бир ҳаракати билан исбот этмакчи бўладир»².

Фарҳод сиймосида Суқрот «эътиқоди, сулукининг давомини кўрган»и³ каби Навоий ҳам бу образ восита-сида ўз идеалидаги комил инсон тимсолини яратади.

Инсонни камолотга даъват этиш, инсоний комилликни улуғлаб, бани башардаги қусурларни танқид қилиш

¹ «Хамса» достонларининг янгича талқинларига багишиланган тадқиқотлар яратила бошлади. М. Муҳиддиновнинг «Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси» (Тошкент, 1995) мавzuидаги докторлик ва Н. Гаффоровнинг «Алишер Навоий «Хамса»сида сўфийлар тимсоли» (Тошкент, 1999) мавzuuidаги номзодлик диссертациялари шулар жумласидандир.

² Абдурауф Фитрат. Таанланган асарлар. Икки жилдлик. 2-жилд. Тошкент, 2000, 116—117-бетлар.

³ Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. Тошкент, 1996. 208-бет.

— барча халқлар адабиёти, умуман сўз санъатининг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Инсонни камолотга етказишга йўналтирилган талаб ва қоидаларнинг бутун бир мажмуини ишлаб чиқсан тасаввуф пайдо бўлгандан кейин ибтидодан насиҳатга, ҳикматга мойил Шарқ адабиёти бу жараённи аниқ дастур, муайян низом асосида акс эттира бошлади. Бу дастурга кўра комиллик йўлига кирган инсон шариат, тариқат ва ҳақиқат босқичларини босиб ўтиши керак. Хусусан, амалий қисм бўлмиш тариқат мақомлар ва солик сулук давомида ўз бошидан кечирадиган ҳолларни ўз ичига олади. Сўфиена адабиётдаги инсон камолоти ҳақиқати фикру ўйлар у ёки бу даражада муайян мақомда турган ёхуд қайси-дир бир ҳол юзланган сўфий-ошиқнинг ҳолати, ўй-кечинмаларини ўзида акс эттиради. Газал, рубоний каби кичик лирик жанрларда ана шу узоқ давом этувчи, оғир ва мураккаб камолот йўлини босиб ўтаётган соликнинг қайси-дир бир оний ҳолати ифодаланса, достонларда кўпинча бу жараён бошдан-оёқ кўрсатилади. Чунончи, Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асарида у пир ва мурид ўртасидаги сухбат (савол-жавоб), «Ҳайрат ул-аброр»да панд-насиҳат воситасида ўз аксини топган бўлса, «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» достонларида бадиий тимсоллар қатига ўраб берилади.

«Лайли ва Мажнун» жаҳон адабиётида севги ҳақида яратилган энг ғамгин қиссалардан биридир⁴, — деб ёзган эди Н. Маллаев. Бу фикрни «Фарҳод ва Ширин»га ҳам нисбат бериш мумкин. Зоро, Навоийнинг бу икки достонига хоҳ дунёвий адабиёт ўлчовлари, хоҳ тасаввувуф мезонлари билан ёндошинг, уларнинг ғамгин севги қиссалари эканлигига амин бўласиз: икки ошиқ-маъшуқнинг бир-бирига етишолмаслиги дунёвий талқинга кўра қайгули ҳисобланса, сўфиёна фалсафага биноан инсоннинг бу дунёдаги ҳаётининг ўзи ғаму ҳасрат. Чунки у ибтидода бир бутун бўлгани Парвардигордан айру тушган ва энди бир умр яна висолга етиш, унга қўшилиш учун интилади. Лекин мавжуд дунё, нафс ва жисм бу йўлда тўсиқдир. Шунинг учун Ҳақ билан ваҳдатни истаган ошиқ ўз йўлидаги мазкур ғовларни ўртадан кўтариши керак. Тасаввуф адабиёти худди шу — инсоннинг нафс ва дунё шуғлидан халос бўлиш жараёнини акс эттиради. Сўз санъати талабларига биноан бу нарса рамзу тимсоллар воситасида ифодаланади.

⁴ Маллаев Н. Узбек адабиёти тарихи. Тошкент, 1976. 460-бет.

Кейинги йилларда «Фарҳод ва Ширин» ҳамда «Лайли ва Мажнун» достонларини янгича нуқтаи назардан баҳолашга уринишлар бўлаяпти. Лекин улар айрим мақолалар ёки турли мақсадлар билан билдирилган фикру мулоҳазалардан нарига ўтган эмас⁵. Биз ҳам мазкур достонларни тўла ўрганиш ниятида эмасмиз: уларни фақат комил инсон образининг берилиши нуқтаи назаридан қараб чиқамиз, холос.

Албатта, ҳар қандай бадиий асарда бир неча маъно қатлами бўлади. Лекин илоҳий ишққа урғу берилиши мазкур достонларда сўфиёна мазмун бирламчилигини кўрсатади. Чунончи, «Лайли ва Мажнун»нинг муқаддимасида Оллоҳ бу дунёда Лайли кўринишида жилва қиласиди ва барчани Мажнун каби ўзига мафтун этади, деялишининг ўзиёқ унинг оддий севги тасвирига бағишлимаганлигидан далолат беради:

Эй ҳар сориким қилиб тажалли,
Ул маҳзар ўлуб жаҳонда Лайли.
Эй оники, Лайли атаб отин,
Мажнун қилмоқ бўлиб сифотин⁶.

Жаннатдаги бугдой донаси бир одамни — Одам Атони йўлдан урган бўлса, Лайлининг юзидағи дона — холи оламни сайд этади, мазмунидаги қўйидаги байт эса Лайлининг илоҳий ишқ тимсоли эканлигига ишора:

Ул донаға сайд ўлуб бир одам,
Бу донаға борча аҳли олам (9—67).

⁵ Қаранг: Ҳаққул И. Жунун маърифати//Шу муаллиф. Тасаввух ва шеърият. Тошкент, 1991. 151—161 бетлар; Шу муаллиф. «Кўнглумни гаму дард ила қоп айлади ишқ...»//«Ишонч», 2001 йил, 23 февраль; Комилов П. Сукрот — комил инсон тимсоли//«Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1991 йил, 27 сентябрь; Комилов И., Эралиев Б. Иниқ отапининг самандари//«Шарқ ўлдузи», 1991 йил, 11-сон. 161—166-бетлар; И момназаров М. Ҳақиқат ва мақоз (Фарҳоднинг Юонинг сафари)//«Шарқ ўлдузи». 1990 йил, 4-сон 147—151-бетлар; Олим С. Мажнудан мақсад-ҳақиқат//«Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1993 йил, 10 сентябрь; Эралиев Б. «Лайли ва Мажнун» достони. Янгича талқин зарурати//Республика ёш адабиётшуносарининг анъана вий илмий конференцияси материаллари. Тошкент, 1993. 53—54-бетлар; Очил Э. Фарҳод — комил инсон//«Тафаккур». 2000 йил, 3-сон. 33—39-бетлар.

⁶ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 9-жилд (Лайли ва Мажнун). Тошкент, 1992. 8-бет. Бундан кейин мазкур нашрга мурожаат қилингандага жилди ва саҳифаси қавс ичida кўрсатилади.—Э. О.

Айни жиҳатдан Үсмон Нурий Тұпбошнинг: «Лайлд күнгилларни мажнун қилган, жисмоний иродани йүққа чиқарған илохий бир ишқнинг уфқидир»⁷, — деган фикри диққатга сазовор. Зоро, Оллоқ бандасини ўзига жалб этиш учун ниманидир восита қиласы: Иброҳим Адҳамни оху орқали овлагани каби Фарҳодни — Шириң, Мажнунни — Лайли воситасида ўзига ошиқ айлади.

Достонлар бошдан-оёқ рамзу тимсолларга күмилгап бўлиб, уларнинг асосида Яратувчи ва банда муносабатлари ётади. Илохий муҳаббат тасвири устуворлигини шоир асарларнинг ибтидосидан интиҳосига қадар ўрни билан таъкидлаб боради. Чунончи, Фарҳод ва Шириң муҳаббати қиссанини бошлар экан, муаллиф қайд этади:

Бу рангин сафҳа, билким, дард боғи,
Аён ҳар лоласида ишқ доғи⁸.

Шунинг учун ҳам эндиғина туғилган чақалоқнинг жисми «шуълаи дард»га йўғрилган:

Юзинда ишқ асрори ёзилғон,
Ичинда дард таъвизи қозилғон (8—64).

Гудакка Фарҳод деб отаси ном қўймади, балки унинг покиза зотини кўргач, ишқ унга шундай исмни беради:

Бу навъ эрмас — ато қўймади отин
Ки, кўргач ишқ аниңг покиза зотин,
Анга фарзона Фарҳод исм қўйди,
Хуруфи маъхазин беш қисм қўйди:
Фироқу раşкү ҳажру оҳ ила дард,
Бирор ҳарф ибтидодин айлабон фард.
Борин устоди ишқ этгач мураккаб,
Тараккубдин бу исм ўлди мураттаб (8—67).

Бугина эмас. Уни «ишқ дояси» эмизади:

Не қатра сут ичургач дояни ишқ,
Бўлуб бир гавҳари сармояни ишқ.

⁷ Үсмон Нурий Тұпбош. Маснавий боғчасидан бир кўзга сув. Истанбул, (санасиз) 23-бет.

⁸ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 8-жилд. (Фарҳод ва Шириң). Тошкент, 1991. 9-бет. Бундан кейин мазкур напшга мурожаат қилингандага жилди ва саҳифаси қавс ичида кўрсатилиади. — Э. О.

Топиб ҳар қатра бир дурдін ңишонй
Ва лекин борчаси дурри маоний (8—168).

Ишқ — Оллохга етиш, уни англаш воситаси. Шу сабабли ҳам сүфийлар учун ишқ бу — илм. Сутнинг илм билан муносабати, бизнингча, Мұхаммад алайхиссаломнинг тушда сут ичганлари таъбирини илмга йўйганлари билан боғлиқ: «Расулуллоҳ алайҳи ва саллам: «Тушимда менга бир коса сут узатиши, уни шул қадар қониб ичдимки, ҳатто тирноқларимдан чиқди. Кейин қолганини Умарга узатдим», — дедилар. Саҳобалар: «Е Расулуллоҳ, буни нимага йўйдингиз?» — дейишиди. Ул зот: «Илмга йўйдим — деб жавоб қилдилар»⁹.

Шу тариқа, Фарҳод:

Сўзи бори бўлуб афсонаи ишқ,
Мақому маскани кошонаи ишқ (8—68), —

бўлиб ўсади.

Худди шундай, Қайснинг ҳам туғилишиданоқ қалби ишққа макон эди. Унинг вужуди лойи ишқ ўтида пишган:

Фам туфроғи сўйидин сиришти,
Ишқ ўтию ели сарнавишти (9—54).

У «ишқ аҳлиға қиблай мурод» бўлиб дунёга келади. Чунки унинг «Ишқ фарзанди» эканлиги чақалоқлигига дәқ аён эди. Қайс ҳали бешикда экан, ўт кўрса, уни ишқ ўти тасаввур қиласи; гўдакни ғаму дард парвариш этауди; у бешикда фифон чекса, бу дарддан нишона кўринар эди:

Ут кўрсаки, майл этиб ниҳони,
Ишқ ўти тасаввур айлаб они.
Бўлмай ғофил даме ғаму дард,
Улғайтибон они дардпарвард.
Маҳд ичраки, тортибон фифонлар,
Ағфонида дарддин нишонлар (9—61).

Ут ва ишқ аро ўхшашликлар шундаки, ўт ҳўлу қуруқни ёндириб, кул қилгани каби ишқ ҳам инсоннинг бутун жисму жонини ўртаб, ақлини лол, қаддини дол, рангини сомон айлади. Шунинг учун ҳам достонда ўт сўзи ва унинг оташ, олов, барқ, ламъа каби маънодош-

⁹ Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн И smoил ал-Бухорий. Ал-жомиъ ас-саҳиҳ. Тўрт жилдлик. 4-жилд. Тошкент, 1992. 364-бет.

Ләри тез-тез тилга олйнәди. Бу билан шоир гүё буюк бир ишқ алансидан хабар бермоқчи бўлади. Айни жиҳатдан И. Ҳаққулнинг: «Навоий достони Мажнун руҳида порлаган муҳаббат ўти тасвирларига бағишлангандир. Мажнун қисматининг тимсоли достонда ўт ва нур. Ўнинг ҳаёті — нур ичидаган ва нурдай безавол ҳаётдир»,¹⁰ — деган фикрлари асосли.

Ут юқорига ўрлагани каби юрагида ишқи бор одам ҳам мудом парвозга, юксакликка интилади. У дунёвий ташвишларга ўралашиб, заминда қолиб кетолмайди. Ишқ бунга йўл қўймайди, уни мудом олдга чорлайди, безовта қилади. Фарҳодни ҳам, Мажнунни ҳам ўз ҳолига қўймай, ҳамиша қўксини ёндирган, фикру ёдини банд қилган дард — ишқ эди.

Фарҳод ҳам, Мажнун ҳам болалигиданоқ алоҳида истеъдоди, қобилияти билан ажралиб туради. Чунончи, Фарҳод билимларни жуда тез ўзластиради, қувваи ҳофизаси шунчалик кучли эдикни, бир марта ўқиган китобига иккинчи марта қараб ўтиришига ҳожат йўқ эди. Натижада ўн ёшидаёқ:

Жаҳонда қолмади ул етмаган илм,
Билиб таҳқиқини касб этмаган илм (8—71).

Мажнун ҳам ундан қолишмайди:

Оз вақтда айлади замона
Они бори илм аро ягона (9—69).

Илму ахлоқда замонасининг фарди — ягонаси бўлган, ҳар жиҳатдан етук бу иккى инсоннинг ҳам бирдан-бир «қусури»—ишқ дардига мубталолиги эди. Мисол учун, Фарҳод таърифида шоир ёзади:

Яратмиш Ҳақ анинг зотида борин,
Аён қилмай керакмас иш ғуборин.
Эрур бори ҳунар ичра камоли,
Тамомий айблардин зоти холи.
Иғилю нолаю афғондин ўзга
Ки, йўқтур ҳеч айби ондин ўзга (8—108).

Қайснинг ишқда ихтиёрини қўлдан бериб, халқ томонидан таъна-маломатга қолгани, Мажнун деб лақаб олганини эшитган Лайлининг отаси дейди:

¹⁰ Ҳақ қул И. Тасаввуф ва шеърият. 151-бет.

Таърифида кўп ўтар эди сўз,
Гўёки анга тегурдилар кўз.
Бас, қобил эди-ю, дилписанд ул,
Озодавашу ниёзманд ул.
Ақли комилу қаломи маъқул,
Бор эди манга ҳам асрุ мақбул (9—112).

Кўринадики, Лайли муҳаббатига гирифтор бўлишдан илгари Қайс ҳалқ ичида гўзал ахлоқи ва нодир истеъоди билан танилган эди. Бу ўсмирни барча ҳурмат қилиб, келажагига умид билан қарап эди. Ҳатто Лайлининг отаси ҳам Қайс ҳақида юқори фикрда бўлган. Шундай зукко, Худо ярлақаган йигитнинг бир қиз ишқида эс-хушидан жудо бўлганини эшитиб, афсус чекади, унинг ота-онасига ачинади:

Не эркин анинг атоси ҳоли?
Бечора аносининг малоли? (9—112).

Навфал ҳам Лайлининг отасига ёзган мактубида Мажнуннинг таърифини қилади:

Қайс улки, Арабда бебадалдур,
Ҳар фазлда эл аро масалдур...
Хайлинг аро қасби илм қилмиш,
Оlamda неки илм бор — билмиш.
Сен доғи ишин билур эмишсан,
Доим таърифин қилур эмишсан (9—159).

Маълум бўладики, Лайлининг отаси қизини Мажнунга унинг паст табақадан эканлиги учун эмас, балки айнан девоналиги, телбалиги учун бермаган. Чунки Қайснинг отаси ҳам Лайлининг отаси каби бир қабила-нинг бошлиғи бўлиб, бойликда ҳам, обрў-эътиборда ҳам ундан кам эмас эди.

Лайлининг отаси уни куёв қилишдан ор этиши — Мажнуннинг ҳалқ томонидан қабул қилинмаганлигига ишора. Мансур Ҳалложни дорга осган, Насимиининг террисини шилган, Боязид Бистомийни етти марта туғилган шаҳридан бадарға қилган жоҳил оломон Мажнунни ҳам рад этди.

Фавқулодда истеъоди ва қобилияти билан ажralиб турадиган хос кишилар бўлади. Бу тонфага худди шундай устунликни берган Ҳудованди карим уларнинг кейинги ҳаёти ва фаолиятига ҳам Ўзи раҳнамолик қила-ди. Улар махсус тайёргарликка, устозу мураббийларга кўпда эҳтиёж сезавермайдилар. Оллоҳнинг марҳамати билан улар ҳар қандай илм ва ҳунарни жуда тез ва

осон ўзлаштирадилар. Өддий кишилар қила олмайдиган имкониятларга эга бўладилар. Айни шу афзалликлари туфайли авом халқдан ажраби турадилар. Уларнинг бундай ғаройиб ҳоллари, ажабтовур сўзларини оддий кишилар қабул қила олмайдилар ва кўпинча уларга душманлик билан муносабатда бўладилар. Мажнун ҳам ана шундай хос кишилар жумласига киради. У ҳали бола экан, тилидан илоҳий каломлар ёғилади:

Бўлғоч тили лафздин хабарлиқ,
Ҳар лафзки, деб бори асарлиқ.
Чун айлай бошлади такаллум,
Эл ҳушин этиб такаллуми гум (9—61).

Фарҳод ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин:

Сўзидин зоҳир асрори илоҳий,
Жамолидин аён анвори шоҳий (8—273).

Фарҳод ва Мажнун ишқини тушуниш учун даставвал Навоийнинг ишқ ҳақидаги қараашларини аниқлаб олиш керак. Маълумки, «Маҳбуб ул-қуулуб» асарида у ишқни учга бўлади:

«**Биринчи қисм** — оддий кишилар ишқи бўлиб, халқ орасида машҳур, кенг тарқалгандир. Айтадиларки: «Фалончи одам фалончига ошиқ бўлибди». Бу хилдаги одамлар кимгадир ошиқ бўлиб, изтироб чекиб, шунинг хаёли била юрадилар. Бу ишқ жисмоний лаззат ва шаҳвоний нафс билан чегараланадики, олий мартабаси шаръий никоҳдир.

Иккинчи қисм — алоҳида фазилат эгаларига хос ишқ бўлиб, бу хос ишққа мансуб шахслар пок кўзни пок ният билан пок юзга соладилар ва пок кўнгил у пок юзнинг шавқи-завқи билан беқарор бўлади. Ва бу пок юз воситаси билан пок ошиқ ҳақиқий маҳбубнинг жамолидан баҳра олади.

Учинчи қисм — сиддиқлар — ҳақгўйлар ишқи бўлиб, улар Ҳақнинг жамолини очиқ кўриш умиди билан яшайдилар ва шунинг учун матлубдирлар. Уларнинг Ҳақни кўз билан мушоҳада қилиш умидлари ўзни унтиш даржасига етган ва бундан ҳам ўтиб, ҳалок бўлиш мақомига кўтарилган бўлади»¹¹.

¹¹ Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қуулуб (Насрий баён муаллифи И. Махсумов). Тошкент, 1983. 52—54-бетлар. Ўқувчига тушунарли бўлсин учун асарининг асл матнидан эмас, насрий баёнидан фойдаландик.

Навоийнинг ўзи ҳам пок ишққа мансуб бўлиб, шу орқали илоҳий муҳаббатдан умидворлик қиласи эди. Шунинг учун ҳам у «Фарҳод ва Ширин» ҳамда «Лайли ва Мажнун» достонларида «алоҳида фазилат эгаларига хос» бўлган пок ишқнинг юксалиб, ҳақиқий ишққа айланиш жараёнини бадиий тимсоллар воситасида кўрсатиб беради.

Навоий ўз қаҳрамонларининг пок ишқ соҳиби эканлигини достонларнинг бошидан-охирига қадар ўрни-ўрни билан таъкидлаб боради. Айтайлик, Фарҳод ёшлиги-даноқ поклик тимсоли эди:

Демонким, кўнгли поку ҳам кўзи пок,
Тили поку сўзи поку ўзи пок (8—72).

Фарҳоднинг қисмати азалдан пок ишқ йўлида покбозлик эди. Шоир унинг покбоз эканлигини Мехинбону тилидан шундай тасвирлайди:

Деди кўнглида Бонуким: бу гамнок
Ки, мундоқ мумкин эрмас гавҳари пок.
Манга худ барча ҳоли бўлди равшан
Ки, қилмиш ростлик иш, поклик фан.
Чу йўқтур бир назар қилмоққа тоби,
Чиқорға ёвшур жони хароби.
Малакдур келган инсон суратида,
Малаквашлиқ мубарҳам ҳайъатида...
Анга кўзу кўнгул жуз пок эмасдур,
Назарда пок кўздин бок эмасдур (8—275—276).

Шу кичкина парчада пок ва поклик сўзлари тўрт марта тилга олинади. «Навоий нимага эътиборни кучайтирмоқчи бўлса, ўқувчи диққатини асар давомида ботбот ўша нуқтага жалб қиласеради, ана шу мақсадига камарбаста бўлиши мумкин сўзларни қайта-қайта тилга олаверишдан ҳеч ҳам эринмайди. Чунки у китобхон диққатини керакли нуқталарга йигиб бориш санъатининг пири комили»¹². Шу нуқтаи назардан оладиган бўлсак, «Фарҳод ва Ширин» достонида энг кўп зикр этиладиган сўзлар бу — поклик ва фано. Бу асарнинг пок муҳаббатга бағишланганлиги ва тасаввуфга алоқадорлигини яна бир карра тасдиқлайди.

Мехинбону Хусравнинг совчиларини: «Ширин эркак зотини хушламайди», — деган баҳона билан қайтарган

¹² Олим С. Ишқ, ошиқ ва маъшуқ. Тошкент, 1992. 15-бет.

эди. Буни эшитган Ҳусрав ўз элчиси орқали: «Шириннинг эр жинсига майли йўқ бўлса, унинг Фарҳод билан ишқи можаросини қандай тушунмоқ керак?»—деган мазмунда гап қиласди. Шунда Мөхинбону жавоб бериб айтадики: «Бу ҳар қандай манфаат, ҳирсу ҳавасдан холи бўлган пок ишқдир. Улар бир-бирининг қўлини ушлаш тугул, тузукроқ кўриша олганлари ҳам йўқ: бор-йўғи икки-уч бор учрашдилар, шунда ҳам бир-бирини кўрап-кўрмас иккаласи-да ҳушдан кетдилар»:

Бу кун Фарҳод ул озодавашдур
Ки, йўқлуқ бодасидин журъакашдур.
Фано ўти аро андоқки хошоқ,
Вужуди хирманин пок ўртамиш, пок.
Бўлубтур уйла Ҳақ зотида фоний
Ки, йўқтур анда ўзлукнинг нишони... (8—309).

Навоий достон ниҳоясида пок ишқи туфайли Фарҳод пировард-натижада Ҳаққа қовушди, дейди:

Вужудин ўртаб оташнок ишқи,
Солиб ўт олам ичра пок ишқи...
Вале ваҳдатда жони поки онинг
Бўлуб Ҳақ бирла истиҳлоқи онинг (8—449—450).

«Лайли ва Мажнун»да ҳам шоир пок ишқни куйлаётганини ўрни-ўрни билан уқтириб боради. Чунончи, ёшлигига даёқ Мажнуннинг:

Қўнгли сори ишқ бўлди мойил
Ким, йўқ манга бўйла пок манзил (9—60).

Пок ишққа мансуб инсоннинг азалдан тийнати пок бўлади. Шунинг учун ҳам шоир ўз қаҳрамонларининг барчасини — Фарҳод билан Ширинни ҳам, Лайли билан Мажнунни ҳам «гавҳари пок» сифати билан тилга олади. Масалан, Мажнун ҳақида:

Чун топди бу навъ гавҳари пок,
Баҳр ўлди бу завқдин тарабнок (9-69),—

деб ёэса, Лайли таърифида:

Пок эрди нечукки рост даъви,
Бикр эрди нечукки хос маъни (9-67) —

дейди.

Ёки Лайли энагасининг икки ошиқнинг учрашувига гувоҳ бўлгани ҳақидаги фаслининг ниҳоясида ўқиймиз:

Дояки, бу ишқи пок кўрди,
Ул шуълан сўзном кўрди (9-103).

«Пок ишқнинг сўзон шуъласи дояни ҳайрон қолдиди ради. Лайли ҳам, Мажнун ҳам унинг кўз ўнгида беҳуш бўлиб йиқиладилар. Висол мазмуни улар учун гўёки муҳаббат оташи ичра тўлғанмоқ эди»¹³.

Лайли ва Мажнун ишқининг пок эканлиги хусусида шоир, жумладаи, шундай ёзади:

Мажнун соғиниб ўзини Лайли,
Айлар эди нозу ишва майли.
Лайли ўзини соғинди Мажнун,
Шукр эттики, ёри эрди мақрун.
Ул бул бўлди-ю, лек бу ул,
Топмади ароди иккилик йўл.
Хар ишки, ўтиб ҳалокликдин,
Айру эмас эрди покликдин.
Ишқ аҳли бу навъ ўлсалар пок,
Гар васл муаббад ўлса, не бок?
Ошиқки, муроди ком бўлғай,
Ошиқлик анга ҳаром бўлғай (9-250).

Фарҳод ва Ширин каби Лайли ва Мажнун ҳам учрашганда уларнинг сўзлашгали ҳоли йўқ — иккаласи ҳам ҳушидан кетади:

Бўлғонда бу васл ошкоро,
Нутқ урғали йўқ бирига ёро.
Не бу анга дарду розин айтиб,
Не ул ғами жонгудозин айтиб (9-103).

Лайли ўз мактубида буни эътироф этади:

Эй бўлғали ишқим ичра мадҳуш,
Бир журъаи васл қилмағон нўш! (9-229).

Уларнинг ишқи ҳам ўзларида пок эди. Достонларда тасвирланган тўсиқлар, қарама-қаршиликлар бу — нафс хархашалари, дунёнинг жабру ситамлари, илоҳий ишқдан бехабар жоҳил оломоннинг таъна-маломатла-

¹³ Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърият. 155-бет.

ри. Ширин ва Лайли ҳам Фарҳод ва Мажнун учун мақсад эмас, балки илоҳий ишқ камолотини касб этиш йўлида бир восита эдилар. Тасаввуфда бу мазҳар деб юритилади. Мазҳар — илоҳий жамол ё камолни ўзида акс эттирган киши. Ҳақ ошиқлари кўпинча мазҳарни севиш орқали ҳақиқий ишққа етадилар. Ширин ва Лайли ҳам Фарҳод ва Мажнун учун ана шундай мазҳар эдилар. Ширин ва Лайли мисолида уларнинг ишқи конкретлик касб этди. Румий маснавийларидан бирида ҳақиқий ишққа етганидан кейин Мажнун учун Лайлининг аҳамияти қолмагани хусусида сўз бориши шундан.

Фарҳод ҳам, Мажнун ҳам — ишқ фарзанди. Уларнинг зуваласи ишқ билан қорилган. Ўсиб-улғаяр экан, улар ўзларидаги ғайритабии ҳолатлар, фавқулодда табнати ва истеъоди, бошқаларга ўхшамаслиги билан ажралиб туради. Иккаласи ҳам илму ахлоқда етук, жисмонан гўзал. Диққат қилинса, Фарҳоднинг ҳам, Мажнуннинг ҳам бошига тушган бутун савдолар улар замонасининг бор илму ҳунарини эгаллаб олганидан кейин бошланади. Чунки тасаввуфга кўра камолотга ишқ орқали эришилади. Достоннинг муқаддимасидаёқ:

Эй ақл сенинг йўлунгда ғоғил
Ким, телба сенинг йўлунгда оқил (9-8), —

деган шоир «бу тараф кўнгулга йўл» эканлигини таъкидлаган эди. Кўнгилни ҳаракатлантирувчи куч эса — ишқ.

Инсон руҳининг ўз аслига — Парвардигорига интилиши икки йўл билан — тариқат ёки ишқ орқали амалга ошади. Масалан, «Лайли ва Мажнун» достонида Қайснинг бирор-бир пирнинг таълимини олганлиги ҳақида ишоралар йўқ. Унинг пири бевосита Ҳақнинг ўзи эди. Фарҳод эса тариқат йўлини босиб ўтади. Шу ўринда, бир нуқтага эътибор қаратайлик: Фарҳоднинг туғилиши олдиндан башорат қилинган. Бу нарса кўпроқ пайғамбарлар, валийлар ҳаёти билан боғлиқлиги маълум. Чунончи, машҳур шайх Бобойи Самосий Бухоро яқинидаги Қасри ҳиндувон қишлоғидан ўтар экан, бу ерда бир валий дунёга келишини башорат қиласида ва ўша назаркарда инсон — Баҳоуддин Нақшбанд туғилганида унинг тарбиясини шогирди Амир Кулолга топширади. Шунга ўхшаб, афсонавий донишманд Жомосп Фарҳоднинг туғилишидан хабар берниб, унинг тарбияси билан шуғулланишини Суҳайлога васият қиласи. Зотан, Навоий талқинида Фарҳод ҳам валийлиқдан бебахра

эмас. Салосил құрғонида бандиликда экан, нигаҳбонлар унинг юзида валийлик нурини күрадилар:

Дедилар борча: к-эй оламда нодир
Валоят нури рухсорингда зоҳир (8-337).

Худди шунинг учун ҳам Хусрав уни ўлдиришга журъат этмайди:

Валоятдин кўруб ҳолида партав,
Ани ваҳм айлаб ўлтурмакка Хусрав (8-362).

Арманиядаги тоғда тош қазиётган кишилар эса уни ҳатто Руҳ ул-амин — Жабронлга ўхшатадилар:

Ўпуб ер, дедилар, ул хайл ғамнок
Ки, эй Руҳ ул-аминдек гавҳаринг пок (8-226).

Маълум бўладики, Фарҳодга қабул назари Жомосидан етган. Суҳайло Фарҳоднинг исмини сўраб ва саволжавоб орқали унинг яна керакли белгиларини билиб олгач, у Жомосидан башорат берган ва ўзи кутган саодатли инсон эканлигига ишонч ҳосил қиласди. Фарҳодга насиҳатлар қилиб, унга аждаҳо, Аҳраман ва темир пайкардан хабар беради ва Суқрот ҳузурига олиб борадиган йўлни кўрсатади. Аждаҳони енгиш учун самандар ёғини туҳфа этади. Самандар — олов ичида яшайдиган жонивор. Демак, унинг ёғи — ишқ рамзи. Иброҳим Халилуллоҳни ҳам Намруд ёқсан оловдан унинг Оллоҳга бўлган ишқи қутқарган эди. Худди шундай Фарҳодни ҳам аждаҳо, Аҳраман ва темир пайкар балосидан илоҳий ишқ халос этади. Булар аслида тасаввифий рамзларидир.

Шундай қилиб, Суҳайлони Фарҳоднинг биринчи пири, дейиш мумкин. Маълумки, тасаввуда бир неча пирнинг таълимини олиш расм эди. Шайхлар шогирдларини имконлари даражасида тарбиялагач, истеъдоғдига қараб уларни ўзларидан кучлироқ пирларга тавсия этганлар. Суҳайлонинг Фарҳодга ўзи билган нарсаларни ўргатиб бўлгач, уни Суқрот сари йўллаши ҳам айни шу нарса билан изоҳланади.

Темир пайкарни енгиш сари борар экан, йўлда Фарҳодга Хизр йўлиқади. «Қелибтурмен санга бўлмоққа ҳодий» (8-164), — дейди у. Хизр оби ҳайвон — тириклик сувини излаб топган ва уни ичиб, абадий ҳаётга эришган пайғамбар сифатида кўпгина халқлар адабиётида

учрайди. Ү қаҳрамонларни қийин ва мушкул аҳволдан қутқарадиган, уларга ёрдам берадиган, мақсадга элтүвчи түгри йўлни кўрсатадиган халоскор сиймосида тасвиirlанади.

«Хизрни Фарҳоднинг иккинчи пирп, деб қабул қилиш мумкин,—деб ёзади Н. Комилов, — аммо у улуғ мақсад сари таважжух этган Фарҳодга гойибдан келган мададдир. Фарҳод Хизр маслаҳатига кириб, жомга қарайди ва унда Суқрот маскан тутган тоғни ҳамда горни кўради. Шайх қанча улуғ бўлса, у макон тутган тоғ ҳам шунча баланд ва маҳобатли, унга стишиш азоби ҳам оғир»¹⁴.

Фарҳодда валийлик бўлса, Мажнунда малаклик мавжуд (Достонда бир неча ўринда у малакка ўҳшатилади). Айни пайтда унинг валийларга ўҳшаш жиҳатлари ҳам йўқ эмас:

Одоби ҳидоят аҳли янглиф,
Ойини валоят аҳли янглиф (9-232).

Фарҳод ва Мажнун тимсолида Навоий пок ишқда ўртаниб, ҳақиқий ишқа етган — камолотга эришган ошиқлар сиймосини яратади. Ишқнинг инсонни қусурлардан халос этувчи, уни камолотга етказувчи хусусиятга эга эканлиги тўғрисида «Лайли ва Мажнун» достонининг мажозий ва ҳақиқий ишқ шарҳига бағишлиланган бобида ёзади. Навоийнинг нуқтаи назарига кўра мажозий ишқ — кимиё: у инсонни поклайди. Бу ишқда ўртангандан ошиқнинг хокий вужуди пировард-натижада олтинга айланади. Маълумки, қадимги кимёгарлар турли моддаларни юқори ҳарорат остида олтинга айлантириш мумкин, деб ишонгандар ва бу орзу йўлида кўп куч сарфлаганлар. Ишқ ҳам — ўт. Ўт бўлганда ҳам энг ёндирувчи, энг куйдирувчи ўт. Унинг таъсирида ошиқдаги ношойиста, ёмон хислатлар маҳв бўлиб, рух покланади. Бу жараён — кимёланишни Навоий ишқи мажозий деб атайди. Ана шу кимёланиш босқичидан ўтган ишқ энди ойнаи жаҳоннамолик касб этади. Ойнаи жаҳоннамолик — ҳақиқий ишқ мақоми. Ойнаи жаҳоннамо аслида ошиқ соликнинг қалби. Дунё, вужуд, нафс ташвишларидан қутулган, уларнинг борлигини унутиб, бутун фикру зикрини ягона Оллоҳга қаратган инсоннинг қалби ойнадай пок бўладики, бутун дунё, унда юз берастган воқеа-ҳодисалар бу кўзгуда акс этади. Унда Оллоҳ нури,

¹⁴ Комилов Н. Суқрот — комил инсон тимсоли.

илоҳий файз ҳам жилваланиб туради. Бу ҳақда шоир шундай ёзади:

Хуршиди жаҳонкушой сенсен,
Миръоти жаҳоннамой сенсен.
Ким қилди санга назарни равшан,
Қўрди еру кўкдагин муайян.
Чун боққали ихтиёр топти,
Ҳар сорики боқти — ёр топти (9-295).

Шу тариқа, ишқнинг аввал кимиёлик, кейин ойинаи жаҳоннамолик хусусиятини баён этар экан, дейдӣ:

Гарчи ики навъ ўтти рози,
Аввалғини англағил мажозий (9-295).

Маълум бўладики, Фарҳоднинг аждаҳо, Аҳраман ва темир пайкарни енгганидан кейин жоми жаҳоннамони қўлга қиритиши рамзий маънода бўлиб, нафс ва дунё алоиқларидан қутулган Фарҳод қалбининг ойинаи жаҳоннамога айланганига ишорадир.

Ҳоқон хазинасидаги Искандар ойинаси ҳам аслида Фарҳоднинг ўз кўнгли бўлиб, тарқат йўлида ранжу машаққат чекиб, нафсоний интилишлардан воз кечиб, руҳоний фазилатлар касб этгач, у кўзгудай норлаб, хамма нарсани ўзида акс эттиради.

Лайлининг ишқи йўлида одамлардан, дунёдан узилиб, биёбонга чиқиб кетган, нафсини ҳам, жисмини ҳам унугтган, қаёққа боқса — фақат маъшуқасини кўрадиган Мажнуннинг-да қалби ғуборлардан тозаланиб, илоҳий шуъладан равшанлашган — ойинаи жаҳоннамога айланган. Навфал қўшинидан енгилаётган Лайлининг отаси ўз қизини ўлдиришга қасд қилганини у кўнгил кўзгусида кўради ва Навфалдан урушни тўхтатишни сўрайди ҳамда бунинг сабабларини айтиб беради. Навфал унинг сўзларига ишонади ва қўшинини қайтариб олиб кетади. Ота-онасининг фарзанд заму ҳасратида дунёдан ўтгани-ю, Лайлининг жон таслим қилаётганини ҳам у кўнгил кўзгусида кўради.

Шундай қилиб, кимёланиш — тариқат, ойинаи жаҳоннамолик эса ҳақиқат босқичига тўғри келади. Шунга мувофиқ, Навонӣ Фарҳод ва Мажнуннинг Ширин ва Лайлига етиш йўлида чеккан ранжу машаққатлари, алам-изтиробларини — мажозий ишқ, икки ошиқнинг ўз маъшуқларига етиб, сингиб-бирлашиб кетганини — ҳақиқий ишқ, деб атайди.

Фарҳод ҳаёти бошдан-оёқ мажозий ишқнинг ҳақиқий ишққа айланиш жараёнини ўзида акс эттиради. Илоҳий ишқ Фарҳоднинг зуваласига қўшиб қорилган. Шунинг учун ҳам туғилган кунидан бошлаб уни исмсиз бир дард ўртайди. «Кичикдин эрди қисмим дард ила доғ» (8-413), —деб эътироф этади кейинчалик буни қаҳрамоннинг ўзи ҳам. Лекин мазкур дарднинг сабабини унинг ўзи ҳам, атрофдагилар ҳам тушунмайди. Натижада Фарҳоднинг дардли кўнглини очиш учун отаси тўрт фаслга мослаб қаср қурдиради, бу фойда бермагач, тожу тахтини таклиф этади. Аммо пок ишқда ўртаниб, ҳақиқий ишқдан насиба излаётган ошиқни дунёвий ишлар мутлақо қизиқтирмайди.

Маълумки, тасаввуфда ишқ Ҳусн ва Ишқ тортилиши тарзida тасаввур қилинади. Шу маънода, Фарҳод вужудининг ибтидодан дарду сўзда ўртаниши унинг қалбига илоҳий ишқ учқуни тушгани билан изоҳланса, ҳоқон хазинасидаги тилсимли ойина — илоҳий жазба — Ҳаққа тортилиш эди. Баҳоуддин Нақшбанддан: «Бу даражага қандай эришдингиз?»—деб сўрашганида: «Тангри жазбасидин бир жазба инсон ва жин амали учун баробардур ҳукми била бу саодатқа мушарраф бўлдуқ»¹⁵, —деб жавоб берган эканлар. Фарҳод ҳам шундай илоҳий жазба туфайли тариқатга кириб, Суҳайло таълимими олади, Хизр мадади билан аждаҳо, Аҳраман ва темир пайкарни енгиги, Жамшид жомини қўлга киритади, иири комил Суқрот суҳбатига этади.

Суқрот Ҳаққа стишишининг икки йўли бор, дейди:

Бири ўзлукни қилмоқ бўлди фоний,
Яна бир доғи топмоқ бўлди они (8-180).

Бу мақомга эса ишқи мажозий орқали эришилади:

Бу ўзлукдин қутулмоқ чорасози,
Нима йўқ уйлаким ишқи мажози (8-180).

Ўз қаҳрамонини Суқрот санаб кўрсатган барча синовлардан олиб ўтган, ранжу машаққатлар ўтида обдон тоблаб, унинг ўзлигидан асар қолдирмаган шоир достон ниҳоясига бориб Фарҳоднинг мажозий ишқи ҳақиқий ишққа айланганини таъкидлайди:

¹⁵ Алишер Навоий. Асарлар. Ўп беш жилдлик. 15-жилд. Тошлиқид, 1968. 131-бет.

Вужудин ўртаб оташнок ишқи,
Солиб ўт олам ичра пок ишқи.
Кечиб аввал диёру хонумондин
Вале сүнгра жаҳондин, балки жондин.
Үтар дам ўйла фоний бўлди мутлақ
Ким, ул ишқини боқий айлади Ҳақ.
Вужудин ўртаб ул сўзу гудози,
Ҳақиқатқа бадал бўлди мажози (8-449).

Навоий «Ҳақиқатқа бадал бўлди мажози»,—дейиш билан «Фарҳод мажозий ишқ, яъни Ширинга муҳаббат йўлида ҳамма нарсадан воз кечди, ҳатто жонининг ҳам баҳридан ўтди, шу тариқа руҳан ёрига қўшилди, демак, унинг ана шу мажозий ишқи охири ҳақиқий ишққа айланди, у Оллоҳнинг васлига мушарраф бўлди»,—демоқчи¹⁶. Мажнун мисолида буни Навоийнинг ўзи ҳам таъкидлайди:

Мажнунға бири бўлуб мусаллам,
Баҳра топти икинчидин ҳам (9-296).

М. И момназаров ҳам Фарҳодни «инсоний ва маънавий камолот тимсоли»¹⁷,—деб таърифлайди.

Шу ўринда, таъкидлаш керакки, дунёвий муҳаббат каби илоҳий ишқ ҳам икки томонлама бўлади: Оллоҳ ўз севгисини ғайбий ишоратлар орқали билдиради. Олам ҳам, Одам ҳам Оллоҳ муҳаббатининг меваси. У севмаса, яратмас ва ўзига чорламас эди. Ўз навбатида, инсон ҳам севмаса ва интилмаса, Оллоҳ муҳаббатига эришолмайди. Бу севги икки кўринишда намоён бўлади: 1) Оллоҳ бандасини севиб қолиб, унинг қалбига илоҳий ишқ ўтини солади; 2) банда ўз Парвардигорига муҳаббат қўйиб, унинг ишқида ҳамма нарсадан воз кечади ва бу ранжу машаққатлар эвазига Оллоҳ ҳам лутфу марҳамат кўрсатиб, уни ўз яқинларидан қиласади. Чунончи, «Фарҳод ва Ширин»да аввал Фарҳод Ширинни кўриб, ошиқ бўлади ва риёзатлар чекиб, унга интилади. Унинг сидқу садоқатини кўрган Ширин ҳам севгилисининг пок муҳаббатига муҳаббат билан жавоб беради. Мажнунга эса, аксинча, дастлаб Оллоҳнинг ўзи назар ташлади — жамолини кўрсатди ва унга маству шайдо бўлган Мажнун бору йўқни тарк этиб, бу илоҳий маҳбубага етиш

¹⁶ Олим С. Мажоздан мақсад — ҳақиқат.

¹⁷ И момназаров М. Ҳақиқат ва мажоз (Фарҳоднинг Юнонга сафари). 149-бет.

учун интилди. Лекин улар ўртасида муқаррар түсікілар бор эди. Бу — дунё, одамлар ва жисем. Қачонки, ишқ йўлидаги ранжу машаққатлар ўтида улардан асар қолмади — Фарҳод ҳам, Мажнун ҳам ўз Парвардигори билан қўшилиб, бир бўлиб кетди. Достонларнинг «Фарҳод ва Ширин» ҳамда «Лайли ва Мажнун» деб аталиши, яъни бирида йигитнинг, иккинчлисида эса қизнинг биринчи ўринга қўйилиши ҳам шунга ишора бўлса, ажаб эмас.

Фарҳод сиймосида футувват ва нақшбандия таъсири бирмунча бўртиб кўринади. Унда жавонмардларга хос бўлган эзгу фазилатлар — саховат ҳам, шижоат ҳам, садоқат ҳам, ҳиммат ҳам — ҳамма-ҳаммаси мужассам!

Ешлигидан халқни ўлашиб, унинг оғирини енгиллатишга уриниши, «кўнгли эл озоридан озор» топиши, «эл андуҳидан ғамнок» бўлиши, филдан ҳам кучлилигига қарамай, чумолига ҳам озор бермаслиги, тақдир зарбаларини ўзига олиши, жонига қасд этган кишига ўзини қурбон қилиш даражасидаги дарвештабнат инсон бўлганлиги Фарҳоднинг ҳақиқий жавонмард эканлигини кўрсатади. Ўзининг фавқулодда хусусиятлари, алоҳида истеъодидига қарамай, у сира халқдан ажралмаган, тарки дунё қилмаган, аксинча, «Дил ба ёру даст ба кор!» («Кўнглинг ёр — Ҳудодаю қўлинг ишда бўлсин!») шиорини тутган қаҳрамон. У ҳамиша халқ хизматига камарбаста бўлишни, элга манфаат етказишни ўйлади. Бу нарса, айниқса, Фарҳоднинг Ширинни излаб, Арманияга борганида тоғ қазувчиларнинг оғир ва самарасиз меҳнатини кўрганида намоён бўлади.

Ҳунарни асрарон неткумдир охир,
Олиб тупроққаму кеткумдур охир?! (8-230) —

деб «мазлуми ситамкаш» халқа ёрдамга шошилади. Бугина эмас. У Ширинни кўргач, маъшуқаси учун қаср қуради, унинг атрофида ҳовуз ясади. Буларнинг бари тоғнинг тошларини йўниб яратилганлигини ҳисобга олсақ, Фарҳоднинг ёр йўлида қанчалик ранжу машаққат чекканлиги аён бўлади. Бу билан Навоий ёр учун, Ҳақ учун уларнинг ризосига сабаб бўладиган улуғ ишлар қилиш кераклиги foясини илгари сураётганлигини илғаб олиш қийин эмас. Шу тариқа, Фарҳодга жавонмардлик foялари сингдирилган: Фарҳод маъшуқаси учун машаққат чекиб, тоғдаги қалъага сув олиб келади. Бундан биргина Ширин эмас, балки бутун халқ баҳраманд бўлади. Ҳақ йўлида қилингап ишнинг халққа ҳам манфати бисёр, демоқчи бу билан шоир.

Бу — Навоийнинг инсои ҳақидаги қараашлари тизимида энг муҳим нуқта. Шоир нуқтai назарига кўра инсоннинг инсонлиги аввало унинг ижтимоий фаолияти, ҳалқа фойда келтириши, элнинг оғирини сенгил қилиши билан белгиланади. Жамиятга фойдаси тегмайдиган, ҳалқ ғамини ўз ғами деб билмайдиган одам — одам аталишга нолойиқ:

Одамий эрсанг, демагил одами
Ониким, йўқ ҳалқ ғамидин ғами,¹⁸—

дейди бу ҳақда у. Фарҳоднинг илму ҳунар ўрганишга жидду жаҳд кўрсатиши шундан. Воқеан, Ширин ҳам одамийликни ошиқликдан устун қўяди:

Манга не ёру не ошиқ ҳавасдур,
Агар мен одам ўлсам, ушбу басдур (8-393)

Бундай қараашлар «Лайли ва Мажнун»га ҳам сингдирилган. Чунончи, «ишқ кўрган», «ғам дашти аро ютурган» Навфал ишқни, унинг қудратини эътироф этса-да, Мажнуннинг ҳалқдан узилиб, хилватни ихтиёр айлашини ёқламайди. Зеро, тасаввуфни Муҳаммад суннатига мувофиқлаштирган нақшбандияда узлат йўқ. Аксинча, у одамлар билан бирга бўлишни, жамият ичра хилват қилишни тарғиб этади. Футувват эса бошдан-оёқ амалий характеристдаги таълимот. Шунинг учун Навфал Мажнуннинг Оллоҳнинг ердаги халифаси, оламнинг мақсадмоҳияти бўлган одамлардан қўл ювнб, ҳайвонлар билан дўст тутинишини оқламайди. Сенинг бу ишинг

Ақл олида бессабаб кўрунди,
Сендин манга бас ажаб кўрунди (9-156),—

дейди.

Аслида Мажнун ҳам футувватдан бебаҳра эмас. Бу ҳақда Навоий ёзади:

Мажнунки, футувват аҳли эрди,
Эҳсону мурувват аҳли эрди.
Ҳуш ўлса димоги ичра сокин,
Тарки адаб эрмас эрди мумкин (9-232).

¹⁸ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 7-жилд (Хайрат ул-аброр). Тошкент, 1991. 240-бет.

Никоҳ кечаси Навфалнинг қизи Мажнунга қўнглини ёриб, севган йигити борлигини айтади. Ундан футувват расмини кўргизиб, мурувват этишини — икки ошиқнинг уволига қолмаслигини сўрайди:

Бу навъ мурувват ўлса сендин,
Изҳори футувват ўлса сендин (9-236).

Буни эшитган Мажнун жавонмардлик намунасини кўрсатиб, никоҳ гўшангасидан тўғри дашту биёбонга чиқиб кетади.

Қалбига илоҳий ишқдан учқун тушган кундан бошлаб Мажнуннинг манзил-макони — дашт. Даштга чиқиб кетиши — унинг ишқ оламига киришига ишора. Тасаввуфда дашт — ишқ бепоёнлигининг рамзи. Буни шоирнинг ўзи ҳам таъкидлайди: «Келди бу дашт — ишқ дашти» (9-53). Унинг охирига ҳеч ким етмаган ва ундан ҳеч ким қайтиб келмаган. Даштдан қаллашиб ётган инсон суяклари шундан далолат беради.

Мажнун — Боязид Бистомий йўлидаги ошиқ. Бу буюк тасаввуф шайхи сукра — мастилик, бехудлик йўлининг тарафдори бўлган. Унинг уқтиришича, илоҳий шароб ҳисобланмиш Оллоҳ муҳаббатидан масту мустафрақ бўлган, ўзини унуган кишигина илоҳий маърифатни ҳис қила олади. Маст бўлмаган одам — ошиқ эмас. Мумтоз адабиётда май ва мастиликнинг бу қадар авж пардада куйланишининг сабаби шунда.

Жунайд Бағдодий унга қарама-қарши саҳв — ҳушёрлик маслигини афзал билади. Чунки сукра фақат соликнинг ўзини қутқарса, саҳвдан бошқалар ҳам фойда кўради. Шунинг учун ҳам у сукрадаги одамни денгизга шўнгигиб, гарқ бўлган, саҳвга қайтганни эса уммондан гавҳар доналарини топиб чиққан кишига ўхшатади. Чунончи, Мажнуннинг ўзидан бошқага нафъи теккан эмас, Фарҳод қазган ариқ ва ҳовуздан эса нафақат Ширин, балки бутун халқ баҳраманд бўлади.

Мажнун — кўнгил одами. Мажнун йўли — кўнгил орқали Ҳақни таниш ва унга етиш йўли. Шоирнинг ўзи нақшбандия тариқатида бўлса-да, Иброҳим Адҳам, Мансур Ҳаллож, Боязид Бистомий, Робиа Адвия каби сўфийлар йўлини ҳам инкор этмайди, аксинча, уларнинг фаолиятлари ва эришган мақомларига эҳтиром билан қараб, бир қанча асарларида бу буюк инсонлар номини тилга олади, улар билан боғлиқ ривоятларни келтиради.

Мажнун гуллар билан сирлашади, ҳайвонлар билан

тиллашади. Наботот ва ҳайвонот олами унга хайрихоҳ, унинг дардини енгиллатишга ҳаракат қиласидар. Ҳусрав Салосил горида банди қилганида Фарҳоднинг ҳам худди шундай қушлар ва ҳайвонлар билан дўстлашгани, роз айтишганини кўрамиз. Ширин ўз мактубида шунга ишора қилиб: «Сен Сулаймон мақомини эгаллабсан», дейди. Ўз қаҳрамонларининг наботот ва ҳайвонот олами билан дўстлиги орқали Навоий оламнинг бир бутунлиги — ўсимликлар ҳам, инсонлар ҳам ягона Оллоҳнинг ижоди эканлиги, шундай бўлгач, улар орасида қарама-қаршилик эмас, аксинча, бирлик, уйғунлик бўлиши жөизлиги ғоясини илгари суради. Зеро, заррадан коинотга қадар ҳамма нарсада Оллоҳ у ёки бу даражада зуҳур этган. Табнатни топташ, қушлар ва ҳайвонларни қириш ҳам бу нуқтаи назарга кўра Оллоҳга қарши хатти-ҳаракатлар сирасига киради, Демак, уларни дўст тутиш керак. Барчанинг Парвардигори — ягона Оллоҳ. Ўсимликлар ҳам, қушлар ҳам ўзига хос тарзда Оллоҳнинг зикрини айтишади. Мана, Навоий қандай олижаноб ғояларни илгари суради. Шу ўринда, Баҳоуддин Нақшбанд билан боғлиқ қўйидаги ривоят диққатга сазовор: «Нақшбанд ҳазратлари оқ от миниб юрар экан. Бунинг сабабини суриштирганларида у зот: «Атрофимиздаги жонли ва жонсиз нарсаларнинг Оллоҳ шаънига айтиётган мадҳиясини от устида яхшироқ эшитаман», — деган маънода жавоб берган экан¹⁹.

Навоий маънавий гўзалликни инсоний гўзалликдан ажратиб қарамагани сингари илм билан ҳунар ҳам ўзаро омухта бўлиши тарафдори. Яъни, маънавий етук киши жисмоний жиҳатдан ҳам гўзал бўлса, бу — комил гўзаллик ҳисобланади. Шунга ўҳшаб, илмли одамнинг ҳунари ҳам бўлса, ўз навбатида, ҳунарманд ҳам илму маърифатдан боҳабар бўлса, ҳақиқий баркамоллик — шу. Инсоннинг ҳам жисмонан, ҳам маънан, ҳам илмда, ҳам ҳунарда етук бўлиши мақсадга мувофиқ эканлигини шоир Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Бадиуззамон Мирзога берган таърифида ҳам таъкидлайди: «...ҳусни сурат ва ҳусни сийрат била ороста ва жамоли зоҳирӣ ва камоли ботиний била пийроста йигиттур»²⁰. Фарҳодда айни жиҳатларнинг бари мужассам; у барча илмларни эгаллаш баробарида ҳамма ҳунарлардан ҳам хабардор,

¹⁹ Султон И. Баҳоуддин Нақшбанд абадияти. Тошкент, 1994. 42-бет.

²⁰ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 13-жилд. (Мажюлис ун-нафоис). Тошкент, 1997. 169-бет.

Мáйнавий жиҳатдан етук бўлибгина қолмай, жисмоний томсндан ҳам кучли ва гўзал, мард ва шижоатли. Халқ билан ҳамнафаслиги, ҳамиша элу юрт хизматига камарбасталиги, ўз илму ҳунарини одамларнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг фаровонлиги, баҳт-саодатини таъмин этишга сарфлаши унинг жавонмардлиги ва нақшбандия тариқатига мансублигини кўрсатади. Нақшбандия Оллоҳга этишнинг энг тўғри ва самарали воситаси сифатида худди шу йўлини тарғиб-ташвиқ этарди.

Шундай қўлиб, Алишер Навоий Фарҳод сиймосида тариқат (нақшбандия) йўли билан, Мажнун мисолида ишқ воситасида Ҳаққа этишган ошиқ солик тимсолини яратган.

Насиба БОЗОРОВА

ҚҮНГИЛ ТИМСОЛИ ВА ТАСВИР САНЪАТИ

Инсоният мавжуд экан, ҳаёт, давр ва замон ўзгариб, қайта ва қайта янгиланаверади. Бу янгиланиш кишилар онги, дунёқараши ва муносабатларига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Бироқ инсоннинг ички оламига хос аслан юксак ҳис-туйғулар ҳеч қачон ўзгармайди. Чунки, уларнинг аксарияти кўнгил оламига дахлдор. Кўнгил эса инсоннинг эрк ва ҳурлик мақоми. Унинг ўз мавжудлик тарзи, талаб ва ҳақиқатлари бор. Буни жуда чуқур англаған Шарқ шоирлари ўз асарларида доимо кўнгил ҳаётидан сўз очиб, ўқувчини кўнгил ҳақиқатларидан огоҳ этишган. Кўнгилни улуғ неъмат, инсонийлик асоси, маърифат бешиги, сирлар калити сифатида талқин қилишган. Шу сабабли кўнгил шеъриятнинг энг гўзал, энг фаол тимсолига айланган.

«Кўнгил» сўзи учрайдиган энг қадимги матн Ўрхун ёзувлари бўлиб, конгулэки, конгултэ, конглун-ча шаклларида ишлатилган ушбу калима орзу, истак, тилак маъноларини акс эттирган¹.

Уйғурча матнларда кўнгил — kongulker — тушумоқ, мuloҳаза этмоқ, тафаккур қилиш, kongullug — ақлли, фаросатли, донишманд мазмунларини ифодалаган*. Шунингдек, эски уйғурча ҳикоялардан бирида «кўнгил»

¹ Абдураҳмопов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил. Тошкент, 1982. 73, 76, 91, 112-бетлар.

* Аҳмад Жаъфар ўғли. Эски уйғур лугати. Истанбул, 1968. 115-бет.

сўз қалб, туйғулар, билимли, тилак маъноларини ўзида мўжассамлаштирган².

«Девони лугатит турк»да «кўнгил» сўзининг ҳам шакл, ҳам моҳият томонидан ўзгариб, янада бойиганинги гувоҳ бўлиш мумкин. Айни жиҳатдан kongulli, kongulges сўzlари эътиборга молик. Маҳмуд Кошгарий «Кўнгил» сўзига шундай изоҳ беради: «konyul — юрак, зийраклик, ақллилик. KonyulLyk эр ибораси шундан олиниб қўлланган, бу ақлли, зийрак одам демакдир»³. «Девони лугатит турк»да ўқиймиз:

Izimni ok арман, білкні іүгарман
Konylni тугарман эрдам уза турлунур⁴.

Яъни эгамни (худони) мақтайман, унинг ёрдами билан илмни тўплайман, кўнгилни шунга боғлайман, илму ҳунар тўплашга кўнглим берилгандир. Асарда кўнгил билан боғлиқ бир неча парчалар ҳам келтирилган ва уларда кўнгил шавқ, муҳаббат, қайфу ва фамлар ошёни эканлиги таъкидланган. Унда «Илм чўққисини эгаллаган фазилат устозлари кўнгилга ором берувчи-лар»⁵ дейилиши ҳам кўнгил тўғрисидаги қарашларнинг чуқурлашганидан далолат беради. Айни пайтда, «Девони лугатит турк»даги шеърий парчалар «кўнгил»нинг оддий сўз чегарасидан ўтиб, инсон маънавий, руҳий ҳаётининг маркази ва ўзликнинг бош асоси сифатида тимсол даражасига кўтарилганлигини тасдиқлади*.

Кўнгил калимаси форс ва араб тилларидан ўзлашган дил ҳамда умумтуркий юрак сўzlари билан ўзаро яқин маъноли бўлса-да, лекин уларга нисбатан унинг поэтик ифода майдони анча кенг. Турк олими Абдулбоқи Гулпинорли ёзади: «Кўнгул — форсча «дил», арабча «қалб» маъносини ифодаловчи сўздир. Инсоннинг маънавий борлиғига, куч-қувватига, севрининг, нафратнинг, инончнинг, яхши-ёмон — барча туйғуларнинг бутун борлиғига ва ифодасига бериладиган бир номдир»⁶. Тасав-

² Маҳмуд Ойдин. «Кўнгул» калимаси тўғрисида// Турк тили. 1999. 1-сон 105-бет.

³ Маҳмуд Кошгарий. Девони лугатит турк. III том. Тошкент, 1963. 377-бет.

⁴ Маҳмуд Кошгарий. Ўша асар. II том. Тошкент, 1961. 283-бет.

⁵ Маҳмуд Кошгарий. Ўша асар. I том. 1960. 116-бет.

⁶ Бу ҳақида қараанг: Бозорова Н. «Кўнгил» тимсоли тарихига доир// Ўзбек тили ва адабиёти. 2000. 6-сон. 29—32-бетлар.

⁶ Гулпинорли А. Тасаввуфдан тилимизга кириб келган ибора ва ҳикматли сўzlар. Истанбул, 1977. 134-бет.

Вуф ахлиниңг үүктаи наазарыда күнгилнинг шарафи қалбдан күп ортиқдир. Чунки у «қалбнинг ичидан ўрин. олган»⁷.

Маълумки, у ёки бу сўзниңг ёзма адабиётда мукаммал бир тимсол даражасига кўтарилишида, аввало, халқ оғзаки ижодининг алоҳида таъсири бўлади. Чунки ҳар қандай сўзниңг дастлабки ифодаси (гарчи у поэтик образ сифатида шаклланмаган бўлса ҳам) халқ оғзаки ижодида учрайди.

Халқ оғзаки ижоди намуналарида ҳам «кўнгил бермоқ» (севмоқ, ёқтироқ, яхши кўрмоқ) «кўнгил куйи» (хоҳиш, истак), «кўнгил олмоқ» (хурсанд қилмоқ) каби ибораларнинг кўп учраши кўнгилнинг юрак ва қалбдан кўра кенгроқ маъноларда қўлланишини кўрсатади. Қишилар турмушининг хулосаси тарзида юзага келган, халқ руҳияти, маънавий қудратини ўзида мужассам этган мақолларда халқнинг кўнгилга берган холис баҳоси аксини топган. Уларда кўнгил инсонийлик асоси сифатида талқин қилинади.

«Кўнгил пулга топилмас», «Кўнгил кирин етти дарёда ювса ҳам кетмас», «Кўнгил — тошдан қаттиқ, гулдан нозик», «Кўнгилнинг қолиши, шишанинг синиши»⁸ каби бир қатор мақолларда инсон кўнглининг юксаклиги эътироф этилса, «Кўнгил кенг бўлса, ҳужра ҳам саройдек», «Кўнгил торлиги — хорлик». сингари мақолларда эса инсон табиати кўнгилга қараб белгиланишига урғу берилади. Халқ қўшиқларида эса кўнгил кўп ҳолларда ҳис-туйғулар, ички кечинмалар маскани сифатида талқин этилади:

Келиб бир дилбари жонон, кўнгилларни олиб кетди.
Кўнгил бўстонини овлаб, юракка ўт солиб кетди.
Туташгандай ўчирмасдан, дилу жоним ёқиб кетди,
Бориб айтинг ўшал ёрга, жудоликни солиб кетди⁹.

Келтирилган парчадаги «кўнгилларни олиб кетди», «кўнгил бўстони», «юракка ўт солиб кетди», «дилу жоним ёқиб кетди» каби поэтик ифодалар ошиқнинг ҳолатини, кечинмаларини ёрқинроқ англашга ёрдам беради. Ишқ ўти кўнгилга тушса, нафақат юрак, балки жон

⁷ Мұхаммад Нурый. Мифтоҳ үл-қулуб. Истанбул, 1983. 460-бет.

⁸ Ўзбек халқ мақоллари. Икки жилдлик. 1-жилд. Тошкент, 1987. 249—250-бетлар.

⁹ Гулёр //Ўзбек халқ қўшиқлари. Тошкент, 1967. 30-бет.

ҳам ўртанди. Шунинг учун шеъриятда кўп ҳоллардә дил ва жон тенг қўлланилади. Қўшиқларда чуқур руҳий кечинмалар кўнгил ҳолатлари ва кайфиятларини ифодалаганда турли бадиий воситалар ҳам ишлатилган. Бундай бадиий тасвир воситаси орқали мазмун; оҳанг, таъсиранлик янада ортирилган.

Пиёла рангига боқсам,
Менинг рангимга ўхшайдир:
Ичидаги қора чойи
Юрак қонимга ўхшайдир¹⁰.

Пиёла ранги — лирик қаҳрамон рангига мөнанд. Бу — қаҳрамоннинг руҳий ҳолатига ишора. Пиёла ичидаги қора чой эса юрак қонига ўхшашиб. Аслида қон қизил бўлди. Аммо лирик қаҳрамоннинг дарди, изтиробларини кўрсатиш мақсадида қора чойга ўхшатилмоқда.

Халқ қўшиқларида кўнгил ва юрак сўзлари тенг қўлланилган бўлса ҳам, юрак фақат инсон танасининг аъзоси сифатида келади, кўнгил эса турли бирималар орқали кенгроқ маъноларни ифодалайди.

Хуллас, кўнгилнинг халқ оғзаки ижодидаги ифодаси унинг ёзма адабиётда поэтик тимсол сифатида қўлланишига замин яратди. Мумтоз адабиёт ва тасаввуф шеъриятида бу тимсолнинг ғоявий-бадиий имкониятлари ранг-баранг тусда намоён бўлишида Қуръони карим ва Ҳадиси шариғда битилган кўнгил тўғрисидаги ҳукмларнинг таъсири яққол сезилади.

XV асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган туркигўй шоирлар шеъриятида руҳий тасвир унсурлари пайдо бўлиб, инсон образи борган сари тўлароқ гавдалана бошлагани тадқиқотчилар томонидан қайд этилган. Бу руҳий тасвир, аввало, кўнгил ҳолатидан баҳс этиш, кўнгил ҳақиқатларига урғу бериш билан ўз ифодасини топди. Зоро, кўнгил сўзи инсоннинг маънавий фаолияти, туйғу дунёсига дахлдор тамал тушунчаларни акс эттирувчи бир асосдир. Бунинг устига, у инсон билан алоқадор энг олий туйғуларни ифодалашда ҳам тилмочлик этади. Инсоннинг эҳтирос ва истаклари оловланиб, туташадиган марказ ҳам кўнгил ҳисобланади.

Лутфий, Атоий, Гадоий шеъриятида кўнгил тимсолининг кўпроқ халқ оғзаки ижоди ва форс-тожик адабиёти таъсирида юзага келган анъанавий ташбеҳ ва сифатлари, ҳолат ва хусусиятлари ўз ифодасини топгандир.

¹⁰ Узбек халқ қўшиқлари. Тошкент, 1969. 248-бет.

Бироқ, ҳәр бир ижодкор бу тимсөлни яратында әнъаңадан ташқари ўзига хосликка ҳам эришган.

Маълумки, Лутфий ижодининг хос хусусияти унда оғзаки ижод унсурларининг күп учрашидир. Шоир бошқа ижодкорлардан фарқли равишда күнгил хусусиятларини очища ҳам ҳалқ оғзаки ижодидан кенг фойдаланиб байтлар яратади, күнгил билан боғлиқ мақол, образли ибораларни қўллади:

Дилбар соғинмағон жиҳати бу фироқ эмиш,
Кўздин йироқ бўлса, кўнгилдин йироқ эмиш.¹¹

Ёрнинг ошиқни соғинмаслиги фироқ — бир-бирини кўрмаслигидандир. Бунга эса ҳалқнинг «кўздан нари — кўнгилдан нари» мақоли далил. Айни пайтда бу байтда ҳалқдаги «кўз кўрмаса — кўнгил севмас» мақолининг ҳам мазмуни сингдирилган. Бошқа ғазалда эса шоир шундай ибора қўллади:

Кўнглимиз вайрону қошу кўзда чиндур бу масал
Ким, «Қолур масжид агар бузилса меҳроби анинг».

Кўнгил ишқдан вайрон бўлса ҳам, тан (жисм), гарчи у заифлашса ҳам, қолади. Масжидда энг муқаддас жой — меҳроб бўлганидек, инсон жисмидаги кўнгил ҳам муборак. Шунинг учун ҳам шоир масжидни — жисмга қиёс этса, меҳробни кўнгилга нисбат беради.

Кўнгил ҳақида кўп шоирлар ёзишган, бироқ Лутфийга ўхшаб кўнгилни маънавий-руҳий ҳаётининг чинакам ойнасига айлантира олган шоирлар кам учрайди.¹² Шоир ишқ туфайли сшиқлик дунёси сирларидан хабардор бўлган кўнгилнинг савдоларидан сўзлайди. Унинг ижодида:

Мени шайдо қиласурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул
Хору расво қиласурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул,—
матлаъли ғазалининг ўрни алоҳида*. Инсон ички оламининг ажиб манзараларини тасвиirlай олган шоир маз-

¹¹ Лутфий. Девон. Тошкент, 1965. 110-бет.

¹² Ҳаққулов И. «Мени шайдо қиласурғон... //Қалб кўзи, 1998, 8 июль.

* Лутфийнинг С. Эркинов нашрга таъблаган девонида 1 та «бу кўнгулдур, бу кўнгул» радифли газали мавжуд. Туркий шерьриятда илк девон тартиб берган X. Хоразмий девонида 4 та, Атоийда 2 та, Гадоийда эса 5 та кўнгул радифли газал учраса, Алишер Навоийнинг биргина «Бадоеъ ул-бидоя» девонида 10 та кўнгул радифли газал мавжуд.

кур ғазалда «Бу кўнгулдур, бу кўнгул» лафзини қайта-қайта тақрорлайди. Кўнгилга алоҳида урғу бериб, унга гоявий-бадиий вазифа юклайди.

Мумтоз асарларни, айниқса, ғазалларни ўқиши—кўнгил дунёсига саёҳат қилиш шоирнинг ички овозини тинглаш ва унга маҳрамлик қилиш демак. Шунинг учун ҳам шеърда шоир назарда тутган мазмуннинг қай тарзда юзага чиқишида ифодадаги маъно ва шаклнинг мутаносиблиги, қолаверса, сўздаги оҳанг, тасвир ва тимсолнинг уйғулиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Баъзан шакл мазмуннинг ички мундарижасини очишда муҳим ўрин тутади.

Ғазал мазмунини ифодалашда қофия, хусусан радифнинг кучли таъсир этишини таъкидлаб, профессор А. Ҳайитметов радифнинг оддий поэтика элементи ўрнида оҳангдошлиқ, ташқи безак вазифасинигина ўтамаслигини, у ғазалнинг бутун композициясини белгиловчи асосий стержен ўрнида келишини айтади ва «Бундай ғазалларда ҳамма гап шу радифга боғланган, тема ҳам, бадиий тасвир ҳам шу радиф атрофида айланади. Агар бундай ғазалдан радиф чиқариб ташланса, ғазал ўзининг гоявий-бадиий қимматини йўқотади. Чунки бундай ғазалда шоир бутун юкни шу радиф устига ортган бўлади»¹³, — дейди.

Юқоридаги ғазалда ҳам Лутфий барча юкни «бу кўнгулдур, бу кўнгул» радифига ортади. Бу билан инсоннинг шайдолик, дарёлик — барча сифати кўнгил туфайли юзага келишига ишорат этади.

Лутфийнинг мазкур ғазалидан таъсирланиб, кўнгул радифли бир неча ғазаллар яратган шоирлардан бири Гадоийдир. Э. Рустамов Гадоийнинг кўнгул радифли ғазаллари Лутфий ғазаллари таъсирида ёзилганини қайд этади¹⁴. Гадоий ҳам кўнгулнинг анъанавий ташбеҳ ва сифатлари асосида гўзал байтлар яратади. Бошқа шоирлардан фарқли равишда кўнгилга қуръоний оят, ҳадис, арабий ибораларни далил этиш билан насиҳат қиласиди:

Эй кўнгул, кеч жондину дилбар йўлинда бўл фано
Ошиқи содиқ эсанг, «ҳозо сиротун мустақим»¹⁵.

Жондан кечиб, ёр учун фано бўлишга унdagан шоир ўз фикрининг далили учун Қуръони каримнинг (3:51;

¹³ Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. Тошкент, 1961. 99-бет.

¹⁴ Бу ҳақида қаранг: Рустамов Э. Узбекская поэзия в первой половине XV века. М., 1963. С. 137.

¹⁵ Гадоий. Девон. Тошкент, 1973. 97-бет.

19:36; 43:64) оятини («энг тўғри йўл») иқтибос этади. Кўнғилга «ошиқи содиқ»ликнинг сирини ўргатади.

XV асрнинг биринчи ярми ўзбек адабиёти тараққиётiga муҳим ҳисса қўшган яна бир шоир Шайхзода Атоийдир. Атоий ғазалиётида ошиқона кайфиятлар, ошиқ қалбининг бениҳоя рангин изтироблари изчиллик билан ёритилган¹⁶. С. Рафиддинов Атоий ижодида бадий ғояни ифодаловчи, ҳам мажозий, ҳам тасаввуфий маъно ташувчи поэтик образлар қаторида кўнғилни ҳам санаб ўтади¹⁷.

Кўнғил тимсоли Лутфий ва Гадоий ижодидан кўра Атоий шеъриятида кенгроқ ва чуқурроқ мазмун ифодалаб келади. Унинг ижодида кўпинча кўнғил тимсолининг ирфоний мазмуни биринчи ўринга чиқади. Бундай ғазалларда оҳанг, сўз ва ташбеҳлар янгила маъно касб этиб келади:

Эй ҳусни ноз, шева майдин мудом маст,
Лаълинг хаёли бирла кўнгул бўлди майпараст¹⁸.

Байтда қўлланган «ҳусни ноз», «шева майи», «лаъл», «майпараст» — поэтик тимсол, ирфоний рамзлар. Ҳусни ноз — Худога хос камолотлар йиғиндиси. Шева — кичик илоҳий жазава. Лаъл — маърифат ва маърифат сирини англаш. Мастлик — маъшуқа жамолини кўришга юз бурмак. Майпараст — илоҳий ишқ соҳиби. Яъни ҳусну ноз — Ҳақнинг заррадек жазбасидан сархуш бўлган кўнғил Ёрнииг чексиз маъфатидан илоҳий ишқ соҳиби даражасига этади. Ҳақ маърифатининг илоҳий сири уни майпараст мақомига кўтаради. Майпараст бўлган бундай кўнғил эса ишқда боқийлик топган, ўз тириклигини англаган комил кўнғилдир. Бу кўнғил Оллоҳ ёди билан тўлиқ. У ўзга нарсага ҳожати қолмаган, ғанилик марта-басига эришгандир.

Тўққиз айвони фалактин бўлди мустағни кўнгул,
То эшикта итларинг бирла бўлубтур манзилим¹⁹.

Мумтоз шеъриятда ит — содиқлик, вафо тимсолини ифодалайди. Ёр эшигида содиқлар қатори манзил тут-

¹⁶ Ҳаққулов И. Шеърият-руҳий муносабат. Тошкент, 1990. 56-бет.

¹⁷ Қаранг: Рафиддинов. С. Мажоз ва ҳақиқат. Тошкент, 1995. 78-бет.

¹⁸ Девони Шайхзода Атоий. Тошкент, 1991. 42-бет.

¹⁹ Ўша асар. 144-бет.

ган күнгил эса ўзини «түккіз айвони фалактин»да мустағни — бой ҳисоблайди. Чунки тасаввуфий маңнода әшик — құдсият макони. Үнда содиқлар қатори манзил этган күнгил илохий файздан баҳраманд бұлиб, ұзға нарсага муҳтож бўлмайди. «Күнгил йўлида хоки роҳ бўл» деган шоир васл муродига шу тариқа етишни тъкидлаб:

Васл истасанг кўнгул йўлида хоки роҳ бўл,
Ким, аҳли диллар анда топибдур муродини,²⁰ —

дейди.

Зеро, тасаввуфда ҳам тангрини билишнинг бирламчи воситаси кўнгил деб эътироф этилади. Ақл эса далил-исботга асослангани учун тангрини билишга ожиз. Имом Фаззолий: «Ақл баъзан ўзидан илмларни идрок этган нарса мақсадида зикр этилади. У вақт қалбнинг ўзи демакдир,²¹ — деб ёзади. Тасаввуфга досир масалаларда ҳам ғайб илми ҳиссий-важдий тафаккур билан қалбга тушган каромат нури орқали англаб этилиши қайд этилади. Бироқ ҳамма кўнгил ҳам илми ладунийни англашга қодир эмас. Шунинг учун Атоий кўнглида жаҳоннинг сир ва ҳикматлари ҳаёт топган «аҳли диллар»нигина мурод топганлар дейди. Аҳли тасаввуфга кўра «кўнгил аҳли» — ҳақиқатга етганлар, кўнгилларида доимо бирлик ва бирлик завқи мавжуд бўлган зотлардир. Буларга форсийда «аҳли дил» дейилган. Халқ орасида «аҳли дил» ҳар нарсани хуш кўрадиган, таассубдан халос бўлган кишилардир.²² Шоир лирик қаҳрамони кўнгилни уларнинг даргоҳига етиб, файзидан баҳра олишга чақиради:

Эй кўнгул, тутқил ўшал соҳибназарлар миллатин,
Кўзга илмаслар фароғатдин Сулаймон мулкатин.

«Соҳибназарлар» ишқдан топган фароғатидан «Сулаймон мулкатин» ҳам назарга илмайди. Чунки уларнинг кўнгли абадийлик ошиёни, ишқ билан ҳамнафас.

Умуман, Атоий кўнгилни илохий ва заминий ишқ маскани сифатида эътироф этади. Кўнгилнинг юксаклигидан, илохий файзидан сўз очади ва кўнгил ҳукмига қулоқ тутишга, унга эш бўлиб яшашга чорлайди.

Демак, кўнгил поэтик образ сифатида халқ оғзаки

²⁰ Ўша асар. 222-бет.

²¹ Газзолий. Ихёи улумид-дин. Истанбул, 1993. 11-бет.

²² Абдулбоқи Гулпинорли. Кўрсатилган асар. 134-бет.

ижодидан бошлаб илк туркий ёзма адабиётда, кейинчалик Лутфий, Гадоий, Атоий ижодида анча етакчи ўрин тутган. Тасаввух шеъриятининг эса бош тимсолларидан бири бўлган. Хўш, бу тимсол ғазал мулкининг сultonи Мир Алишер Навоий ижодида қандай ифодаланади?

Маълумки, мумтоз шеъриятимиз Алишер Навоий ижодиёти орқали ғоявий томондан ҳам, бадиийлик жиҳатидан ҳам энг юксак босқичга кўтарилигган эди. Навоий шеъриятида фақат мавзуу ва туйғулар олами эмас, оҳанг, тасвир, тимсол, мажоз дунёси ҳам бойиб, ўзгариб, мисли кўрилмаган даражада янгилangan ган эди. Бу ҳақиқат биргина кўнгил тимсоли мисолида ҳам ўзининг тўлиқ исботини топиши мумкин. Кўнгил истилоҳ ва образ сифатида Алишер Навоий шеърларида жуда кўп қўлланилган калималардан бири. Навоийшунос олим Ё. Исҳоқов худди сабога ўхшаб кўнгилга мурожаат қилиш Шарқ лирикасида анъанага айланиб қолган бир усул бўлиб, кўнгил «севгининг асосий сабабчиси сифатида талқин»²³ қилинишини қайд этган. Демак, Навоий ижодининг илк босқичларидан бошлабоқ бу усулдан мөҳирлик билан фойдаланган. Бундан ташқари, Шарқ шоирлари қалб ва кўнгилни инсон маънавий ҳаётининг бош маркази ва маҳзани деб билишган. Кўнгилни поклаш ва уни ишқ, гўзаллик ойнасига тенглаштириш камолот йўлидаги асосий вазифалардан ҳисобланган. Чунки ошиқлик, орифлик, комиллик — буларнинг барчасининг истиқболи кўнгилга боғлиқdir. Зоро, Оллоҳ вужуддаги қалбдан бошқа бирор аъзога маърифат мушоҳадасига берилмоқ, ғайбий сирларни кашф этмоқ салоҳиятини насиб этмаган*.

Алишер Навоийнинг эътирофи бўйича оламни яратишдан мақсад одам бўлса, одамдан мақсад эса кўнгил эди:

²³ И с ҳ о қ о в . Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. Тошкент, 1965. 76-бет.

* И мом Ғаззолий «Иҳё»да ёзади: «Қалб подпоҳ ҳукмидадир: Аъзолар ва сезгишарниң қалбга бўйсуниши бир ёқдан малакларнинг Оллоҳга (ташибиҳда хато бўлмасин) итоат этип-ларига ўхшар. Чунки малаклар итоат этмоқ учун яратилганлар, Оллоҳга муҳолифат этип кучига соҳиб эмасдирлар ва буюрилганини бажаарлар. Қалб Оллоҳга етиш учун яратилган. Чунончи, Оллоҳ Таоло «Мен инсонларни ва жинларни фақат мени танишлари учун яратдим» (Зориёт. 56), — демиш. (И мом Ғаззолий. Иҳё улумиддин. 4-жилд. Истанбул, 1993. 14-бет.).

Эрмас эди онда ғараз ҳеч гул,
Гайри күнгүлким, ғараз эрди күнгүл.²⁴

Инсон күнгли — билимлар хазинаси. Бу хазинада Ҳақ ўзини пинҳон этган. Икки дунё саодати күнгилда мужассам. Қимки бу хазинага соҳиб бўлса, шубҳасиз, ўзлигига етади. Бироқ:

Даҳр иши олудалиқдур, эй хушо ул покрав
Ким ўтар жийфага күнглини мойил қилмайин.²⁵

Яъни алдоқчи дунё иши тубанлик, кимки покликни истаса, бу «жийфа» — ўлимтикка күнглини мойил этмаслиги лозим.

Шоирнинг биргина «Бадоеъ ул-бидоя» девонида күнгул радифли ўнта ғазал ўрин олган. Бундан ташқари, девонда ақл, жон, ёр, зулф, қош, кўз, висол, борлиқ, Оллоҳ ва күнгил муносабати акс этган юзлаб байтлар учрайди. Уларда Ҳақ таолонинг тенгсиз хазинаси, назаргоҳи ҳисобланган маърифатга тўла ориф күнгли, ишқ шиддатидан масту бехуд, паришон, жунун сифатига соҳиб ошиқ күнглининг ҳолатлари ўз ифодасини топган. Алишер Навоий күнгилни анъанавий тарзда гоҳ Қаъбага, гоҳ қушга, гоҳ ғунча, гоҳ денгизга ўҳшатади. Унга ишончли дўст сифатида мурожаат қиласади. Бироқ бу анъанавийлик замирида шоирнинг күнгил тўғрисидаги ўзига хос қарашлари, бадиий талқинлари юзага чиқади. Шоир күнгилни «лаҳми пораи санубари» (гўшт парчаси — Н. Б.) деб эмас «бадан мулкининг сultonи, маърифат боғидан ваҳдат раёхинининг эсган насими, руҳоният гулистонидин ошнолиғ гулларининг шамими»²⁶ деб билган. Шунга кўра ғазалларда күнгилнинг турли ҳол, сифат ва суратлари гўзал тарзда тасвирлаб берилган.

Айрим адабиётшунослар Навоий лирикасини «тинч оқар дарёга», Фузулий лирикасини эса тошқинли «тез оқадиган сойга» қиёслашларига муносабат билдириб, профессор А. Ҳайитметов шундай дейди: «Бизнинг назаримизда Навоий лирикасига бундай баҳо бериш унинг лирикасининг эмоционал кучига тўғри баҳо бермаслик, уни камситиш деган гапдир. Навоийнинг лоақал кўз ёки

²⁴ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 7-жилд (Ҳайрат ул-аббор). Тошкент, 1991. 72-бет.

²⁵ Алишер Навоий. МАТ. 1-жилд (Бадоеъ ул-бидоя). Тошкент, 1987. 129-бет.

²⁶ Алишер Навоий. МАТ. 14-жилд. (Маҳбуб ул-қулуб) Тошкент, 1998. 92-бет.

күнгил билан боғланган тасвириларининг ўзиёқ улардаги зўр ҳиссиёт, туғён, ўйноқилик, кутилмаган янги ўхшатиш ва таққослашлар бу фикрни рад этади. Бундай ўринларда Навсий қалб ҳаракати тасвириларинг энг юксак чўққисига кўтарилади»²⁷.

Дарҳақиқат, қалб кечинмалари, дард ва туйғулари, ҳаракат ва манзараларини тасвирилашда Навоий ниҳоятда юқори натижаларга эришган эди. Бу ҳақиқат кейинги тадқиқотларда ҳам маълум бир исботини топгандир.²⁸

Илмда таъкидланганидек, шеърий образда шоирнинг асосий муддаоси яширинган ёки сир сақланган бўлади. Чунки поэтик образ шоирнинг фикридан кўра, нотинч руҳи, дардли қалбига мансуб.²⁹ Шундай экан, уни тўғри талқин қилиш шеърда назарда тутилган асосий ҳақиқатни англаш имконини беради. Шу маънода айрим байтларга мурожаат этайлик:

Эй харобот аҳли, соқий орази акси учун
Соф қилмоғлиғ била май кўзгусин сайдал қилинг.

Байтдаги «харобот аҳли», «соқий», «май кўзгуси» — шеърий тимсол. Шоир илгари сурган фикрни билиш учун эса бу тимсолларнинг моҳиятига эътибор қилиш лозим. Харобот аҳли — тасаввуфий маънода маърифат аҳли ва ирфон зуҳур этган кишилар. Соқий — файзи мутлақ, бутун файз ва севгининг қайноғи бўлган Ҳақ.³⁰ Май кўзгуси — кўнгил. Демак, байтда ифодаланганидек «май кўзгуси» — кўнгил пок бўлсагина унда «Соқий орази» — Ҳақ жилваси намоён бўлади. Зоро, тасаввуфнинг туб моҳияти ҳам ПОКЛИК орқали кўнгилнинг илоҳий кенглик касб этишидадир.

Шонр айни шундай фикрни бошқа бир байтда қуидагича ифодалайди:

Бўл сафо аҳлиға ҳамдам, ёр васлин истасанг,
Аксини солғайму соқий бўлмағунча бода соф?

Сафо аҳли — аҳли дил. Ёр — Ҳусни мутлақ. Ёр васлин истаган «сафо аҳлиға ҳамдам» бўлиши шарт. Ик-

²⁷ Ҳайтметов А. Навоий лирикаси. Ташкент, 1961. 219-бет.

²⁸ Қаранг: Салоҳутдинова Д. «Бадоеъ ул-бидоя» девони ва бадиий санъаткорлик масалалари. НД. Самарқанд 1993. 88—104-бетлар.

²⁹ Ҳақ қулов И. Тасаввуф ва шеърият. Тошкент, 1991, 137-бет.

³⁰ Улудог С. Тасаввуф терминлари лугати. Истанбул, 1995. 224—450-бетлар.

кинчи мисрани ҳам зоҳирий, ҳам ботиний мазмунда изоҳлаш мумкин. Яъни май тиниқ бўлмаса, соқий орази намоён бўлармиди? Ёки кўнгил тоза бўлмаса, Ҳақ акси намоён бўлармиди? Байтдаги «соқий» — Ҳақ рамзи, «бода» эса кўнгил маъносида келган.

Алишер Навоий ғазалларида кўнгил шаҳар, мамлакат, уй, кишвар, хароба, вайронга, майхонага ўхшатилган байтлар жуда кўп. Бу ташбиҳлар ичидаги кўнгилнинг Каъбага қиёс этилиши мазмун-моҳиятига кўра айниқса эътиборлидир. Шоир лирик қаҳрамони бир ғазалда кўнглини Каъбага ўхшатиб:

Қаъбадур кўнглум уйи, айланг тавоф, эй дарду ишқ,
Анда меҳроб ўрнига ер тутқали ул эгма қош, —

дека ушшиқ хайлини уни тавоғ айлашга чорлайди. Байтдаги кўнгил — Каъба тимсолига ҳам зоҳирий, ҳам ботиний мазмун мужассамлаштирилган. Бунда кўнгил Ҳақ Таолонинг назаргоҳи ва сайдроҳи. Еру кўклирга сифмаган Ҳусни мутлақ ошиқ кўнглидан ўрин топа олур, деган моҳият мавжуддир.

Яссавия тариқатининг давомчиси ва тариқат асосчиси аллома Хожа Бектоши Валий «Оламда Байтул Маъмур бор, Каъба ҳам бор. Бироқ кўнгил икковидан ҳам қимматлидир. Чунки Байтул Маъмур Каррубия номи берилган (буюк малаклар тавоғ этадиган байти шариф) кўкдадир. Каррубийлар (буюк малаклар) тавоғ қиладилар. Аммо кўнгил Подшоҳи Олам Тангри назаргоҳидир»³¹, — деб ёзди.

Дарҳақиқат, тасаввуф аҳли наздида «Олами кубро» бўлган кўнгил шу қадар юксак мақомдадир. Бир эрандан: «Кўнгил улуғми ёки Каъба?» — деб сўраганларида у: «Кўнгил улуғdir, зероки, Ҳақ кўнгилда қарор топгандир»³², — деган экан. Шунинг учун ҳам мутасавиф шоирлар Каъбага муқобил равишда иккинчи бир Каъба ҳақида ҳам сўз юритишган. Бу хусусда Абдулла Анзорий бир рубоийсида шундай дейди:

Ҳақ йўлида икки Каъба бўлмиш ҳосил
Бир — Каъбайи суврат эса, бир — Каъбайи дил.
Сен сайла ва дилларни зиёрат айла,
Минг Каъбадин ортиқроқ эмишдир бир дил.³³

³¹ Хожа Бектоши Валий. Мақолот. Тошкент, 2000. 39-бет.

³² Мустафо Татчи. Юнес Эмро девони. Истанбул, 1990. 241-бет.

³³ 333 рубоий (Форсийдан Ж. Камол таржимаси). Тошкент, 1991. 24-бет.

Башарият маънавий сирларининг хазинаси бўлган кўнгилнинг қадри ана шу даражада юқори. Шунинг учун у муқаддас ва муборак Ҳарамдан-да устун. Зеро, бироннинг кўнглига озор етказиш Каъбани вайрон этишга уринишдан ҳам ёмондир. Навоийнинг лирик қаҳрамони кўнглини Каъба деб атар экан, ана шу ҳақиқатларни ҳам эътиборга олган.

Бошқа бир фазалда эса шоир Каъбанинг тазоди ўла-роқ кўнгилни бутхонага қиёс этади:

Оразингнинг нақшидин бутхонадур кўнглум уйи
Ишқ бўлмиш барҳаман ичинда ул бутхонанинг.

Ошиқнинг кўнгли — бутлар йигилган уй. Бу «бутхона»да ишқ — «барҳаман». Маълумки, бутхона — бутпастлар ибодатхонаси, барҳаман эса оташпастлар ибодатхонасининг руҳоний сардори. Аммо бу байтда бутхона — ваҳдати кулл — лоҳутий олам, барҳаман эса раҳнамо, йўлбошли маъносини ифодалаган. Бу билан шоир ишқ «Бутхона» — яъни кўнгилга раҳнамо бўлгач, у ғайбий олам асроридан нақш олишига ишора этмоқда.

Алишер Навоий туркий шеъриятда илк бора Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларида учрайдиган кўнгил парвози, илоҳий сайр ҳақидаги фикрларни ривожлантириди. Бу орқали шахснинг маънавий-руҳоний ҳурлигига эътиборни қаратди. «Бадоеъ ул-бидоя» девонида ошиқ кўнгли қушга ниебат берилган қатор байтлар учрайди:

Десанг кўнглум қуши айлаб ҳаво чеккай навоий
ишқ,
Хадангингнинг парин айлаб қанот, пайконни
минқор эт.

Ошиқ кўнгли бир ҳолда қарор топмайди. У ҳар турли иллатлардан софлангандан сўнг бир макондан бошқа бир маконга учган қуш каби модда оламидан маъно оламига йўл олади. Бу ҳол унинг руҳига кучли таъсир ўtkазади ва кўнгил қанча юқориласа, у ҳам шунча юқсалади. Энди у анқодин ҳам «нори юз водий» ўтишини кўзлайди:

Тилар кўнглум қуши анқодин ўтғай нори юз водий,
Мунунгдек сайр этарга Қофдин ортиқ саботим бор.

Бу икки мисрада фано водийсига сайр эътиборда тутилган. Кўнгил қушининг фано аҳлидек анқодин ҳам

«Нори юз водий» ўтишига саботи етарли, — дейди шоир. Чунки тасаввуф таълимотига кўра, Парвардигор аввал жабарут (буюклиқ) оламини, кейин малакут (фаришталар) оламини, кейин инсон вужудини яратган. Қўнгил (руҳ) оламларни сайр этиб, инсонга нузул этади ва ана шу оламлар бўйлаб уруж этади (кўтарилади).³⁴

Гар етар ағёрдин юз минг жароҳат, эй қўнгул,
Чунки эрур ер учун бор айшу роҳат, эй қўнгул, —

дэя қўнгилни шахслантирган шоир у билан ўзига хос мулоқот — сұхбат қуради. Мумтоз шеъриятнинг анъана-вий усули — ёр — ағёр — ошиқ муносабати асосида юза-га келган бу байтда жабру ситам табиий равишда ошиқ қўнгилга қаратилган. Байтда қўнгил ошиқ тимсолини ифода этган. Умуман, қўнгилга шахс мақоми берилганда у ошиқ, ориф, ишончли дўст, лирик қаҳрамонга раҳ-намолик қилувчи инсон сифатида гавдаланади. Қўнгил-га бундай юксак мақомнинг берилиши, унинг поклик мазҳари эканлигидир.

Шундай қилиб, Навоий шеъриятида қўнгил тимсолининг ўрни, маъно ва мундарижаси, ҳиссий-эмоционал таъсир шаклларини тадқиқ этиш, биринчидан, улуғ шоир шеъриятининг ботиний хусусиятлари ва сир-асрорларини очишга хизмат қиласа, иккинчидан, Навоий-нинг санъаткорлик маҳоратини янада кенг ва чуқур ёритишига яқиндан ёрдам беради. Зоро, қўнгил тимсоли тасвиirlаридан улуғ шоирнинг инсон қалб кечинмалари, дард ва изтиробларини қанчалик мукаммал ҳис қилганини билишимиз мумкин.

Нодир РАМАЗОНОВ

«НАСОЙИМ»НИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИГА ДОИР

Алишер Навоий 901/1496 йилда ўзбек насли ва тасаввуф адабиётининг мумтоз намунаси бўлмиш «Насо-йим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват» («Улуғлик хушбўйликларини таратувчи севги шаббодалари») асарини яратди. Унинг яратилиш тарихи ҳақида Навоий шундай дейди: «Доим ошуфта хотирға келур эрди ва паришон хаёлға эврилур эрдиким, ул китоб (яъни «На-фаҳот ул-унс» — Н. Р.) алфози форсийдур, арабийга

³⁴ Комилов Н. Тасаввуф. Иккипчи китоб. Тошкент, 1999. 6-бет.

пайваста вә ибороти ишбөрт ахли тилига вобаста. Ва ул тиллар вуқуфидин баҳраварлар ва ул ибороту ишоратдин бохабарлар андин ўз қобилиялари хўрдийда ва иштиголлари муқобаласида нафъ топарлар ва файз элтурлар. Аммо турк улусидин баъзи-ки, кўнгил сидқу сафосига баҳраманд туурлар ва бу кимёасар сўзлар таассуриға Тенгри иноятидин аржуманд, ул алфозга вуқуф қиллатидин (озлигидан — Н. Р.) ул файзлардин маҳрум ва бу ҳақбўйикнинг дақоиқи аларға номаълум. Бу ҳақир, агар саъӣ қилсан, бу китобни турк тилига таржима қила олғаймумен ва ул дақоиқу мушкилотини равшанроқ алфозда, очуғроқ адo била ўткара олғаймумен, деб мутааммил эрдим. Ва не бу хаёлу муддаодин ўзумни ўткара олур эрдим ва не ишнинг азимлиги ва душворлиғи жиҳатидин шурӯъ қила олур эрдим. То тарих тўққуз юз бирда-ки, ул тарихдин (яъни «Нафаҳот» ёзилган вақтдан — Н. Р.) йигирма йил ўтиб эрди, Тенгри таоло тавфиқи била бу улуғ ишга илик урдум ва бу азим амрга қалам сурдум»¹.

Абдураҳмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ил-қудс» асари 1476—1478 йилларда яратилган бўлиб, «Кириш» қисмида Жомий асарни Навоий даъвати билан ёзганлигини таъкидлаб ўтган. Ушбу ҳолга қўра, гарчанд, «Нафаҳот ул-унс» Жомий томонидан яратилган бўлса-да, шундай асар ёзиш зарурати ҳақидаги ўй Навоий кўнглида анчадан бери мавжуд бўлган, дейиш мумкин. 1476 йил Навоий таржима ҳолида Жомий раҳнамолиги остида нақшбандия тариқати билан жиддий қизиқа бошлаган йил сифатида қайд этилади².

Гарчанд, Навоий «ушбу китобни таржима йўсини ила бунёд эттим» деган бўлса-да, «Насойим ул-муҳаббат»ни яратишда муаллиф ижодий ёндашади, ўз олдига муайян масалалар қўяди ва уларга ўзига хос ечим тоғади. Бу ҳолат «Нафаҳот ул-унс» ва «Насойим ул-муҳаббат» асарларининг таркиби ва структурасида, айниқса, яққол кўзга ташланади.

¹ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват. Нашрға тайёрловчи К. Эраслон. Анҷара, 1996. 2-бет. Ушбу нашр асарнинг биззагача етиб келган энг қадимий ва муаллиф тириклик даврида кўчирилган қўллётма нусхаси асосида амалга оширилганлиги сабабли иқтибослар ушбу нашрдан олинди — Н.Р.

² Қаранг: Бертельс Е. Э. Навои и Джами. Избр. Труды. Том 4. М., 1965. С. 118. Ушбу асарда 1476 йил Навоий томонидан нақшбандияни расман қабул қилиб, сўфийлик йўлига кирган сана, деб ҳам кўрсатилган. 142-бет; Бу масалада яна қаранг: Три минг эм Дж. С. Суфийские ордены в исламе. М., 1989. С. 84.

«Нафаҳот ул-унс» жанр ва ёсосий мөхиятига кўра, тазкира бўлса-да, Жомий асарининг муқаддима қисмини кенгайтириб, тасаввуфнинг долзарб муаммоларига бағишланган мустақил «рисола» даражасига етказади. Ундан валоят ва валий; маърифат, ориф, мутаариф ва жоҳил; сўфий, маломатий, фақир ва улар ўртасидаги фарқлар; мажзуб зоҳид, ходим; тавҳид, мартаба ва арбоблар; имон тавҳиди, илм тавҳиди, расмий тавҳид ва ҳол тавҳиди; мўъжиза ва каромат ўртасидаги фарқ; авлиёлар караматларининг исботи; караматлар ва ғайри-табии одатлар баёни каби тасаввуфнинг муҳим масалалари ўрин олган бўлиб, улар анча мураккаб тушунча ва истилоҳлар воситасида ёритилган. Жомий бунда Али ибн Усмон Ҳужвирийнинг «Қашф ул-маҳжуб ли арбоб ил-қулуб» асарига эргашади. Навоий эса муқаддимани мутлақо ўзгача тузади, яъни «Нафаҳот ул-унс»нинг муқаддима қисми таржима қилинмаган ва «Насойим»га киритилмаган.

Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» асаридан 616 шайхнинг таржимаи ҳоли ўрин олган. Навоий Жомий асаридаги 60 таржимаи ҳолни қисқартиради. Бироқ «Нафаҳот»да тилга олинмаган 214 шайх ҳаёти ҳақидаги маълумотларни қўшиб, «Насойим»да зикр этилган шайхлар сонини 770 га етказади. Улардан 35 таси аёл авлиёлардир.

«Насойим ул-муҳаббат» бизгача кўпгина нодир қўл-ёзма нусхаларда етиб келган бўлиб, асарни ўрганиш ва тадқиқ этиш ушбу нусхаларни илмий тавсифлашдан бошланганлиги маълум³.

«Насойим ул-муҳаббат» мусулмон агиографик адабиётининг тазкира жанрига мансуб тасаввуф шайхлари ҳақида маълумот берувчи ўзбек тилидаги илк асарларданdir⁴.

³ «Насойим»нинг қўл-ёзма нусхалари ва ўрганилиш тарихи ҳақида қараанг: Рамазонов Н. «Насойим ул-муҳаббат» ва унинг манбалари// УТА. 2001 йил, 1-сон, 14—19-бетлар.

⁴ Асар жанрини «маноқиб», «мақомот» деб белгилаш ҳоллари ҳам мавжуд. Бир қарашда ушбу фикр исботига Навоийнинг «... бу мажмуаки, мунинг жамъидин мақсад бу тоифанинг маърифатининг зикри ва маноқибининг напридур» (256-бет) каби ўз сўзлари ҳам далолат қилаётгандайд. Бироқ, бизнингча, «Насойим»ни маноқиб ёки мақомот деб қараш мақсаддага мувофиқ эмас. Чунки маноқиб жаҳридаги асарларда шайхларнинг кўпроқ манқабавий-руҳоний ҳаётларига эътибор қаратилади. Уларда тарихий макон ва замон тушунчалари мавҳум бўлиб, тарихийлик нуқтаи назаридан номувофиқлик ҳам кузатилади. Маноқибларда бошқа-бошқа замон ва маконда яшаган кишилар учрашиб қолиши, биргалик-

Асар «Кириш», «Мұқаддима», «Асосий қисм», ва «Хотима»дан ташкил топған. «Кириш»да Навоий анъанавий ҳамд ва наұтдан сұнг 881/1476 йилда Абдурағмон Жомий ҳузурида «Нафақот ул-унс мин ҳазарот ил-қудс» асарининг жамъ ва тартибиға боис бўлганлигини ёзди. Уша вақтдаёқ ушбу асарни ўзбек тилига таржима қилиш иштиёқи кўнглида бўлганлигини, аммо бу ишни факат орадан 20 йил ўтиб амалга оширишга эришганлигини айтиб, ўз асарида амал қилган беш тамойилни кўрсатиб ўтади. Улар қуйидагилардир:

1. «Ҳазрати Шайх Фаридиддин Аттор битган «Тазкират ул-авлиё»дин баъзи кибори машойихким, «Нафақот ул-унс»га дохил бўлмайдурлар эрди, ҳар қайсанни муносиб маҳалда дохил қилдим»⁵.

Навоий ўз тазкирасини Жомий томонидан тушириб қолдирилган Аттор тазкирасида мавжуд бўлган 19 шайх ҳақидаги маълумотлар билан тўлдиради ва асарнинг асосий қисмини Увайс Қараний зикридан бошлади. Натижада «Нафақот»да биринчи бўлиб зикр этилган Абу Ҳошим Сўфий «Насойим»да саккизинчи ўринда келган.

2. «Ва турк машойхи зикри ҳам озроқ эрди, ани даги Ҳазрати Шайх ул-машойих Ҳожа Аҳмад Яссавий (раҳимаҳуллоҳ)дин бу замонгача, улча мумкин бор ти-лаб топиб, зикрларин ва баъзи ҳолоту сўзларин ўз маҳалида дарж қилдим»⁶.

Аҳмад Яссавий ва унинг издошлари ҳақидаги маълумотлар тасаввуфий адабиётда жуда кам учрайди. Навоий ушбу камчиликни тўлдириш учун ўз даврида мавжуд манбалар ва оғзаки ривоятлар асосида туркий машойихлар ҳақидаги маълумотларни бир жойга жамлайди, тартибиға солиб, маълум изчилликда уларнинг ҳёти ва кароматларини баён қиласди. «Насойим ул-муҳаббат»

да қандайдир ишларни амалга ошириши мумкин ва бунда асосий эътибор уларнинг замондошлиги ёки замондош бўлмаганлигига эмас, балки улар таълимоти, фалсафий-тасаввуфий қарашларининг ўзаро яқинлигига қаратилади. Гарчанд, тазкираларда шайх ва авлиёларнинг манқабавий ҳётига ҳам эътибор берилсада, уларда тарихийлик тамойили устун, тавсифланаётган кишининг тарихий ҳёти (қачон, қаерда туғилганлиги, кимнинг шогирди эканлиги, тасаввуфнинг қайси оқимига мансублиги, қаерда, қачон вафот этганлиги ва ҳ. к.) ҳақида маълумот берилади. Маноқиблар тасаввуфий адабиётнинг бир қисми бўлиб, ундаги асосий руҳ ибрат намунаси бўлмиш муршиднинг маънавий қиёфасини яратишга ва бу билан муршидда боғланиш ҳиссини ҳосил қилишга қаратилган бўлади. Тазкиралар эса илмий адабиётлар сирасига киради.

⁵ Насойим. 2-бет.

⁶ Уша жойда.

дан ўрин олган ушбу маълумотлар яссавия тариқати шайхлари ҳақида ўзбек тилидаги дастлабки ёзма маълумотларданdir.

3. «Ва Ҳинд машойихи шарҳики, оз мазкур эрди, то мумкин бор тилаб топиб, Ҳазрати Қутб ул-авлиё Шайх Фарид Шакарғанждин сўнгги машойихгача илҳоқ қилдим»⁷.

Навоий «Нафаҳот ул-унс»да жуда қисқа берилган Ҳинdistон тасаввуфи вакиллари ҳақида маълумотларни кенгайтириб, «Насойим ул-муҳабbat»да 40 дан ортиқ ҳинд машойихини зикр этади.

4. «Ва Ҳазрати Махдумий... нураннинг оти ва мусиру мусоҳиб машойих... зикри дағиким, ул мутабаррик китобда йўқ эрди, мунда қўштум».

Абдураҳмон Жомий ўз замондошларидан фақат Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳрор (1404—1490)нигина зикр этади. Навоий эса Абдураҳмон Жомий ва у киши билан ҳамсуҳбат бўлган Шайх Озарий, Мавлоно Лутфий, Мавлоно Муқимиy, Мавлоно Ашраф ва бошқа шу каби 100 га яқин ўз замонининг етук инсонларини ҳам зикр этишга лойиқ деб топади ва улар ҳақида маълумотлар беради.

5. «Ва ул китобдаги авлиёуллоҳ зикридин баъзи сўзим, замон аҳлифа муҳтоҷун илайҳ эмас эрди, итноб ваҳмидин таркин туттум ва бу таржимадин ўксуттум»⁸.

Навоий «Насойим ул-муҳабbat»ни ёзаркан, ўқувчиларнинг «Нафаҳот ул-унс», «Тазкират ул-авлиё» каби тазкиралардан хабардорлигини ҳам назардан қочирмайди. Шу сабабли ҳам муаллиф кўпчиликка маълум тафсилотларни гап чўзилиб кетмаслиги учун (итноб ваҳмидин) тушириб қолдиради. Одатда, бундай ҳолатларда Навоий «Тазкират ул-авлиё»га қаралсин вофий битибдур», «Нафаҳот ул-унс»да шарҳи тамом битилибдур» ва ҳоказо, дея маълум асарларга ҳавола бериб ўтади.

«Насойим ул-муҳабbat»нинг муқаддима қисми «Бу тоифа сулукида муқаддима тамҳиди» деб аталиб, унда муаллиф инсон, унинг яратилиши, бошқа маҳлуқлар орасида тутган ўрни, авлиёуллоҳларнинг вазифалари, шайхларнинг аъмол, афъол, муомалот ва риёзатлари каби фалсафий муаммолар устида тўхталади ва уларга тасаввуф таълимоти нуқтаи назаридан жавоб беради. Навоий инсонни энг шариф маҳлуқ деб атайди ва бу-

⁷ Ўша жойда.

⁸ Ўша жойда.

нинг сабабини қўйидагича тушунтиради: «Ҳақ субҳонаҳу ва Таоло маҳлукотда бапи Одамдин шарифроқ ва бийикрак ҳалқ қилмайдир, неучунки маърифатуллоҳ ганжицинг амини ва маҳрами улдур»⁹.

Муаллиф инсоннинг улуғлиқ сабабини маърифат билан боғлади. Унингча «Қунту канзану маҳофиян фи аҳбабту аи аърафа фи хилқат ил-халқ ил-аъроф» («Мен бир маҳфий хазина эдим. Танилмоқни истаб қолиб, дунёларни яратдим ва ўзимни танитдим») ҳикматининг мазмуни тўлалигича инсон моҳиятига қаратилган бўлиб, инсон кўнгли ўша маҳфий хазинанинг маҳзани, яъни Ҳақ ва Ҳақиқат асори инсон моҳиятида яширин ва Ҳаққа етиш фақат инсонгагина хосдир. Аммо инсон вужудида башарият ва моддият унсурлари ҳам мавжуд. Улуғ мутафаккир фикрича, ушбу ҳолат тақозосига кўра инсонлардан баъзи бир «онисанд ишлар вужуд тутди». Бунинг ислоҳи ва инсониятни тўғри йўлга бошлаш учун Ҳақ баъзи сайланган бандалари бошига нубувват тоҷини кийдирлб, инсонларни ҳидоятга даъват этди.

Уларнинг сўнгиси ва энг улуғи Ҳазрати Муҳаммад алайҳиссалом бўлдилар ва у кишидан кейин пайғамбарлик эшиклари ёпилди, нубувват доираси бекилди. Шундан сўнг ҳалқни Ҳақ ва ҳақиқат сари йўллаш, илоҳий маърифатга етиштириш вазифаси уламо ва урафо, машойиху авлиёлар зиммасига юклатилди: «Ва ул соҳиби давлатлардин (яъни пайғамбарлардан — *H.P.*) сўнгра бу умматнинг машойихи ва авлиёуллоҳи... бу иршодга иштиғол кўргуздилар. Ва ваъда будурким, олам инқизоризаҷаким, бу миллату шариат сироти мустақим бўлғусидур, бу тоифаким валоят ва каромат аҳлидурлар ва ҳалойиққа иршоду иҳдо қилурлар, муборак зотларининг баракоти бу миллат аҳли бошидин кам бўлмағай»¹⁰.

Авлиё ва машойихларнинг вазифалари ҳақида ўз фикрларини билдиргандан сўнг муаллиф уларнинг аъмол (ишлари), афъол (феъллари), муомалот (яшаш тарзи) ва риёзат (ирода ва руҳларини чиниқтириш) лари баёнига ўтади ва тасаввуф аҳлининг тавба, ҳалол луқма талаби, шариат риояти, намоз, закот, рӯза, ҳаж, етук ахлоқ, базли мавжуд (ўзидағи нарсаларни бошқаларга раво кўриш), ҳилм (юмшоқ феъллилик), ризо, сабр, сидқ (тўғрисўзлик), риёзат каби ўн тўрт сифат ва хислатларини шарҳлайди.

⁹ Насойим. З-бет.

¹⁰ Насойим. 4-бет.

Муқаддимада Навоий, бошқа дидактик асарларида бўлгани сингари, ҳалол меҳнат кетидан яшаб, пешона тери орқали ризқ-рӯз топиш зарурлигига катта аҳамият беради. Тасаввуф таълимотининг илгор вакиллари сингари Навоий ҳам тиланчилик, бирор меҳнати кетидан кун кўрувчи маърифатсиз кишиларни танқид қиласди. «Ал-косибу ҳабибуллоҳ» («Косиб — Оллоҳнинг дўсти-дир») ҳикматини келтириб, ҳунар ва касб-кор кетидан яшаш лозимлигини уқтиради ва фикрини улуғ шайхлар ҳаёти мисолида далиллайди. Асарда айтилишича, тасаввуф таълимотининг етук вакиллари ҳам касб-ҳунар билан кун ўтказиб, Шайх Абусаид Харроуз — этик-дўзлик, Шайх Мұхаммад Саккок — пичоқчилик, Шайх Абу Ҳафс Ҳаддод — темирчилик, Шайх Абу Бакр Ҳаббоз — новвойлик, Абул Аббос Омулий — қассоблик, Шайх Иброҳим Ожурый — гиштчилик, Мирчай Сафол-фуруш — сафолфурушлик, Абул Ҳасан Музайин ва Шайх Банон — ҳаммоллик, Баҳоуддин Нақшбанд — матоға гул тушурувчилик касбига машғул бўлганлар. Навоий меҳнат ва ҳалол луқманинг фазилати ундан файзу маърифат зиёда бўлишида деб кўрсатади: «Ва ҳалол луқма бу ишда куллийдурки, андин файзу маърифат зоянда бўлур. Ва бир шубҳалик луқма онча тий-ралиқ келтурурки, кўп вақт анинг ислоҳига машғул бўлуб, маълум эмаски, дафъи не навъ сурат боғлар»¹¹.

Муқаддимада муаллиф одоб-ахлоқ масалаларига ҳам катта эътибор қаратади. Тасаввуф аҳли феълидаги каттаю кичикка ҳурмат бажо келтириш, юмшоқ табиатлилик ва ширинсүзлик, камтарлик каби хислатларини сўфийликнинг асосий шартларидан дея кўрсатади: «... адабдурки яхши ва ёмонга ва улуғ ва кичикка бажо келтурурлар, андоқки, барча ҳалқдин ўзларин кичик ва кам тутарлар ва барчага хизмат ҳузурида бўлурлар».

Гувоҳ бўлганимиздек, Алишер Навоийнинг дидактик концепцияси ушбу асар мисолида яна бир бор намоён бўлади, ўз навбатида муқаддимада келтирилган мисоллар Навоий пандномаси манбаларида бири тасаввуф эканлигини кўрсатади.

«Нафаҳот ул-унс» муқаддимасида Жомий етук шайх, тасаввуфнинг барча нозик масалалари хусусида қатъий ва ишончли фикр айтиши мумкин бўлган муршид мақомида намоён бўлса, Навоий «Насойим ул-муҳаббат» муқаддимасида тасаввуф масалаларини зикр этувчи, таништирувчи сифатида гавдаланади. Жомий мурак-

¹¹ Насойим. 5-бет.

каб ва зиддиятли масалаларга аралашиб, уларга ўзининг мустақил нуқтаи назарини билдирган бўлса, Навоий тасаввуфнинг нисбатан умумий масалалари хусусида баҳс юритади, уларнинг дидактик, таълимий ва ахлоқий томонига эътибор беради.

Шунингдек, Навоий муқаддимада «Авлиёуллоҳга воқеъ бўлғон хавориқи одат ва каромат баёни» сарлавҳаси остида тасаввуф аҳлининг борни йўқ қилиш ва йўқни бор қилиш, келажақдан хабар бериш, дуо ижобати, оз фурсатда кўп йўл босиш, бир вақтнинг ўзида бир неча жойларда пайдо бўлиш, ўсимлик, қуш ва ҳайвонлар тилини тушуниш, сувда юриш ва ҳавода учиш, дарёларда ғарқ бўлаётган кемани соҳилга чиқариш, ёмғир ёғдириш, довул эстириш, сел келтириш ва қайтариш, чигиртка балосини дафъ этиш ва ҳ. к. кароматларини санаб ўтади, муайян шайхлар ҳақида ҳикоя қилганда эса уларни мисоллар орқали кўрсатади.

Кароматлар тасаввуфнинг зиддиятли масалаларидан бўлиб, кишилар XV асрда ҳам уларга ишониш ва ишон-маслик борасида иккига ажралгандар. Айтиш керакки, авлиёлар кароматига ишониш тасаввуфни тан олиш, уларни инкор этиш — тасаввуфни ҳам йўққа чиқариш дея тушунилган. Навоий кароматларни хавориқи одот (ғайри одатий, ноёб одат-хислатлар) номи остида зикр этаркан, уларнинг, бинобарин, тасаввуф аҳлининг ҳақлигига ишонч билдиради. Аммо улуғ мутафаккир каромат масаласига ҳаётий ёндашади. Тасаввуфнинг илғор вакиллари каби у ҳам кароматларнинг фақат зарурият нуқтаи назаридан воқеъ бўлганларинигина ҳақ деб ҳисоблади. Халқ онгини эгаллаш, ёлғон шуҳрат чиқариш мақсадида намойишкорона кўрсатилган сохта кароматларни танқид қиласди. Унингча, кишиларни ҳаққа «далолат ва иршод қилиш» (етиштириш) мақсадида ва шунга хизмат қиласдиган ғайриоддий ишларгина ҳақиқий каромат дея аталиши мумкин ва улардан маърифат пайдо бўлади. Одамларни авраш мақсадида амалга ошириладиган кўзбўямачилик эса каззоблик ва ундан фақат жаҳолат дунёга келади. Бошда каромат инсон маънавий такомилининг юқори погонаси сифатида қаралган. Бироқ, вақт ўтиши ва тасаввуф таълимоти тараққий топиши билан кароматга бўлган муносабатлар ҳам ўзгарган. Кейинчалик каромат кўрсатиш эмас, балки кароматли шахс бўла туриб ўзидағи хислатни яшира олиш, пинҳон тута билиш қобилияти маънавий комиллик сифатида талқин этилган (масалан, сув устуга сажжода тўшаб намоз ўқиган шайх танқиди).

Бошқа томондан Навоийнинг фикрича, каромат кўрсатишга берилиб кетиши кишини Ҳақдан узоқлаштириши, бинобарин, ғафлатга солиши мумкин. Масалан, Навоий «Насойим ул-муҳаббат»ни яратишида фойдаланган «Асрор ул-авлиё» номли маноқибда: «Қароматни намойиш этиши фаразни тарк этишдир», дея кўрсатилган¹². Яна ушбу манбада айтилишича, сўфийлик йўли ўн беш мартабадан иборат бўлиб, унинг бешинчи мартабаси кашфу қароматдир. Агар солик ўзидаги кашфу қаромат мартабасини яширмай ошкор қиласа, унга қолгани ўн мартабага эришиш йўллари ёпилади ва у асл мақсаддага етиб боролмайди¹³.

Навоий эътиқодича, шундай камолот эгалари ҳам борки, улар ушбу хислатларга эга бўла туриб уларни яширадилар, ҳалқа ошкор этишдан ор этадилар, чунки бир сония ҳам ҳақ ёдидан ғофил бўла олмайдилар. Ушбу хислатларни намойиш этиши ва қароматбозлик учун эса бир дақиқага бўлса-да Ҳақни унутиш талаб этилади: «Ва Ҳақ Субҳонаҳу ва Таолоға андоқ муқарраб (яқин — *H.P.*) бандалар ва дўстлар ҳам борки, бу барча мазкур бўлган ҳолатдин ижтиоб қилурлар, балки ор қилурлар, неучунки бир турфат ул-айн Ҳақ Субҳонаҳу ва Таоло шуҳуди истироқидин ғофил бўла ол маслар ва то ул саодатдин ғофил бўлмагунча, бу нималар (яъни қароматлар — *H.P.*)га майлу илтифот қилса — бўлмас. Ҳар ойинаки, ул мақсуди аслийдин (яъни, Ҳақдан — *H.P.*) ҳар амр-ки, бу бузругворларни бир лаҳза ғофил қилғай, агар барча беҳишту жовидондурки, аларға дўзахча бор, андин ижтиоб ё ор қилсалар — муҳиқ бўлғайлар»¹⁴.

«Насойим ул-муҳаббат»нинг аҳамияти ҳақида сўз кетганда, унинг 1) тасаввуф тарихи, оқим ва силсилалири, намояндлари; 2) тасаввуфнинг асосий тушунча ва истилоҳлари, фалафий, ахлоқий концепцияси; 3) XV асрдаги тасаввуфий жараёнлар ва муаллифга замондош сўфийлар; 4) тасаввуф шеърияти вакиллари; 5) Навоий ўқиган, таъсирланган, ижодий илҳомланган тасаввуфий китоб ва рисолалар ҳақида маълумот берувчи муҳим манба эканлигини қайд этиш лозим.

Алишер Навоий тасаввуф тарихини Увайс Қараний (VII аср)дан бошлайди ва у орқали ушбу таълимот

¹² Бадриддин Исҳоқ Деклавий. Асрор ул-авлиё. УзРФА ШИ, 7673-рақамли қўллэзма. 83б-варақ.

¹³ Уша жойда.

¹⁴ Насойим. 12-бет.

пайғабарга уланишини айтади (пайғамбарнинг унга ва-
сият қилиб қолдирган хирқаси орқали). Шунингдек, та-
саввуфдаги увайсийлик (муқаддам ўтиб кетган пирнинг
руҳидан тарбия топиш) анъанаси ҳам Увайс Қараний
номи билан боғлиқдир.

Тасаввуф таълимоти турли тариқат ва силсилалар-
ни вужудга келтирган Шарқшунос Ҳ. Кароматов Ҳуж-
вирийнинг «Қашф ул-маҳжуб» асарига таяниб аниқла-
шига кўра, XI асрдаёқ тасаввуфнинг ўн икки асосий
оқими шаклланиб улгурган эди¹⁵. Улардан ўнтаси — му-
ҳосибия, қассория, тайфурия, жунайдия, нурия, саҳлия,
ҳакимия, харрозия, хафифия ва саййория аҳли сунна
вал жамоа ақоиди ва шарият қонун-қоидаларига тўғри
келади, деб тан олинган, қолган иккитаси — ҳулулия ва
ҳалложия эса рад этилган. «Насойим ул-муҳаббат»да
ушбу тариқатлар ва уларнинг вакиллари тўғрисида маъ-
лумотлар берилган. Масалан, муаллиф Абул Аббос ас-
Саййорий (ваф. 342/954) зикрида ёзади: «[Абул Аббос
ас-Саййорий] Абу Бакр Воситий суҳбатиға етди ва ул
даража ҳосил қилдиким, ани бир синф тасаввуф аҳли-
нинг имоми дерлар-ки, алар саййорияга машҳурдир-
лар»¹⁶. Айтиш лозимки, Жомий ва Навоий Мансур Ҳал-
лож таълимотини моҳият эътибори билан қабул қил-
ганлар, аммо уни тақдим этиш йўли ва ифода шакли
нуқтаи назаридан танқид этганлар. Буни қўйидаги ми-
солдан ҳам билиш мумкин. Навоий Мансур Ҳаллож зик-
рида ёзади: «Ул бир кун Жунайднинг эшигини қоқти.
Жунайд сўрдики, ким сен? Дедиким, Ҳақ. Жунайд деди-
ким, Ҳақ эмассен, аммо Ҳақ биласен»¹⁷.

Ж. С. Тиримингэм маломатийликни тасаввуфнинг Нишопур мактаби деб атайди¹⁸. «Насойим»да ҳам ма-
ломатийлик ва маломатийларга кенг ўрин берилган. Ту-
филган ё таълим олган жойи Нишопур билан боғланган
қайси шайхни олмайлик, унда маломатийлик белгилари-
ни кузатишимииз мумкин.

Тасаввуф тариқати давомида тасаввуфнинг Марка-
зий Осиё анъанаси билан боғлиқ равишда, асосан куб-
равия, яссавия, хожагония — нақшбандия, чиштия ва
бектошия тариқатлари майдонга келганлиги кузатила-

¹⁵ Кароматов Ҳ. С. Аскетические и суфийские течения в Хорасане (по «Қашф ал-махджуб» Худжвири) //Из истории су-
физма: источники и социальная практика. Ташкент, 1991. С. 30

¹⁶ Насойим. 89-бет.

¹⁷ Насойим. 93-бет.

¹⁸ Тримингэм. Дж. С. Суфийские ордены в исламе. М., 1989. С. 275.

ди¹⁹. Улардан учтаси Мовароуннахр ва Туркестонда, чиштия — Хиндистанда, бектошия эса Туркияда ривожланганлиги маълум. «Насойим»да ушбу тариқатлар ва уларнинг намояндадалири ҳақида ҳам асосли маълумотлар берилган бўлиб, улар минтақа тасаввуф тариқатларини текширишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Навоий шайхлар зикрини маълум тартиб асосига қуради. Бу тартибни, асосан қуйидагича белгилаш мумкин: 1) Шайх номи, куннити, сўфийлар орасидаги лақаби ҳақида хабар бериш; 2) Шайхнинг туғилган ва вафот этган йили, жойи, қабри ҳақида маълумот бериш; 3) Тасаввуфга кириб келишига турткни бўлган сабаб; 4) Тасаввуфдаги писбасининг кимга етиб бориши, кимнинг шогирди эканлиги, кимларни кўриб суҳбатига етганлиги, сўфийларнинг қайси табақасига мансублиги ҳақида хабар бериш; 5) Тасаввуфий, фалсафий, ахлоқий мазмундаги фикрларидан намуналар бериш.

Навоий муайян шайхнинг тасаввуфга кириб келиш тарихига алоҳида аҳамият беради, сўфийлик йўлига қадам қўйишига турткни бўлган, воқеа-ҳодисани «тавбаси-нинг сабаби» деб атайди. Жумладан, машҳур сўфий шоир, тасаввуфий мазмундаги ўнлаб асарлар муаллифи Фаридиддин Атторнинг тасаввуфга кириб келиш тарихини қуйидагича ёзди: «Дебдурларки, алар андоқки отлари машҳурдур, аттор экандурлар. Тавбаларига сабаб бу бўлғондурки, бир кун атторлиғ дўконида муомалага машғул ва машъуф эрмишлар. Дарвеше дўкон эшикига етар ва неча қатла «Шайаллоҳ» дер. Анга парво қилмаслар. Ул дарвеш дерки, Эй Ҳожа не навъ ўлғунгдур? Алар дебдурларки, андоқки сен ўлғунгдур. Дарвеш дебдурки, сен мендек ўла олмассен. Алар дебдурларки, нечук? Дарвеш дебдурки, мундоқ. Ва яғоч оёғи (идишини— Н. Р.) бош остида қўюбдур ва «Оллоҳ» дебдур ва жонни Ҳаққа таслим қилибдур. Аларнинг ҳоли мутағаййир бўлубдур ва дўкон ва анда ҳар не бор экандур, барҳам уруб, бу тариққа (тасаввуфга — Н. Р.) кирибдурлар»²⁰.

Навоий тасаввуф тарихини ёритганда баъзи муҳим истилоҳларнинг қачондан бошлаб қўлланганлиги масаласига ҳам эътибор беради. Масалан, У Абу Ҳошим ас-Суфийни зикр этаркан «Аввал кишиким «сўфий» дедилар, ул эрди»²¹, деб ёзди ва «сўфий» истилоҳининг таомилга кириши айнан шу шахе билан боғлиқ

¹⁹ Тримингэм. Ўша асар. 55-бет.

²⁰ Насойим. 421-бет.

²¹ Насойим. 16-бет.

~~эканлигини~~ айтади. Яна ушбу шайх зикри билан боғлиқ ҳолда биринчи сўфийлар хонақоҳи Шом (Сурия)-нинг Рамла шаҳрида бино қилингандигини айтиб, тафсилотини баён қилади. «Сўфий», «хонақоҳ» каби истилоҳлар ифодалаган тушунчалар тасаввуфнинг муҳим тушунчалари эканлигини, уларнинг биринчи марта қачон ва ким томонидан истеъмолга киритилганлиги масаласи ҳал қилувчи аҳамиятга эгалигини ҳисобга олсак, Навоийнинг бу масалаларга маҳсус тўхталиши унинг тасаввуф тарихини мукаммал ёритишга интилганлигидан далолат беради.

Навоий муайян шайхнинг тасаввуфий қарашларини баён қилишдан олдин унинг қайси табақага мансублигини айтади ва «табақа» сўзини биринчи марта Зуннун Мисрийга нисбатан қўллади: «Зуннун Мисрий... Аввалки табақадиндур... Ва шайх ул-ислом (Хожа Абдуллоҳ Ансорий — *H.P.*) дебдурки, Зуннун ул киши эмас эрдикни ани каромат билан ситойиш қилғайлар ва мақомат била оройиш бергайларким, моқому ҳол анинг илгига сухра эрди ва дармонда. Вақтнинг имоми ва рўзгорнинг ягонаси ва бу тоифанинг бошидур ва барчанинг нисбати ва изофати ангадур»²².

Адабиётларда «табақа» истилоҳининг 20 йиллик сана маъносини англатиши айтилади²³. «Табақа» истилоҳини сўфийлар гуруҳлари маъносида илк бор Абдураҳмон Суламий (ваф. 412/1021) ўзининг «Табақот ус-суфия» асарида қўллаган. Ушбу асадарда сўфийлар беш табақага ажратилган бўлиб, муаллиф ҳар табақада 20 тадан шайхнинг таржимаи ҳоли ва таълимоти ҳақидаги маълумотларни тўплаган. Абдураҳмон Жомий «Нафаҳот ул-унс»нинг кириш қисмida ўзининг Суламий таснифи асосида иш кўрганлигини айтади. Ушбу беш табақадан кейинги сўфийлар «машойихи мутааххирин» («кейинги давр шайхлари») деб аталган. Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да ушбу терминларни Суламий ва Жомий асарларидаги каби маъноларда қўллади.

Навоий тасаввуф таълимоти тарихини баён қилар экан, унинг қайси шахслар томонидан яхлит таълимот ҳолига келтирилганлиги масаласига ҳам эътибор беради. Шу маънода унинг қўйидаги мулоҳазалари ғоят аҳамиятидир: «Аввал кишиким, ишоратни иборатқа

²² Насойим, 18-бет.

²³ Қаранг: Heffening. Tabakat// Islam Ansiklopedisi. cilt 11. Ankara, 1997, s. 591.

келтурди ва бу тариқдин сўз айтти (Зуннун Мисрий) эрди. Яна бир табақада Жунайд құддиса сирруху пайдо бўлди, бу илмга тартиб бериб, баст қилиб, кутуб битиди. Чун Шиблий құддиса сирруху, орага кирди, бу илмни минбар устига айтиб, ошкор қилди. Жунайд сўзи дурким, биз бу асрорни ёшурун уйларда ва сардобаларда маҳрамларга айтур эрдук. Шиблий минбар устига айтиб, элга ошкор қилди».²⁴

Навоий тасаввуфнинг яхлит таълимот сифатидаги ибтидосини Зуннун Мисрий (вафоти 245/860), Жунайд Бағдодий (вафоти 298/910) ва шайх Шиблий (вафоти 334/945)лар номи билан боғлайди. Бунда Зуннун Мисрий тасаввуфни «ишорат» — белги ва рамзлардан «иборат» — истилоҳ ва тушунчаларга айлантирган шахс, Жунайд Бағдодий истилоҳ ва тушунчаларни йигиб, системалаштириб, шарҳлаб китоб ёзиб, тасаввуфни яхлит таълимотга айлантирган киши, Шиблий эса ушбу таълимотни халқ орасида илк бор ошкорга тарғиб ва ташвиқ этган шайх сифатида кўрсатилади.

«Насойим ул-муҳаббат»да тасаввуфнинг соғ назарий муаммоларидан бўлган тавба, вараъ, сабр, қаноат, таваккул, риёзат, муршид, фақр, маърифат, каромат, ишқ, ҳол, самоъ, илми зоҳирий, илми ботиний, илми ладуний, ваҳдат ул-вужуд каби ўнлаб масалалар ҳам ўз аксини топган. Масалан, Навоий Абу Яъқуб Мазкурый зикрида таваккулнинг бир неча таърифини келтириб ёзади: «Андин сўрадиларким, таваккул недур? Деди ихтиёр тарки. Саҳл бин Абдуллоҳ Тустарийдин сўрдилар, деди тадбир тарки. Бишри Хоғийдин сўрдилар, деди ризо. Абу Хафс Ҳаддоддин сўрдилар, деди мусаббибни кўрмак. Фатҳ Мавсилийдин сўрдилар, деди сабабдин малол. Шақиқи Балхийдин сўрдилар, деди ажзаға фарқи дийдор. Шиблийдин сўрдилар, деди кўнггул дийдорида барча элни унумтак»²⁵. Таваккул тасаввуф аҳли наздига барча яхшилигу ёмонликни Ҳақдан билиб, ўз ион-ихтиёрини унинг измига топширишдир. Бироқ таваккул турли даража ва мақомлардан иборат. Навоий буни, яъни таваккулнинг ички таркиби ва мутаваккил соликнинг ҳолларини тушунтириш, шарҳлаш йўлидан эмас (Жомийдан фарқли ўлароқ), балки шайхлар фикрини келтириш асосида кўрсатиш, намойиш этиш йўлидан боради. Чунки агар тасаввуфнинг мураккаб тушунча ва истилоҳлари шарҳланганда асар тили

²⁴ Насойим. 18-бет.

²⁵ Насойим. 81-бет.

ва услуги мураккаблашиб кетган бўларди. Навоий эса муқаддимада ёки асарни ёзишдан мақсад тасаввуфнинг «дақойиқу мушкулотини равшанроқ алфоз (тушунарли тил — *H.P.*) да очуроқ адо (содда услуга — *H.P.*) билга» баён этиш эканлигини айтади.

Маърифат ва унинг тасаввуфий талқини ҳам «Насойим ул-муҳаббат»дан кенг ўрин олган. Мансур Ҳаллождан ўғли васият талаб этганда шайх унга қараб «... сен бир нимага кўшиш (ҳаракат, жидду жаҳд — *H.P.*) қилким, зарраи андин сақалайн (икки дунё — *H.P.*) илмидин улуғроқ ва яхшироқ бўлғай. Сўрадимки, ул недур? Дедиким — маърифат»²⁶.

Навоий ушбу фикрларни келтириш билан ўзининг қарашлари ҳам ушбу фикрларга ҳамоҳанг эканлигини билдиради. Демак, «Насойим ул-муҳаббат» Навоий дунёқараси ва фалсафий-тасаввуфий тафаккури ҳақида ҳам маълумот берувчи манбадир.

Алишер Навоий муқаддимада ўз асарининг «Нафахот ул-унс»дан фарқи ҳақида сўзлар экан: «Ҳазрати Махдумий (нуввира марқадаҳу) нуранинг оти ва муосири мусоҳиб машойих зикри дағиким ул мутабаррик китобда йўқ эрди, мунда қўштум», — дейди. «Насойим ул-муҳаббат»да Жомий ва Навоийга замондош (ёки уларга яқин замонда яшаган) етмишдан ортиқ машойих зикр этилади. Муаллифга замондош машойихлар ҳақидаги маълумотларнинг икки асосий хусусиятини кўрсатиш мумкин, улар: 1) XV аср Мовароуннаҳр ва Хурросондаги фалсафий-тасаввуфий жараёнларга ойдинлик киритади; 2) Навоий биографиясига оид маълумотларни тўлдиради.

Навоийга замондош шайхларнинг аввал фақат тасаввуф билан ном чиқарганлари (жами 60 киши), сўнгра эса (тасаввуф шеърияти намояндалари қаторида) сўфиликдан кўра кўпроқ шоирлик билан шуҳрат қозониб, аммо шеърлари тасаввуфий оҳанг, рамз, тимсол, ғоя ва мавзулардан бебаҳра бўлмаган шахслар (жами 8 киши) зикр этилади.

«Насойим ул-муҳаббат»дан Навоий яшаган даврда тасаввуфнинг асосан, 1) суҳравардия, 2) нақшбандия тариқатлари вакиллари ва 3) мажзубларнинг жамият маънавий ҳаётида катта ўрин тутгандари аёнлашади.

Суҳравардия тариқатининг XV асрдаги энг йирик вакили Шайх Зайниддин Абу Бакр ал-Хавофий (ваф. 838/1435) бўлиб, у ҳақда маълумот бераркан, Навоий

²⁶ Насойим. 96-бет.

ул зотнинг ўз замонида Хуросон мулкининг шайх улмашоихи, зоҳирий ва ботиний илмлар эгаси ва тариқатда Шайх Нуриддин Абдураҳмон Мисрийнинг муриди эканлигини таъкидлайди. Суҳравардия тариқати ва Зайниддин Хавофийнинг тасаввуфдаги йўли Абдураҳмон Мисрий — Жамолиддин Юсуф ал-Гуроний — Хусайн Ҳусомиддин Шамширий — Нажмиддин Муҳаммад ал-Исфаҳоний — Нуриддин Абдусамад Натанзий — Нажмиддин Али бин Бурғуш (ваф. 678/1279) орқали Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар ас-Суҳравардийга улана-ди²⁷. Шунингдек, «Насойим»да Мавлоно Муҳаммад Табодгоний (ваф. 891/1486), Мавлоно Абулхайр (ваф. 887/1482), Мавлоно Шаҳобиддин (ваф. 899/1494), Мавлоно Важиҳуддин (ваф. 894/1489), Дарвеш Муҳаммад Беҳра, Дарвеш Муҳаммад Гозургоҳий, Мавлоно Муҳаммад Хуросоний, Дарвеш Сайид Ҳасан (ваф. 894/1489), Шайх Садриддин Раввосий (ваф. 901/1495) сингари суҳравардия тариқатининг XV асрдаги намояндалари зикр этилган.

Зайниддин Хавофий Ибн Арабий таълимоти ва асарларига катта қизиқиши билан қараган. Навоийнинг ёзишича, у: «Фусус» мутолааси ва дарсиға қиём кўргузур эрди»²⁸. Ушбу тариқат вакиллари жаҳрий, яъни овоз чиқариб Ҳақни зикр қилишни тарғиб этар эдилар. Шу сабабли ҳам Шайх Зайниддин Хавофийнинг муриди Ҳожа Шамсиддин Муҳаммад ал-Кусавий ал-Жомий (ваф. 863/1459): «Шом ва субҳ авродини Ҳазрати Шайх Зайниддин (қуддиса сирруҳу) тариқи била жаҳр айтурлар эрди»²⁹. Бу шайх ҳам ўз муршиди сингари: «Шайх Муҳийиддин Арабий (қуддиса сирруҳу) мусаннафотидин кўп ўқур эрдилар ва мұттақид эрдилар». Бу билан ҳам чекланмасдан, Ҳожа Шамсиддин Кусавий исломнинг ғоят нозик масалаларидан бўлган «... тавҳид масала-син аларға (яъни, Ибн Арабийга — Н.Р.) мувофиқ тақрир қилурлар эрмиш. Ва ани минбар устида, уламо қошида андоқ баён қилурлар эрмишки, ҳеч кимга эътиroz ва инкор мажоли бўлмас эрмиш». Ибн ал-Арабий тавҳидни ваҳдат ул-вужуд асосида талқин этган. Унга кўра, яратувчи (Оллоҳ) ва яратилмиш (борлиқ, мавжудот) ўртасида вужудий бирлик (ваҳдат) мавжуддир, бинобарин, дунё ва яратилган барча оламлар яратувчининг тажаллий ва зуҳуридан иборатдир. Бундай

²⁷ Қаранг: Тримингэм. Ўша асар. 278-бет.

²⁸ Насойим. 318-бет.

²⁹ Насойим. 319-бет.

қараш кўп ҳолларда шариат уламоларининг қаршилигига учраган. Шундай вазиятда Шайх Шамсиiddин Қусавий Жомий ваҳдат ул-вужуд ва Ибн Арабий таълимотини минбар устида халқа етказишининг улдасидан чиқа олган, бу билан эса ушбу гояларнинг жамиятда қарор топишига ҳисса кўшган. Кейинчалик мумтоз адабиётдаги мажоз орқали ҳақиқатни, маҳлуқ орқали холиқни тараннум этиш анъанаси ривожида ваҳдат ул-вужуд таълимотининг фалсафий асос бўлганлигини кўришимиз мумкин.

XV аср маданий-маънавий ҳаётида катта ўрин тутган тасаввуф оқимларидан бири нақшбандия тариқатидир. Ибтидоси Юсуф Ҳамадоний (ваф. 535/1141) билан боғланадиган ушбу тариқатининг XV асрдаги энг йирик вакиллари Ҳожа Саъдуддин Кошғарий (ваф. 860/1456) ва Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳрор (ваф. 894/1489) лар эди. Шунингдек, «Насойим»да нақшбандия тариқатининг муаллифга замондош Мавлоно Низомиддин Аҳмад, Ҳожа Абдулазиз Жомий (ваф. 902/1497), Мавлоно Алоуддин (ваф. 892/1497), Мавлоно Саъдуддин (ваф. 900/1495), Мавлоно Ҳожи (ваф. 899/1494), Мавлоно Муҳьи (ваф. 865/1461), Муқри Маҳмуд (ваф. 880/1475), Мавлоно Тожиддин Аҳмад Сижаний, Абдураҳмон Жомий ва бошқа кўплаб намояндалари зикр этилган.

Алишер Навоий тасаввуфий дунёқарашининг синтетик характеристини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим, яъни улуғ мутафаккир бирор муайян тариқат билан чекланниб қолмай, ўзигача бўлган тасаввуф таълимотининг барча илфор томонларини ўзлаширишга ҳаракат қилган. Бироқ, нақшбандияни Ҳақ ва ҳақиқатни англашда бошқа тариқатлардан мукаммалроқ деб билади. Бу фикрни муаллиф сўзда эмас, мисоллар орқали ифодалайди. «Насойим»нинг бир неча ўринларида олдин суҳравардияни қабул қилиб, сўнгра нақшбандийлик ўйлига ўтган кишилар ҳақида ҳикоя қилинади. Масалан, Навоий Мавлоно Тожиддин Аҳмад Сижанийнинг нега нақшбандия тарафдори бўлганлигини баён этиб ёзади: «Алар, Мавлоно Саъдуддин Кошғарий (қаддасаллоҳу сирруҳу)нинг муридидурлар. Аввал Шайх Зайниддин Ҳавофий (раҳимаҳуллоҳу) силсиласида сулук қилиур эрмишлар. Аларға жаҳр зикридин дағдаги юзланибдур, Боҳарздин шаҳр (яъни, Ҳирот — H.P.) сари юзланибдурлар. Шаҳрга еткандин сўнгра, машойих табақотида сулук қилиур муршиллардин тафаҳҳусса машғул бўлуптурлар. Ҳазрати Мавлоно Саъдиддин Кошға-

рнийни дептурларки, хожалар сисиласидаки, «Силсилат уз-заҳоб» иборат андиндур, толибларға талқин-у иршод сажжодасидадурлар. Аларнинг масканини сұраб, Масжиди Жомеъ маҳалласиға борурлар. Аларнинг уйларин топиб, бир лаҳза эшикларида ўлтурғандин сұнгра алар чиқарлар ва баъзи асҳоб била уйлари эшикида ўлтурурлар. Мавлоноға ҳам илтифот қилиб, сұруб ўлтурурлар. Сұз асносида Мавлоно сари боқиб дерларки: «Бу шаҳр подшоҳин-ки, Бобур дерлар, подшоҳи зоҳирдур, мулозимларидин бирики, анга күп ихлоси бўлғай, ҳар сабоҳ аниң сори боқиб, отин густоҳона тутиб «Бобур... Бобур...» деб кўп мазкур қилса, оё анга хуш келгайму?» — деб савол қилурлар. Мавлононинг кўнглидаги дағдағаси рафъ бўлур ва аларнинг силсиласида мурид бўлуб, сулукка машғул бўлурлар»³⁰. Матн парчасидан маълум бўладики, ушбу мисол орқали Кошфарий Сижанийга жаҳрий зикрдан хафий зикр, бинобарин, сухравардия тариқатидан нақшбандия тариқати устунлигини кўрсатиб берган. Шунингдек, парчадан Навоийнинг жаҳрий ва хафий зикрга, сухравардия ва нақшбандия тариқатларига муносабати ойдинлашади.

Бунинг акси, яъни нақшбандия йўлига кирган киши кейинчалик бошқа тариқатни қабул қила олмаслиги қўйидаги мисолда ўз аксини топган. «Насойим»да айтилишича, Мавлоно Саъдиддин Кошфарий турли ваҳимали тушлар кўради ва пири Низомиддин Хомушдан уларнинг таъбирини сўрайди. Шайх Низомиддин Кошфарийни Зайниддин Хавофий олдига юборади. Саъдиддин Кошфарий ҳикоя қилишича: «...чун Шайх (Зайниддин) хизматига етиштим ва ул воқиъа (туш — *H.P.*) ларни арз қилдим, дедиларки, бизнинг била байъат қил ва бизнинг иродатимиз қайдига кир (яъни, менинг қўлимда тавба қилиб, сухравардияни қабул қил — *H.P.*). Мен дедимки, азизий-ки, мен бу тариқатни андин қабул қилибмен, ҳануз ҳаёт қайдидадур (яъни, менга нақшбандияни ўрганган муршидим Шайх Низомуддин Хомуш ҳали тирик — *H.P.*). Сиз эмин ва муршидсиз, агар билурсизки, бу тоифа тариқида бу жоиздур андоқ қилай. Шайх дедики, истихора³¹ қил! Мен дедимки, менинг ўз истихорамға эътимодим йўқтур, сиз истихора қилинг! Шайх дедиким, ҳам биз истихора қи-

³⁰ Насойим. 407-бет.

³¹ Истихора — кўнгилдаги мақсаднинг ҳосил бўлиш ёки бўлмаслигини билиб олиш тилагида туш кўриш учун ният қилиб ухлаш, туш орқали фол кўриш. Қаранг: Шамсие в. П., Ибрөҳимов С. Навоий асарлари лугати. Тошкент, 1972. 284-бет.

лали, ҳам сен истихора қил! Чун кече истихора қилдим, күрдимки, хожалар табақаси Ҳирий зиёратгоҳигаки, ул вақт Шайх (Зайниддин) анда эрмишлар, кирибдурлар, дараҳтларни күнгарадурлар ва томларни йиқадурлар ва қаҳру ғазаб осори аларға зоҳирдур. Билдимки, ишорат ул иш (яъни, нақшбандиядан чиқиб, суҳравардия тариқатини қабул қилиш — *H.P.*) манъиғадур. Хотирим жамъ бўлди ва осудалиғ била оёғимни узатиб уйқуға бордим. Чун тонгласи Шайх мажлисига келдим, андин бурун-ки, мен воқиъамни арз қилғаймен, Шайх дедики, тариқ бирдур ва барча биргага-ўқ қайтурлар. Ҳам ул ўз тариқинг била ишга машғул бўл! Агар воқеа-и ё мушкул-и оллингра келса, бизга айтқил, қила олғанча мадад қилали!».³² Бу мисоллар Навоийнинг нақшбандия тариқатини Ҳаққа олиб борувчи энг тӯғри йўл, деб билганлигини кўрсатади.

«Насойим»дан XV аср нақшбандия тариқати вакилларининг ҳам Шайх Муҳйиддин Арабий асарларига катта аҳамият берганлиги маълум бўлади. Навоий Ҳожа Муҳаммад Порсонинг ўғли Абунаср Муҳаммад ал-Бухорий (ваф. 875/1470)ни зикр этаркан, ёзади: «Бир кун аларнинг мажлисида Шайх Муҳйиддин ал-Арабий (қадасаллоҳу таъала сирруҳу) зикри ва анинг мусаннафоти ўтар эрди. Бузургвор оталаридин нақл қиласаларки, «Фусус» жондур ва «Футуҳот» кўнгул. Ва дағи дер эрдиларки, ҳар ким «Фусус»ни яхши билса, анга Ҳазрати Рисолат (САВ) мутобаатининг дояси қавий бўлур. Ва алардин бу сўз ноқили Ҳазрати Махдумий (нуввира марқадаҳу нуран) дур»³³.

«Насойим»да зикр этилган муаллифга замондош тасаввуф аҳлиниң катта қисмини мажзуб сўфийлар ташкил этади. «Жазба» — кишига бир зумда юзланадиган кучли ҳиссий, руҳий ҳолат. Мажзублар жазба аҳли бўлиб, улар секин-аста, маълум йўл ва сулукни босиб ўтиш билан эмас, балки Ҳақнинг кўнгилда ногаҳоний зуҳур, тажаллий этиши, намоён бўлиши орқали Ҳақ дийдорига етган инсонлардир. Мажзублар тасаввуфнинг муайян тариқатига мансуб бўлмай, барча тариқатларга бирдай даҳлдор сўфийлар тоифасидир. Навоий замондош мажзублардан Бобо Ҳокий, Бобо Ҳасан Қандаҳорий, Бобо Қукий, Бобо Али маст-и Нисоий, Бобо Хушкелди, Сайид Муҳаммад Маданий, Бобо Баҳлул, Бобо Али Пойиҳисорий, Бобо Тиланчи, Бобо Пи-

³² Насойим. 255-бет.

³³ Насойим. 248-бет.

рий, Бобо Ҳасан Турк, Бобо Жалил, Бобо Шиҳоб, Бобо Сариф Пўлод кабиларни ўз асарида қайд этади.

Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асари мутафаккир шоирнинг таржимаи ҳолига оид маълумотларни тўлдирувчи, баъзи масалаларга ойдинлик кири тувчи муҳим манбалардан биридир. Навоий ўзининг ушбу асарида (хусусан, унинг замондош шайхлар зикри қисмида) ўз биографиясига оид муҳим маълумотларни ёзиб қолдирган.³⁴ Масалан, «Насойим»даги маълумотларга асосланиб, муаллифнинг мураббий-устозлари масаласига ойдинлик киритиш мумкин. Муаллиф Дарвеш Мансур ҳақида ёзаркан, ўзининг ёшликда аruz қонун-қоидалари ва бадиий санъатлар соҳасида ундан таълим олганлигини, ушбу шахснинг тасаввуф аҳли истилоҳларидан ҳам яхши хабардор эканлиги, шу сабабли ҳам аruz ва бадиий санъатлардан кўра тасаввуф сабоқларига дарсда кўпроқ вақт ажратилганлигини ёzáди: «Дарвеш Мансур (қаддасаллоҳу сирруҳу). Покрав солик эрдилар. Ва Шайх Ҳасан Журий муридларидин эрдилар. Аксар авқот сойим эрдилар. Ва зоҳир улуми-ни Мавлоно Яҳё Себак қошида таҳсил қилиб эрдилар. Ва замон подшоҳи бу ҳақири кичик эрканда аruz ва санойиň ўқумоққа аларға сипориш қилиб эрдилар. Аммо, бу тоифанинг чун истилоҳотин ҳам хуб билур эрдилар, мундин ҳам кўпрак алардин эшитилур эрди».³⁵ Шунингдек, бу зот дақиқ ва хуштабъ шоир бўлиб, тасаввуфий мазмундағи шеърлар ёзган. Муаллиф асар давомида «замон подшоҳи» деганда Ҳусайн Бойқарони назарда тутади, бу ўринда эса, муаллифнинг «бу ҳақири кичик эрканда» деган сўзларини эътиборга олиб, «замон подшоҳи» деб Абулқосим Бобурга ишорат қилинган дея тахмин қилиш мумкин.

Муаллиф Шайх Садриддин Раввосийни зикр этаркан ёzáди: «Зоҳир улумида Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий (раҳимуҳуллоҳ) ким, Самарқанд дорул-илмининг аълами уламоси эрди, зуҳду тақвода назири йўқ эрди ва фиқҳда Абу Ҳанифаи соний дерлар эрдиким, бу ҳақири ҳам алар шогирдлиги шарафиға мушарраф бўлубмен, аларнинг шогирди эрди».³⁶ Маълумотдан Наво-

³⁴ Ушбу масалага академик А. П. Қаюмовнинг махсус мақоласи багишланган. Қар.; Қаюмов А. Насойимни варақлаганда («Насойим ул-муҳаббат»даги Навоийга оид автобиографик далиллар)// УТА. 1980, 1-сон, 12—15-бетлар.

³⁵ Насойим. 402-бет.

³⁶ Насойим. 406-бет.

иининг мусулмон ҳуқуқшунослиги — фиқҳ борасида устози Ҳожа Фазлуллоҳ Абуллайсий эканлиги ва Самарқандда таҳсил олган Шайх Раввосий ҳам у кишидан таълим олганлиги аён бўлади. Навоий Абуллайсийнинг ўзига устозлик қилгани ҳақида «Мажолис ун-нафоис»да ҳам хабар беради³⁷.

Навоий ўз отасининг ҳам тасаввуф аҳлига иродати борлигини айтиб, отаси ва Бобо Кўкий — мажзуб ўртасида бўлиб ўтган воқеани айтиб беради³⁸. Шунингдек, муаллиф отасининг Ҳожа Шамсиддин Муҳаммад ал-Кусавий ал-Жомийга ҳам чуқур ҳурмат билан қараганини ёзади: «Бу фақирнинг отасининг аларға иродати кўп эрди ва сафарларда сухбат ва хиэмалариға етиб эрди. Ва фақир ҳам кичик ёшимда аларнинг муборак назариға етиб, илтифот топиб, фотиҳалариға мушарраф бўлибмен ва азим фойда андин умидим бор. Умид улки, ноумид бўлмагаймен»³⁹.

Навоий XV асрда яшаган Хурросон ва Мовароуннаҳрдаги кўплаб шайх ва тасаввуф аҳлини шахсан таниган, улар билан мулоқотда бўлиб, панд-насиҳат ва таълимидан баҳраманд бўлган. «Насойим»да зикр этилган шундай шайхлар сирасида Мавлоно Муҳаммад Табодгоний, Ҳожа Аҳрор, Мавлоно Қосим, Абдулазиз Жомий, Мавлоно Абулхайр, Мавлоно Саъдуддин, Мавлоно Муҳаммад Амин, Ҳожа Авҳад Муставфий, Ҳожа Муайяд Меҳна, Пир Аҳмад Нақош, Шайх Яҳё, Бобо Пирий, Бобо Шиҳоб, Бобо Сариф Пўлод, Мавлоно Шарафиддин Яздий, Мавлоно Ҳумомиддин Калободий кабиларни санаш мумкин. Уларнинг деярли ҳаммаси Навоийни дуои хайр билан мушарраф қилганлар, баъзилари уни жуда яқин тутиб унга фарзанд сифатида қараганлар (Сайид Ҳасан Ардашер, Ҳожа Муайяд Меҳна, Фазлуллоҳ Абуллайсий), баъзилари билан хат ёзишиб турган (Ҳожа Аҳрор, Мавлоно Қосим), баъзилари билан эса яқин улфатчилик алоқаларида бўлган (Бобо Шиҳоб, Бобо Сариф Пўлод). «Насойим ул-муҳабbat»даги Навоий таржимаи ҳоли билан боғлиқ маълумотларни илк варианти 861/1490 йилда ёзилган «Мажолис ун-нафоис» ҳам тасдиқлайди, уларни тўлдиради.

«Насойим ул-муҳабbat»да тасаввуф адабиёти намояндаларига ҳам катта ўрин берилган. Навоий уларни

³⁷ Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. МАТ. 20 жилдлик, 13-жилд. Тошкент, 1997. 33-бет.

³⁸ Насойим. 410-бет.

³⁹ Насойим. 320-бет.

«күпроқ шоирлиқ била нашъу намо топиб, бироқ абёт ва ашъори тасаввуф ахли чошнисидин хабардор ва бу тоифанинг машраби била мувофиқ зотлар» дея белгилайди ва шундай шоирлар сирасидан Авҳадиддин Қирмоний, Сайид Қосим Табризий, Ҳаким Санойй, Фаридуддин Аттор, Саъдий Шерозий, Шайх Фахриддин Ироқий, Амир Ҳусайнӣ, Маҳмуд Шабустарий, Шайх Авҳадиддин, Афзалиддин Ҳоқоний, Низомий Ганжавий, Ҳусрав Дехлавий, Камол Ҳўжандий, Муҳаммад Ширин Мағрибий, Носир Ҳусрав, Шайх Озарий, Мавлоно Лутфий, Мавлоно Муқимий, Мавлоно Ашраф, Сайид Насимий, Имодиддин Фақиҳ, Ҳофиз Шерозий ва Абдураҳмон Ҷомийларни санаб ўтади⁴⁰.

Навоий тасаввуф адабиёти вакилларини зикр этаркан, ушбу адабиётнинг баъзи назарий муаммоларини ҳам қаламга олади. Шулардан бири тасаввуф адабиётнинг услуби билан алоқадор бўлган мажозий ва ҳақиқий ишқ, мажоз орқали ҳақиқатни куйлаш масаласидир. Муаллиф Авҳадиддин Қирмоний борасида ёзди: «Ул ҳақиқат шуҳудида мазоҳир сувариға тавассул қилур экандур ва мутлақ жамолин муқоядот суварида мушоҳада қилур эрмиш. Андоқки, Шайх Шамсиддин Табризий — қудиса сирруҳу — андин сўруптурки не ишдасен? Дептурки ой аксин сувлуқ тостда қўрадурмен». ⁴¹ Шунингдек, Ҳофиз Шерозий ижодига баҳо бериш асносида Навоий мажоз ва ҳақиқат масаласини янада очиқроқ баён этади ва тасаввуф адабиётнинг қатор муаммоларини қаламга олади: У ёзди: «Шамсиддин Муҳаммад ал-Ҳофиз аш-Шерозий (қаддасаллоҳу сирруҳу). Алар лисон ул-ғайб ва таржимон ул-аспордурлар. Басе асрори ғайбия ва маъюниий ҳақиқияки, сурат кисватида ва мажоз либосида адо қилибдурлар, агарчи маълум эмаски, алар иродат илиги бир пирга бермиш бўлғайлар ва тасаввуф тариқида бу тоифадин бирига нисбат дуруст қилмиш бўлғайлар, аммо сўзлари андоқ бу тоифанинг машраби била мувофиқ воқеъ бўлуптур-ки, ҳеч кишига андоқ иттифоқ тушмайдур. Даги алфоз латифлиғи ва таркиб покизалиғи ва равонлиғи ва адо салосати ва латофати ва маъноғарифлиғи чошнисида худ аларни таъриф қилмоқ ҳаёт сувин жонбахшиликта таъриф қилғандек бўлгай. Ҳожалар (қаддасаллоҳу асрорахум) силсиласидин азизи дептурки, ҳеч девон Ҳофиз девонидин яхшироқ эмас,

⁴⁰ Насойим. 416—441-бетлар.

⁴¹ Насойим. 417-бет.

агар киши сұғий бўлса. Бу фақирға андоқ маълум бўлуптур ва машҳур мундоқдурки, Ҳазрати Мир Қосим (қудиса сирруҳу) аларнинг девонини «Қуръони форсий» дер эрмишларки, Каломуллоҳ оёти маъонийсидин мамлу ва асрор нуқотидин машҳурдур»⁴². Маълум бўладики, гарчанд Ҳофиз тасаввуф тариқатларининг бирортаси билан узвий алоқада бўлмаган эса-да, унинг шеърлари ва сўғийлар қарашлари ўртасида катта ўхшашлиқ, кўп ҳолларда эса айнан бир хиллик мавжуддир. Нақшбандия тариқати вакиллари наздида сўғий киши учун Ҳофиз девонидан яхшироқ девон йўқ, Ҳожа Аҳрорнинг халифаси Мир Қосим, ҳатто Ҳофиз девонини форсий Қуръон деб атаган. Шунингдек, Ҳофиз шеърлари «алфоз латифлиги» — сўз ва ибораларнинг ўз ўрнида ва маъносига мувофиқ ишлатилиши, «таркиб покизалиғи ва равонлиғи» — шеър структурасининг мукаммаллиги, «адо салосати ва латофати» — баён ва ифоданинг гўзаллиги, «маъно ғариблиғи» — шеърда ифодаланган фикрнинг чуқур ва теранлиги нуқтаи назаридан тенгсиз ва бетакрордир. Шу сабабли ҳам Ҳофиз шеърияти Шарқда энг юксак бадиий ижоднинг эталони сифатида қабул қилинган ва Навоий ҳам шеъриятда ўзи эргашган уч кишининг бири сифатида Ҳофизни кўрсатади.

Низомий Ганжавий «Хамса»си моҳиятини «Зоҳир юзидин афсона, ҳақиқат юзидин ҳақойиқ кашфи ва маориф баёнига баҳона» дея белгилаган Навоий уларни маъно ва структура, ифода ва баён нуқтаи назаридан мўъжиза даражасига етганингини айтади ва бунинг сабабини қўйидагича изоҳлайди: «Машҳур мундоқдурки, алар сулук айёмида қирқ арбайн (чилла — Н.Р.) чиқарибдурлар ва тўрт арбайнни бир дараҳт устида чиқарибдурлар. Ҳар ойина бу навъ риёзатлар тортмалунча бу навъ беш ганж-ки, аларға насиб бўлубтур-ки, кўп абёти алфоз жазолати ва маънову таркиб салосатидин деса бўлурки, эъжоз сарҳаддиға етибдур, кишининг илигига кирмак имкони эмас». ⁴³ Муаллиф риёзатни мўжизакор калом эгаси бўлишнинг асоси дея кўрсатади.

Алишер Навоий ўз замондошларидан Лутфий, Муқими, Ашраф ва Жомийларни шеъриятда мажоз орқали ҳақиқатни куйлаган, шеърлари ҳам дунёвий, ҳам тасаввуфий мазмунда талқин этишга имкон берадиган шоирлар сифатида зикр этади. Масалан, Мавлоно Лутфий

⁴² Насойим. 439-бет.

⁴³ Насойим. 431-бет.

ҳақида муаллиф ёзади: «Таҳсил айёмида Мавлоно Шаҳобиддин Хиёбоний хизматиға етар эркантур ва одоби тариқат сулукини андин касб қилур эркантур. Ва агарчи шоирлиқ тариқида маъруф ва машхур бўлди, аммо дарвешлик тариқини ҳам дағи илигидин бермади»⁴⁴. Лутфийнинг:

Улки, ҳусн этти баҳона элни шайдо қилғали,
Кўзгудек қилди сени ўзини пайдо қилғали, —

деб бошланувчи ғазали матлаъини келтириб: «... бу матлаъдин бу тоифа (яъни сўфиylар — *H.P.*) машраби-нинг чошниси (мазаси, таъми — *H. P.*) зоҳирдур», — дейди Навоий.

Навоий Мавлоно Муқимиyни ўзбек тилида ижод қилган замондош шоирлар орасида шеърлари тасаввуфий мазмун ва оҳангдан бебаҳра бўлмаган шоир сифатида санайди. У ёзади: «Фақр аҳли машраби тавридин зоҳир эрди ва бу тоифанинг истилоҳотидин хабардор. Туркча шеърга машҳур ва маъруф эрди. Бу тоифа истилоҳи била туркча шеър айтибдур, хейли маъоний анда дарж қилибдур. Ва таржиъининг банди бу байт воқеъ бўлуптурким:

Сен-сен асли вужуди ҳар мавжуд,
Сендин ўзга вужудқа не вужуд»⁴⁵

Навоий ўз замондоши, хамсанавис Мавлоно Ашрафни ҳам ижодида сўфилик ва шоирликни уйғунлаштирган киши сифатида санайди ва мазмунидан тасаввуф аҳли қарашлари аён бўлувчи бир байтни мисол тариқасида келтиради⁴⁶.

Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат»ни яратишда тасаввуфий, диний, адабий, тарихий ва оғзаки манбалардан фойдаланган. Асарда 100 дан ортиқ китоб номи зикр этилади, аммо баъзи манбалар муҳимлиги жиҳатидан бошқалардан ажralиб туради ва муаллиф уларга асар давомида кўп марталаб мурожаат қиласиди. Шундай асарлар жумласидан Абу Абдураҳмон Суламий (ваф. 412/1021)нинг «Табақот ус-суфия», Абулқосим Қушайрий (ваф. 465/1073)нинг «Рисола фит-тасаввуф», Абдуллоҳ Анзорий (ваф. 1089)нинг «Манозил ус-

⁴⁴ Насойим. 436-бет.

⁴⁵ Насойим. 437-бет.

⁴⁶ Уша жойда.

соирин», Ҳужвирий (ваф. 465/1074)нинг «Кашф ул-маҳжуб», Муҳаммад бин Мунаввар (ваф. тахм. 1203) нинг «Асрор ут-тавҳид фи мақомоти Шайх Абу Саид» номли асарларини санаш мумкин.

Абулҳасан Али бин Усмон Ҳужвирийнинг «Кашф ул-маҳжуб» асари форс тилида яратилган тасаввуф тарихига оид биринчи асар бўлиб, уч қисмдан иборат. Биринчи қисм «Тасаввуф илмининг исботи», «Фақр», «Тасаввуф», «Мураққаъ кийиш», «Фақирлар ва сўфийлар ўртасидаги ихтилофлар», «Маломатийлар баёни» каби боблардан иборат. Иккинчи қисм тазкира қисми бўлиб, унда тасаввуф аҳли ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар берилади. Бу қисмдан «Саҳобалар ва тўрт халифа зикри», «Аҳли байт зикри», «Аҳли суффа зикри», «Тобеинлар зикри», «Тобеинларни кўрган кишилар зикри», «Мутааххирин машойихлар зикри» каби боблар ўрин олган. Учинчи қисм тасаввуф назарияси ва амалиёти билан боғлиқ масалалар шарҳига бағишлиланган. Ундаги тасаввуфнинг ички мазмуни билан боғлиқ валоят ва валийлик исботи, каромат ва мўъжиза ўртасидаги фарқ, фано ва бақо, сукр ва саҳв, мақом ва ҳол, ризо ҳақиқати, жамъ ва тафриқа каби боблар, шунингдек, асар номланиши учун асос бўлган ўн бир кашф — маърифат, тавҳид, иймон, таҳорат, намоз, закот, рўза, ҳаж, сұҳбат одоби, минтақалар ва одатлар, самоъ ҳақиқати кашфлари катта аҳамиятга эгадир. Ушбу асар ундан тасаввуф оқимлари ва улар ўртасидоги ихтилофлар баёни ўрин олганлиги билан ҳам эътиборлиdir .

Абдураҳмон Жомий «Нафаҳот ул-унс»нинг структурасига «андоза» сифатида Ҳужвирий асаридан фойдаланади, тасаввуфнинг қатор масалалари ечимида «Кашф ул-маҳжуб»га эргашади⁴⁷.

Муҳаммад бин Мунавварнинг «Асрор ут-тавҳид фи мақомоти Шайх Абу Саид» асари машҳур Шайх Абусаид Абулхайр (967/1049)нинг ҳаёти ва таълимотига бағишлиланган бўлиб, 1180—1203 йиллар оралиғида яратилган деб тахмин қилинади. Асар уч бобдан иборат: биринчи боб «Шайх ҳолатининг ибтидоси» деб аталади ва ундан Абусаид Абулхайрнинг болалиқдан 40 ёшгача бўлган ҳаёти тафсилоти ўрин олган. Иккинчи боб «Шайхнинг ўрта ёшлардаги ҳолати баёни» деб номланган ва

⁴⁷ «Кашф ул-маҳжуб»нинг илмий-ташқидий матни В. А. Жуковский томонидан амалга оширилган. Ўзаранг: Китоб-и Кашф ул-маҳжуб. Таълиф-и Абулҳасан Али бин Усмон бин Аби Али ал-Жуллобий ал-Ғазнавий ал-Ҳужвирий. Л., 1926.

уч фаслдан иборат. Аввалги фасл — «Шайх кароматлари баёни», иккинчи фасл — «Шайхнинг сўзларидан эшигувчиларга етадиган фойдалар баёни». Учинчи боб — «Шайх ҳолатининг интиҳоси» деб номланган⁴⁸.

Ҳинд машойихлари зикрини Шайх Фарид Шакарганж (569/1173—664/1265)дан бошлар экан, муаллиф: «Асҳобидин бири Шайхнинг ҳолоти ва мақомотин битибдур. Ва ул бир улуғ мужалладур ва анда ғариб аҳвол мазкур»,—дейди, аммо асар номи ва муаллифини кўрсатмайди. Бизгача «Мақомоти Шайх Фаридуддин Шакарганж» номли асар етиб келган бўлиб⁴⁹, уни Навоий тилга олган манба дейишимиз мумкин. Ушбу асарнинг асл номи ва муаллифи маълум эмас, бу ном эса китобнинг муқовасига номаълум шахс томонидан қолдирилган ёзув асосида олинган. Асар Шайх Фаридуддин Шакарганжнинг ҳаёти ва ибратли сўзлари баёнига бағишланган бўлиб, унинг номаълум муриди томонидан кундалик тарзида ёзib борилган ва, афсуски, фақат 655/1257 йилнигина (15 раЖаб/30 июлдан бошлаб) қамраб олади. Навоий китобни «бир улуғ мужалладур» дея сифатлашига кўра, унинг қўлида асарнинг тўлиқ нусхаси бўлган, дейишимиз мумкин.

«Ислом энциклопедияси»да эса унинг ибратли сўзлари, мақом ва ҳолати муриди Бадриддин Исҳоқ бин Али Деҳлавий тарафидан «Асрор ул-авлиё» номи остида тўплланганлиги айтилган. Ушбу манбанинг бир қўллэзма ва бир тошбосма нусхаси Ўз РФАШИ фондида сақланмоқда⁵⁰. Асар 22 фаслдан иборат бўлиб, ундан Шайх Шакарганжнинг авлиёлар ишқи, обидлар ва дарвешлар, ризқ, тавба, пирларга хизмат қилиш, хирқа, Қуръон тиловатнинг фойдалари, «Ихлос» сураси фазилати, фақр, гилам ва суф, муҳаббат, хавф ва таваккул, дунёни севиш ва унга адоват, муридлар ақидасининг ҳусни, уламо ва машойих, каашу каромат, сулук йўлидаги ранжу меҳнатга доир фикрлари ўрин олган.

Хулоса қиласиган бўлсак, «Насойим ул-муҳаббат»-нинг икки муҳим томони бор-ки, улар асарнинг бугунги кундаги аҳамиятнни ҳам белгилаб бермоқда. Биринчиси, «Насойим»нинг мусулмон халқлари маънавий, ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта рол ўйнаган тасаввуф таълимоти тарихи, унинг вакиллари, асосий оқимлари ҳақида

⁴⁸ «Асрор»нинг матни ҳам В. А. Жуковский томонидан эълон қиласиган. Қаранг: Муҳаммад бин Мупаввар. Асрор ут-тавхид фи мақомоти Шайх Абу Сайд. СПб., 1899.

⁴⁹ Ўз РФАШИ. 1482-рақамли қўллэзма.

⁵⁰ Ўз РФАШИ. 7673-рақамли қўллэзма.

маълумот бериши, айниқса, туркий тилда сўзлашувчи халқларни тасаввух таълимотининг нозик томонлари билан таништиришидир. Иккинчиси эса, асарнинг Навоий ўқиган, илҳомланган, унинг дунёқараши ва тафаккури кенгайишига бевосита таъсир этган шахс ва манбалар тӯғрисида гувоҳлик беришидир. Алишер Навоий диний-тасаввухий, ахлоқий, эстетик, бадиий тафаккури, бошқача қилиб айтганда, ижод лабораториясининг манбалар асосида тадқиқ этилиши бугунги кун навоийшунослигининг долзарб вазифаларидан саналади. Бу улкан ишда «Насойим ул-муҳабbat»нинг яқиндан кўмак бериши шубҳасизdir.

Марғуба МИРЗААҲМЕДОВА

«УРАРМАН ҚАДАМ ТОКИ БОРҒУНЧА ГОМ...»

Ўзбек адабиёти ва адабий тилининг асосчиси Алишер Навоий машҳур шоир ва адиб, адабиётшунос, тарихшунос ҳамда тилшунос олим бўлиши билан бирга йирик исломшунос, ўз даврида ислом равнақига катта ҳисса қўшган давлат арбоби ҳам эди. Унинг бутун ҳаёти ва фаолияти бунга ёрқин далиллар. Алишер Навоий XV асрда темурийлар сулоласининг сўнгги вакилларидан бири бўлмиш Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида яшаб ижод этди. Ҳусайн Бойқаро кўп жиҳатдан темурий ота-боболари йўлини тутган, уларнинг энг яхши анъаналарини давом эттирган, ўқимишли ва кенг тушунчали подшоҳ эди.

Темурийлар ҳукмронлик қилган қарийб бир ярим аср давомида барча ислом давлатларида бўлгани каби ислом — давлат бошқаришнинг бош нуқтаси эди.

Амир Темур дини ислом мавқеини баланд тутиб, унинг равнақига катта ҳисса қўшгани маълум*. Үндан сўнг шоҳлик тожини кийган Шоҳруҳ Мирзо, Бойсунқур Мирзо, Ӯлуғбек Мираолар ҳам боболари тутган йўлини пухта эгаллаган эдилар.

Навоий ёзади: «Ӯлуғбек мирзо — донишманд подшоҳ эрди. Қамолати бағоят кўп эрди. Етти қироат била Қуръони мажид ёдида эрди¹. «Ҳақиқат шуки, аввало у кишикиум (Ӯлуғбек) Қуръони каримнинг аксарият

* Темур тузуклари. Тошкент, 1991.

¹ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тӯплами (МАТ). 20 томлик, 13-том. («Мажолис ун-нағоис»). Тошкент, «Фан». 1997. 166-бет.

қисмини ёддан биладилар,—деб хабар беради Улугбекнинг устози Ғиёсiddин Жамжид,— тафсиirlарни ва мұфассиirlарнинг ҳар бир оят ҳақидағи сұзларини ақлида сақлайдылар ва ёддан биладилар... фиқхдан анча хабардорлар»².

Самарқандда йирик илмий марказ ташкил қылған, юлдузлар жадвалини түзган йирик олим Улугбек қатор масжид ва мадрасалар қурилишига ҳам үзи бош бўлган. Бу мадрасаларда ўз даврининг билимдон олимлари дарс берганлар. Навоий «Мажолис ун-нафонс» тазкирасининг темурийларга бағишиланган бобида Бобур Мирзо («дарвешваш ва фонийисифат ва карим ул-ахлоқ киши эрди... Тасаввуф рисолаларидин «Ламаъот» била «Гулшани роз»ға кўп машъуф эрди»), Кичик Мирзо («дарвешлиқларга мойил бўлуб, Макка зиёрати шарафиға мушарраф бўлди»), Фаридун Ҳусайн Мирзо («соат ва тақвийға мойил, зикр ва тиловатқа машғул йигитдир») кабилар ҳақида, уларнинг исломга муносабати тўғрисида маълумотлар келтирилган бўлса, Заҳириддин Бобур Умаршайх Мирзо («Ҳанафий мазҳаблиқ, покиза эътиқодлиқ киши эди, беш вақт намозни тарқ қилмас эрди, умрий қазоларини тамом қилиб эрди, аксар тиловат қилур эрди...»), Бойсунғур Мирзо («...чоғир ичмас маҳалда намоз ўтар эрди...»), Султон Маҳмуд Мирзо («...намозни тарқ қилмас эди...») кабилар ҳақида тўхтадали ва темурийлар хонадонидан чиққан шоҳ ва шаҳзодаларнинг дин илми асосларига риоя этганилкларини таъкидлайди.

Алишер Навоий темурийзодалар ичида Ҳусайн Бойқарони алоҳида таърифлаб, уни «аҳли дин ичра дин ливоси» (байроғи), «дарвешлик матлуб бўлган шоҳ», «шоҳи динпаноҳ», «подшоҳи ислом» каби шарафли номлар билан атайди, унинг даврида ислом ва ислом таълимоти кенг ривож топганини баён қиласди.

Заҳириддин Бобур эса, Султон Ҳусайн Мирзо «...намоз қила олмас ва рўза ҳам тутмас эди... Баъзи муоммалотда шаръни (ислом қонун-қоидаларини) бисъёр риоят (ҳурмат) қиласди... Ҳиридек ислом шаҳрининг подшоҳи эрди»³,—деб ёзган эди.

Ҳиротнинг «ислом шаҳри», Ҳусайн Бойқаронинг «ислом подшоҳи» бўлиб шуҳрат топишида Алишер Навоий хизматлари бекиёс эди.

² «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси. 19 март, 1993 йил.

³ Бобурнома. Тошкент., 1960. 222-бет.

Алишер Навоий Хурросон ва Мовароуннаҳрда ислом ҳар томонлама равнақ топган, ислом таълимоти асосий ва ҳоким мафкура бўлган даврда яшаб ижод этди. Шунга кўра у ислом кўрсатмалари руҳида тарбияланди.

Алишер Навоий «Лисон ут-тайр» достонида мактабда мутолаа қилган дастлабки китоби «Қаломуллоҳ» бўлгани ва уни такрор-такрор ўқиб ёд олгани ҳақида эслатиб ўтган.

Маълумки, ўтган асрларда мактаб дастурларида Қуръон сўзлари ва ҳадис китобларига алоҳида эътибор берилар, улар бола тарбияси ва шаклланишида фақат дарслик эмас, балки унинг камол топишида аниқ ва тўғри таълимотга йўналтирувчи ягона манба деб баҳоланар эди.

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарининг Шарафуддин Али Яздий зикрига бағишланган қисмида қўйидаги маълумотни келтиради: «Иттифоқо манзил аларнинг (Али Яздийнинг) хонақоҳи эшикида воқеъ эрдии... тахминан олти ёшимда бўлғай эрдим... Фақир алар (Яздий) сори борурга муваффақ бўлдум. Ҳарнеки сўрдилар, жавоб айтдим. Табассум қилиб, таҳсин қилдилар, дағи сўрдиларки:

Мактабга борубмусен?

Дедимким: — Борубмен.

Дедиларким:—не ергача ўқибсен?

Дедимки: — «Таборак» сурасиғача.

Дедиларким: бу жамоат атфолидин биз тилафонда сен келиб, биз била ошно бўлдунг, сенинг учун фотиҳа ўқули деб, ўз фотиҳаларига мушарраф қилдилар⁴.

Бу мулоқотдан қўриниб турибдики, Яздий Алишердан қайси китобни ўқиётганини эмас, модомики, у мактабга борар экан, ўз-ўзидан маълумки, у «алифбо»дан сўнг «Қуръони карим»дан намуналар, аниқроғи бошлангич мактаблар учун маҳсус кичик суралардан (Қуръоннинг охирги бобларидан) тузилган «Ҳафтияқ»ни назарда тутиб, иккиланмасдан, қаергача ўқиганини сўрайди.

Мавжуд маълумотларга кўра Навоий аввал Машҳад мадрасаларида, сўнг Ҳирот ва Самарқандда ўқиш ва ўрганишни давом эттириб, фаннинг турли соҳалари бўйича ўз билимини оширади, ақлий ва нақлий илмларни пухта ўзлаштиришга ҳаракат қиласди. Шу туфайли ўз

⁴ Алишер Навоий. МАТ. 13-том. 31-бет. Алишер Навоий улуғ кишилар фотиҳасига сазовор бўлишиликни ҳамма вақт алоҳида бир кўтариини кайфият, алоҳида бир ургу билан эслайди. Қаранг: «Насойим ул-муҳаббат». Алишер Навоий. МАТ. 17-том. 660, 676, 684, 729-раҳамли шайхлар.

даврининг машҳур кишилари диққатини ўзига жалб қиласди. Булардан бири Шайх Қамол Турбатий бўлиб, у қурбон ойи муносабати билан Имом Ризо равзаси зиёратига келган вақтида «бир буқъада ғариф ва хаста» ётган Алишер Навоий билан учрашади. Бир байт устидаги баҳсада ўзининг билими ва қобилиятини намойиш эта олган Алишер Навоий шайх таҳсина сазовор бўлади ва улар орасидаги «ошнолик тақриби» бир мунча вақт давом этади⁵.

Алишер Навоийнинг йирик шоир ва мутасаввуф Абдураҳмон Жомий билан учрашуви уларнинг ўзаро дўстлиги, ҳамфирклиги иккала буюк шахс ҳаёти ва фоалиятида ўчмас из қолдирган.

Ўз пири Саъдуддин Кошғарий мозори бошида уйжой қилиб олган Жомий «остони» ўша даврда «мақсад Қибласи ва мурод Каъбаси» қабилида зиёратгоҳга айланган эди. «Даврнинг аржумандлари (ҳурматли кишилари) ва аҳднинг сарбаландлари (даврнинг атоқли кишилари) ул Ҳазратнинг (Жомийнинг) олийшон остонига юз еткуурулар эрди. Сойир ниёзмандлар (мусофиirlар) ва оммаи бехешу пайвандлар (етиму есиirlар) ҳам кўзларин ул эшик туфроғидин ёрутурлар эрди»⁶.

Навоий биринчи бор шу «сойир ниёзмандлар ва оммаи бехешу пайвандлар зумрасида» Жомий билан кўришиш шарафига мусассар бўлади. Ҳондамир маълумотларига кўра Навоий «ёшлик ва йигитлик замонида доимо дарвешлар сұхбатининг талабгори эди, имкон борича бу олиймакон гуруҳга ихлос ва муридлик қиласди. Бир қанча вақт алоқа ипини узиб, табаррук жой бўлган «Работи Суҳайл»да турди. Халқ билан аралашишдан этак йигиштириб, файзли вақтларини ибодат ва риёзат аҳллари билан ўтказди. Ҳусусан, олийжаноб Махдумийга (Абдураҳмон Жомийга) яқин мулозаматда бўлиб, у киши ҳузурида дарвеш ва сўфиylарнинг китобларини ўқиши билан шуғулланар эди»⁷.

Алишер Навоий Абдураҳмон Жомийга атаб ёзган «Хамсат ул-мутаҳайирин» асарида Жомий ёрдамида, унинг маслаҳати билан ўқиган китоблари ва Жомий шарҳларини бирма-бир санағ үтади.

Навоий «Хамсат ул-мутаҳайирин» асари сўнгида Жомий ҳақида «гоҳи ғариф нималар алардин зоҳир бў-

⁵ Алишер Навоий. МАТ. 13-том. 40-бет.

⁶ Алишер Навоий. МАТ. 15-том. 14-бет.

⁷ Ҳондамир. «Макорим ул-ахлоқ». Тошкент. 1967. 63, 65-бетлар.

лур эрди»⁸,—деб, бир воқеани келтиради. Навоий гувоҳлик беришича, Жомий ва Навоий мусоҳибларидан бўлган Хожа Деҳдор бир кун* тушида Жомийни кўради: Жомий Деҳдорга қарата «Қуръон бихон!» дейди. Хожа Деҳдор бу тушни етти-саккиз йил ўтгач, Навоийга (мусоҳиб бўлгандан кейин) айтади. Навоий саъй-ҳаракатлари сабаб бўлиб, Деҳдор Қуръон ўқиб, уни ёд тутиб, моҳир ҳофиз бўлиб етишади. Қўп йиллар ўтгач, Хожа Деҳдор Жомий ва Навоийнинг ишончли кишиларидан бўлиб қолади. Бир муддат Навоий Хожа Деҳдорни баъзи муҳим ишлар билан Астрободга юборади. Астрободдан қайтишда Деҳдор кўнглида Жомийнинг уйига кириб, уни кўриб ўтиш майли туғилади. У юк ва молларини бир манзилда қолдириб, Жомий ҳузурига келади. Бу вақтда Жомий ўлим тўшагида ётган ва шу онда Қуръон тиловати зарур эди⁹. Шунда Деҳдор сўнгги марта уларнинг дийдорларини кўришга мушарраф бўлиб, Қуръон ўқишни бошлайди. Хатм тугаган ҳамон Жомийнинг жони узилади. Бу Қуръон тиловати Хожа Ҳофиз Деҳдорга буюргани унинг тушида зоҳир этилган ва бу, Навоий таъкидлашича, Жомийнинг авлиёларча кароматидан воқеъ бўлган.

Навоий дунёқарашининг шаклланишида машҳур олим, иирик қонуншунос ва арабшунос Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсийнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Самарқанднинг «аъзам ул-уламоси» ҳисобланган Фазлуллоҳ Абуллайсий Улуғбек мадрасаси мударриси бўлиб, унинг турли мавзудаги китобларга бой кутубхонаси ҳам мавжуд эди.

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис»да ёзади: Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий — Самарқанд акобиридиндир. Фақиҳ Абуллайс авлодидиндир. Фикҳда ани Абу Ҳанифан соний дерлар эрди ва арабиятда Ибн Ҳожиб каффасида тутарлар эрди¹⁰.

Алишер Навоий мана шу машҳур фиқҳ олимидан икки йил ислом таълимотидан сабақ олади, унинг хонақоси ҳужраларидан бирида истиқомат қиласи.

Хожа Фазлуллоҳ ҳам Навоий табъидаги ўткирликни мақтаб, бошқа талабалардан уни ортиқ кўрар, илтифотлар кўрсатиб, ҳатто «фарзанд» деб атар эди¹¹.

⁸ Ўша асар. 61-бет.

* Жомий «фавтлари воқеасидап ўттиз беш йил бурун».

⁹ Нисон умрининг сўнгги дақиқаларида унинг бошида Қуръон тиловат қилинади ва «Есин» сураси ўқилади. У Қуръоннинг 36-сураси бўлиб, «Қуръон»нинг «қадби» саналади.

¹⁰ Алишер Навоий. МАТ. 13-том. 33-бет.

¹¹ Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. 38-бет.

Алишер Навоий «Назм ул-жавоҳир» асарида фиқҳни ўрганиш зарурати ва аҳамияти ҳақида ёзар экан, албатта ўзининг фиқҳдан сабоқ олган даврларини эслаган бўлиши ҳақиқатдан йироқ эмас. У ёзади:

Қолғон киши касби илмдин заҳмат аро,
Фиқҳ ўргансун саъӣ ила ул меҳнат аро.
Илм ичра шараф фиқҳда бил нисбат аро —
Ким, сарвар эрур фақиҳ бу уммат аро¹².

Умматлар орасида сарвар ҳисобланган фақиҳнинг ўрни ва роли Навоий даврида анча юқори эди.

Ҳусайн Бойқаро Ҳирот тахтини эгаллаши ҳамоноқ, Алишер Навоийни маҳсус расмий хат орқали пойтахтга — ўз саройига чақиририб олди, дастлаб муҳрдор сўнг эса бош вазир этиб тайинлайди ва унга идора ишларида, ҳокимиятини мустаҳкамлаб олишда, мамлакат ва ҳалқ осойишталигини ўрнатишда энг ишончли кишиси деб қарайди. Навоий ҳам ниҳоятда ҳалоллик билан фақат ҳалқ ва давлат манфаатларини назарда тутиб, адолатли иш юритади. «Вақфия»да ёзганидек, «..ул ҳазрат (Ҳусайн Бойқаро)нинг қуллугини иртиқоб қилурда (буйругини бажаришда) ҳеч навъ ўз гараз ва маслаҳатим мутасаввар эрмас (назарда бўлмас) эрди, балки хос тенгрилик учун, дағи ўзининг муборак хотири учун, дағи мусулмонлар маслаҳати учун эрди»¹³. Бу даврда Навоий зулм ва талончиликка чек қўйишга ҳаракат қилиб, «фуқаро ва дарвешларнинг фаровонлиги, ғариф ва мусофиirlарнинг фарогати учун» тинмай қайгуради ва амалга ошаётган ишлари тенгри инояти билан бўлаётганини қайта-қайта таъкидлади.

Мусулмончилик тартиб-қоидаларига, ислом кўрсатмаларига эътиқодли бўлган Алишер Навоий уларга тўла амал қилгани шубҳасиз.

Хондамир «Макорим ул-ахлоқ» асарининг «Шариат арконларига риоя қилиш баёнида» деб номланган олтинчи бобида (мақсадида) Навоийнинг мусулмончиликда бажарилиши вожиб бўлган ислом таянчларини юқори кўтариб, мустаҳкамлашга умр бўйи жон-дили билан ҳаракат қилгани хусусида ишончли далиллар келтирган. Навоий ҳам исломнинг туб моҳияти ҳисобланган беш шартнинг мусулмончиликдаги аҳамиятини таъкидлаб, ўзи ҳақида қўйидагиларни ёзган эди: «Бу хамс ул-

¹² Алишер Навоий. МАТ. 15-том, 155-бет.

¹³ Алишер Навоий. МАТ, 14-том, 253-бет.

муборак панжасига илик урмогунча ҳеч иш натижадарын бермес:

Аввал — калиман тавхиддур¹⁴

Шукрким, они алифдек жоним орасида нақш этибмен.

Иккинчи — салавоти хамсадур¹⁵.

Биҳамдилоҳим, они найдек зеҳн аро сабт қилибмен.

Учинчи — рамазоннинг ўттиз куни(нинг) рўзасидир.

Шукруллоҳим, они ломдек қалбимда ёшурубмен.

Тўртунчи — закотдур.

Жоним нақди ул тенгрига закотким, кўнглумга насиби еткунча мол заҳира қилмағайман, солмади ва насиби етган мол закотин айирғунча илкимда қолмади.

Ҳақиқатан, Навоий шоҳ саройида катта мансабларда турғанида унинг ихтиёрида катта боғ-роғлар, экинзорлар, бутун бир қишлоқлар бўлган. Навоий булардан катта даромадлар олган¹⁶. Лекин, Навоийнинг ўзи таъкидлаганидек, тушган даромадидан ўзи учун оддий бир одамнинг тирикчилиги ўтмоғига етарли маблагни (ўз маошимға сойир авомдин бирининг маоши ўтгунча иссиқ-совуқ дағғи учун бир турма тўн даги бунга муносиб емакка қонеъ) гина олиб қолиб, қолганларини етимесир, фақиру фуқароларга, жамоат бинолари («бинойи

¹⁴ «Нўмон қалимаси» деб ҳам аталади. У Оллоҳининг ягоналиги ва Мұхаммадининг Оллоҳининг пайғамбари эквалигига шаҳодат берувчи — «ашҳаду аи-ла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду ани Мұхаммадан абдуҳу ва росулуҳу» қалимаси.

¹⁵ Беш вақт намоз ўқиши. Навоий намоз ўқишида мавжуд қонун-қўрсатмаларга қатъян амал қиласани ҳолда унда меъёр ва самимийлик бўлиши керак, — деган ғояни илгари сурар эди. «Мажолис ун-нағоғи»нинг Мавлоно Масъудга бағишланган қисмидаги маълумот келтирилган: «Бир кун фақир била намози пенини қилди. Намоз туғагандан сўнг яна икки ракъат қилди.Faқир айттимки, «Таҳвилдор (хазиначи) ҳисобин адо қилурда фозил (ортиқ) келтурмак хиёпат далиллайдур». Бу сўз шуҳрат тутти ва Мавлоно айтур эрмишким, икки ракъат ортуқси намоз қилдим, йилларким, анинг маломат ва гароматидин қутула олмон».

«Насойим ул-муҳаббат» асарининг кириш қисмидаги эса, ислом арконларидан бирин «салоти ҳамса» хусусида фикр юритилар экан, «ул навъки бу тоғфа (машойихлар) адо қилибдурлар, ақл қошида маҳол қўринур,—ул жумладин, шайх Ҳусайн Мансур Ҳаллождурки, ...салоти ҳамс адосидин бошқа бир кеча-кундузликда... минг ракъат пофилга гузарлар эди. Аларга қатл бўлғон куннинг кечаси беш юз адо қилиб эрдилар», деган маълумот келтирилган.

¹⁶ «Алишернинг бир куплик даромади ўп саккиз минг шоҳруҳий динор эди». «Тарихи Рашидий», 121-бет. Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. Тошкент. 1969. 285-бет.

хайр») қурилишига, қўшин яроғига, ҳатто шоҳ ҳазинаси¹⁷ ва шаҳзодаларга сарф этган. Шунинг учун Навоий қўлида закот берарлик даражада мол йиғилиб қолмagan.

Ислом таянчларидан охирги бешинчиси — ҳаж — муқаддас шаҳар Маккага бориш ва Муҳаммад қабрини зиёрат қилиш эдики, Алишер Навоий умрининг сўнгги кунларигача мусулмончиликнинг бу рукнини адо этиш, муборак сафарга мусассар бўлиш умидида эканлигин таъкидлайди. Ў ёзади: «Исломим шахси беш ҳисдин бирининг ўксуклиги жиҳатидин ноқис бўлмағай ва мусулмонлиғим панжаси бир бармоқ йўқлиғидин маълул қолмағай...»

Урарман қадам токи борғунча ғом
Ки, бўлғай мусассар манга ушбу ком.
Агар бўлса бу йўлда умрум талаф,
Чу бу йўлдадур ул ҳам эрур шараф.
Ва гар бўлсан ўз комима баҳраманд,
Зихи мулки жовиду баҳти баланд»¹⁸.

Бу хусусда Хондамир қўйидагиларни ёзади: «... у ҳазратда (Алишер Навоий) ўсиб-униш кунлари бошлинишдан то ҳаётининг охирги дамларигача бошида ислом ҳажини ўташ ҳаваси ва хотирида пайғамбар қабрини зиёрат қилиш фикри ўрин олган эди. Ҳар вақт имкони борича бу бобда ҳаракат қиласи эди»¹⁹.

Ўзининг бу мақсадини амалга ошириш учун Алишер Навоий бир неча бор шоҳга мурожаат этган, аммо ил-

¹⁷ «Алишербек... Мирзо (Хусайн Бойқаро)дин нима олмас, балки йилда мирзога куллий маблағлар пешкаш қилур эди» («Бобурнома», 233-бет).

¹⁸ «Вақфия»//МАТ. 14-том. 261—262-бетлар.

«Вақфия»даги бу шеърий мисралар Алишер Навоийнинг «Саййид Ҳасанга мактуби»дан олинган (МАТ. 3-жилд. 536-бет).

Мактуб сўнгига Навоий Хурросони тарж этиб, Самарқандга келганлигининг сабабларидан охирги — уччинчисини баён этар экан, ўз билимини камолга етказишни мағсад қилиб қўйганлигини ёзади. Бунда у, аввало, бир «муршиди комил» (етук шир) ва яна «мажзуబи солик» (фано йўлини туттган устоз) истаб юрганини, булар воситасида ирфонга эришишга аҳд қилганини ифодалаган.

Юқоридаги байтлар шу орзупи амалга оширишга ишонч ва интилиш ғоясини ўзида ажэ эттирган.

Ҳаж сафари ҳам Навоийнинг эзгу орзуларидан бўлгани учун шоир «Мактуб»дан шу иқтибосни келтириш билан ўз пиятини ифодалаган.

¹⁹ Навоий замондошлари хотирасида. Тошкент, 1985. 93-бет.

тимослари турли баҳоналар билан қондирилмаган эди.

Бунинг ҳам ўз сабаблари бор эди, албатта. Замондошларининг гувоҳлик беришига кўра, «ҳар гал ҳалқ ва мамлакат манфаатига bogлиқ bўlgan сабаблар kўrsatилиб, илтимос амалга ошмай, сафар tўxtatilар эди»²⁰.

Шунга қарамасдан, Алишер Навоий 904 йил (1498 й.) ражаб ойида муборак сафарга жўнашни қатъий репжалаштиради. Бу ҳақда тарихий манбалар ишончли маълумотлар берадилар. Чунончи, Мирхонд «Равзат ус-сафо» асарининг «Улуғ амир Алишернинг ҳаж нияти билан муқаддас Машҳад шаҳрига боргани ва ул ҳазратнинг (Навоийнинг) жўнаши ҳақида ҳоқони Мансурнинг (Ҳусайн Бойқаронинг) иноятнома юборгани», Хондамир «Ҳабиб ус-сияр» асарицинг «Султон Ҳазратлари яқин дўстининг ҳажга бориш нияти билан йўлга чиқиши ҳамда ўша кунларда юз берган баъзи воқеа ва ҳодисаларнинг зикри» ва «Макорим ул-ахлоқ» асарининг «Шарият арконларига риоя қилиш баёнида» боблари бу жиҳатдан аҳамиятлидир.

Уларда баён этилишича, Навоий мазкур йили ражаб ойининг ўн биррида ҳаж сафарини кўнглига тушиб, бир қатор олиму фозиллар, кўпгина мулозимлар билан Машҳад томонга йўналади ва рухсат сўраш учун Абдулҳай табиби бу вақтда Марвда бўлган шоҳ ҳузурига юборди Тезда Абдулҳай табиб шоҳ мактубини олиб, Машҳадга қайтади. Мактубда шоҳ ўз дўстининг ҳижрат қилиш ниятини маъқуллагани ҳолда, ҳозирда ҳаж йўли нотинчлиги, Ироқ ва Багдодда, Миср ва Шом чегараларида фитна ва ғавро бўлиб тургани, бунинг устига, сафар анча муддатга чўзилишини назарга олиб, учрашиш, хайрлашиш орзуси борлигини билдирган эди. Шу билан сафар кечикирилган эди. Ниҳоят, Ҳусайн Бойқаро 905 йил зулқаъданинг бошида Навоийнинг муборак сафарига рухсат бериб, расмий йўл қофозига имзо чекади. Самимият билан ёзилган бу фармонда: «Ҳажга юришда Навоий қайси жойга борса, уни зўр ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олиб кузатиш, хавфли манзилларда йўл кўрсатиб, тинч ва саломат бекатдан-бекатга ўтказиб қўйиш, бу ҳукм ижросидан ҳеч қайси амир, доруға, аъёну ашраф шаҳзодалари, умумхалқ чекинмасликлари» баён қилинган эди.

Ижозат берилгани маълум бўлганда ёзнинг иссиқ кунлари бошланган, бундай ҳаво ҳароратида чўллар-

²⁰ Кондамир. «Макорим ул-ахлоқ». 83-бет.

да юриш анча мاشаққатли кечинини назарда тутиб, сафар сумбула (сентябрь) ойигача кечиктирилди ва бу аснода тайёргарлик кўриш — сафар асбоб-анжомларини ҳозирлаш, ҳамроҳларни тайин этиш билан машғул бўлишга келишилади.

906 йилнинг муҳарррам ойида сафар тараддулари ниҳоясига етиб, жўнаш куни белгиланганди. Ҳиротнинг шайх ул-машойхлари, уламою аҳли иршоддан бир гурӯҳи, аъёну ашраф, раису катталари жамъ бўлишиб Навоий ҳузурига келадилар ва шу кунларда Хурросон ўлкасининг тинчлиги ва инсонлар ҳаётининг осойиштаги учун Навоийнинг Ҳиротда бўлиши жуда зарурлиги, йўллар ниҳоятда нотинчлигини, шариат юзасидан шундай вақтларда ҳаж вожиб эмаслигини билдириб, яна бир мартаба сафар ниятидан қайтиш ва хайрли иш савоби етмиш пиёда ҳаждан ортиқ эканлигига кафолат берадилар.

«Муншат»даги қўйидаги битик Алишер Навоий томонидан шу вақтларда ёзилган бўлса ажаб эмас: «Каъба... хокбўслиғиға (тупроғини ўпишга) эҳром боғланиб (Қаъбага боргандা кийиладиган маҳсус кийим, оқ ёпин-ғич), яқин етишилди, аммо —

Рубои я:

Ҳар неча юзунг ҳаёлин этсам тасвир,
Наққоши қазо борига берди тағиیر.
Мен васл умидига кўп эттим таъбир,
Тадбир не суд, гар эмасдур тақдир»²¹.

Хондамирнинг хабар беришига кўра, гарчи Алишер Навоий Маккаю Мадинани зиёрат қилиш шарафига эришолмаган бўлса-да, қанчадан-қанча кишиларни утмонга йўллаб, ҳаж қилиш учун имкониятлар яратиб берган. Шунчалар кўп хайрли ишларни амалга оширганки, улар бир эмас, ўн ҳаж ўрнини ўтаган. Хондамир ёзишича, Алишер Навоий «худога, пайғамбарга ва буйруқ эгаларига итоат қилинг» ва «бир соатлик адолат олтмиш йиллик ибодатдан афзал» сўзларига доимо амал қилган. Шу боис у карам ва саховат йўлини тутиб, Ҳирот ва унинг атрофидаги аҳолига юз минг динор ҳажмида солиқ солинганида бу маблағнинг бир қисмини ўз хусусий пулидан тўлаб, халқни ўринсиз солиқдан озод этган эди.

906 йилнинг шаъбон ойи ўрталаридан бошлаб, Алишер Навоий анчадан бўён кўнглига туғиб қўйган Ҳожа

²¹ Алишер Навоий. МАТ. 163-бет.

Абдуллоҳ Ансорий²² мозорини тиклаш ва ободонлаштириш ишини бошлайди. Аввал унинг остонасида катта йиғин ўтказиб, шаҳар улуғларидан фотиҳа олади. Навоийнинг саъӣ-ҳаракатлари туфайли ҳиротликларнинг зиёратгоҳи—Ансорий мозори жаннатмакон боғга айлантирилади, катта хонақоҳ қурилиб, у ердаги дарвешу мужовирлар (турғун бўлиб қолганлар) рутбаси (мартабаси) зиёда қилинади. «Ихлосия» мадрасасида таҳсил олган. Шамсуддин Муҳаммад Ансорий хонақоҳга мударрис этиб тайинланади, бир неча хушовоз ҳофиз Қуръон тиловати учун белгиланади, яна бир муаззин ҳам жалб этилади. Хосу ом учун ҳамма вақт турли таомлар тайёрланади.

Қисқаси, дин илми асосларини пухта ўзлаштирган Алишер Навоий ўз шахси мисолида ислом рукнлари ва ақидаларини дилдан, чин иймон ва эътиқод билан бажарди. Ислом кўрсатмаларига биноан ҳалқ ва мамлакат учун қайғурди. Алишер Навоий расмий лавозимда бўлганда ҳам, ундан бўшагандан сўнг ҳам катта ижод билан шуғулланиш қаторида фуқаро ва дарвешлар фаронвонлиги ва ислом равнақини кўзлаб, бир қатор «бинойи хайрия»лар бунёд этди. Бу биноларнинг кўпчилиги масжид, мадраса, хонақоҳлардан иборат эди. Навоийнинг бу соҳада амалга оширган ишларидан дастлабкиси Султон Ҳусайн Мирзо ҳукмронлигининг бошларида Мурғаний (баъзи манбаларда Мурғон, Марғани) боғидаги қурилишларидир. Бу ер 1476 йилда Навоийга Султон Ҳусайн томонидан инъом этилган эди. Сатҳи 30 жеридан бўлган (ҳозирги ҳисобда 1,2 га ёки 12 кв.км — бир жериб 400 кв.м.) ва Ҳиротнинг энг гўзал манзилига жойлашган бу боғ тоғ томондан келадиган Наврузий ва

²² Ҳазрати Ҳожа Абдуллоҳ Ансорий (1006—1089 й.) Ҳиротда яшаган йирик шайх ул-ислом, сўфий шоир. «Табақоти машойихи сўфия», «Насиҳатнома», «Сирлар китоби», «Илоҳийнома» каби асарлар муаллифи. Навоий унинг «Илоҳийнома» асарини «Муножот рисоласи» деб атайди ва «ул рисоланинг аввал саҳифасин очиб, хугбасин ўқимоқ бунёд қилдим, бу хаёл билаким, бир саҳифа ё гояташ бир варақ ўқулгай... Сўзнинг хўблуг ва равонлиғидин ҳеч ерда бас қила олмадим, то рисолаким, икки жузвидин ортуғроқ эди — итмомга етди», — деб ёзади. Навоийга маълум бўлишича Абдураҳмон Жомий ҳам бу асарни бир қўлга олганда ўқиб тутгатган экан.

Жомий «Нафаҳот ул-унс» асарини яратишда Ансорийнинг «Табақоти машойихи сўфия» китобидан («асҳоби тариқат ва ароби ҳақиқат зикри»дан) кенг фойдаланган. Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да «шайхул-ислом дебдурки...» деб келтирган барча иқтибослар Ансорийнинг мазкур асаридан олингандигини таъкидлайди. «Маҳбуб ул-қулуబ»нинг «шайх ул-ислом зикрида» эса Ансорийни «Мусулмонлар пешвоси», «ислом мұқтадоси» деб таърифлайди.

шаҳардан оқадиган Инжил ариқлари ўрталиғида бўлиб, табиати жуда гўзал эди. Навоий бу ерга ўзи учун ҳавлижой («Унсия») қилиб олишдан ташқари, ғоятда зийнатли («Ихлосия») мадраса ҳам бино қилди, ёнига масжид қурдирди. Хондамирнинг гувоҳлик беришига кўра Навоий «жума намозини ва бошқа намозларни жамоат билан ўташ мақсадида махсус, юқорида зикр этилган масжидни қурдирган ва замоннинг атоқли қориларидан Хожа Ҳофиз Муҳаммад Султоншоҳни имом тайинлаб, ўзи у ерда беш вақт намозга ҳозир бўлар^{*} ва эшикдаги мулозимларни ҳам намоз адосига тарғиб қилиш учун бир муҳтасиб белгилаган эди²³.

Мурғаний боги жануби фарбидаги бу мадраса узоқ даврлардан бошланиб, қурилиб битмаган ва йиллар сари нураб бораётган бир катта бино асосида юзага келган эди. Навоий «Қалисо монанд» бу бинони тамоман қайта бузиб, унинг ўрнида масжид ва мадрасани буён этади. Мадраса тўрига катта гумбаз ясалиб, унга «Дор улхуффоз» деб ном берилади. Унда Қуръоннинг сура ва оятлари ўқилар, икки мударрис — бири «фиқҳ усули ва фуруъий (ислом таълимоти қоидалари ва шарҳлари), иккинчиси ҳадис фуръий ва усули (пайғамбар сўзлари ва шарҳлари)»дан дарс бериши тайин қилинган эди.

«Ихлосия» мадрасаси қаршисида «Халосия» хонақоси қад кўтарган бўлиб, шайх ва дарвешлар учун у қишининг совуғи, ёзниг иссиғида ётоқхона, емакхона ва ибодатхона ўрнига ўтган. Бу ерда «ҳар куни фуқаро ва масокинга таом бергайлар, ҳар йил эҳтиёж аҳлига кийгулик еткургайлар». Шунингдек, «ул хонақоҳ била гумбазда жумъя намози қилғайлар, шояд ул жамоат ҳар навъномасмуъ (номақбул) узр била ул давлатдин (савобдин) маҳрум қолмағайлар»²⁴.

Шуни алоҳида таъкидламоқ жойизки, бу қурилишларга ишлатилган барча сарф-харажатлар Алишер Навоийнинг шахсий жамғармасидан қопланар, бунинг устига, яна бино қурилиши тугагач, катта ош тортиш маросимлари, йигинлар ўтказилар, уларда мўл-кўк ошсувлар билан бир қаторда, ҳозир бўлган амиру умаролар, шайху уламолар, имому воиз, қорилар, уста ва имораишчиларига турли совға-саломлар, кийим-бошлар инъом

* Хондамирнинг бирида «Жамоат намозининг савоби ёлгиз ўқилган намоз савобидан 25 баробар ортиқ» дейилган (Минг бир ҳадис. 523), «Беш вақт намозни жамоат билан адо этиш баҳтиёрлик аломати» дейилган (Муҳаммад а.с. васиятлари, 6-бет).

²³ Хондамир. Макорим ул-ахлоқ, 69-бет.

²⁴ Алишер Навоий. МАТ. 14-том. 259-бет.

этилар эди. Буларнинг ҳаммасини Алишер Навоий тенгри йўлига бағишилар эди.

Хондамир ўзининг «Холосат ул-ахбор» ва «Макорим ул-ахлоқ» асарларида Навоий ташаббуси билан унинг маблағига қурилган ва ислом равнақига хизмат қилувчи ўнлаб масжид ва мадрасалар, хонақоҳ ва работлар, турли хайрли иморатлар (беморхона, ҳаммом, кўнирк, ариқ чиқариш, ҳовуз каби)ни таърифлаб ва бирма-бир, номма-ном санаб ўтган²⁵.

Алишер Навоий мадрасалар қурилишига ҳам алоҳида аҳамият берган. Инжил ариги бўйида қурилган катта меъморий мажмуани — «Ихлосия» мадрасасини барпо этишдан бошлаган Навоий кейинчалик Хиротда «Низомия», «Фиёсия», Марвда «Хусравия» каби йирик ўқув даргоҳлари қурилишига ҳам мутасаддий бўлган.

Тарихий манбаларнинг хабар беришига кўра бу маърасаларда билим олиш учун зарур барча шароитлар муҳайёё бўлган.

Хурсон ва Мовароуннаҳрнинг турли ўлкаларидан келган минглаб талабалар бу мадрасалarda ўқиб, етук олим узуннинг фозиллардан ақлий ва нақлий илмлардан сабоқ олганлар. Улар — зуҳду тақво аҳлиниң сараси Қози Низомуддин Мұхаммад, дин ва ҳадис илмларини пухта билган Жамолуддин Атоуллаҳ, тасаввуф илмида машҳур Мир Камолуддин Ҳусайн, фиқҳ ва илоҳиётдан сабоқ берувчи Амир Ихтиёруддин Ҳасан, зуҳду ибодат, дини диёнатдан ваъз айтuvчи Мавлоно Муъинуддин Вонз, тангри каломи ва тафсири ва пайғамбар ҳадислари таърифи билан шуғулланувчи Мавлоно Қамолуддин Ҳусайн Вонз²⁶, ислом машойихларидан бири Фасиҳуддин Мұхаммағ Низомий кабилар Навоийнинг лутфу марҳаматларидан баҳраманд бўлиб, талабаларга илм ўргатганлар.

Алишер Навоий масжид, мадраса ва хонақоҳлар харжатини ҳам ўз ҳисобидан тайинлар эди. Шунингдек, мадраса ва хонақоҳда истиқомат қилувчи талаба, фақиҳ ва бечораларга кундалик озиқ-овқат, кийим-кечак етка зиб берилар, мударрислар таъминоти ҳам Навоий томо-

²⁵ 1967 йилда Қобулда чоп этилган «Амир Алишер Навоий — Фоний» китобида (нашрга тайёрловчи Мұхаммад Яъқуб Воҳидий Жуэжоний) афғон олими Фикрий Салжуқий Ҳиравийнинг «Амир Алишер ҳаёти ва ижоди» мақоласи келтирилган. Унда Навоий қурилишларига ҳам (Хондамир ва «Вақфия» маълумотлари асосида) батағсил тўхтаган. 43—51-бетлар.

²⁶ Навоий «Мажолис ун-иафоис»да Ҳусайн Вонз Қошифийнинг «Қуръони карим» тафсири ҳақида тўхталниб, «албақара» (286 оятни 2-сура) сурасин бир мужаллад (жилд) битибдурким, мунсифи қатъ била (инсоған айтганда) юз жуз бўлғай», — дейди.

ни тан амалга оширилар эди. Хондамирнинг ёзишича, фақат «Халосия» хонақоҳидагина муҳтожларга ҳар йили икки мингга яқин пўстин, чакмон, кўйлак-иштон, тақия ва кафш улашилар, ҳар куни мингдан ортиқ занфа ва мискинлар зиёфат қилиниб, лазиз таомлар билан тўйдирилар эди²⁷.

Алишер Навоий «Вақфия» асарида ўз ташаббуси ва ҳаракати билан қурдирган жамоат бинолари, улардаги мударрис, талаба, шайх, воиз, имом ва бошқа ходимларни таъминлаш тартибларини белгилаб чиққан. Навоий тайин этилган вазифа ва маошларни санаб ўтар экан, мадраса мударрисидан тортиб фаррошгача, ҳатто бинолар ва яшаш учун зарур бўлган сарф-харажатларгacha ҳисоб-китоб қилиб, уларга пул ажратади. «Вақфия» да келтиришича, ҳар бир мударриснинг йиллик иш ҳақи бир минг икки юз олтин нақд, йигирма тўрт юк ошлиғ (бундан учдан бири арпа, қолгани буғдой) қилиб белгилага. Талабалар уч тоифага ажратилиб, аълочи ўқувчилар ойига йигирма тўрт олтин, йилига беш юк буғдой, ўрта ўқийдиганлар ойига ўн олти олтин, йилига тўрт юн буғдой, паст ўзлаштирадиганларга ойига ўн икки олтин, йилига уч юк буғдой олишлари тайин этилган. Асарда ҳофизлар, воизлар, хонақоҳ ошпази, табақчи, фаррош вазифасидагиларга ҳам эҳтиёжига кўра маош ва ошлиқлар белгиланган. Бу ҳисобдан мутаввали, вақфларни текширувчи ва йиғувчилар ҳам четда қолмаган. Алишер Навоий бу асарида жамоат жойларини зарур анжомлар билан, эҳтиёжмандларни кийим-кечак билан таъминлаш чораларини ҳам баён этган. Масалан, мутаввали (мадраса ва масжид кирим-чиқимларини бошқарувчи) ҳар йили юз пўстин, юз жул тўн, юз бўрк, юз кафш, юз қўйлак, юз иштон сотиб олиб, ҳар қайсисини икки мударрис билан бирга муҳтожларга эҳтиёжига қараб улашади.

Ҳар йили хонақоҳ ва гумбаз, мадраса ва масжид ҳамда қорилар уйига тўшамоқ учун кийиз билан бўрё, хонақоҳ ва ошхоналар учун дастурхон, идиш-товоқ, қозон, пиёла, қошиқ каби зарур буюмлар ва хонақоҳ, даҳлезларда ёқиладиган чироққа сарфлаш учун тўрт юз олтин ажратилган. «Вақфия»да келтирилган бу маълумотлар шундан далолат берадики, Алишер Навоий мадрасас аҳли ва талабаларнинг ишлаш ва ўқишлари учун етарли шароит яратиб берган. Бунинг натижаси ўлароқ, Хирот шаҳри йирик маҳаний марказга айланниб, турли ўлка ва вилоятлардан келиб, таҳсили илм қилганилар сони ортаборган.

²⁷ «Макорим ул-ахлоқ». 66-бет.

«Хулосат ул-ахбор» ва «Мажолис ун-нафоис»да келтирилган маълумотларга диққат қилинса, фаннинг турли соҳалари ривож топишида Алишер Навоий хизматлари алоҳида эканлиги намоён бўлади. Хондамир «Хулосат ул-ахбор»да Алишер Навоийнинг лутфу марҳаматидан баҳраманд бўлган, яъни Навоий мадрасалари таъқиб билим олган ва ўзларини унинг дуогўйлари ҳисоблаб юрган элликдан ортиқ мусулмон акобирлари, буюк олимлар ва машҳур фазл әгалари таърифига алоҳида боб ажратади²⁸.

«Мажолис ун-нафоис» тазкирасида Навоий шеър аҳли жумласидан бўлган бир қатор ижодкорлар номини келтирадики, улардан бири — Мавлоно Шихоб «Каломуллоҳ» оятини бот топар учун таъвин²⁹ қилибдурким, уламо ва қурро (қорилар) таажжуб ва ҳайрат юзидин таҳсин қилурлар» ёки Ҳофиз Жалолуддин Маҳмуд — «Ихлосия» хонақоҳининг шайхидур ва «Қудсия» масжиди жомеъининг хатиб ва имоми ва яхши меҳробхон ҳофиздур³⁰.

Алишер Навоий фақир ва муҳтож кишиларга ёрдамини ҳеч қачон аяmas эди. Бу ёрдам айниқса, рўза ойинда, қурбон ҳайитида муттасил, катта миқдорда берилар эди. Навоий «Вақфия» асарида бу жараённи деярли қонунлаштириб қўйган эди. У ёзади: «рўза ойида ҳар кеча ўн беш ботмон буғдой, беш ботмон узум шарбати ёки ўттиз табоқ майиз шарбати ва эҳтиёжига кўра бошқа масаллиқлар: рўза ҳайитида юз ботмон нон, эллик ботмон ҳалво: қурбон ҳайитида биринчи кун битта қора мол, бешта қўй сўйиб, мадраса ва хонақоҳ фуқаросига, сойиру мискинларга улашгайлар.

Иккинчи кун йигирма ботмон гўшт билан йигирма ботмон буғдойни ҳалим қилиб, эллик ботмон нон билан тақсимлагайлар.

Рабиул-аввал ойининг ўн иккисидаким, оллоҳ элчisi (Муҳаммад пайғамбар) хатмидир, беш қўй масолиҳи била ош пишуруб, эллик ботмон нон била йигирма ботмон ҳалво тортқайлар.

Ражаб ойининг ўртаси — истифтоҳ куни (мактаб, мадрасаларда дарс бошланадиган кун) йигирма ботмон ҳалво, эллик ботмон нон;

²⁸ Навоий замондошлари хотириасида. 55—79-бетлар.

²⁹ тадвін — бу ерда «қўрсаткич» маъносида. У Қуръон оятларини осон топиш йўлини кашф этган, яъни оятларга калит-жадвал-қўрсаткич тузган.

³⁰ «Мажолис ун-нафоис», 13-жилд. 128—129-бетлар.

Шабон ойининг ўртасидаким, барот (байрам) бўлғай, ўғтиз ботмон чалпак, йигирма ботмон ҳалво;

Қишининг тўрт ойидаким, қавс ва жадй ва далв ва ҳут, ҳар куни юз дона нон — йигирма ботмон ва уч тангалик, гўшт; агар гўшт топилмаса, гўжа пишириб фуқарога бергайлар. Қолган саккиз ойда ҳар куни йигирма ботмон нон фуқарога улашгайлар»³¹.

Булардан ташқари Алишер Навоий рамазон ойида (рўза ойи) инъом-эҳсонларини халқдан дариф тутмас эди. Хондамирнинг маълумотларига кўра, «Рамазон ойида олиймакон амир (Алишер Навоий) хайрот ва садақанинг миқдорини имкон борича оширишга ҳаракат қиласа эди. Одатий шилонда бир неча бош қўй ва унга лойиқ масаллиқ ишлатилар эди. Ҳар кечаси улуғ саййидлар, замон олимлари, олий мартабали амирлар ва баланд даражали садрлардан кўнгина киши Амир ҳузурида ифтор қилишарди. Ул ҳазрат мөхмомнларни риоя қилиб, овқатни ўзлари тортарди. Шундан кейин сахий қўлинин таом ейишга узатар эди.

Мажолисда жой тополмай қолган кишиларни ташқарида туриб зиёфат қилиш учун бир қанча кишиларни белгилааб қўяр ва уларга ўз ҳузуридан ҳисса чиқарар эди. Узоқ ва яқиндан келган фозил ва шоирлар, фақир ва заифлар, етим ва есиirlар кўнглини инъом ва тўнлар билан кўтарар эди. Ҳамма табақадаги кишилар (хосуом) ни ўзининг поёнсиз инъом ва эҳсон емишидан узлуксиз баҳраманд қиласа эди³².

Бугина эмас, Алишер Навоий ҳатто «отда кетаётган вақтлари таҳамму муроҷа мумкин бўлсин учун ҳар вақт катта миқдордаги маблағни ишончли мулозимларидан бериға бериб қўяр эди», — деб ёзган Хондамир ишонч билан шуни маълум қиласиди, «хеч қачон ул ҳазратнинг (Навоийнинг) хазинасида йил давомида закот бериш возможиб бўларли миқдор ёнага маблағ тўпланиб турмасди, улар тездан кишиларга инъом бериш ёки хайрли бинолар барпо қилишга сарфланар эди.

Бу маълумотлардан аниқ бўладики, Алишер Навоий ислом таянчларидан бўлган закот адосини катта саъй-ҳаракатлар билан амалга оширган, ўз эҳсону саховати билан мўмин-мусулмонлар ҳожатини чиқарган.

³¹ Алишер Навоий. МАТ. 14-том. 268-бет.

³² Макорим ул-ахлоқ. 74-бет. Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қуслуб» асарида эҳсон (9-танбех), сахнйлик ва ҳиммат (11-танбех) бобида алоҳида тўхталган ва уларга таъриф берган. Алишер Навоий. МАТ. 14-том: 77, 79-бетлар.

Алишер Навоий бўлиб кетган машҳур шайх ва олимлар қабрини зиёратгоҳга айлантириб, улар сармозори қошида хонақоҳлар қурдирган. Булардан Мұхаммад Тоболғоний сармозоридаги «Жамоатхона» хонақоҳи, Фариуддин Аттор, Абдураҳмон Жомий, Абдуллоҳ Анзорий ва айниқса Имом Ризо равзасида қурилган «Дор ул-хуффоз» алоҳида эътибор билан бунёд этилган.

Маълумотларга кўра Ҳиротнинг энг катта «Масжиди жомеъ»ида, Гозургоҳ таги Абдуллоҳ Анзорий меъморий қурилмаларида Навоий бунёдкорлиги ўз ифодасини топган.

Бугина эмас, Алишер Навоий бадиий ижодда ҳам дин илми асосларига алоҳида эътибор бераб, ислом арконларини, унинг қонун-қоида ва қўрсатмаларини у ёки бу йўсинда ифодалаш билан бирга пайғамбарлар, йирик дин арбоблари — сўфий ва машойихлар ҳаёти ва уларнинг яаш тарзлари хусусида маълумот берувчи асарлари билан ҳам ислом равнақига катта хизмат қилди.

Навоий исломшунос сифатида шариат аҳкомлари, тенгри сифатлари, ислом арконлари ва ақидалари хусусида «Сирож ул-муслимин» рисоласини яратган. «Ҳайрат ул-аброр»нинг «Иймон шархи» (аввалги мақолат) ва «Ислом боби» (иккинчи мақолат)да, «Ситтай заруря» қасидаларида ва «Насойим ул-муҳаббат» асарининг кириш қисмида мазкур масалаларга алоҳида ўрин ажратган.

Оллоҳ ва Мұхаммад алайҳиссаломнинг қўрсатма ва ўғитлари, мусулмончилик тузуклари, пок иймон ва эътиқодга даъват этиш «Куръони карим» ва пайғамбар ҳадисларининг асосини ташкил этади. Навоий шу муқаддас китобларда олға сурилган илоҳий фикр ва мулоҳазалардан унумли фойдаланди. Қуръон оятлари ва пайғамбар ҳадислари шоир шеърияти ва достонларида истифода этилган. Навоий муқаддас китоблардаги қўрсатмалардан ўз гоявий-бадиий, ахлоқий-фалсафий мақсадлари учун фойдаланиб, уларни маҳсус рисолалари учун манбаъ сифатида қабул қилди.

Демак, Навоий муқаддас китоблардағи оламшумул фикрлардан ўз бадиий асарларида баракали истифода этиб, ислом таълимотининг оммалашишига, равнақ тошишига ўзининг бекёёс улушини қўшган. Дин илми асослари Навоий асарларининг бадиий-фалсафий жиҳатдан баркамоллигини таъминлаган.

МУНДАРИЖА

Институтдан.	3
И. Ҳаққул. Тасаввуф ва Навоий шеърияти ҳақида	4
Н. Комилов. Тафаккур тухфалари	16
А. Ҳайитметов. «Хайрат ул-аброр»да услуб раиг-байраглиги.	27
Е. Исақов. Навоий лирикаси ва яиги давр поэтикаси.	46
С. Фаниева. Алишер Навоий ва ижодкор темурий шаҳзодалар.	66
А. Кяюмов. «Садди Искандарий» достоининг сарлавҳалари.	84
А. Абдугуворов. «Хазоийн ул-маоний»дан четда қолган ғазаллар	104
Э. Очилов. Комилликнинг икки йўли	123
Н. Бозорова. Қўнгил тимсоли ва тасвир санъати	144
Н. Рамазонов. «Насойим»нинг ўзига хос хусусиятларига доир	157
М. Мирза аҳмедова. «Үурман қадам токи боргунча гом...»	182

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Илмий кенгашин томонидан нашрга тавсия этилган.

Муҳаррир: *М. Содиқова*
Техмуҳаррир: *Л. Тюрина*

Теришга берилди 13.07.2001. Босишига рухсат этилди 19.07.2001:
Қозоғ бичими $84 \times 108^{1/2}$. Адабий гарнитура. Юқори босма; Ёзма
қозози. Шартли босма т. 10,50. Хисоб-нашриёт т. 11,0. 1000 нусха.
Буюртма 103. Қелишилган нархда.

ЎзР ФА «Фан» нашриёти. 700047. Тошкент, акад: Яҳё Ғуломов кў-
часи, 70.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент
китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси,
Муродов кўчаси, 1-йй.